



ШУХРАТ
Самла

ШУХРАТ
Соҳла

Тошкент
«Akademnashr»
2023

УЎК: 821.512.133.09(092)

КВК: 83.3(5Ў)

Ш 97 Шуҳрат домла [Матн] / тўплаб, нашрга тайёрловчилар Б. Холиқов, И. Исмоилов, О. Тожибоева, С. Умаров, А. Насриддинов .- Тошкент: "Akademnashr", 2023. - 320 б.

ISBN 978-9943-8959-1-1

УЎК: 821.512.133.09(092)

КВК: 83.3(5Ў)

Масъул муҳаррир:

Нурбой Жабборов,

филология фанлари доктори, профессор

Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:

Баҳодир Холиқов, Илёс Исмоилов, Озода Тожибоева,

Сардорбек Умаров, Абдуғани Насриддинов

Ушбу тўплам таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддинов таваллудига 60 йил тўлиши муносабати билан ёзилган мақола ва табриклардан тузилди. Унда хориж ва юртимиздаги олимлар, зиёлилар ҳамда олимнинг шоғирдлари томонидан олимнинг ибратли шахсий фазилатлари, илмий-ижодий, педагогик фаолиятига доир билдирилган эътирофлар, таҳлилий мақолалар ўрин олган. Ҳаёти ва фаолиятига оид энг муҳим саналар, илмий тадқиқотлари библиографияси, устоз-шоғирдлик ишлари рўйхати ҳам ҳавола қилинган.

ISBN 978-9943-8959-1-1

«Шуҳрат домла»

© «Akademnashr» 2023

ШУҲРАТ
СИРОЖИДДИНОВ
60 ёшда

*Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт,
Камол ар касб этарсан, бемалол эт.*

(Алишер Навоий)

І. ЗАМОНДОШЛАР ЭЪТИРОФИ

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

МАЪРИФАТ ЁҒДУСИ

Илм йўли осон эмас. Бу йўлнинг нўши бир бўлса, ниши минг, роҳати бир бўлса, ташвиши минг. Қўлёзма манбалар устида илмий изланиш олиб бориш, айниқса, мураккаб. Фаннинг ушбу соҳасида муайян ютуққа эришмоқ учун катта билим ва тажрибадан ташқари сабот ва матонат ҳам зарур. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлнинг садоқатли йўлчиларидан бири навоийшунос ва матншунос олим, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддиновдир. Уни таниганимга ўттиз йилдан ошди. Илмда, раҳбарлик фаолиятида эришган ҳар бир ютуғига гувоҳман. «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографияси нашр этилганда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида тақризим эълон қилинган. Монография давлат мукофотига тавсия этилганда эксперт ташкилот вакили сифатида фикр билдирганмиз. Биринчи даражали давлат мукофотига муносиб қўрилганда ҳамкасбимизнинг ютуғидан қалбимизда қуёш порлаган. Ўзбекистон Миллий университетига ўқув ишлари бўйича биринчи проректор, кейин ректор этиб тайинланганда илмий-педагогик ва раҳбарлик салоҳияти ҳақида нутқ сўзлаганман. «Маърифат надир» сарлавҳали китобим нашр этилганда энг теран таҳлилга асосланган тақризни Шухрат Сирожиддинов ёзган. Бу сўзларни айтишдан мурод ана шу катта олим ва салоҳиятли раҳбар билан дўстлигимиз илдизлари нечоғлик чуқур ва мустаҳкам эканини таъкидлаш, уни қанчалик яқиндан билишимга урғу беришдир.

Шухрат Сирожиддинов, биринчи навбатда, матншунос ва навоийшунос олим. 1991 йили академик Ботир Валихўжаев илмий раҳбарлигида «XIX аср Каттақўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари» мавзуидаги номзодлик диссертациясини

ҳимоя қилгач, олдига катта мақсадлар қўйди. Бирламчи манбалар асосида ҳазрат Алишер Навоий илмий биографиясини тиклаш билан боғлиқ бу мақсад илмий изланишларини муттасил давом эттиришини тақозо қилди. Бу кўп сонли, турли даврларда кўчирилган қўлёзма манбаларни қиёсий ўрганиш, улардаги тафовутли маълумотларни чоғиштириш, мавзуга доир тадқиқотларда билдирилган илмий қарашлар билан муқоясали таҳлилни ўз ичига оладиган заҳматли жараён эди. Дунё фондларидаги кўплаб қўлёзма манбаларни қиёсий-текстологик жиҳатдан синчиклаб таҳлил этиш натижасида олим 1998 йил июнь ойида «Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс манбалари» мавзуидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шухрат Сирожиддиновнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографияси ана шу диссертацион тадқиқот натижаларини ўзида мужассам этган.

Маълумки, ўзбек манбашунослиги ва матншунослиги бугунги кунгача катта илмий тажриба тўплади, муайян назарий ва амалий ютуқларни қўлга киритди. Навоийшунослик мисолида эришилган натижалар, айниқса, эътиборга молик. Буюк мутафаккирнинг «Хазойин ул-маоний», «Хамса» ва бошқа асарлари илмий-танқидий матнини тузиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида уларнинг муаллиф варианты, бунинг имкони бўлмаганда эса шунга яқин матнлари тикланди. Ана шундай заҳматли меҳнат самараси ўлароқ улуғ шоир асарларининг академик нашрлари юзага келди. Ҳазрат Навоий ҳаётига оид манбалар: Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-сияр», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоъ» ва бошқа асарларнинг таржима ва табдил қилиниб, нашр этилиши бу борадаги ишлар қўламини нечоғлиқ самарали бўлганини кўрсатади. Энди манбашунослик олдида мазкур манбаларни тадқиқ этиш асосида буюк бобокалонимиз ҳаётига доир фактларни қиёсий асосда танқидий ўрганиш; асл маълумотлар билан орада пайдо бўлган тафовутларнинг моҳияти ва генезисини аниқлаш; ҳақиқат ва тўқималарни илмий баҳолаш; Навоий биобиблиографиясини тиклаш йўлида янги манба ва маълумотларни илмий

муомалага олиб кириш каби долзарб вазифалар турар эди. Табиийки, бу узок муддат давомида кўплаб қўлёмалар чангини ютиб, уларни ўзаро қиёслаш машаққатидан ташқари чўнг матонатни, чуқур илмий тафаккурни, юқори даражадаги тадқиқотчилик салоҳиятини талаб этар эди. Шухрат Сирожиддиновнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографияси ана шу хусусиятларни жамлагани билан катта илмий қимматга эга.

Муаллиф ўзи тадқиқ қилган илмий муаммо заруратини қуйидагича асослайди: «Кўпчилик кейинги давр олимлари (XV – XIX асрларда битилган тазкиралар муаллифлари назарда тутилмоқда – Н.Ж.) Амир Алишер ҳақида янги гап айтиш илинжида халқ ривоятлари орқали етиб келган Навоий ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз асарларида зикр эта бошладилар. Йиллар ўтиши билан тазкиранависликнинг турли савиядаги иқтидори, дунёқараши, мақсадли ёндашуви оқибатида Навоий ҳақидаги маълумотлар шунчалик ўзгаришларга учрадики, китобхон қайси маълумот асл ва қай бири сохта эканлигини ажрата олишга заифлик қилиб қолди...

Манбалардаги маълумотларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш, бир томондан, маълумотларнинг асл ва тўқима томонларини аниқласа, иккинчи томондан, Навоий ҳаёти ва фаолиятининг ёритилиш даражаси, муаллифларнинг услубий ўзига хосликларини кўрсатиб беради».

Таъкидлаш жоизки, муқаддима, уч асосий боб, хулоса ҳамда иловалардан таркиб топган монография навоийшуносликнинг ўзига хос ютуғи сифатида баҳоланишга лойиқ. «Навоийга доир маълумотларнинг ўзаро қиёсий-типологик, текстологик таҳлили», «Навоий ва давлат хизмати», «Султон Хусайн, вазирлар ва Алишер Навоий» сингари боблар моҳиятан уйғунлигидан ташқари асардаги асосий илмий концепцияни ёритишда бир-бирини тўлдириб келади.

Навоийшуносликнинг тадрижий босқичларига баҳо берар экан, муаллиф уни қуйидагича даврлаштиради: 1) улуғ мутафаккир ҳаёти ва адабий меросининг ўз замонасида ўрганилиши; 2) жаҳон сиёсий майдонида XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган сиёсий эврилишлар даври; 3) XX аср 40-йилларидан бош-

ланган навоийшуносликнинг алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланиши. Муаллиф ҳар бир даврнинг хос хусусиятларини белгилайди, ютуқлари ва чекланган томонларига муносабат билдиради, муҳим умумлашмалар чиқаради. Аҳамиятли жиҳати шундаки, олим шўролар даври навоийшунослиги ҳақида фикр юритар экан, салафлари илмий ишларини холис баҳолайди. Бошқа айрим тадқиқотчиларга ўхшаб уларнинг ўша давр мафкураси талаби билан айтилган, зоҳиран кўриниб турган нуқсонларига урғу бериш йўлидан бормай, эътиборни асосий илмий натижаларга қаратади. Муаллифнинг мана бу хулосаси ҳам фикримизни тасдиқлайди: «Авом маданияти (пролеткулт) давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлган мустабид тузум шароитида Алишер Навоийнинг гениал шахс ва ижодкор сифатидаги мақомини сақлаб қолиш, у орқали миллий кадриятларимизнинг умрбоқийлигини таъминлаш ўзбек зиёлиларининг асосий муддаоси эди. Ўзбек олимлари ва уларга хайрихоҳ айрим рус шарқшуосларининг асарлари навоийшуносликни ўзбек адабиётшунослигининг мустақил йўналишига айлантиришга замин бўлди».

Илмдаги мавжуд қарашларни янгилаш, муаммога ўзгача ракурсда ёндашиб, баъзи масалалардаги қатъийлашган хулосаларни ўзгартира билиш, энг муҳими, бунда мунозара маданиятини сақлаш илмий ишнинг ютуғини, тадқиқотчининг маҳоратини, холислигини баҳолашда асосий мезонлардир. Монография бу жиҳатдан ҳам аҳамиятли эканини таъкидлаш зарур. Муаллифнинг ютуғи шундаки, биринчидан, у илк манбалардаги ихтилофли фикрлар таҳлили асосида улар ичидан асл ҳақиқатни аниқлай билади. Жумладан, Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг «Тарихи Рашидий» асаридаги Навоий насабига оид қарашларга муносабат билдирар экан олим мана бундай ёзади: «Кейинги даврларда яратилган манбалардаги маълумотлар кўриб ўтилганлари каби муҳим ва оригинал эмас. Ҳатто баъзиларини сохта ва адаштирувчи маълумотлар сирасига қўшиш мумкин... Мирзо Ҳайдар умрининг асосий қисми Кошғарда ва охири Ҳиндистонда ўтган. Унда Навоий ҳақидаги маълумотларни улуғ шоирни шахсан таниган кишилардан олиш имконияти йўқ эди. Ҳатто умрининг охирини бобурийлар саройида ўтказган Хондамир ҳам Мирзо Ҳайдарнинг Ҳиндга келишидан тахминан етти йилча илгари вафот этиб

кетганди. Шундай бўлгач, Мирзо Ҳайдар баҳс этилаётган мавзу бўйича ўз ҳамасрлари Фаҳрий ва Сом мирзочалик ўз маълумотларини қайта текшириб кўриш имконига эга эмас эди».

Муаллиф кейинги асрларга тааллуқли манбаларни ўрганар экан, улардаги икки қусурни ажратиб кўрсатади: 1) текшириб кўрилмаган турли маълумотларни қўшиб баён этиш (Абдулмўминхоннинг «Том ут-таворих» асари); 2) мавжуд маълумотларнинг ўзгартирилиши (Дарвиш Али Чангнинг «Тухфат ус-сурур»и). Табиийки, қиёсий таҳлилнинг бундай усули катта заҳматни, шу билан бирга, олимона идрокни талаб қилади.

Иккинчидан, Шухрат Сирожиддинов зарур ўринларда В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, Олим Шарафиддинов, Садриддин Айний ва бошқа олимларнинг баъзи фикрлари билан баҳсга киришади ҳамда ўз мулоҳазаларини ишонарли далиллайди. Жумладан, муаллиф Бобурнинг «Алишербек мизожи нозиклик билан машҳурдур» деган таърифидаги «назокат» сўзини В.В.Бартольд «високомерие» – «калондимоғлик» деб таржима қилганини ёзар экан, А.Н.Болдиревнинг «толкование слова «назокат» В.В.Бартольда неверно: его следует понимать в данном случае как «преувеличенная шепетильность, быстрая необоснованная раздражительность» тарзидаги фикрини келтиради ҳамда мана бундай хулоса чиқаради: «Айни ҳолатда А.Н.Болдирев изоҳи жуда тўғри, Навоийнинг фақру фанога эътиқодини билган Заҳириддин Муҳаммад Бобур «назокат» деганда такаббурликни назарда тутмаган. «Бадоеъ ул-вақоеъ» ва бошқа асарларда учровчи фактлар Навоийнинг нозиклиги унинг тез хафа бўлиши (яъни нозиктабълиги – Н.Ж.) билан изоҳланишини тасдиқлайди».

Яна бир мисол: монография муаллифи навоийшуносликдаги улуғ шоирнинг Ҳиротдан сургун қилингани ҳақидаги қарашга ҳам ўзгача муносабат билдиради. В.В.Бартольд ва Е.Э.Бертельснинг бу борадаги фикрлари билан мунозарага киришади. Унинг қайд этишича, В.В.Бартольд «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» тадқиқотида Навоийнинг Ҳиротдан Самарқандга кетиши сургун сифатида қаралиши лозим деган фикрни илгари суради. «Навоий» номли тадқиқотида Е.Э.Бертельс бу қарашни маъқуллайди. Манбалардаги маълумотларни синчиклаб ўрганган Шухрат Сирожиддиновнинг ёзишича: «Бертельснинг маз-

кур тадқиқотда бундай юзаки ёндашувининг маълум сабаблари бор деб биламан. У ўта синчков манбашунос ва билимдон навоийшунос бўлса-да, Бартольд концепциясини бузмаслик учун унинг хулосалари билан манбалар орасидаги зиддиятли фикрларга аниқ чек қўймаган ва барчасини бир-бирига мослаштиришга мажбур бўлган».

Юқорида таъкидланганидек, муаллиф монографияда илмий мунозара маданияти юқори эканини намоеън эта олган. У бирламчи манбалардаги маълумотларни ўрганиш асосида теран таҳлилларни амалга оширади, кўплаб ноаниқликларга ойдинлик киритади. Шунга қарамай, ўз тўхтамларини энг сўнгги хулоса сифатида тақдим этмайди. Ўзидан кейинги тадқиқотчиларга ҳам сўз айтиш учун имкон қолдиради. Жумладан, юқорида зикр этилган «сурғун» муаммосига муносабат билдирар экан олим бу масалани қайта кўриб чиқиш навоийшуносликнинг долзарб ва-зифаларидан эканини айтади.

Алишер Навоийнинг бош вазир – девон соҳиби сифатида қайси соҳа ва тармоқларга масъул бўлгани билан қизикқан муаллиф манбалардан уларнинг қуйидагилардан иборат эканини аниқлайди:

1. Турли халқ йиғинлари ва умумхалқ тадбирлари.
2. Ташқи ишлар. Улуғ меҳмонларни расмий қабул қилиш ва кузатиш.
3. Фавқулодда ҳолатлар, исёнлар, чегара муаммолари.
4. Порахўрликка қарши кураш.
5. Талончилик ва босқинчиликка қарши кураш.
6. Суд – адлия.
7. Вилоятлардан тушган ариза ва шикоятларни текшириш.
8. Амнистия (афв этиш).
9. Диний алоқалар.

Бу маълумотлар бугунги авлодларга ҳазрат Навоий бажарган ишлар қўламининг нечоғлик катта бўлганини тасаввур этиш имконини бериши билан ҳам қимматлидир. Монография илмий янгиликларга анча бой. Китобда ҳазрат Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари, бобокалонимизнинг муҳрдор, амир, Астро-бод ҳоқими сифатида олиб борган фаолияти бирламчи манбалардаги маълумотларнинг қиёсий таҳлили асосида ёритилган.

Буюк давлат арбобининг Мажиддин Муҳаммад ва Низомулмулк билан муносабатлари ҳолис илмий тадқиқ қилинган.

Энг муҳими, муаллиф қайси масалага муносабат билдирма-син, ишончли манбаларга таянган. Зарур ўринларда қиёсий таҳлил асосида манбалардаги маълумотларга ҳам ойдинлик кири-тишга муваффақ бўлган.

Ушбу монографиянинг уч қисмдан иборат иловалари ҳам алоҳида илмий қимматга эга. Биринчи иловада «Матлаи саъ-дайн...», «Равзат ус-сафо», «Хулосат ул-ахбор», «Ҳабиб ус-сияр», «Макорим ул-ахлоқ», «Тазкират уш-шуаро», «Баҳористон», «На-фаҳот ул-унс», «Мақомоти Мавлавий Жомий», «Бадоеъ ул-ва-қоеъ», «Латойифнома», «Бобурнома» ва бошқа манбалардаги ҳазрат Навоий ҳаётига оид муҳим қайдлар жамланган. Иккин-чи иловада XV аср зиёлиларининг улуғ мутафаккир васфидagi фикрлари келтирилган, форсий тилдаги мадҳиялар ўзбекча-га таржима қилинган. Учинчи иловада улуғ мутафаккирнинг ўз асарларидаги таржимаи ҳолига оид эътиборга молик маълумот-лар берилган.

Муаллиф тадқиқотнинг хулоса қисмида ўзи амалга ошир-ган илмий изланишлар натижаларини умумлаштириш бароба-рида ҳазрат Навоийнинг ҳаққоний таржимаи ҳолини яратиш учун бундан кейин амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида ҳам сўз юритади. «Эндиги вазифа, – дея таъкидлайди у, – тадқиқотчилар томонидан эътибор берилмай келган, лекин шоир ҳаётининг мавҳум томонларини очишга хизмат қиладиган жузъий маълумот-ишораларни ўрганиш, Навоийнинг шеър-ий асарларидаги автобиографик қайдлар ва илк манбалардаги маълумотларни диққат билан ўзаро чоғиштириш, шоир таржи-маи ҳолини қўшимча тафсилотлар билан бойитишдир. Навоий шеърлари унинг ҳаётининг кечинмаларига изоҳ учун келтирилган-да ҳар бир девоннинг яратилиш санаси, ундан олинган шеър-нинг бошқа девонларда учрамаслиги ҳисобга олинishi лозим».

Умуман, ушбу монография навоийшуносликни янги илмий хулосалар билан бойитувчи, адабий манбашунослик ва матншу-нослик ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилувчи муҳим тадқи-қот сифатида аҳамиятлидир. Яна бир қимматли жиҳати шунда-ки, асл манбалар устида ишлаш натижасида юзага келгани боис

ушбу монография ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ҳақида бир неча янги бадий асарлар яратилишига асос бўлган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Навоий ва Бойқаро», Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг «Навоий Самарқандда» драмалари ҳамда Исажон Султоннинг «Алишер Навоий» романида мазкур монографиядаги илмий маълумотлардан ижодий фойдаланилгани ушбу фикрни тасдиқлайди.

Илмдаги энг сўнги янгилликларни олий таълим аудиториясига олиб кириш, ўқув жараёнига татбиқ этиш илмий тадқиқотлар уфқини кенгайтиргани каби, таълим-тарбия тизимининг ҳам ривожига хизмат қилади. Шухрат Сирожиддиновнинг «Навоийшунослик», «Ўзбек матншунослиги қирралари», «Матншуносликдан сабоқлар», «Хижрий ва милодий йилларни ўзаро таъдил қилиш усуллари» сингари дарслик ва ўқув қўлланмалари бу жиҳатдан алоҳида қимматга эга.

Олим ислом фалсафаси билан ҳам кўп йиллардан буён жиддий шуғулланиб келади. Унинг Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқув жараёни учун ёзган «Ислом фалсафасига кириш: калом илми», «История религий» дарсликлари, «Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари» қўлланмаси янги илмий хулосалари ҳамда таҳлилий қуввати билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу монография ва ўқув қўлланмалари Шухрат Сирожиддиновнинг олим сифатидаги қиёфасини белгилайди. Унинг ўзбек матншунослиги, навоийшунослиги ва ислом фалсафаси илми ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини тасдиқлайди.

Бугунги кунда олим фаолиятига баҳо беришнинг асосий мезонларидан бири унинг республика ва халқаро грантлардаги иштироки билан ҳам белгиланади. Чунки грант давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган илмий фаолият тури сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Илмий грантга раҳбар ёки аъзо сифатида иштироки олим назарий ғояларининг эътироф этилишидир. Шухрат Сирожиддинов кўп йиллардан буён соҳага оид долзарб муаммоларга бағишланган илмий лойиҳаларга раҳбарлик қилиб келмоқда. 2008 – 2010 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан берилган бир неча илмий лойиҳалар, жумладан, «Ёшларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш», «Ёшларда мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчан-

ликни шакллантириш» ва «Шахс маънавий камолотини ривожлантириш» каби илмий лойиҳаларда ёшлар онгида ватанпарварлик, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳини сингдиришнинг турли услубий воситаларини ишлаб чиқиш жараёнига бошчилик қилган.

Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида «Ўзбек адабиёти антологиясини инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари» мавзуидаги амалий лойиҳа раҳбари сифатида миллий адабиётимиз намуналарини халқаро миқёсда тарғиб этиш ишига муносиб ҳисса қўшди. 2013 йилдан шу кунгача Европа Иттифоқининг Tempus ва Erasmus+ дастури доирасида бир неча лойиҳаларда иштирок этиб келмоқда. 2017 йилдан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида «Ўзбек адабиёти тарихи» етти жилдлик монография тадқиқотини яратиш бўйича фундаментал илмий лойиҳага раҳбарлик қилди. Натижада адабиётимиз тарихининг шу пайтгача кам ўрганилган ва ўрганилмаган қирралари тизимли таҳлил этилиб, бадиий-эстетик тафаккур тарихининг фундаментал тадқиқи амалга оширилди. Бу борадаги ишлар Шуҳрат Сирожиддинов илмий фаолиятининг нечоғлик серқирра ва самарали, шунинг баробарида, илм ташкилотчиси сифатида адабиётшунослигимиз, матншунослигимиз ривожига улуши катта эканини кўрсатади.

Шуҳрат Сирожиддинов Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий кенгашлар аъзоси сифатида республикамизда илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Олим фаолиятини баҳолашнинг яна бир кўрсаткичи фаннинг муҳим илмий йўналишларида муносиб издошлар – шогирдлар етиштириш даражаси билан ҳам белгиланади. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида 40 дан зиёд магистр, 12 нафар фан номзоди ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD ва 5 нафар фан доктори (DSc) илмий даражасига эга мутахассислар етишиб

чиққани олимнинг илмий кадрлар тайёрлаш борасида ҳам самарали меҳнат қилаётгани исботидир.

Қарийб беш йилдан зиёдроқ вақт мобайнида Шухрат Сирожиддинов Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори сифатида фаолият юритиб келяпти. Гарчи ташкил этилганига кўп бўлмаса-да, унинг раҳбарлик иқтидори боис университет мамлакатимиз олий таълим тизимида муносиб ўрин эгаллади, нуфузи кундан-кунга ошиб бораётир. Қисқа давр мобайнида Ўзбекистон олий таълим муассасалари миллий рейтингида олтинчи ўринга кўтарилди. Бундай натижага эришиш ўз-ўзидан бўлмаслиги аниқ. Бунинг учун таълим тизимига хос муаммоларни чуқур билиш, уларни ҳал этиш механизмини эгаллаш, жамоани катта мақсадлар сари йўналтира олиш, керак бўлса, тунни тонгга улаб меҳнат қилиш зарур.

Университет ташкил этилган дастлабки даврда унинг таркибида ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш ҳамда ўзбек-инглиз таржима факультетларининг уч бакалаврият йўналиши, улар негизида уч магистратура мутахассислиги мавжуд эди, холос. Шухрат Сирожиддинов ташаббуси билан университетда кадрлар тайёрлаш кўлами кенгайди, таълим сифати ва самарадорлиги тобора оша борди. Бугунги кунда янги очилган «Адабий манбашунослик ва матншунослик», «Фолклоршунослик ва диалектология», «Таржима назарияси ва амалиёти», «Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили», «Ноширлик иши», «Туркология», «Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик», «Компьютер лингвистикаси», «Синхрон таржима», «Компьютер графикаси ва дизайн» сингари таълим йўналишлари ва мутахассисликларида ҳам юқори билим ва малакага эга кадрлар тайёрланмоқда.

Бугунги глобаллашув замонида ҳеч бир олий таълим муассасаси ўз қобиғида ривожлана олмайди. Фан ва ишлаб чиқариш билан, дунё таълим тизими билан интеграция йўлга қўйилмас экан, таълимни замон талаблари даражасига юксалтириш ҳақидаги орзулар орзулигича қолиб кетаверади. Чинакамига ривожланмоқчи бўлган университет дунёга чиқмоғи, нималарга қодир эканини халқаро майдонда синамоғи, ҳамкорлар билан тажриба алмашиб, жаҳон таълим тизимидаги илғор ютуқларни

ўқув жараёнига муттасил равишда татбиқ этмоғи зарур. Ана шу эҳтиёжни теран ҳис этган Шухрат Сирожиддинов университетга халқаро миқёсда эътироф қозонган олимларни ишга таклиф этди. Бундан ташқари, докторлик диссертацияси бўйича излашниш олиб бораётган кезлари Бодлеан кутубхонаси, Британия музейи ва Оксфорд университети Шарқшунослик институти кўлёмалар фондидаги Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари билан боғлиқ кўлёмаларни ўрганаётганда, Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университетига ректорлик даврида ҳамкорлик қилган хорижлик мутахассислар орқали университетнинг халқаро алоқаларини мустаҳкамлади. Натижада МДХ давлатлари, Хитой, Туркия, Корея, Япония, Буюк Британия, Германия, Польша, Ҳиндистон, Америка Қўшма Штатлари, Саудия Арабистони, Белгия, Афғонистон олий таълим муассасалари билан 50 дан зиёд шартномалар доирасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани бунинг исботидир. Бугунги кунда университет олимлари халқаро рейтингда нуфузли ўринга эга олий таълим муассасаларида маърузалар ўқияпти. Хорижлик олимлар шартнома асосида университет талабаларига сабоқ бериб келмоқда. Чет мамлакатларнинг нуфузли фан ва таълим марказлари билан ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳалар асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Айни кезде бу олий таълим муассасасида ҳар бири алоҳида Турк, Рус, Хитой, Корейс тиллари ва маданиятлари марказлари, Халқаро тил маркази, Фузулий номидаги Озарбайжон маданияти маркази каби тузилмалар фаолият юритиб, халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети нафақат республикадаги миллий филологик таълим бериладиган 18 та олий ўқув юрти, балки хориждаги Ўзбек тили марказлари учун ҳам таянч методик олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ректорнинг узоқни кўзлаб иш тутиши, тиниб-тинчимаслиги ва ташаббуси билан 63 та хорижий олий таълим муассасасида ўзбек тили курслари ташкил этилган. Университет томонидан ушбу курсларда дарс берувчи чет эл фуқароларининг малакасини ошириш тизими йўлга қўйилган. Афғонистон Ислом Республикасининг етакчи 5 университетида очилган ўзбек тили ва

адабиёти факультетлари университет томонидан ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаб келинмоқда.

Ўтган беш йил ичида университетда ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, илмий, бадиий асарларни бошқа хорижий тилларга таржима қиладиган таржимонлар, давр талабларига жавоб берадиган 3000 га яқин юксак малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланди.

Университет туркология соҳасида дунёнинг бир қанча ассоциацияларига аъзо бўлиш билан бирга Алишер Навоий ижодини ўрганиш бўйича халқаро марказ сифатида Ғарб ва Шарқ олимлари тадқиқотларини мувофиқлаштириш борасида катта тажриба орттирди. Ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган «Алишер Навоий ва XXI аср» мавзuidaги халқаро илмий-назарий конференцияда дунёнинг етакчи фан ва таълим марказларида фаолият юритаётган атоқли навоийшунос олимлар маърузалари билан иштирок этиб келаётир. Буларнинг барчаси нисбатан ёш университетнинг ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва халқаро ҳамкорлик соҳаларидаги ютуқлари нечоғлик салмоқли эканлиги исботидир.

Олимлик фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири у яратган илмий тадқиқотларнинг муносиб эътироф қозонишидир. Бу жиҳатдан Шуҳрат Сирожиддинов толеи қулган мутахассислар сирасига киради. «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографияси 2013 йили Адабиёт соҳасидаги 1-даражали давлат мукофотига лойиқ кўрилганиёқ бунинг яққол исботидир.

Шуҳрат Сирожиддинов таниқли жамоат арбоби сифатида республикамизда ижтимоий-маънавий соҳани ислоҳ этиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Атамашунослик комиссияси раиси ўринбосари сифатида жой номлари ва ташқи ёзувлар бўйича қонунчилик ҳужжатларини тартибга келтириш устида амалий ишларга бошчилик қилмоқда. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Давлат тилининг ривожини учун кенг кўламда тарғибот ишларини олиб бораётгани.

Олимнинг ташаббуси билан 2016 йилдан интернет тармоқларида ўзбек тили ва адабиёти тарғиботи билан боғлиқ тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Интернет глобал ахборот ресурсларини ўзбек тили ва адабиёти контенти билан тўлдириш ушбу масаланинг асосини ташкил этади. Унинг бевосита раҳбарлигида халқаро миқёсда ўзбек тилини ўрганишни тарғиб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбек тилини хорижликларга масофавий ўқитиш халқаро сертификатлаштириш дастури ишлаб чиқилгани ҳам бунинг далилидир.

Шухрат Сирожиддиновнинг Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси аъзоси сифатидаги фаолияти ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ўзига хос исботи дейиш мумкин. У мамлакатимизда сайлов жараёнларининг демократик меъёрлар асосида шаффоф ўтишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сайловлар бўйича Бутунжаҳон Ассоциациясининг 2015 йил август ойида Кореяда ўтказилган семинарида Ўзбекистон делегациясига бошчилик қилгани, Буюк Британияда 2015 йил май ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида Ўзбекистон номидан кузатувчилик қилгани унинг бу борада катта тажриба тўплаганидан далолат беради.

Бундан ташқари, олим Ўзбекистон–Америка дўстлик жамияти раиси сифатида икки давлат маданий-адабий алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Олим «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказининг эксперти, Республика маънавият ва маърифат кенгаши аъзоси сифатида мамлакатимизда жамият маънавиятини ҳамда ёш авлод маърифий даражасини юксалтириш бўйича фидокорона хизмат қилаётир. 2009 – 2016 йилларда Вазирлар Маҳкамасининг давлат дастурлари ижросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишчи гуруҳи аъзоси бўлган Шухрат Сирожиддинов вилоят ва туманлар, маҳалла ва таълим муассасаларидаги тарғибот ишларида маърузалар билан фаол иштирок этди. 2016 йилдан ҳозирги давргача маънавият тарғиботчиси сифатида таълим ва ишлаб чиқариш муассасалари ҳамда кенг аҳоли қатлами билан доимий равишда мулоқотлар ўтказиб келади. Мустақиллик дав-

рида миллий-диний қадриятларнинг тикланиши, Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик сиёсати, мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг устувор йўналишлари, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг назарий ва амалий асослари, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, таълим ислохотларининг жамият тараққиётига таъсири, Учинчи Ренессанс ғоясини амалга ошириш истиқболлари мавзуларидаги маърузалари навқирон авлод ва турли ёшдаги замондошларимиз қалбида ватанпарварлик, юртимизнинг эртанги кунига ишонч ва масъуллик, сиёсий ва ҳуқуқий маданият кўникмаларини тарбиялашда алоҳида ўрин тутмоқда.

«Олтин битиглар» ҳамда «Ўзбекистон: тил ва маданият» халқаро илмий журналлари бош муҳаррири сифатида халқимиз тарихи ва адабиётига доир қадимги қўлёзмалар, тил ва маданият соҳасига оид долзарб илмий муаммоларни ёритиш, бу борадаги фаолиятни республикамиздан ташқарида ҳам тарғиб этиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув адабиётларини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг «Ўзбек тили ва адабиёти» ўқув-услубий бирлашмаси раиси сифатида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш тизимини замон талаблари даражасига кўтариш, бу жараёнга илғор хорижий тажрибани татбиқ этиш борасида таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширмоқда.

Шухрат Сирожиддинов халқаро илмий жамоатчилик орасида ўзбек адабиётини жаҳон миқёсида тарғиб этиш ишига катта ҳисса қўшаётган олим сифатида танилган. 2020 йили Боку шаҳрида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудига бағишланган халқаро илмий анжуманда олим билан бирга иштирок этганмиз. Шухрат Сирожиддиновнинг маърузаси конференцияда қатнашаётган мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. Унга озарбайжон-ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун Озарбайжон Фанлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти фахрий доктори унвони берилганига гувоҳман.

Олим фаолиятида бундай эътирофлар сони кўп эканини таъкидлаш керак. Ислом фалсафасига доир илмий ишлари учун Буюк Британия Оксфорд Ислом тадқиқотлари маркази фахрий аъзоси этиб сайлангани ҳам бунинг исботидир.

Шухрат Сирожиддинов туркология соҳаси ривожига доир илмий ва ташкилотчилик фаолияти эътирофи сифатида Жанубий Кореядаги Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро ассоциациясининг ҳамраиси, Евроосиё туркий тадқиқотлар институти илмий маслаҳатчиси ҳисобланади.

Республикамиз ва хорижда нашр этиладиган бир қатор нуфузли илмий журналлар таҳрир ҳайъатининг аъзоси экани ҳам олим фаолиятининг эътирофи сифатида аҳамиятлидир. Жумладан, Озарбайжонда чоп этиладиган «Туркология», «Қиёсий адабиётшунослик», Жанубий Кореянинг «The Journal of Eurasian Turkic Studies», мамлакатимизнинг «The World of Central Asia. International Journal of Humanities» халқаро журнали, «Жаҳон адабиёти», «Звезда Востока», «Имом Бухорий сабоқлари», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Филология масалалари» каби журналлари таҳририят аъзоси экани ушбу фикрни тасдиқлайди.

Шухрат Сирожиддинов олим учун айни камолот палласи бўлган олтмиш ёшни қаршиламоқда. Бу санага у муҳтарам Президентимиз томонидан Маънавият университети дея юксак баҳоланган нуфузли олий таълим муассасаси раҳбари, салмоқли илмий ютуқларга эришган олим, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшаётган жамоат арбоби сифатида қадам қўяётир. Лекин олдинда янада катта марралар турибди. Бугун янги Ўзбекистон ўз олдига Учинчи Ренессанс деган улуғ мақсадни қўйиб, шу йўлда улкан ислохотларни амалга оширмоқда. Табиийки, бутун жамиятнинг сафарбарлигини талаб қиладиган бу ғояни амалга ошириш учун муайян вақт билан бирга фидойи ватанпарварлар талаб этилади. Шухрат Сирожиддинов давлатимиз раҳбари томонидан кун тартибига қўйилган ушбу юксак ғояни амалга оширувчиларнинг олдинги сафларида бораётган қалби уйғоқ зиёли, катта олим ва жамоат арбобидир. Маърифат ёғдуси билан ёш авлод қалбини ёритиб, ана шу улуғвор мақсадлар сари сафарбар этиб келаётгани унинг Ватан олдидаги муносиб хизматидир. Олимга ушбу мураккаб, шунинг баробарида, шарафли фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

ПРОФЕССОР ШУХРАТ СИРОЖИДДИНОВга

Бизда Шуҳратлар бисёр. Бари элга дастиёр,
Ҳар Шуҳрат ҳам эл аро ном қозонмиш, эътибор.

Дейлик, Шуҳрат домладан қолмиш «Шинелли йиллар»,
Яхши оту яхши ёд ҳам зангламас олтинлар.

«Маҳаллада дув-дув гап» киносини олган зот –
Шуҳрат Аббос домланинг номи доим барҳаёт.

У кўрсатмиш экранда чин ўзбек онасини,
Лутфихоним аянинг ҳақиқий сиймосини.

Шунча отдошлар аро, гоҳ ризо, гоҳ норизо,
Шуҳрат Жаббор ҳам бордир, бор яна Шуҳрат Ризо.

Қолмайин деб замондан орқада чарчаб, ҳориб
Шуҳрат Азиз талпинар, тинмайди Шуҳрат Ориф.

Айта берсам, яна бир Шуҳрати замон бордир,
Навоий бобомиздан унда бир унвон бордир.

Қўлёзма матнларнинг нуктадон, билимдони,
Икки мунглуғ кўзи ҳам донолик сиёҳдони.

Мумтоз адабиётдан ногоҳ гуфтор айлагай,
Икки кўзи ҳам шу он ажиб рафтор айлагай.

Ҳар байту ғазал мисли божу хирожи диндир,
Мен айтмоқчи бўлганим Шуҳрат Сирожиддиндир.

Яъниким Шуҳрат домла – Навоийшунос олим,
Не кечарди, эй дўстлар, биликсиз менинг ҳолим?

«Хамса» узра ўрганиб қайдин имдод кутардим?
Ўз бобомни бир умр мен билмасдан ўтардим.

Кўлёмалар узраким туну кун чекиб жонлар,
Умрин бахш этиб ўтмиш не Ҳамид Сулаймонлар.

«... Қалб дафтари» деб битмиш Иззати Султонларинг,
Алийбек Рустам, қайда Рустами дostonларинг?

Бир янги байт топса гар – гўё буюк инъом-ла
Жилмайиб келар ҳануз Азизхон Қаюм домла.

Номлари менинг қарзу фарзликларимда бордир,
Натан Маллаев домла дарсликларимда бордир.

Навоийнинг ҳар сатри дил тўйига тўйхатмиш,
Нажмиддин Комил домла комилликка ўргатмиш.

«Хизр чашмаси» дебон битганида муаллим
Биз қутлуғ мадрасада олгандай бўлдик таълим.

Бир-бировга уйқашсиз, бир-бировга ўхшашсиз,
Сиз Воҳид Абдуллою Ботир Валихўжасиз.

Мен бу улуғ зотларни кўрганларни кўрганман,
Навоийни мен асли шулардан ўрганганман.

Демак, ҳар байт мисоли божу хирожиндиндир,
Мен айтмоқчи бўлганим Шуҳрат Сирожиддиндир.

Яъниким Шуҳрат домла – Навоийшунос олим,
Не кечарди, эй дўстлар, шуларсиз менинг ҳолим?

Не бахту саодатлар элга илм келтиргай,
Элнинг фарзандларига завқу билим келтиргай.

Заҳматкаш инсонларнинг меҳрпайванди, насли,
Каттақўрғондан, яъни Самарқандийдир асли.

Мен, Сирожиддин Саййид, истаб дил навоини,
Шухрат Сирожиддиндан ўргансам Навоийни.

Бобур Мирзо айтгандай, мен ҳам бир толиби илм,
Пахтазорларда қолмиш дарсларим, билимларим.

Шу боисдан, айб этманг, мен ҳам илмга зорман,
Минг-минглаб талабалар сафида мен ҳам борман.

Ўз-ўзидан келмагай шухрат, мартаба, обрў,
Олий дорилфунунда ректўрдирсиз баобрў.

Муаззам пештоқида ҳазрат бобо номи бор,
Бунда муаллимларнинг на тинч, на ороми бор.

Ҳар бири меҳру соғинч шодасида гавҳар, дур,
Тўққиз минг талабанинг кўзларида чақнар нур.

Мен ҳам давру замоннинг тобларига эшилсам,
Шу ўғил-қизларимнинг қаторига қўшилсам.

Сизга айтсам, чин дилдан, эй толиби илмлар,
Илм бирлан ечилгай бу дунёда тилсимлар.

Бунда адаб бўстони, чексиз чаман яралгай,
Бунда ёш қалблар билан тенгсиз Ватан яралгай.

Шухрат домла, яъниким Навоийшунос олим,
Шу қутлуғ даргоҳларда мен ҳам олсайдим таълим...

Илму ирфон йўлида бўлмас асло танаффус,
Ватан адабиёти сабоқдир кеча-кундуз.

Ватан номи кўнгиллар китобидан кўчмагай,
Навоий бобомизнинг чироқлари ўчмагай.

Ҳамидулла ДАДАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН ОЛИМ

Ҳозирги ўзбек мумтоз адабиётшунослиги, матншунослиги, манбашунослиги, таржимашунослиги, айниқса, навоийшунослигининг забардаст вакилларида бири, истеъдодли ташкилотчи ва жамоат арбоби, кўлидан ва тилидан бошқа инсонлар озор чекмайдиган, таълим тизимининг такомиллашувида эзгу амаллари билан нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам эзгу ном чиқариб, саодатга эришган камтарин, самимий, латифсўз, тавозеликни ўзига бош тамойил деб билган, макон ва замонда кечаётган шиддатли ўзгаришлар ва янгиликларни фавқулудда тез ҳаётга татбиқ этиш йўллари пухта эгаллаган ҳамкасбим, ҳамфикрим, қолаверса, инилик, биродарлик бурчини деярли чорак асрдан бери қойилмақом тарзда адо этиб келаётган Шухратжон Сирожиiddинов билан илк бор танишганимизни бот-бот эслаб тураман.

Шухратжон ва камина ўртасидаги оға-инилик, дўстлик ипининг боғланиши 1995 – 1996 йилларга бориб тақалади. Шу кезларда мен ЎзРФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти қошидаги Ихтисослашган кенгашнинг илмий котиби сифатида фаолият юритар эдим. Матншунослик ва адабий манбашунослик ихтисослиги бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари Азизхон Қаюмов раислигидаги Ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилинар эди. Ўша чоғларда ҳам ҳимояга чиқаётган тадқиқот, гарчи у бажарилган илмий ёки ўқув муассасасида муҳокама қилиниб, ёқлашга тавсия этилган бўлса-да, Ихтисослашган кенгаш фаолият юритаётган илмий-тадқиқот институти бўлимлари ёхуд олий ўқув юрти кафедраларининг кенгайтирилган мажлиси муҳокамасидан ўтиши мақсадга мувофиқ деб топилган эди. Ҳимояга тавсия этилган изланиш ва мавжуд талабларга мос тарзда расмийлаштириладиган ҳуж-

жатлар биринчи навбатда Ихтисослашган кенгаш илмий котиби назардан ўтиши ОАК низомида белгилаб қўйилгани боис Шухратжон ҳам XV – XVI асрлар тарих ва тазкираларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқинига бағишланган докторлик диссертацияси ҳамда ҳужжатларини менга топширган эди. Химояга чиққунга қадар ҳужжатларни сўралган маромга келтириш, айниқса, авторефератни талаб даражасида тайёрлаш нафақат диссертант, шунингдек, илмий котибдан ҳам машаққатли меҳнатни талаб қилиши янгилик эмас.

Айни шундай тайёргарлик жараёнида ёш бўлишига қарамай, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини татиб кўрган, 1983 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) Шарқшунослик факультети (ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик университети)ни тамомлагач, Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида йигитлик бурчини намунали бажарган, кейин Навоий гулшанига дадил қадам қўйиб, буюк шоир ва адиб, ўзбек адабий тилининг том маънодаги асосчиси, XV асрнинг биринчи ярми – XVI асрнинг бошларида яшаган Аҳлий Шерозий таъбири билан айтганда, қарам мулкининг сарвари ҳаёти ва фаолиятига оид туркий ҳамда форсийда битилган бирламчи қўлёзма манбаларни чуқур, атрофлича ўрганиш орқали улуг аждодимизнинг суврати ва сийрати тарихий ва эсдалик асарларда қай даражада инъикосини топганини аниқлашга жиддий бел боғлаган Шухратжонни кашф этган эдим.

Ҳеч қандай важсиз, субъектив иддаою баҳоналарнинг рўқач қилиниши оқибатида Қўлёзмалар институтининг тугатилиши арафасида докторлик ишини муваффақиятли ёқлаган Шухратжон ва ушбу сатрлар муаллифи ўртасидаги самимий муносабатлар у кишининг номдор олим, етук ташкилотчи, моҳир раҳбар сифатида донғи чиқиб, бир муддат ЎЗМУ ўқув ишлари бўйича биринчи проректор, сўнгра ректор вазифасига тайинланган пайтларда янги босқичга кўтарилди десам муболаға бўлмайди.

Янги асрнинг биринчи ўн йиллиги охирларида олий таълим тизимида кўп йиллар давомида сидқидилдан меҳнат қилиб, ёш малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифасига бутун вужуди, ақл-идроки, илми, билими, қолаверса, соғлигини бахшида этган, таъбир жоиз бўлса, институт ёки университет тупроғини кўзига тўтиё қилган кекса профессор-ўқитувчи-

ларни ёшларни меҳнат билан таъминлаш баҳонасида ишдан четлатишга қўл урилгани бугун кўпчиликка яхши маълум. Айрим институт ва университет раҳбарлари ушбу масалада «кимўзар»га берилган чоғда Шухратжон бошқа йўлни танлади. Таълим тизимида авлодлар ворислигини таъминламай, кўзланган мақсадларга эришиш амри маҳоллигини жуда яхши билган Шухратжон нафақага чиққан устозларга илмий-педагогик фаолиятини давом эттириши учун барча зарур шароитларни яратиб берди. Шухратжоннинг ушбу олижаноб хислати ташкил этилганига яқинда беш йил тўлган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори сифатида фаолият юритаётган шу кунларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Модомики, сўз шу университет хусусида кетар экан, шубҳасиз, ушбу олий таълим масканининг Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти фармони га мувофиқ ташкил топиши, университет ташкилий масалаларини ўз зиммасига олган ўша пайтдаги Бош вазир Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг бевосита ғамхўрлиги билан унга ажратилган ўқув биносининг оз фурсатда тез ва сифатли таъмирланиши, қайта қурилиши, талаб даражасида жиҳозланиши, дарсхоналарнинг замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланиши, айниқса, университет структурасининг тизимлаштирилиши сингари қатор масалаларнинг ижобий ечилишида Шухратжоннинг ректор сифатида салмоқли ўрни борлигини таъкидлаш даркор.

Сир эмаски, 2016 йилда иш бошлаган ТошДўТАУ ўта қисқа муддат ичида республикадаги илғор университет ва институтлар сафидан муносиб ўрин олишга муяссар бўлди. Дунёнинг талай нуфузли таълим ўчоқлари билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатган университет бугун илмий салоҳияти бўйича Ўзбекистонда етакчилик қилаётгани, биринчидан, унда меҳнат қилаётган кўп сонли профессор-ўқитувчилар, иккинчидан, шундай жамоани бир мушт қилиб жипслаштирган, қўйилган мақсад ҳамда вазифаларнинг рўёбга чиқишида бор ташкилотчилик қобилияти ва илмий салоҳиятини ишга солаётган, кунни кун, тунни тун демай тер тўкаётган Шухратжоннинг саъй-ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳозирги кунда ҳукм сураётган глобаллашув ва интернет дав-ри шижоатли, закий, тафаккур қамрови ўта кенг шахсларнинг раҳбарлик саҳнасига чиқишини тақозо этмоқда. Шиддатли давр даъватига фақат шиддатга эга, юрагида ўти бор, эл-улус манфаати, она юрт равнақи йўлида ҳормай меҳнат қиладиган, ҳар қандай муаммоларни ечишга қурби етадиган инсонлар-гина лаббай деб жавоб беришга қодир. Деярли 40 йиллик ил-мий фаолияти давомида Шухратжон Сирожиддинов илм аҳли орасида нафақат зукко матншунос ва манбашунос, балки ўзбек мумтоз адабиёти, диний-фалсафий таълимотлар ҳамда бадий таржима соҳаларида ҳам самарали қалам тебратаётган, мазкур йўналишларни иқтидорли ёш олимлар билан мустаҳкамлаш-га улкан ҳисса қўшиб келаётган олим сифатида ном чиқарди. Сўнгги кезларда у қиёсий адабиётшуносликдан ҳам юқори да-ражада хабардорлигини филология фанлари бўйича фалсафа докторларини тайёрлаш мисолида намойиш этди. Бугун халқ уни етук навоийшунос сифатида таниди. Эътироф этиш жоиз-ки, беназир шоир ва мутафаккир, Ҳусайн Бойқаро салтанати-нинг устунларидан бири Алишер Навоий сиймоси беш асрдан ортиқ вақт мобайнида тарихчилар, тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинган. Талқинларда баъзан бир-бирини ин-кор этувчи, тарихий ҳақиқатга ҳар доим ҳам мос тушавермай-диган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар бугунги ўқувчи шуу-рида ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалар, умргузаронлик қилган шахслар ҳақида нотўғри хулосаларнинг бўй кўрсати-шига олиб келиши эҳтимолдан йироқ эмас. Ш.Сирожиддинов Ҳазрат Навоий сиймосини мавжуд нотўғри талқинлардан то-залади. У XV асрнинг иккинчи ярми – XVI аср бошларида би-тилган туркий (эски ўзбекча) ва форсча қўлёзма манбалардаги Алишер Навоий ижоди ва ҳаётига доир маълумотларнинг асл ҳолатини аниқлаш, уларни қиёсий-типологик, матншунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, XX асрга қадар тартиб бе-рилган обидаларда қайд этилган маълумотларнинг дастлабки маълумотлардан фарқланиш даражасини белгилаш мақсади-да янги ёдгорликларни назардан ўтказиш, уларда муҳрланган маълумотларни илмий муомалага киритишдек савобли ишни муваффақият билан амалга ошира олди. Ушбу маълумотлар

Навоийнинг ҳақиқий ҳаёт йўли ва дунёқарашини тиклашдаги энг катта ютуқлардан биридир. 2002 – 2003 йиллар муаллифнинг Оксфорд университетига илмий сафари чоғида машҳур Бодлеан кутубхонаси, Британия музейи ва Оксфорд университети Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондидаги Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари билан боғлиқ қўлёзмалар кўриб чиқилиб, диссертация мукамаллаштирилди ва монография ҳолатига келтирилиб, 2011 йилда чоп этилди. Мазкур тадқиқот мамлакатимиз ва хориждаги соҳа мутахассислари томонидан юқори баҳоланди ва 2013 йил ушбу тадқиқоти учун Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт соҳасидаги 1-даражали Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

Мазкур тадқиқот асосида Ўзбекистонда Алишер Навоий ҳаёти ҳақида бир неча янги бадиий асарлар яратилди. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Алининг «Навоий ва Бойқаро», Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг «Навоий Самарқандда» драмалари, Исажон Султоннинг «Алишер Навоий» романи, Исмат Кўчиевнинг «Абадиятнинг беш довони» достони шу жумладандир.

Филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожидинов ҳали куч-ғайратга тўла, улкан илмий режаларини амалга оширишга шай. Олимнинг серқирра илмий фаолиятига барака, ўзига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори, профессор

СЕРҚИРРА ТАДҚИҚОТЧИ ВА ИЛМ-МАЪРИФАТ ҲОМИЙСИ

Тақдири илоҳий ҳамма замонларда етук олимлар ва илмининг ҳақиқий жонкуярлари, фидойи заҳматкашлари, моҳир ташкилотчилари, некбин раҳнамоларини етиштириб берар экан. Биз илмий-ижодий фаолиятимиз давомида Матёқуб Қўшжонов, Иззат Султон, Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Нажмиддин Комилов каби ана шундай фазилат соҳиблари билан бирга ишлаш, ҳамнафас бўлиш, устоду шогирдлик бахтига муяссар бўлдик. Тақдир кейинги даврда ҳам бизни бундай бахтдан бе-насиб этмаганига шукроналар айтамыз. Ўзбекистонда Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил топди ва унга филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддинов ректор этиб тайинланди. Ўтиш даврининг шиддатли тўлқинлари аро фарқ бўлаёзган биз каби ўнлаб улуғ ёшдаги илм-маърифат изланувчилари шу университетда, шу зоти шарифнинг қаноти остида қўним топдик. Илмимизни янада ривожлантиришга имконият пайдо бўлди.

Олим сифатида Шуҳрат Самариддинович серқирра истеъдод соҳибидир. У шу пайтгача якка муаллифликда ўнлаб монография, ўқув қўлланма ва дарслиklar эълон қилди. «Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари» (Тошкент: Янги аср авлоди, 2011), «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» (Тошкент: Академнашр, 2011), «Илм ва тахайюл сарҳадлари» (Тошкент: Янги аср авлоди, 2011), «Матншунослик қирралари» (Ҳаммуаллифликда. Тошкент: Академнашр, 2015), «Навобахш байтлар жозибаси» (Баёз, Тошкент, 2017), «Навоийшунослик» (Ҳаммуаллифликда. Тошкент: Тамаддун, 2018), «Алишер Навоий ақидалари» (Тошкент: Навоий университети, 2018), «Ҳижрий ва милодий йилларни ўзаро табдил қилиш усуллари» (Тошкент, 2019), «Матншунослик сабоқлари» (Тошкент: Навоий университети, 2019) каби

асарлар шулар жумласидандир. Ушбу ижод маҳсуллари унинг элга шарқшунос, адабиётшунос, навоийшунос, матншунос олим сифатида танилишига сабаб бўлди.

У ўзининг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» мавзuidaги тадқиқоти, мустақиллик йилларида ўтмиш мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини тарихий ва мафкуравий сохталаштиришлардан тозалаш, уларнинг жаҳон маданияти тизимидаги мақомини реал кўрсатиб берган йирик фундаментал асарлари учун 2013 йил Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт соҳасида 1-даражали Давлат мукофоти лауреати бўлган. Ш.Сирожиддинов илмий жамоатчилик фаоллари орасида ўзбек адабиётини жаҳон илғор илмий услублари асосида ўрганиш, мустақиллик мафкураси ва миллий ғоя негизида янгидан таҳлил қилиш ҳамда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш бўйича давлатимиз олиб борган сиёсатнинг фаол тарғиботчиси сифатида танилган.

У «Ёшлик», «Ер юзи», «Звезда Востока», «Имом ал-Бухорий сабоқлари» республика маърифий-илмий журналлари таҳририяти аъзоси, «Хорижий филология» илмий журнали бош муҳаррири, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг эксперти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Ихтисослашган кенгаш аъзоси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштирувчи кенгаши «Гуманитар фанлар ва санъат» ўқув-услубий бирлашмаси раиси ўринбосари сифатида республикада кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишида, миллий-маънавий қадриятларимизнинг тарғиботида самарали иш олиб бормоқда.

Ш.Сирожиддинов иш тажрибаси давомида 1998 – 2003 йилларда «Имом ал-Бухорий» халқаро жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари, 2003 – 2005 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фалсафа ва жаҳон маданияти кафедраси профессори, кафедра мудири, 2002 – 2003 йилларда Оксфорд университети Ислом тадқиқотлари маркази илмий ходими, 2005 – 2012 йилларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети биринчи проректори, 2012 – 2014 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, 2014 – 2016 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий

университети проректори ва ректори сифатида фаолият юритди, 2016 йилдан буён Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори вазифасида ишлаб келмоқда.

У Ўзбекистонда олий таълим соҳаси ислохотларида фаол қатнашиб келади. Унинг раҳбарлигида Алишер Навоий номидаги университет халқаро нуфузга эга бўлди. Университет ўқув, илмий, моддий-техник таъминотини замон талаблари даражасига кўтариш, таълим сифатини ошириш, маънавий муҳитни соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бугунги кунда университетда Турк тили ва маданияти маркази, Рус тили ва маданияти маркази, Халқаро тил маркази, Хитой тили ва маданияти маркази каби бир қанча марказлар фаолият кўрсатмоқда. Университет Россия, Корея, Америка Қўшма Штатлари олий таълим муассасалари билан 50 дан зиёд шартномалар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Шухрат Сирожиддинов бир неча илм-маърифат даргоҳларида раҳбарлик қилиб тажриба орттирган, тобланган раҳбардир. Унинг Ўзбек тили ва адабиёти университетига раҳбарлик қилиши умрининг навқиронлик даврига тўғри келгани ҳам мазкур олий таълим даргоҳининг бахтидир. У ҳаракатчан, толмас, хушмуомала, бағрикенг инсон, зўр ташкилотчи, дипломат, мамлакатдаги ва чет элдаги мутахассислар захирасини яхши биладиган, танийдиган, илғор техника воситаларини олий таълимга татбиқ этишга уста ҳамда буни ташкил этишга ҳам моҳир замонавий раҳбардир. У она тилини қадрлайдиган ва кўпгина хорижий тилларни ҳам биладиган беназир зиёлидир. У Ўзбек тили ва адабиёти университетини дастлабки беш йил мобайнида республика ОТМлари рейтингининг энг илғор сафига, тўртинчи ўринга олиб чиқишга муваффақ бўлди. Университетимиз бугун дунёдаги ўнлаб ОТМлар билан узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган, илғор мингталиклар сафига кириш учун курашмоқда.

Биз фаолиятимиз мобайнида дағдағали раҳбар қўл остида ишлаб, унинг жабр-зулмини тортишга ҳам маҳкум бўлганмиз. Лекин ўтган беш йил мобайнида Шухрат Сирожиддиновнинг бирор илмий кенгаш ёки бошқа катта-кичик мажлисларда би-

ровга қаттиқ гапирганини, дўқ-пўписа қилганини ҳаргиз кўрмадик. Аксинча, у ҳамиша камтарин, хокисор, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўладиган, ўзидан ўнлаб ёш кичик бўлган мутахассисларга ҳам «ака» деб мурожаат қиладиган, фаол ходимларни, олимларни қўллаб-қувватлайдиган, муҳтожларга маҳрам ва меҳрибон, раҳнамо шахс сифатида ўзлигини намоён этиб келмоқда.

Тавсифимиз қуруқ бўлмаслиги учун олимнинг биргина тадқиқоти тўғрисида батафсилроқ тўхталишни лозим топдик. Филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддиновнинг «Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари»¹ китоби олимнинг дастлабки йирик илмий тадқиқотларидандир. Монография ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқотчилари, кенг миқёсдаги адабиёт ихлосмандларига мумтоз адабиётга кириш учун ўзига хос қўлланма вазифасини бажариб келмоқда. Зеро, фалсафий сарчашмаларини ўзлаштирмасдан туриб адабиётни ўрганиб бўлмайди, ўрганилганда ҳам чала ўрганилади. Ўтган XX асрда деярли шундай қилинди. Минг йиллик миллий адабиётимизнинг фалсафий асосларини билмай туриб адабиётимиз тарихи яратилди, поэтика масалалари ёритилди. Мустабид тузум мафкураси шуни тақозо этар эди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки 20 йилида бутун ўтмиш адабий меросимиз зўр бериб тасаввуф нуқтаи назаридан талқин қилина бошлади. Мустабид тузумдаги ёндашув қандай бирёқламалик бўлган бўлса, бу ҳам ўзига хос бирёқламалик эди. Шухрат Сирожиддиновнинг ушбу китоби адабиётимиз тадқиқотчилари ва ихлосмандларига ўтмиш адабиётимиз таҳлилида ўша давр муаллифларининг ғоявий ва эътиқодий маслакларини назарда тутиш ва бунинг учун ўзбек адабиёти тараққиёти давомида унга таъсир этган диний, фалсафий, тасаввуфий таълимотлар ҳақида етарли тасаввурга эга бўлган ҳолда талқин этишга эътиборимизни қаратади. Шу жиҳатдан ушбу китоб адабий манбалар билан ишловчилар учун методологик аҳамиятга эга ўта муҳим қўлланма дейиш мумкин.

¹ Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б. Асардан олинган кўчирмалар саҳифаси кавсда кўрсатилади.

Китобнинг кириш қисмидаёқ Ш.Сирожиддиновнинг қатъий эътироф этишича: «...бу ерда ислом кириб келишидан илгари аҳоли ўртасида мистик-илоҳиёт илми сезиларли таъсир кучига эга бўлган» (3). Мана бу – ҳаққоний, адолатли эътироф. Таъсаввуф ғояларини фақат ислом билан боғлаш қанчалик тўғри? Миллий адабиётимизнинг фалсафий сарчашмаларини фақатгина четдан кириб келган ислом манбалари ташкил этган деган қараш эса ўзагида миллий нигилизм яширинган бирёқлама муносабатдир. Ўзига хос миллий дунёқараш асосида ривожланмаганида, исломгача мамлакатимизнинг қадимий сарҳадларида бундай улуғ халқ, қудратли давлат, умумбашарий маданият шаклланмаган бўлар эди. Ҳатто «Мовароуннаҳрда ислом ягона ва мутлақ ҳукмрон мафкурага айланган бир даврда ҳам аҳоли ўртасида исломгача бўлган мистик қарашлар кучли бўлган. Шубҳасиз, исломда фалсафа аталмиш фан соҳасининг шаклланишида нафақат юнон файласуфларининг асарлари таъсири бўлганлиги, балки маҳаллий-мистик-илоҳиёт ғояларининг муайян ўрни борлиги ҳақида ҳам гапириш мумкин» (3).

Хўш, нега замонавий ислом илоҳиётчилари бизнинг Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Мотуридий каби донишманд бобокалонларимизни ҳурмат қилишади? Чунки улар ислом цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар. Улар исломни қабул қилиб олиб, маҳаллий илоҳий таълимот асосида уни ривожлантирганлар. Бошқача айтганда, маҳаллий илоҳиёт илми ютуқлари билан исломни бойитганлар. Ислом билан маҳаллий илоҳиётни муштарак ғоялар асосида пайванд этганлар. Бу жараён илоҳиёт илми тараққиёти давомида йўл-йўлакай, ҳеч бир шов-шув кўтарилмасдан, алоҳида кўзга ташланмасдан юз берган. Ислом дунёқарашини маҳаллий аҳоли томонидан қабул қилинган ҳамда ўзлаштирилган, айти пайтда, маҳаллий тафаккур маҳсуллари ҳам исломга сингдирилган. Бугунда маҳаллий илоҳиёт билан ислом илоҳиёти хусусиятлари эт билан тирноқдек бир-биридан ажралмас даражада тутшиб кетган. Ушбу жараён Ш.Сирожиддинов талқинида бошқачароқ, яъни қуйидагича ифодасини топган: «Ислом Яқин Шарқ, Хуросон ва Мовароуннаҳрга кириб келгандан сўнг ҳам маҳаллий аҳоли онгида ўз яшовчанлигини

сақлаб қолган мистик тафаккур учқунлари IX – X асрларга келиб шиддат билан ривожлана бошлади» (4). Маҳаллий илоҳиёт таълимоти шу қадар қудрат ва яшовчанлик касб этганки, ислом VIII асрда кириб келган бўлса-да, «бу ўлкада XIII асргача Ироқ ва Нишопур суфийларининг таъсири сезилмайди» (4). Китобда Веда адабиётлари ўзбек мумтоз адабиёти озикланган қадимий таълимотлардан бири сифатида ёритилган. Веда адабиётларининг мазмун-моҳияти «Веда адабиётларида ҳақиқат мавзуси» бобида баён этилган. Ведалар билан бирга узвий равишда Упанишадлар моҳияти ҳам очиб берилган. Муаллифнинг ихчам таърифича: «Аслида, «Упанишад» устознинг (пирнинг) шогирд билан тарбиявий мулоқотини билдиради. Бироқ аста-секин у сабоқлар моҳиятини ифодаловчи фалсафий матнга нисбатан қўллана бошлади» (20). Англашиладики, Упанишадлардаги устоду шогирд муносабатлари ўзбек мумтоз адабиётидаги пир ва мурид муносабатларига монанддир. Бу эса адабиётимиз Веда ва Упанишадлардан ҳам озикланганлигига асос бўла олади.

«Таврот адабиётларида пайғамбарлар тарихи» бобида Тавротнинг диний манба сифатидаги мазмун ва моҳияти ёритиб берилган. Тадқиқотнинг ушбу қисми аҳамияти шундаки, олимларимиз томонидан мазкур манба ғайридинларнинг китоби янглиғ бир четга суриб келинар эди. Яхудий пайғамбарлари номлари ва ҳаёти зикр этилган кўплаб ўтмиш адабиётимиз намуналарида кўп ҳолларда чалкаштириб юборилган тарихий фактлар илмий тадқиқот ишларининг холис чиқишига имкон бермасди. Муаллиф яхудийлик дини тарихини ёритиб, кейинги тадқиқотларда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларни кўрсатиб ўтади. Албатта, у ўзбек мумтоз адабиётининг бевосита сарчашмаси бўла олмайди. Бироқ мумтоз адабиёт башарият ва илоҳиёт, шу жумладан, пайғамбарлар тарихининг бадий инъикосидан ҳам иборат эканлигини инобатга олсак, Таврот ҳам бадий адабиёт учун сарчашма манбалардан бири деган мантиқий хулосани эътироф этишимизга тўғри келади. Ҳаммамизга яхши маълум «Илоҳий ишқ» мавзусида муаллифнинг ўз айтар сўзи бор: «Илоҳий ишқ, Тангрига чексиз мафтункорлик Шарқ адабиётининг боқий мавзуларидан биридир. Ҳинд фалсафий адабиётидаги илоҳий муҳаббат ва завқ тараннум этилган

«Бховагад-Гита», «Мокшадхарма», «Сарва-Даршана-Самграха» каби асарларда суфийларникига ўхшаш кўплаб ғояларни учратиш мумкин. Худди шунингдек, христиан адабиётига ҳам илоҳий ишқ мавзуси бегона эмас. Унинг христиан динининг етакчи ғоялари сафидан ўрин олишида юнон фалсафасининг таъсири катта бўлган» (48). Демак, илоҳий ишқ мавзуси исломдан олдин ҳам дунё диний-фалсафий таълимотларда бош мавзулардан бўлган ва ушбу ҳодиса мумтоз адабиётимизни қиёсий планда ўрганиш учун кенг имкониятлар очиши турган гап. «Христианликда илоҳий ишқ ғояси» боби ана шу таъсирнинг юзага келиш тарихи тўғрисида баҳс этади.

Тадқиқотнинг иккинчи асосий қисми «Ўзбек мумтоз адабиётининг исломий сарчашмалари» мавзусини ёритишга бағишланган. Ундаги «Исломий илмлар» сарлавҳали дастлабки бўлим шарқшунос ва файласуф олим нуқтаи назари билан ёритилган. Умуман, китобнинг ҳамма қисмларида ҳам муаллифнинг адабиётшуносликдан кўра кўпроқ шарқшунослик ва фалсафашунослик салоҳияти етакчилик қилиб туради. «Исломий илмлар» бўлими «Қуръон», «Суннат (Ҳадислар)», «Фатволар», «Нақлий ва ақлий илмлар», «Қироат илми», «Тасаввуф» каби таркибий қисмлардан ташкил топган. Китоб чиққан йиллар мумтоз адабиётимизни ўрганишга киришган янги авлоднинг ислом асослари ҳақидаги тасаввури бугунгидек кенг эмас эди. Китобга ушбу мавзунинг киритилишидан мақсад адабий манбаларни таҳлил ва талқин этишда ёш тадқиқотчиларга таянч маълумотларни бериш бўлган деб ўйлайман. Диний маърифат билан шуғулланадиган кўп воизлар ва уламолар шундай мураккаб тил-услугда иш олиб борадиларки, натижада ўқувчи ҳамда тингловчилар улар баён этган тушунчаларни аниқ илғаб ололмайдилар. Ш.Сирожиддинов эса адабиётчиларимиз тасаввурида мавҳум сақланиб келаётган тушунчаларни жуда аниқ изоҳлайди ва мураккаб англамларга ойдинлик киритади. Масалан, кўпчилик ёш тадқиқотчилар шарият нимадан иборатлигини, фатвонинг моҳияти нима эканлигини аниқ билмайди. Олим бунини жуда содда услубда тушунтиради: «Ислом шариятининг асосий манбалари Қуръон, суннат (ҳадис) ва фатволардир. Фатво ижмо ва қиёс асосида чиқарилган ҳукм бўлиб, мусулмонлар

учун қонун кучига эгадир» (63). Аслида, диний тушунчаларнинг моҳиятини, у катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, ана шундай содда ва аниқ баён этиш мақсадга мувофиқ. Соддалик ва аниқлик эса чинакам илмнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Муаллифнинг тадқиқотчилик йўсини, илмий услуби, тафаккур тарзи, талқиний нуқтаи назари исломий манбалар ҳақида ёзилган бошқа илмий ишлардан ажралиб туради. Дунёқарашнинг кенглиги, босиқ-вазмин фикрлаш тарзи, умумлаштиришга усталик, тарихий-фалсафий манбаларни синчковлик билан кузатиш асосида аниқ далилларга таяниш олим услубининг ўзига хослигини намоён этади. Диний-фалсафий манбаларни қиёсий ўрганиб, уларнинг муштарак ва тафовутли хусусиятлари ҳақида теран хулосалар чиқариш ҳам мана шу фазилатнинг бир кўринишидир. Жумладан, христианлик, яҳудийлик ва мусулмонлик динларининг қиёсий таҳлили ҳақида баён этилган кўйидаги хулоса ҳам фикримизни тасдиқлайди: «... христианлар ваҳийни Оллоҳнинг инсон шаклида намоён бўлиши деб тасаввур қиладилар. Яҳудийлар уни ўзларига берилган имтиёз деб тушунадилар. Ислом нуқтаи назаридан эса ваҳий Илоҳий ирода ва Амрдир. Инсондан ваҳий амрларига қатъий бўйсунуши ва илоҳий амрларни сўзсиз бажариши талаб қилинади, христианликда худони севиш марказий ўринга қўйилса, исломда Худога бўйсунуши ва унга суяниши марказий ўринда туради» (63).

Омма онгидаги ана шундай мавҳум тушунчалардан бири виждон эркинлигидир. Хўш, виждон эркинлиги нима ўзи? Мустақиллик даврида динга кенг йўл очилганидан кейин ушбу тушунча тўғрисида жамият нотекис ва нотўқис тасаввурда эканлиги аён бўлди. Кимлардир ўзининг виждон эркинлигини англаб етмаса, кимлардир бошқаларнинг виждон эркинлигини чеклашга, бўйсундиришга, суиистеъмол этишга ҳаракат қилди. Ҳаттоки мустақиллик даврида биринчилардан бўлиб қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун ҳам суиистеъмол этилди. Оқибатда қонунни янги таҳрирда қабул қилишга мажбур бўлинди. Жамиятдаги турлитуман жараёнлар ҳамон қонунни таҳрирдан тўхтатмаяпти. Агар виждон эркинлиги мана бундай тушунилганида, жамият ўз мувозанатида барқарор ривожланармиди: «Қуръони карим динга

зўрлаб киритишни таққиқлайди. Инсонга ихтиёр эркинлиги берилган. Чунончи, унда айтилади: «Динда зўрлаш йўқ». (Бақара сураси, 256-оят)» (63).

Тадқиқотда, айниқса, ҳар бир тушунчага лўнда, қисқа таъриф берилиши диққатга сазовордир. Фалсафа, дин ва илоҳиёт илмида шундай тушунчалар борки, улар ҳақида кўп ёзилади. Лекин мазкур тушунчаларнинг ўзини аниқ изоҳлайдиган таъриф топилмайди. Китобда ана шундай аҳтиёжни қаноатлантирувчи таърифлар кўп. Мана улардан айримлари: «Илоҳиёт таълимоти бўйича дин ўзига хос, илоҳий ҳодиса, инсон ва худо ўртасидаги ғайритабиий алоқадир... илоҳиёт мистика ва фалсафий-мантиқий тафаккур йиғиндисидир» (80).

Китобда тасаввуф мактабларининг пайдо бўлиши ва уларнинг тариқатларнинг юзага келишидаги ўрни ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Жумладан, «Тасаввуф тариқатларини юзага келтирган асосий сабаб тасаввуф мактабларининг IX – X асрларда кенг минтақаларга ёйилиб, бир-биридан фарқлашиб бориши билан боғлиқ ҳодисадир. Кейинчалик тариқатлар шаклланиб, зоҳидлик қораланган. Фақат тариқат ичида махсус машқлар ёрдамида тарбияланувчи инсонлар суфий деб аталган. Мактаблар тариқатларнинг ҳудудий силсилаларини вужудга келтирганини кўриш мумкин. Хусусан, Боязид Бистомий мактаби Хуросон тариқатлари силсиласига, Жунайд ал-Бағдодий Арабистон тариқатлари силсиласига асос солган. Ҳар иккала йўл ўз тараққиёти даврларида турли тармоқ, йўналишларга бўлиниб борганлиги тарихдан маълум. Кейинчалик баъзи тариқатлар ўз силсилаларида уларни формал тарзда қайд этганини ҳам биламиз. Хусусан, машҳур Хожагон тариқати ва унинг шохобчалари силсиласида Боязид Бистомий номи келса-да, Жунайд ал-Бағдодий ғояларини маъқуллаганлар» (82 – 83).

Китоб нашрдан чиққан пайтларда адабиётшуносларимиз калом илми ва унинг адабиётимизга таъсири ҳақида ниҳоятда оз маълумотга эга эдилар. Шўҳрат Сирожиддинов калом илми ҳақида 2000 йилдан эътиборан республика матбуотида бир неча марта чиқишлар қилган, «Ислом фалсафасига кириш: калом илми» номли ўқув қўлланма (2008 йил) ҳам ёзган. Муаллиф ушбу китобда калом илмининг фалсафа ва тасаввуфдан фарқ-

ли жиҳатларини кўрсатар экан, мумтоз адабиётимиз таҳлилида уларни ҳисобга олишга ишора этади. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, калом илмининг фалсафа билан тафовути шундай кўрсатилган: «Калом фалсафадан фақат предмети билан ажралиб туради. Файласуф фалсафий асосларга суянса, мутакаллим диний хужжатларга асосланади» (86). Алишер Навоий асарларида диний, фалсафий, калом ғоялари қоришиқ келади.

Тадқиқотнинг «Ваҳдат ул-вужуд» (Ягона борлиқ) таълимоти тўғрисидаги қисми ҳам эътиборга лойиқ. Одатда, адабиётларда моҳият тушунчаси тўғрисида кўп гапирилади, моҳият сўзи кўп қўлланилади. Аммо моҳиятнинг ўзи нима? Китобда бу ҳақда мана бундай таърифни ўқиб қаноат ҳосил қиламиз: «Моҳият бизнинг нарсаларга умумий қарашимизнинг фалсафий ифодасидир» (158). Бундай ихчам хулосаларни баён этиш учун фақат шарқшунос, адабиётшунос эмас, балки файласуф ҳам бўлиш керак, назаримизда.

Таҳлил этилаётган тадқиқотда ҳам ана шундай ўзига хос тафаккур туҳфаларини кўришимиз мумкин: «Вужуд ўзининг бутун борлигида тажалли қилади, бир шаклда бу ерда, бошқа шаклда у ерда, барча ерда билинмай ва суюлмай намоён бўлади. Оллоҳ ўз-ўзини таниш жараёнида вужудда зарурий бўлган сифатлар ва алоқалари билан намоён бўлган Вужуддир» (160). Назаримизда, бу бошқа тадқиқотларда учрамайдиган ва анчайин содда тушунтиришдир.

Яратувчи бутун оламни, коинотни ўзидаги жамики фазилатларнинг акси сифатида яратганлиги ҳақидаги таъриф-тавсифларни кўп ўқиганмиз. Мана бу беназир талқин бу борадаги билимимизни янада бойитади: «Оламнинг пайдо бўлиши Оллоҳнинг «ўз моҳиятини кўриш учун» ўзини ошкор этишидир. Бунинг сабаби – «ёлғизлик ғами» (163). Бу мумтоз адабиёт ихлосмандларининг тажалли фалсафаси назариясини тушунишларига ёрдам беради.

Ваҳдат ул-вужуд ҳамда тажалли таълимотларини англашишда мана бу хулосалар ҳам эътиборга молиқдир: «Инсон – энг олий хилқат. У илоҳий кўринишларнинг барча шакллари ўзида синтезлаштирган. Унда «бор мавжудотнинг сифати бор» (Фусус, 50-б.), унда оламнинг бор воқелиги (ҳақойиқ) му-

жассамдир (Фусус, 55–б.) Бошқа барчаси Худо сифатларининг ҳисобсиз томонларининг бирини акс эттиради» (168). Ушбу қарашларида Ш.Сирожиддинов илоҳиётшунос олим сифатида гавдаланади.

«Ваҳдат ул-вужуд» фалсафаси ҳақида ҳам анча-мунча тадқиқотлар яратилди, китоблар, мақолалар чоп этилди. Бироқ у ҳамон илмда етарлича тадқиқ этилмаган, қиёмига етказиб шарҳланмаган, моҳияти оммалашиб кетмаган таълимотдир. Эҳтимол, бунга унинг ўта мураккаблиги, мавҳумлиги сабабдир. Мустақиллик йиллари мумтоз адабиётимиз намуналари таҳлилга тортилганда деярли барчаси «Ваҳдат ул-вужуд» таълимоти нуқтаи назаридан шарҳланди. Шухрат Сирожиддинов ўз китобида ушбу таълимот билан ёнма-ён «Ваҳдат уш-шухуд» таълимоти ҳам адабиётимизга қаттиқ таъсир қилгани ва уларга шариатнинг муносабатини очиб берган. Бу икки таълимотнинг бир-бири билан кесишмайдиган жиҳатлари борлиги, бу икки оқим намояндаларининг ўз адабиёти бўлгани адабий манбалар тадқиқида олимлар томонидан ҳисобга олиниши лозимлигини кўрсатади. Муаллифнинг ёндашуви, хулосалари ва талқинлари ўринли.

Ушбу умумлаштирувчи тадқиқот ўзбек мумтоз адабиётини таҳлил ва талқин этиш, келажакда ҳар томонлама чуқур илмий тадқиқотлар яратишга методологик асос бўлиши мумкин.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий умр фалсафаси ҳақида сабоқ берганида:

*Қилмади элликда тараққий киши,
Олтмишу борча таназзул иши, –*

деган эди. Шухрат Сирожиддинов эллигу олтмиш аро порлоқ шахсият, нуктасанж олим, моҳир раҳбар сифатида камол топди. Биз уни муборак ёши билан табриклаган ҳолатда келажакда янада залворли тадқиқотлар яратишига, эзгу амаллар ҳамроҳлигида улуғ мартабаларга эришишига омадлар тилаб қоламиз.

Фармон ТОШЕВ,
«Зарафшон» газетаси бош муҳаррири, сенатор

МЕН БИЛГАН ШУҲРАТ ДОМЛА

Самарқандда Самариддин Сирожиддинов деган журналист ва шоирга шогирд тушганман. Самариддин ака 1932 йилда Каттақўрғондаги Кичикқўрпа қишлоғида туғилган. «Зарафшон» газетасида ўн йилдан ортиқ ишлаб, мухбир, бўлим мудири, масъул котиб вазифаларида ишлаган. Сирожий тахаллуси билан ижод қиларди. Ўндан ортиқ китоблари чиққан. Кейин, вафоти (1987 йил)га қадар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимини бошқарди. Филология фанлари номзоди эди.

Самариддин акага талабалигимда факультетдаги тадбирдан хабар олиб бориб учрашганман. У киши қизиқишимни кўриб, аввал «подчитчик»ликка (мусахҳиҳ ўқиганда матнга қараб турувчи), кейин АПН агентлиги материалларини русчадан ўзбекчага ўгиришга жалб этди. «Жумла тузиш маҳоратинг пишади», – деди. Аввалдан айтиб қўяй, ишлаб чиқариш амалиётимда ҳам, диплом олгач, ишга кирганимда ҳам у кишининг менга муносабати ўзгармади: талабчан ва меҳрибон раҳбар сифатида иш ўргатди. Гарчи давраларида ҳайиқиб, тортиниб турсак-да, биз – ёшларни суҳбатга тортар, янги шеърларидан ўқиб берарди.

Сирожий Каттақўрғон мумтоз адабий муҳитини яхши биларди. Шавқий, Мирий, Холис, Мамарасул Бобоев ижоди ҳақида мақолалар ёзарди. Аруз вазнига эътибор камайган шароитда гўзал ғазаллар ижод қиларди. Ҳар даврада Алишер Навоий, Лутфий ва Жомийдан ғазаллар ўқиб берарди. Самариддин аканинг асабий бўлганини, биров билан баҳслашганини кўрмаганман. Ҳар қандай ҳолатда енгил мутойиба билан вазиятни юмшатарди. Шуҳрат – ана шу инсоннинг учинчи фарзанди. Мукаррам ая Эргаш қизи – Самариддин аканинг турмуш ўртоғи. Қишлоқдаги оддий мироб қизи, меҳнаткаш оила вакили. Олий маълумот ололмаган, аммо шоир ва журналистнинг биринчи

Ўқувчиси эди. Уйида кўп бўлганим учун аянинг меҳридан, яхши муомаласидан, чойидан баҳраманд бўлганман. Фарзандларининг барчаси ўғил бўлса-да, уйда тартиб-интизом, саришталик ҳукмрон эди. Хизмат уйида яшагани учун кўпқаватли уйининг ҳар бир юмуши бўлиб олинган эди. Уйидаги бой кутубхонадан фақат оила аъзолари эмас, биз – шогирдлар ҳам фойдаланардик. Мукаррам ая эса ҳар бир китобнинг қаерда турганини, нима ҳақида эканини яхши биларди. Бу мўътабар аёл Шухратнинг волидаи муҳтарамаси эди!

Бу авлоднинг бошида турган маърифатли зот – Сирожиддин махсум Каттақўрғоннинг бообру зиелиси Абдулғаффор базознинг ягона ўғли бўлган. У Бухоро мадрасасини тугатиб келганда совет тузумининг қатағон сиёсати қаҳрига учраб диний-мистик шоир Сўфи Оллоёрнинг авлоди бўлгани учун икки марта қамалади. Шериклари ёрдамида Бухоро қамоқхонасидан қочиб яширинча уйга қайтади ва қизил аскарларнинг тазйиқидан қўрқиб Каттақўрғон шаҳридаги уй-жойини жиянига ташлаб, ўз оиласи билан НКВД тазйиқидан узокроқ бўлган Кичик кўрпа қишлоғига кўчиб ўтади. Бу қишлоқ ерлари бир маҳаллар унинг ажодларига қарашли бўлиб, маҳаллий аҳоли уларнинг мурувватларидан баҳраманд ва рози бўлгани учун дарҳол бир пайтлар далаҳовлиси бўлган маконни уларга бўшатиб берадилар. Бироқ шу даврда қишлоқ кенгашлари тузиш ишлари (селсовет) бошланиб, район партия қўмитаси аъзолари қишлоққа келиб уни таниб қолишади ва дарҳол НКВДга хабар беришади. Сирожиддин кулоқ қилиниб, бор мол-мулки мусодара этилади, ўзи Каттақўрғон қамоқхонасига тиқилади. У бу ердан ҳам қочишга имкон топади ва зудлик билан оиласини олиб яширинча бу юртдан бош олиб чиқиб кетади. Туркманистон орқали Арабистонга ўтиб кетаётганда чегара ёпилиб, Оренбургда бир муддат жон сақлашга мажбур бўлади ва фақат 1938 йилдагина ватанга қайтишга муяссар бўлади. Қишлоқдан бир парча ер олиб, амал-тақал қилиб уй солади ва деҳқончилик билан шуғулланади. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда «халқ душмани» тамғаси борлиги туфайли урушга юборишмаган, аммо Сибирнинг узоқ ўлкаларида дарахт кесиш ишларига жалб этилган. 1946 йилда Сибирдан қайтгач, умрининг охиригача Кичик

кўрпа қишлоғида оғзига мум солиб, ўтмишини, қандай зотларнинг зурриёди эканлигини бегоналардан беркитиб яшади, фарзандларига ҳам бу ҳақда чурқ этмасликни тайинлади. Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади-да. Худди шундай кўргиликларни бошидан кечирган қариндоши – Ножий тахаллуси билан ажойиб ғазаллар ёзган Қори Муҳаммадрасул Зубайдулла ҳам 1949 йилда 17 йиллик қувғиндан қайтгач, шаҳардаги уй-жойига бормай, Сирожиддин Махдумнинг ёнида уй қуриб яшайди. Бу икки забардаст уламнинг маконида бутун Каттакўрғон шаҳри кекса зиёлиларининг мароқли суҳбатлари кечган. Бу тунги суҳбатларда навоийхонлик, бедилхонлик қилинган, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си ўқилган. Уларнинг муҳитида тарбияланган Ножийнинг ўғли, кейинчалик халқ таълимида элга танилган Абдулазиз Зубайдулло, Қобил Узоқов, Самариддин Сирожиддинов, Ҳасан Нормуродовлар халқ орасида обрўли зиёли бўлиб етишдилар. Қобил Узоқов узоқ йиллар «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррир ўринбосари, ЎзТАГ (ҳозирги ЎЗА) ахборот агентлигини бошқарди. Ҳатто ўша пайтдаги СССР давлати раҳбари Н.Хрушчев делегацияси сафида АҚШга бориб қайтди. Бу инсон Шухратнинг амакиси эди! Замон тинчиган 70-йилларда Қори Муҳаммадрасул бобо шаҳардаги уйига қайтади, аммо Сирожиддин бобо ўз авлоди билан шу ерда қолади.

Вилоятдаги учрашувларнинг бирида давлатимиз раҳбари: «Ҳасан Нормуродов – мамлакат зиёлиларининг юзи», – деганди. Бу бежиз эмас. Ҳасан Норбекович Қори Муҳаммад Расул зиёси, Сирожиддин махдум илми туфайли ўқиб камолга етди. Ҳасан Нормуродов Шухратнинг онаси Мукаррам опанинг жияни эди. Ўзидан 5–6 ёш катта Самариддин ака этагини ушлади. Адабиёт муаллими бўлгач, кейинчалик партия ишига ўтди. Мустақиллик даврида Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Ҳасан ака менинг суюкли устозим, Шухратнинг тоғаси эди!

Академик Ботирхон Валихўжаев СамДУ ректори ёрдамчиси, шунинг баробарида, мумтоз адабиёт кафедраси ўқитувчиси бўлган бу йигитга алоҳида меҳр қўйди. Ўзидаги иштиёқ туфайли араб ва форс тилларини яхши билган ёш олимни Алишер Навоий оламига олиб кира олди. Бу буюк инсон Шухратнинг устози эди!

Отасидан эрта жудо бўлгач, гарчи акаси ички ишлар хизматидан пенсияга чиққан, укаси Ўқтам номзодлик диссертациясини ёқлаган, укаси Хотам энди илм йўлини танлаган бўлса-да, маърифатли боболари, падари бузруквори йўлини давом эттиришни ўз зиммасига олди ва ҳалол олимлар этагидан тутди.

Дарвоқе, бу пайтга келиб у бир қадар ҳаётий тажрибага ҳам эга эди.

... Учинчи курсда ўқиганида араб ва форс тилларини яхши билгани учун уни Афғонистонга таржимон қилиб жўнатишди. Роса бир йил урушни кўриб, ҳаётий нуқтаи назари шаклланди.

Шу сабабли ўқишни тугатгач, уни зобит сифатида яна Афғонистонга жўнатишди. Ўшанда бу жасоратли йигит жасорати ва маҳорати билан қамалда қолган взводнинг ярмини душман ҳужумидан олиб чиқишга эришди ва «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. У катта лейтенант Шухрат Сирожиддинов эди!

Шухрат домла Самарқандга икки бор қайтди. Аввал Президент академиясини тугатгач, бир муддат Имом Бухорий халқаро жамғармасини бошқарди. Кейинчалик Самарқанд чет тиллари институти ректори сифатида. У ана шу муддатда боболари, отаси анъаналарига, илм-фанга содиқлигини кўрсата олди. Ҳалоллиги, оқиллиги, эътиборлилиги, энг муҳими, доимий изланишда бўлиши ва машаққатлардан қўрқмаслиги боис зиёлилар ҳурматига сазовор бўлди.

Шухрат билан жуда кўп суҳбат қурганман. Ундаги муомала маданиятига, фикрини изҳор этиш маҳоратига ҳавас қиламан. Мумтоз адабиётнинг аҳамияти, ёшларни илмга жалб этиш ҳақида куйиниб гапиради. Давлат раҳбарлари билан янги олийгоҳ – Ўзбекистонда ўзбек тили ва адабиёти университети концепциясини муҳокама қилиб қайтгач, таассуротини шу қадар ҳаяжон ва фахр билан айтиб бердики, гўё туганмас хазина топгандек кайфиятда эди.

Шу сабабли унинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги янги илмий талқини Давлат мукофотига сазовор бўлганда камина мамлакатимизда илмий жасорат одилона баҳоланганига ишондим. Дарвоқе, мен Самариддин аканинг бошқа ўғиллари ҳақида ҳам ана шундай ҳароратли сўзларни айта ола-

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ ВА ЯНГИ ДАВР НАВОИЙШУНОСЛИГИ

1991 йили юртимиз мустақилликка эришди. Шу йил баҳорида янги ташкил қилинган, Эркин Воҳидов бош муҳаррир бўлган «Ёшлик» журналининг 5-сонида «Навоийнинг севгилиси ким?» деган ном билан мақола эълон қилинди. Мақола муаллифи энди ўттизга тўлган, шу йили «XIX аср Каттакўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари» мавзуида номзодлик ишини ёқлаган Шуҳрат Сирожиддинов эди. Ёш олим ЎзРФА Шарқшунослик илмий-текшириш институти қўлёзмалар маҳзанида сақланувчи «Мажолис ун-ушшоқ» асари маълумотларига таянган ҳолда Навоий меҳр қўйган санам Хадичабегим деб эълон қилди. Бундай «даъво» ўша даврнинг етакчи навоийшунослари Сўйима Ганиева, Иброҳим Ҳаққулов каби соҳанинг дарғаларигагина эмас, балки мавзудан унча-мунча хабардор бўлган бошқа улуғ ёшли зиёлиларга ҳам мутлақо маъқул бўлмади. Сабаби аниқ – ахир бу ўта гўзал ва, кўпчиликнинг фикри бўйича, ўта маккора аёл давр ҳукмдори, шоирнинг жонажон дўсти Ҳусайн Бойқаронинг қонуний ва севимли завжаси, юртнинг тан олинган маликаси, шахзода Музаффар Мирзонинг онаси эди-да. Ҳеч ким айтмадики, ахир Хадичабегим туғилганидан малика бўлмаган-ку, Ҳусайн Бойқаро уни ўз никоҳига олганда Хадичабегимнинг олдинги ҳукмдор Абусаид Мирзодан Оқбегим исмли ёш қизчаси бор эди-ку, Навоий ва ёш Хадича исмли қизча орасида илк муҳаббат туйгулари ғунчалаган пайтда шоир йигит 22 – 23 ёшларда, қиз эса 12 – 13 ёшларда бўлган-ку (Турғун Файзиёвнинг «Темурийлар шажараси» китобида Хадичабегим 1451 йилда туғилгани қайд этилган. У 14 ёшида Абусаид Мирзога никоҳланган).

Биз Шуҳрат Сирожиддинов билан илк бора 1998 йили Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши

академиясида юзма-юз учрашдик. Шу йили Президент академиясида магистрлик курсида ўқиш билан бирга ёш олим «Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс манбалари» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. 2011 йили ушбу тадқиқот асосида олимнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили» фундаментал тадқиқоти нашр этилди ва 2013 йили тадқиқот муаллифи Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт соҳасида биринчи даражали Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бу даврда фан доктори даражасига эришган олим энди ўттиз ёшидаги «ёвқурлиги»ни анча-мунча жиловлаб олган бўлиб, тадқиқотининг «Навоий ва Абу Саъид Мирзо муносабатлари»га бағишланган алоҳида фаслида энди бу икки шахс орасидаги кўпчилик тадқиқотчиларга маълум совуқчилик сабаблари ҳақида XX асрда рус шарқшунослари В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс ва бошқаларнинг барча тахминий мулоҳазаларини тарихий асарларда келтирилган фактларга таяниб рад этган ҳолда навқирон ёшдаги шоирнинг «Абу Саъидга қаратилган исёнкор сатрлари фақат қандайдир фожиа оқибатида пайдо бўлган чексиз адоват, нафрат натижасидагина отилиб чиқиши мумкин эди» деб жиддий бир сирга ишора қилади, аммо «Навоийнинг Абу Саъид Мирзога салбий муносабати унинг ўзигагина маълум сир бўлиб қолди» деб масала ечимини мавҳум қолдиради. Назаримизда, бундай мавҳумликни нафақат 1991 йилдаги шов-шувли мақола туфайли ўша давр катта устозлардан эшитган танбеҳлари, балки «Мажолис ун-ушшоқ» қўлёзмаларидаги турлича талқинлар сабабли туғиладиган гумонлардан эҳтиёткорлик сифатида қабул қилиш ҳам мумкин.

Бугунги кунга келиб ушбу шоирнинг «ўзигагина маълум сир» унинг бир ғазали гувоҳлигида тўлиқ ошкор бўлди ва ёш олимнинг журъати беҳуда эмаслиги аниқ тасдиғини топди. Шу асосда бугун «янги давр навоийшунослиги Шухрат Сирождидиновнинг Ватан мустақиллиги баҳорида чоп этилган шов-шувли мақоласидан бошланади» деб дадил хулоса қилиш мумкин.

Ш.Сирождидинов навоийшунослигининг яна бир хусусияти – олим ўз изланишларини муайян бир доирада олиб боришга

ҳаракат қилади. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш муаммоси коинот янглиғ ҳудудсиз бўлиб, агар тадқиқотчи ўзига аниқ бир чегаралар белгилаб олмаса, бу йўлда бирор жўяли натижаларга эришиши маҳол. Шунини яхши англаган Сирожиддинов барча асарларида фақат шоирнинг ҳаёти, ўзгалар билан муносабатларига оид аниқ фактларни қадим манбалар асосида ўрганишга асосий эътиборини қаратади. Бу, айниқса, унинг давлат мукофотига сазовор бўлган машҳур тадқиқотида ёрқин намоён бўлган. Биз қуйида намуна учун ушбу ишга берилган эксперт хулосасидан бир парча келтиришни лозим кўрдик.

«Ш.Сирожиддиновнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» мавзусидаги тадқиқоти бизга нима янгилик беради деб савол қўйиш ўринлидир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг бевосита ташаббуси билан ўтмиш мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва илмий-ижодий меросини ўрганиш соҳасида мутлақо янгича ёндашувлар шаклланди. Зиёлиларимиз мафкуравий зуғум исканжасидан батамом қутулдилар. Аждодлар меросини холис ўрганишнинг кенг имкониятлари очилди. Аммо бу имкониятлар олимларимизнинг ишини енгиллаштирди деб ўйлаш хато бўлур эди. Энди ўтмиш алломаларимиз фаолиятини синфий кураш қолипларига солиш мажбуриятидан қутулиб, унинг ўрнига «фалончи ҳам мусулмон бўлган», «суфий бўлган» каби юзаки хулосалар билан кифояланиш масалани ҳал қилиб бермас эди. Тўғриси айтганда, ижтимоий-гуманитар илмлар соҳасида энди жиддий изланишлар олиб бориш замони келди десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Ш.Сирожиддиновнинг мазкур тадқиқоти Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги ана шундай жиддий изланишларнинг дастлабки намуналаридан дейиш мумкин.

Бу тадқиқотда шоирнинг ижодий мероси ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмаган. Мақсад ҳам бу эмас. Муаллиф изланишлари биринчи навбатда Навоийнинг ҳаёт йўли ҳақида хабар берувчи бирламчи манбаларни қиёсий тадқиқ этиш ва бу соҳадаги мавжуд чалкашликларга имкон даражада барҳам беришни кўзлайди. Зеро, шоирнинг биографиясини аниқлаш бўйича зарур вазифаларни амалга оширмай туриб унинг ижодини таҳлил қила бошласак, хулосаларимиз янглиш чиқиб қолиши ҳеч гап

эмас. Улуғ шоирнинг деярли барча асарлари бизгача ишонарли қадим манбаларда етиб келган. Аммо унинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотларимиз бу даражада эмас. Давр тарихчилари улуғ амир ҳақида эҳтиром билан сўз юритадилар, бироқ қўп тафсилотлар ҳануз кўздан яширин қолмоқда. Турли манбаларда шоирнинг отаси турли исмлар билан эсланади, онаси ҳақида эса деярли маълумот йўқ. Давр ҳукмдорлари билан шоирнинг муносабатлари ҳақида ҳам чалкаш фикрлар талай. Бундай ҳолатда манбашуносга осон тутиб бўлмайди. Ш.Сирожиддинов жуда мушкул вазифани ўз зиммасига олган.

Шоир замондошларининг асарларидаги тегишли ўринлар илгари ҳам ўрганилган. Жумладан, академик Иззат Султоннинг «Навоийнинг қалб дафтари» асари ва тарих фанлари доктори, академик Бўриной Аҳмедов нашрга тайёрлаган «Навоий замондошлар хотирасида» тўплами шундай китоблар сирасидандир. Биз қиёс учун кейинги китобдаги маълумотларни Ш.Сирожиддинов тадқиқотига илова қилинган маълумотлар билан солиштириб кўрдик. Б.Аҳмедов тўпламида Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Бобир, Восифий, Содиқбек Содиқий асарларидан Навоий биографиясига тааллуқли парчаларнинг ўзбекча таржималари келтирилган. Ш.Сирожиддинов буларга қўшимча равишда шоирга замондош бўлган (яъни XV – XVI асрларда яшаб ижод этган) алломалар (тарихчи, шоир ва адиблар) – Абдураззоқ Самарқандий, Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорий, Абдулвосеъ Низомий ва Абдулғафур Лорий, Хусайн Бойқаро, Абдуллоҳ Ҳотифий, Камолиддин Хусайн ал-воиз ал-Кошифий, Атоуллоҳ Асилий, Атоуллоҳ Маҳмуд Хусайний, Шамсиддин Муҳаммад Бадахший, Хусайн бин Муҳаммад ал-Хусайний, Аҳлий Шерозий, Фаҳрий Ҳиротий, Мирзо Ҳайдар Дўғлот, Сом мирзо Сафавийларнинг улуғ давлат арбоби ва ижодкор ҳақидаги хотира ва фикр-мулоҳазаларини таҳлилга тортади. Б.Аҳмедов Жомий асарларидан фақат уч парча келтирган бўлса, Ш.Сирожиддинов бундай парчаларни 10 тага етказди. Тадқиқотчи хотираларнинг фақат таржимаси билан қаноатланмай, асл форсий матни ҳам келтиради. Бу ҳам ишнинг илмий қимматини оширувчи омилдир. Тадқиқотга жами 100 дан ортиқ мавзуга оид асл манба-

лар жалб этилган бўлиб, уларнинг кўпи ЎзРФА Шарқшунослик илмий-текшириш институти қўлёзмалар фондида сақланади. Бундан ташқари, Санкт-Петербург, Москва, Душанбе, Боку, Самарқанд, Буюк Британия ва Ҳиндистонда эълон қилинган материаллардан ҳам керакли ўринларда фойдаланилган...

Тадқиқотга 300 дан ортиқ манба ва адабиётлар жалб қилинган. Муқаддимада навоийшунослик тарихига қисқача тўхталиб, шўролар даврида қилинган ишлар ва мафкуравий зуғумнинг Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга кўрсатган салбий таъсири очиб берилган.

Ишнинг биринчи бобида янги материаллар асосида шоирнинг отаси ҳақида ва давр ҳукмдори Абу Саъид Мирзо билан муносабатлари хусусида янгича хулосалар баён қилишга муваффақ бўлган. Бобнинг кейинги қисмида шоирнинг балоғат даврига оид маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, Навоийнинг бош вазир сифатида ҳукуматда бажарган вазифалари, хулқ-атвори, хайрия амаллари, мол-мулки, яқинлари ва суҳбатдошларининг аниқ номлари ва сони янги маълумотлар асосида бир тизимга солиб чиқилган. Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги давридаги расмий лавозимлари, шоирнинг шахсий феъл-атвори, шоир Биноий билан муносабатлари, бунёдкорлик фаолияти, мол-мулки, устозлари ва яқин суҳбатдошлари ва муносабатларига доир янгича қарашлар шакллантирилиб, улар шоир ҳақидаги нақл ва ривоятлар, Навоийнинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ таърихлар асосида бойитилган.

Тадқиқотнинг 2- ва 3-боблари шоирнинг Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг вазирлари билан муносабатлари ҳақида манбаларнинг батафсил қиёсий таҳлилига бағишланган бўлиб, янги маълумотларни жиддий ўрганиб чиқиш натижасида XX аср навоийшуносларининг тадқиқотларидаги айрим ўринларга жиддий танқидий муносабат билдирилган, айрим мавҳум ўринларга аниқлик киритилган. Жумладан, Навоий ва Бойқаро, Навоий ва Мажиддин муносабатлари шу пайтгача шарҳлаб келинганидан анча мураккаброқ эканлиги таҳлил давомида асосли равишда кўрсатиб берилган. Навоийнинг муҳрдор сифатида сарой хизматини бошлаганидан то истеъфо бергунча содир бўлган воқеалар, амирлик лавозимига тайинланиши тафсилот-

лари, қачон истеъфога чиққанлиги ва унинг сабаблари, Астрободга ҳоким этиб юборилиши ҳақидаги янги маълумотлар, таҳлил ва хулосалар навоийшуносликда шоир таржимаи ҳоли тафсилотларини янгича назар билан кўришга, тарихий ҳақиқатни аниқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Жумладан, Навоийнинг Астрободга сургун қилинмаганлиги, балки обрўли ва тажрибали давлат арбоби сифатида давлат манфаатларини кўзлаб ҳукмдор томонидан бу вазифага тайинлангани ишонарли манбаларга таяниб асослаб берилган.

Матнни ўқиш мобайнида баъзан шундай таассурот туғиладики, муаллиф шоирнинг ҳаёт тафсилотларини ёритишда баъзи нуқталарни очиқ қолдирмоқда, якуний хулосалар чиқаришдан ўзини тиймоқда. Демак, ҳали яна аниқланмаган ўринлар бор ва тадқиқотчи хануз охириги сўзини айтишга шошаётгани йўқ. Бу ижобий ҳолат. Чунки шошилиб хулоса чиқаргандан кўра муаммоларнинг келгусида ҳал қилиниши лозим ўринларини кўрсатиб ўтиш илм ривожини учун унумлироқ йўлдир.

Мустақиллик даврида Навоий ижодига янгича ёндашув заруратини деярли барча тадқиқотчилар таъкидлашади. Аммо кўпчилик эълон қилинаётган ишлар эссеистика характерида эга бўлиб, уларда масалага изчиллик ва тизимли ёндашув етишмайди. Масалан, шоирнинг ёш йигитлик даврида ёзган бир ғазали алоҳида таҳлил қилинади-да, унинг тасаввуф шоири эканлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Ш.Сирожиiddинов тадқиқоти масалага ҳар томонлама изчил ва тизимли ёндашуви билан бундай ишлардан тубдан фарқ қилади. Масалан, ундаги биринчи иловада илк манбалардаги Алишер Навоий ҳаётига оид маълумотлар қайси манбада қандай мавзу мавжудлиги ҳақида аниқ кўрсатма бўлиб, бу маълумотлар 19 саҳифада рақамланган ҳолда бирма-бир санаб ўтилган. Бундай рўйхат кейинги тадқиқотчилар учун ўта муҳим таянч нуқта бўлиб, унинг ёрдамида келгуси тадқиқотлар йўналишини аниқ белгилаб олиш имкони туғилади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, изланувчан олим докторлик ҳимоясидан кейин ҳам бирор муддат илмий ижоддан тингани йўқ, турли масъул лавозимларда ишлаб турган ҳолда қатор монографиялар, илмий мақолалар тайёрлаб ўз тадқиқот кўла-

мини кенгайтириб бормоқда. Масалан, тилга олинган монография билан деярли бир пайтда унинг «Илм ва тахайюл сарҳадлари» деб номланган китоби нашр этилган эдики, назаримизда, бу икки монографиянинг бир-бирига боғлиқ жиҳатлари йўқ эмас. Китоб Абу Мансур Мотуридийга бағишланган мақола билан бошланиб, Сўфи Оллоёр билан тугалланади. Орада «Тасаввуф дарғалари», Ғаззолий, Шиҳобиддин Сухравардий, Аҳмад Сирҳиндий ва бошқалар хусусида суҳбат кетади. Балки, булар Навоийни теранроқ англаш учун исломий ва тасаввуфий манбаларга мурожаат қилиш мақсадидаги изланишларнинг дастлабки меваларидир. Бу изланишлар беҳуда эмас эди. 2017 йили Навоий шахрида ўтказилган халқаро конференцияда сўзлаган нутқида Алишер Навоий ижодига калом илмининг улуғ намояндалари Абу Мансур Мотуридий ва Имом Ғаззолийлар олға сурган ғояларнинг таъсирини очиб беришга ҳаракат қилганлигига гувоҳ бўламиз.

Кейинги йилларда олим яна Навоий ва унинг келиб чиқиши ҳақидаги муаммоларга қайтиб, шоир аждодларининг темурий мирзолар билан муносабатлари масаласини жиддий ўрганишга киришди. Юқорида тилга олинган докторлик диссертацияси асосидаги монографияда бу масала жуда ихчам кўриб чиқилган бўлса, 2019 йилги халқаро анжумандаги маърузада бу мавзу тарихий манбаларни кенг истифода қилган ҳолда бирмунча мукамал ёритилди. 2021 йил ноябрь ойидаги анжуманда бу мавзуга оид яна қўшимча маълумотлар келтирилади. Аслида, бу мавзу Ш.Сирожиддиновга илгари ҳам бегона эмас эди. Жумладан, 1993 йили Самарқандда нашр этилган «Ҳазрат Султоннинг яқин кишиси (Темурийлар ва Алишер Навоий муносабатлари тарихидан лавҳалар)» китобида бу масалалар дастлабки тарзда тилга олинган бўлиб, унда асосий эътибор Навоий ва Абусаид Мирзо муносабатларига қаратилган эди.

Мен яқинда 80 ёшга тўлдим. Менинг энг унумли изланишларим, энг яхши китобларим охириги 10–15 йил орасида яратилди. Шуҳрат Сирожиддинов мендан 19 ёш кичиклигини ҳисобга олсак, унинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича энг салмоқли тадқиқотлари ҳали олдинда деб тасаввур қилиш мумкин. Умрингиз узоқ ва самарали бўлсин, Шуҳратжон!

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори

НАВОЙНИ АНГЛАШ ЭҲТИЁЖИ **(Навоийни англаш ва англиштиш бахти)**

Навоийшунослик илми ўз тарихига эга. Алишер Навоийнинг ҳаётлик чоғидан бошланган бу илм турли даврларда турли босқичларни, турлича муносабатларни бошидан кечирди. Ўз даврида Хондамир ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоийни қандай алқаган бўлса, ҳатто шўро замонида ҳам аллома истеъдодига тан берилган, эътироф этилган. Бироқ унинг ижодий меросини чинакам ўрганиш, унга холис баҳо бериш, назаримда, мустақиллик йилларидан кейин бошланди.

Алишер Навоий меросини ўрганиш ҳақида гап кетганда Иззат Султон, Ҳамид Сулаймон, Порсо Шамсиев, Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Ботир Валихўжаев, Азиз Қаюмов, Абдуқодир Хайитметов, Нажмиддин Комилов, Абдурашид Абдуғафуров, Ёқубжон Исҳоқов, Суйима Ғаниева, Иброҳим Ҳаққул каби забардаст навоийшунос олимларимизнинг номлари фахр билан тилга олинади. Кейинчалик уларнинг сафига Шухрат Сирожиддинов ҳам келиб қўшилди.

Адабиётшуносликда янги гап айтиш, янги илмий хулосаларга келиш, бадий сўз санъати ҳақидаги ўзининг янгича назарий қарашларини исботлаб бериш ва илгари суриш бахти ҳамма олимларга ҳам насиб этган эмас. Айниқса, навоийшуносликда. Навоийни миридан сиригача ўрганган «титан» олимлар турганда уларнинг «панжасига панжа уриш»га ҳамманинг ҳам юраги дов беравермайди. Қолаверса, етарлича назарий билим ва хоҳишга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади.

Навоийни ўрганишга қарор қилган олимнинг қалбида биринчи галда мумтоз меросни англаш эҳтиёжи, бу буюк меросга

буюк муҳаббати ҳам бўлиши керак. Назаримда, ўзининг кўплаб мақолалари, илмий монографиялари билан илмий жамоатчиликда ном қозонган Шухрат Сирожиддинов ҳам болаликдан мумтоз мерос, адабиётга буюк бир муҳаббат билан улғайган.

Шухрат аканинг падари бузруквори Самариддин Сирожиддинов Сирожий тахаллуси остида ёзилган ғазаллари, ўнлаб шеърий китоблари билан элга танилган таниқли ижодкор эди. Шунингдек, у «Абдулҳамид Мажидий ҳаёти ва ижоди» мавзуидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган, шу мавзуда драмалар ҳам ёзган, умрини Самарқанд адабий муҳитини тадқиқ ва тарғиб этишга бағишлаган.

Самариддин ака узоқ йиллар Самарқанд вилояти газетаси, сўнгра Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимига раҳбарлик қилган. Бу одам тўғрисида журналистлар, ижодкорлар ҳаммиша катта бир меҳр-муҳаббат билан гапиришади.

Халқимизнинг яхши мақоли бор: олманинг тагига олма тушади. Менинг назаримда, Шухрат Сирожиддиновнинг қалбидаги мумтоз адабиётга бўлган ўзгача меҳр-муҳаббат, теран нигоҳ энг аввал аждодлардан мерос, қондан қонга ўтган оилавий муҳит ва таълим-тарбиянинг самарасидир. Қолаверса, Шухрат Сирожиддиновнинг Ботир Валихўжаевга ўхшаш устозга шогирд тушиши ҳам бежиз бўлмаган. Ҳаётда домлани мажлисларда, устоз Нажмиддин Комиловнинг ёнларида кўп кўрганман. Ўйчан, камгап, бироқ ҳар бир гапи «тоғни талқон» қиладиган кучга эга эди.

Ботир Валихўжаев мумтоз адабиётни, адабий алоқаларни, тил, тарих ва фалсафа илмини нозик илғайдиган донишманд олим эди. Шухрат акага шундай олимга шогирд тушиш бахти насиб этган.

Алишер Навоийдек аллома меросини ўқиш, ўрганишнинг ўзи бир бахт. Бироқ бу мавзуда тадқиқотлар яратиш, умрни шу соҳага бахшида этиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шухрат Сирожиддиновнинг **«XIX аср Каттақўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари»** мавзуидаги номзодлик иши ҳам, **«Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс манбалари»** мавзуидаги докторлик диссертацияси ҳам навоийшуносликка муҳим улуш бўлиб қўшилди.

Шухрат Сирожиддиновнинг навоийшунослик борасидаги қарашлари, изланишлари ўз устозлари анъаналарини давом эттириш билан бир қаторда меросга ёндашувда тамомила фарқ қиларди. Хўш, навоийшуносликдаги бу ўзгариш, янгиланиш нималарда намоён бўлди деган саволнинг туғилиши табиий.

Бизда бадиий адабиёт кўпроқ адабий манба сифатида ўрганилган, бироқ унинг фалсафий жиҳатларига ҳар доим ҳам етарли даражада эътибор берилмаган. Фалсафага алоҳида, адабиётдан узоқ бир фан сифатида қараб келинган.

«Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини таҳлил қилар эканмиз, бадииятнинг мураккаб қобикларига ўралган фалсафий ғоялар, борлиқ муаммосининг ўзига хос ечимлари, Олим ва Одам муносабатлари мавзуси ўзбек халқининг тафаккур кўламлари бутун Шарқ фалсафасидан озиқланганини ҳис этамиз», – деб ёзади олим ўзининг «Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари» китобида.

Олим адабиётнинг фалсафа билан чамбарчас боғлиқлигини, мумтоз адабиёт тараққиётида маданиятнинг, миллат тафаккурининг, айни пайтда, миллат бадиий диди ва тафаккурининг юксалишида адабиётнинг ўрни катта эканини қадимий манбалар асосида тадқиқ этади.

Олимнинг бу китобида қўйилган масалалар кейинги китобларда янада тўлдириб борилди. «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий типологик-текстологик таҳлили» китоби мамлакатимизда навоийшунослик янги қирраларда намоён бўлиши эди.

Шухрат Сирожиддинов Е.Бертельс, П.Савельев, М.Никитский, В.В.Веляминов-Зернов, Н.И.Илминский каби рус, Х.Вамбери, И.Н.Березин, Бартелеми д'Эрбело, Силвестер де Саси, Катремер, М.Белен, Ч.Риё, Е.Блоше, М.Буват, Е.Браун каби оврополик шарқшунос олимлар билан мунозарага киришади, жойи келганда уларнинг фикрига қарши ўзининг кескин эътирозларини билдиради. Очиғини айтиш керак, кўп ҳолларда рус ёхуд бошқа хорижлик олимларни танқид қилишга ҳамиша ҳам ўзимизда куч ва журъат топа олмаганмиз. Бир томони ҳали шўро тузуми давридаги «синдром»лар онг ва тафаккуримизнинг бурчак-бурчакларида яшаётгани бўлса, иккинчи омил рус

ва хорижлик олимларнинг дасти етган манбалардан узоқда қолиш бўлган.

Навоийни турли йўл ва усуллар билан ўрганиш мумкиндир, бироқ бирламчи қўлёзма манбаларсиз бу борада ҳеч бир муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шухрат Сирожиддинов Навоий меросини ана шундай бирламчи манбаларга суяниб ўрганган олимларимиздан.

Алишер Навоийни у яшаган муҳит, шахсияти, давлат ва жамоат арбоби сифатида фаолияти билан яхлитликда олиб қарагани, яхлитликда ўргангани, ўзимиздаги қўлёзмаларгагина эмас, дунёнинг турли бурчакларида сақланаётган ишончли манбаларга суяниб иш кўргани олимнинг энг катта ютуғидир.

Олим XV ва ундан кейинги даврларга оид манбалардан Алишер Навоийга тегишли бўлган далилларни, маълумотларни излайди, уларнинг ишончлилик даражасини солиштиради, тафовутли ўринларга ўз муносабатини билдиради ва шу орқали навоийшуносликка оид биобиблиографияни шакллантиради.

Шухрат аканинг бошқа бир ютуғи, менинг назаримда, унинг араб ва форс тиллари билан бир қаторда рус, турк ва инглиз тилларини яхши билиши, хорижлик олимлар билан уларнинг она тилида сўзлашишидир.

«Илм ва тахайюл сарҳадлари», «Матншунослик сабоқлари», «Ҳижрий ва мелодий йилларни ўзаро табдил қилиш усуллари» каби монография ва қўлланмаларими ёхуд ҳаммуаллифликда ёзилган «Матншунослик қирралари», «Навоийшунослик» дарслиги бўладими, барчасида олим қайта ва қайта навоийшунослик билан боғлиқ муаммоларга мурожаат қилганлигини кўрамай.

Мана, неча йиллардан буён Шухрат Сирожиддинов мамлакатимизнинг маънавият ўчоқларидан бири бўлган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Одам яхши олим бўлиши, бироқ яхши раҳбар бўла олмаслиги мумкин. Яхши раҳбар бўлиши, бироқ яхши олим бўлмаслиги мумкин. Ҳар иккаласида бирдай муваффақиятга эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Шухрат Сирожиддинов нафақат республикамизда, балки қўшни давлатлар ва дунёнинг кўплаб мамлакатларида навоийшунос олим сифатида тан олинган етук олимлардан бири ҳисобланади.

Фақат олим сифатида эмас, балки янги ташкил этилган университетнинг етакчиси, ташкилотчи раҳбар сифатида ҳам ўзини ҳар томонлама намоён этди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети бугун дунёнинг кўплаб илмий даргоҳлари билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўзининг қутлуғ олтмиш ёшини қаршилаган олимнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Шухрат Сирожиддинов «Алишер Навоий манбаларининг қиёсий типологик-текстологик таҳлили» китоби, навоийшуносликка қўшган ҳиссаси учун Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Мамлакатимиз раҳбари Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғоясини ўртага ташлади. Мана шу учинчи тамаддун пойдеворини яратишда, ўзимизни янги тамаддунга тайёрлашда Алишер Навоийдек алломаларнинг фикрига, асарларига суянишимиз лозим бўлади.

Навоий – ўз даврининг фарзанди, бироқ у ўз даврининггина шоири эмас. У бугуннинг ҳам, келажакнинг шоири, файласуфи, тарихчиси, тилшуноси, том маънодаги зиёлисидир. Фикрда, тафаккурда, бадииятда Навоий кўтарилган мақомга инсоният ҳали етиб келмади. Етиб бориш, бу меросни англаш, ўзиники қилиш, ўзига сингдириш эса ҳар бир авлоднинг ўзига боғлиқ. Одам ва олим ҳақидаги, инсон қалби ва руҳияти ҳақидаги Навоий фикрлари ҳамма даврлар учун долзарб аҳамият касб этаверади. Зеро, Алишер Навоий асарлари бадий, фалсафий, илмий жиҳатдан мукамал асарларгина эмас, балки бизнинг тафаккуримизга, онгимизга, шууримизга куч ва қувват берадиган, инсонларни, элларни, элатларни, халқларни бир-бирига бирлаштирадиган маънавий макон ҳамдир. Унга ҳамшира эҳтиёж сезамиз. Буларни қондиришда эса Шухрат Сирожиддинов каби навоийшунос олимларимизнинг самарали меҳнати туфайли юзага келган китоблар, илмий изланишларга ҳар доим муҳтож бўлаверамиз.

АЖИБ СИНОАТЛАР

Вале ҳар неки Тенгри қилса тақдир,
Кишига йўқ ризодин ўзга тадбир.

(Алишер Навоий)

Шухрат Сирожиддинов билан танишувимиз қизиқ бўлган. 2001 йили Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан Шухрат аканинг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» китоби нашр этилган. Академиклар шаҳарчаси хиёбонида газета-журналлар сотадиган рус аёл бўларди. Бир куни ишхонадагилар билан тушлик қилишга кетаётганимизда ҳалиги сотувчи аёл газета-журналлар билан бирга турли номдаги тўрт-бешта китобларни ҳам ёйиб қўйганига кўзим тушди. Муқоваси кўк китоб эътиборимни тортди. Мовий фон берилган китоб устида «Сўфи Оллоёр илоҳиёти. I қисм. Жамият ва бурч» деган ёзувлар оқ рангда ёзилган эди. Қаттиқ ҳаяжонландим, худди «олтин топган қулдай». Нега бундай деяпман?

Сал ортга қайтаман. Оиламизда «Саботул ожизин» китоби кўп ўқиларди. Болалиқдан, 10 – 12 ёшларимдан бошлаб Сўфи Оллоёр ижодига қизиққанман. Кейинчалик ўқишни тугатиб, 1989 йилда Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтига ишга кирар эканман, бу қизиқиш кучайса кучайди, асло сўнмади. 1990 йилда институт директори Азизхон Қаюмов илмий тадқиқот билан жиддийроқ шуғулланишим лозимлигини айтиб, баъзи маслаҳатлар берди. Кейинроқ устоз Алибек Рустамий тавсияси билан Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» асари лексикаси» номли илмий мавзу танланди. 1991 – 1994 йиллар институт аспирантурасида ўқидим. Шухрат Сирожиддиновнинг юқоридаги китоби билан «юзма-юз» бўлган пайтимда эса эндигина номзодлик диссертациясини ёқлаган эдим.

Тасаввур қилинг, болалиқдан «Саботул ожизин»ни эшита-вериб, деярли байтлари ёд бўлиб кетган, онгли ҳаётининг бир қисмини ҳам шу мавзунини ўрганишга сарф қилиб, яқиндагина диссертация ёқлаган одамнинг қаршисида ўзига энг таниш мавзуда бутун бошли бир монография турибди. Камига монография муқовасида «I қисм» деб ёзиб қўйилган, демак, тадқиқотнинг давоми ҳам бор.

Шу пайтгача Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ хоҳ тарихий, хоҳ замонавий маълумотларни доимий кузатиб келганман. Шоир шахси ва адабий мероси ҳақидаги аксар маълумотлар нотўғри, тўғрилари ҳам далиллар билан асосланмаган, айрим ҳолларда мафкуравий босим остида юмшатишган узук-юлуқ фикрлардан иборат парчаларни жамлаб, шу асосда масалага илмий ёндашуви, хулосалари бир қадар шаклланган ва бу жабҳада ўзини ёлғиз ҳис қилган киши кутилмаганда мазкур масала юзасидан яна бир ҳаммаслаги борлигига гувоҳ бўлса, у қандай аҳволга тушади? Олтин топган қулдай суюнмайдами?

Албатта, биринчи таассуротим – илм йўлида маслакдош бир дўст орттирганимдан бошим осмонга етган. Лекин китоб муаллифи билан шахсан таниш эмаслигим, қолаверса, китоб менга қандай янгиликлар ҳада қилар экан деган энтиқишга ўхшаш бир таассурот ҳам йўқ эмас эди. Дарҳол китобни сотиб олдим ва ўша куннинг ўзида ўқиб ҳам чиқдим. Бир неча кун давомида китобнинг умумий мазмунини конспект қилиб, тарихий маълумотлар, илмий хулосаларни муайян тизимга солиб чиқдим, муҳим ўринларини қайд этиб, кейинроқ китоб ҳақида илмий мақола ҳам тайёрладим.

Китоб илк таассуротларимни тўла оқлади десам бўлаверади. Уч бобдан иборат монографияда Сўфи Оллоёр ҳаёти ва унинг илмий-адабий мероси, шоир яшаган давр маънавий муҳити, ахлоқ ва нафс тарбияси каби мавзулар доирасида муҳим ва янги фикрлар илгари сурилган бўлиб, айтиш мумкинки, иш тўлақонли, яхлит фундаментал тадқиқот сифатида тақдим қилинганди. Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли, илмий-адабий мероси ва уларнинг манбалари бўйича Шухрат Сирожиддинов билдирган янги қарашларда тадқиқотимда қилган хулосалар билан яқинлик ва яқдиллик бор эди, айниқса, мана шу жиҳат

мени кўпроқ қувонтирди. Чунки айна мувофиқлик ҳаракатимга ишчи бир кайфият, илмий изланишимга фаоллик бахш этди, қилаётган ишимга бўлган ишончимни орттирди.

Бир-бирини кўрмаган, шахсан таниш бўлмаган икки замондошнинг муайян илмий масала бўйича қилган хулосалари бир-биридан беҳабар ҳолда ўхшаш бўлиб қолиши зоҳиран табиий бир ҳол сифатида кўриниши мумкин. Лекин ҳаётда кўринмас ришталар билан ўзаро боғланган шундай воқеалар бўладики, уларни бир-биридан айро ҳолда тасаввур қилиб, бу шунчаки тасодиф дейишга тил бормаиди. Ҳа, Шухрат Сирожиддинов билан мени ғойибдан дўст қилиб қўйган Зотнинг синоатларига ажабланмасдан иложимиз йўқ. Зеро, дунёда содир бўладиган улкан ҳодисалардан энг кичик воқеаларгача Оллоҳнинг илмидан, Оллоҳнинг тақдиридан ташқари эмаслиги муқаддас Китобимизда айтилган: «Бирор барг (шоҳидан узилиб) тушмас, магар У билур».²

Биринчи синоатни юқорида ҳикоя қилдим. Давомини эшитинг. «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» монографияси таҳлиliga бағишланган салмоқли мақоламни қаерда нашр қилсам экан деб аввалига бошим қотди. Кейин ташкил бўлганига унча кўп бўлмаган «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнали хаёлга келиб қолди. «Чоп қилишармикан» деган хавотирда мақоламни журналга олиб бордим ва таҳририятга топширдим. Бир неча кундан кейин журналнинг масъул котиби Неъмат Жабборов кўнғироқ қилиб, мақолам таҳририят ходимларига маъқул келгани ва навбатдаги сонларидан бирида эълон қилиниши ҳақида хушxabар берди. Журналнинг 2002 йил 1-сонида мақола эълон қилинди. Кейин билсам, журналга муассис бўлган ташкилот Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва жамғарма бошқаруви раисининг ўринбосари эса Шухрат Сирожиддинов экан.

Энди айтинг: мақолани чоп қилиш учун «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг қўққис хаёлимга келиб қолиши тасодифми ёки ўша журналнинг асосий раҳбарларидан бири Шухрат Сирожиддинов экани тасодифми? Гарчи яшаш тарзимиз, бугунги эътиқодий мезонларимиз аслдан анча узоқлашиб,

² «Анъом» сураси, 59-оят.

ўзгариб кетган бўлса ҳам ва нарсаларга муносабатимиз аллақачон шу мезонларга тўла мослашиб улгурган бўлса ҳам, негадир бу ҳодисаларни тасодифга йўйишдан йироқман. Чунки ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи яхшироқ билади. Шундай экан, бу ишларни олдиндан ўйлаб, махсус режа асосида бажармаганимни оқлашга ҳожат йўқ, бунда Оллоҳнинг гувоҳлиги менга кифоя. Демак, ҳар қандай ишнинг юзага чиқишидаги бошидан охиригача давом этган ҳаракат банда тузган режа бўйича эмас, балки уни яратган Зотнинг хоҳишига кўра амалга ошади ва соғлом эътиқод тақозоси ҳам мана шу, аслида. Ҳар қандай ишнинг сўнгида юзага чиққан натижа Оллоҳдан неъмат ўлароқ қабул қилинади. Энди бу неъматни кимдир яхши, кимдир ёмон деб ҳисоблаши бандалик ҳолати билан боғлиқ масаладир. Навоий бобомиз айтганидек:

*Ки, ҳақ тақдиридиндур олам ичра
Ёмону яхшининг яхши ёмони.*

Пайғамбар алайҳиссалом айтган: «Сенга манфаат етказадиган нарсага интил, Оллоҳдан ёрдам сўра, ожиз бўлма. Қачон бирор мусибат етса, агар фалон ишни қилганимда фалон-фалон бўларди дема. Чунки («агар, агар...» деган сўзлар) шайтоннинг ҳаракатига йўл очади. Балки (шундай вазиятда): «Оллоҳ тақдир қилди ва хоҳлагани бўлди», – дегин».

Шундай, Оллоҳ тақдир қилади ва хоҳлагани бўлади. Адашмасам, 2004 йилнинг куз ойларидан бошлаб кўп йиллик илмий-текшириш институтларидаги хизматим дўстлар таклифи билан педагогик фаолиятга ўзгарди. ЎЗМУ Ўзбек филологияси факультети Матншунослик, миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасида доцент лавозимида иш бошладим. Бир куни университет ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш қошида ташкил қилинган илмий семинарнинг илк йиғилишига қақришган экан. Комиссия аъзоларидан бир-икки киши хонада, қолганлар коридорда суҳбатлашиб турган эди. Қоидага кўра, йиғилишдан олдин ҳар бир семинар аъзоси мажлисда қатнашаётганини тасдиқлаш маъносида исми-шарифи ёзилган рўйхатга имзо чекиши лозим бўлади. Мендан олдин кимдир имзо чекаётган эди, рўйхатга қараб комиссия таркибида «Ш.Сиро-

жиддинов» деган ёзувга кўзим тушди. Энди имзо кўйишга шайланганимда оқ кўйлак, тўқ ранг костюм-шимда, пешоналари кенг ва ёноқлари бўртиб чиққан, озгин, бўйлари новча, 40 – 45 ёшлардаги инсон хонага шошилиб кириб келди. Атрофдагилар билан тез сўрашиб, саломлашиб бўлгач, ёнимга келиб: «Рашид ака, бормисиз-эй...» – деб мен билан кўришди. То рўйхатдаги «Ш.Сирожиддинов» деган жойга имзосини чекмагунча бу одамнинг кимлигидан беҳабар эдим. Аввало, Шухрат ака мени қандай таниди экан деб ажабландим, имзо қўяётганимда пайкаб қолдимикин деган гумонга бордим, балки, олдин қаердадир кўргандир, ҳар ҳолда, бу сирлигича қолди. Кенгаш мажлисида ёнма-ён ўтирдик. Табиийки, суҳбатимиз бошидан охиригача Сўфи Оллоёр ҳақида бўлди, мажлис тугаганидан сўнг бирга суҳбатлашиб кетдик.

Мени бу инсоннинг ўзини тутишидаги оддийлиги, одамлар билан муносабатидаги самимийлиги ажаблантирди. Айни пайтда, биров ҳақида уни кўрмасдан туриб қилинган тасаввур алдоқчи эканига ҳам амин бўлдим. Мен Шухрат Сирожиддинов деганда раҳбарларга хос димоғдор, ўта жиддий ва расмий, гапирганда баланддан келадиган, кўриниши ҳам мутлақо бошқача одамни тасаввур қилган эканман. Ҳақиқатда эса бу киши содда, кичиккўнгил, чинни чин, ҳазилни ҳазил ўрнида англайдиган дилкаш бир инсон бўлиб чиқди. Ниҳоят Шухрат ака билан давом этган 3-4 йиллик ғойибона танишлигимиз мана шундай турли илмий муҳитларда юзма-юз кўришишлар, самимий суҳбатлар асносида янада яқинлик касб этди, дўстона ака-укаликка айланди.

Юқорида «кичиккўнгил» деган сўзни ишлатган эдим. Келинг, шу сифатни Шухрат Сирожиддинов мисолида бироз очиқлайлик. «Кичиккўнгиллилик» сўзининг маънодоши камтарлик, зидди манманлик бўлади. Ўзингиздан кичик одамга «ака» сўзини кўшиб мурожаат қилиш учун «камтар» бўлиш камлик қилади, балки «ўта камтар» бўлиш керак. Чунки «камтарлик» – муктасаб, яъни мунтазам руҳий тарбия билан касб қилса ҳосил бўладиган сифат. Лекин ўта камтарликни умр бўйи риёзат чекиб ҳам касб қилиш мушкул, яна Оллоҳ билади. Ҳар ҳолда, ўта камтарлик туғма хусусият бўлса керак деб ўй-

лайман. Негаки биз яшаётган дунёвий муҳит туғилганимиздан то вафотимизгача нафсимизнинг бошини силаб, сўраганини бериб, уни эркалатиб семиртиришимиз учун барча қулайликларни тақдим этувчи синов майдонидир. Бу майдонда чопмаган ким бор? Айниқса, ақлий меҳнат кишилари бу майдонда «кимўзар»га жавлон уришга устаси фаранг бўлади. Ҳамма ўзини улуғ санайди, улуғлигини оқлашга бор кучини сарфлайди. Ўзини ўзгандан пастроқ санаш туйғуси гўё ўлган. «Нега бундай» деб атрофга юзлансангиз, мен ўзимни сендан яхшироқ биламан, демак, менинг ўзим ҳақимдаги баҳоларим сенинг менга берган баҳоларингдан тўғрироқ деётгандек бўлади ҳамма бирбирига. Қирғоқларини ўпириб, кўпикларини сачратиб оқаётган бу оқимга қарши сузишга қайси банданинг юраги дов беради, қани, борми шундай мард?!

Йўк! Фақат Яратган эгам бандасининг нафсини туғилганидаёқ ерга тушовлаб қўймаса, бунинг иложи йўк. Шундай экан, ҳам ёш, ҳам ижтимоий мавқе эътибори билан ўзингиздан кичкинага «ака» дея олиш инсоннинг ихтиёридаги иш эмас, бу Оллоҳнинг инъоми. 2005 йили ЎЗМУ Ўзбек филологияси факультети матншунослик, миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси ташаббуси билан Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ишлари ваколатхонаси ҳамкорлигида «Сўфи Оллоёр ва унинг адабий мероси» мавзuida халқаро илмий анжуман ташкил қилинди. Анжуманга бир гуруҳ олимлар қаторида Шухрат Сирожиддинов ҳам тақлиф қилинди. Шухрат ака анжуманнинг бошқа қатнашчилари каби йиғинда бир маърузачи сифатида иштирок этиб кетиши мумкин эди. Лекин у кафедрамиз ходимлари билан биргаликда ёнма-ён туриб, тадбирнинг аввалидан охиригача барча ташкилий жараёнларда қатнашди. Ҳолбуки, ўша пайтда Шухрат Сирожиддинов Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг биринчи проректори лавозимида ишлар эди.

Тахминан, 2007 йиллар бўлса керак, «Саботул ожизин»нинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш бўйича докторлик иши юзасидан манбашунослик изланишлари олиб бораётган эдим. Зиммамда «Саботул ожизин»нинг мамлакатимизда ва бошқа халқаро фондлардаги 200 дан ортиқ қўлёзма ва тошбосма

нусхаларини ўзаро қиёслаб, илмий-танқидий матн учун таянч нусхани танлаш вазифаси турарди. Имкон қадар бу иш амалга ошди, лекин қиёслаш жараёнида пайдо бўлган баъзи сўзлар ўртасидаги тафовутларни аниқлаштириш масаласида манба билан боғлиқ бир муаммо туғилди. Яъни «Саботул ожизин»нинг қадимий нусхалари асосида ўзаро муқояса қилиб, «Гунбади қобус – Ҳожи Тиллоий» матбаъасида чоп қилинган Техрон нусхасини топишим керак бўлиб қолди. Шарқшунослик институти ва бошқа университет, институт, музейлар фондлари, вилоятлардаги расмий ва норасмий (шахсий) фондлар, кутубхоналардан бу китобни изламаган жойим қолмади. Эрон элчихонасига ҳам мурожаат қилинди, Эронга кетаётган таниш-билишларга ҳам шу китобни суриштириб беришларини илтимос қилдим, лекин, начора, ўшанда менга сув билан ҳаводек зарур бу китоб топилмади. Кейин Санкт-Петербург, Қозондаги фондлардан ҳам излаб кўрдик, натижа бўлмади. Охири умидимни узиб, мавжуд нусхалар асосида ишимни давом эттиришга қасд этдим.

Орадан бир-икки ойлар ўтди. Бир куни Шухрат Сирожиддинов менга қўнғироқ қилиб, ўзи ишлаётган университетда ёшларни маънавий меросга қизиқтириш билан боғлиқ илмий анжуман уюштирилаётгани ва унда Сўфи Оллоёр билан боғлиқ мавзуда маъруза билан қатнашишимни илтимос қилди. Анжуман кутганимиздан ҳам чиройли ўтди. Йиғилишдан сўнг Шухрат ака хонасига таклиф қилди, бироз суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат асносида у илмий ишларим билан қизиқди. Диссертацияни бошлаб қўйганимни, мавзуга оид адабиётлар бўйича изланиш олиб бораётганимни, умуман, иш режа асосида кетаётганини айтдим. Кетаётганимда Шухрат ака хонадаги китоб жавонининг тортмасини очди ва: «Сўфи Оллоёрга тегишли манбалар, ҳозир сизга керак бўлади, фойдаланганингиздан сўнг қайтариб берарсиз...» – деб картон қоғозга ўралган, устидан ип билан боғланган китоб тахламани қўлимга тутқазди. Уйга келиб тахламни очдим, китоблар ичида «Саботул ожизин»нинг XIX аср охири ва XX аср бошларида кўчирилган иккита қўлёзма нусхаси, «Иршодул ожизин» номли «Саботул ожизин»га ёзилган шарҳ ва не кўз билан кўрайки, дунё бўйлаб излаб тополмаганим, топилишидан аллақачон умидимни узган

ўша «Саботул ожизин»нинг Эрон нухаси ҳам бор эди. Қувончим ичимга сиғмай, дарҳол Шухрат акага қўнғироқ қилиб, миннатдорчилигимни билдирдим, китоб билан боғлиқ тарихни ҳам узуқ-юлуқ айтиб бердим. Шунда Шухрат ака: «Мендан бир оғиз сўрамайсизми-е... инсон ўзи шунақа, оёғи остидаги хазинани узоқлардан излаб юради», – деб ҳазиллашиб ҳам қўйди. Бу ҳазилдан сўнг ўйланиб қолдим, қизик, анжумандан сўнг Шухрат ака билан бир соатга яқин суҳбатлашиб, «Саботул ожизин»нинг Эрон нухаси ҳақида бир оғиз ҳам гапирмабман. Бу не ҳолат? Киши қаттиқ излаган нарсасидан умидини буткул узса, шунча тез, эсга келмайдиган даражада унутармикан-а? Ёки бу ҳолат тадқиқотни ўша манбасиз ҳам амалга оширишга шу даражада тайёр ва таслим бўлганимданмикан? Ажаб, Шухрат ака ҳам тахламдаги китобларни очиб кўрсатмасдан омонат қилиб бериб юбораверди..

Хуллас, қиссадан ҳисса, Оллоҳ таоло бутун ер юзини излаб-излаб, ҳатто топишдан ноумид бўлган насибамга етиш қувончини Ўзи хоҳлаган макон ва замонда, Ўзи сабабчи қилишни хоҳлаган одамлар орқали дақиқа-дақиқасигача ҳисоб-китоб қилиб ҳада этди.

2014 йили Шухрат Сирождидинов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига ўқув ишлари бўйича биринчи проректор, кейинчалик ректор лавозимига тайинланди. Маълумки, Ўзбекистон Миллий университети, мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртларига нисбатан олинса, мажозан «ота» мақомидаги даргоҳ. Катта даргоҳнинг муаммолари ҳам катта бўлади. Шухрат ака бу муаммолар ичига шўнғиб кетди, ҳатто бироз кучни чамалаб олиш учун ҳам орқага тисарилмади. Аввало, таълим сифатини яхшилашга асосий эътиборини қаратди. Университетни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича 4 йиллик истиқбол режасини ишлаб чиқиш масаласини ўз раҳбарлиги остига олди. Қисқа вақт ичида инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини модернизация қилиш ишлари бошлаб юборилди. Университет «электрон таълим муҳити» (ЭТМ) лойиҳасини ишлаб чиқиш учун дастурчилар иштирокида ишчи гуруҳ тузилиб, лойиҳани амалга ошириш учун барча қулайликлар яратилди. Университет профессор-ўқитув-

чиларининг педагогик маҳоратини ошириш, бошқарув тизимидаги ходимлар учун ўқув семинарлари ва университет кадрлар захираси бўйича мақсадли курслар ташкил этилди.

Албатта, бу қадар юкни зиммага олган раҳбар ходим учун нечоғлик масъулият талаб этилиши ҳаммамизга маълум. Масъулият раҳбарни талабчан қилиб қўяди. Шуҳрат Сирожидинов университет ректори, мен эса шу университетда кафедра мудири эдим. Гарчи кўнгиладингидек яқинлик муносабатини истаса ҳам, хизмат этикасини бузишга ҳаққим йўқлигини англадим ва бунга аста-секин кўникдим ҳам. Раҳбар сифатида қилинган талабчанликни «хўп, хўп» деб енгдик, буюрилган топшириқларни имкон қадар бажардик, имконимиз етмаган ишларга узримизни билдирдик. Лекин бу гапим билан Шуҳрат аканинг табиатидаги соддалик, самимият ўз ўрнини ясама расмиятга бўшатиб берди демоқчи ҳам эмасман. Инсон зоҳиран қанчалик турланмасин, ичкаридаги аслик ўзгармас экан.

Гапимнинг тасдиғи сифатида яна бир қизиқ воқеа... Шуҳрат аканинг ректор бўлиб тайинланган пайтлари. Ўшанда мен университетнинг Ўзбек филологияси факультети Ўзбек адабиёти ва матншунослик кафедраси мудири эдим. Топшириқ устига топшириқлар ёғилиб, ҳужжатларга кўмилиб ўтирадиган пайтларимиз кўп бўларди. Шундай кунларнинг бирида ректор мени қабулига чақиртирганини айтишди. Ўйлаб кўрсам, Шуҳрат ака ректор бўлганидан бери, яъни салкам ярим йилдан буён ректорнинг хонасига кирмаган, баъзан факультетда, баъзан «Нодир қўлёмалар музейи»да, гоҳида «Маданият саройи»даги қандайдир тадбирда ёки кафедрага бириктирилган ҳудудларни текшираётган пайтдагина дуч келиб, иш устида учрашиб юраверган эканман. Қабулхонада одам унча кўп эмас эди, бироз кутдим, кейин ректор ёрдамчиси мени ичкари киришга даъват этди. Ўрнимдан туриб, ректорнинг хонасига йўналишим билан мени бир ҳайбат босди, бу бегона туйғу менга қаердан келди, ҳайронман. Ажаб, шундай эшикни очиб киришим билан ҳалиги ҳолатдан асар ҳам қолмади. Хона кўзимга жуда катта кўринди. Тўрдаги столда Шуҳрат ака ниманидир ёзиб ўтирганди. Салом беришим билан алик олиб, ўрнидан турди ва худди илгаригидек: «Бормисиз-э, Рашид ака», – деб мен томон юриб келди.

Костюм ва галстук ўтирган курсисининг суянчиғига илинган, устида оппоқ кўйлак, оёқда эса шиппак эди. Мен ҳазиллашиб: «Шуҳрат ака, университет иккинчи уйингизга айланиб қолибди-ку!» – дедим. Шунда у: «Йўқ, биринчи уйимга айланиб қолди», – деди кулиб. Доимгидек Сўфи Оллоёр ҳақида сўзлашдик, кейин мавзу докторлик диссертациямга бурилди, қачон ёқлайсиз деган саволга ҳазил аралаш топшириқлар кўпайиб, диссертация кечикаётганидан шикоят қилган бўлдим.

Хуллас, ундан-бундан анча суҳбатлашдик, суҳбатдан сўнг хайр-хўш қилиб, кетишга чоғлансам, бир пайт Шуҳрат ака: «Э, афанди, асосий масала эсдан чиқибди-ю», – деб мени тўхтатди. Чақиртирилганимнинг боиси «Нодир қўлёзмалар музейи»даги манбаларнинг электрон каталогини тузиш масаласи экан, маслаҳатларни олиб, хонадан чиқдим. Юқори қаватдан пастга лифтда тушар эканман, ер ўз ўқи атрофида айлангандек, хаёлим тинимсиз бир фикр атрофида айланарди: «асл табиат энг юқори қаватда ҳам ўзгармас экан». Ҳа, ҳикматда айтилганидек, тоғ ўрнидан жилиши мумкин экан-у, лекин инсоннинг табиати ўзгаришига ишониб бўлмас экан.

2016 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шуҳрат Сирожиддинов мазкур университетнинг ректори этиб тайинланди. Университет ташкил топганига ҳам, мана, беш йил тўлди. Бу олий даргоҳнинг шаклланиб, оёққа туришида амалга оширилган ва оширилаётган кенг кўламли ишлар, эришилаётган натижаларда университет жамоаси, хусусан, университет раҳбариятининг фаолиятини ёритиш янада кенгроқ кузатиш ва эътиборни талаб қиладиган масала, кўп ўзгариш ва тажрибаларни ўз ичига олган бу беш йиллик даврнинг ўзи эса алоҳида бир тарихдир.

Мен бу мақолада салкам чорак асрдан буён таниб, бирга фаолият юритиб келаётган замондошим, маслакдош дўстим ва устозим Шуҳрат Сирожиддиновнинг инсоний фазилатлари, хусусан, табиатидаги диққатимни тортган характерли нуқталарни гўё заррабин остига олиб, катгайтириб назар солдим, турли давр ва турли шароитларда бизни бир-биримизга яқинлаштир-

ган тақдир синоатлари ҳақида фикр юритиб, ўтмишга айланган айрим ҳаётӣ манзараларни кўз олдимда жонлантирдим, айрим унутилаёзган хотиралардан бугуним учун сабоқлар чиқардим.

Хулоса шу бўлдики, олим бўлишдан кўра одамийликни сақлаб қолиш катта фазилат экан. Ҳар сўзида кўп нарса билишини пеш қилаверадиған, ўйинчоққа овунадиған ёш бола каби дунёвий унвонларга алданадиған, ҳатто ундан фахр туйиб, ҳеч кимга сўз бермайдиган, даъвоси билганларидан катта мутакаббир олимликдан кўра илмини ошкор қилишдан тортиниб турадиған, тингловчисини ўзидан улуғ билиб, суҳбат одобини сақлайдиған, олимлик даъвосидан йироқ оддий инсон бўлиш афзал эканини англадим.

ДИНШУНОС ВА ФАЙЛАСУФ ОЛИМ

Олимлик улуғ мартаба бўлиш билан бир қаторда кенг қамровли билимларга эга бўлишни тақозо этади. Ҳақиқий олимлар унвон ёки илмий даража билан кифояланиб қолмайдилар, умрларининг охиригача изланишда бўладилар. Тарихимизда бундай олимлар кўп бўлган ва улар бугун ҳам халқ хотирасида алоҳида эҳтиром билан эсланади.

Шухрат Сирожиддинов ҳам замонамиздаги ана шундай олимлар қаторида туради. Унинг кенг қамровли олим эканини илмий ишлари кўламайдан ҳам билса бўлади. Мен Шухрат Сирожиддиновни талабалигидан, ТошДУ Шарқшунослик факультетида фалсафадан дарс ўтганимдан, сўнг ўқитувчи бўлиб ишлай бошлаган даврдан танирдим. Лекин уни олим сифатида диний-фалсафий мавзудаги мақолалари ва китоблари орқали тан олганман. Уни зукко файласуф ва диншунос олим деб билардим. Аста-секин унинг илмий-ижодий ишлари билан таниша борганим сари яхши манбашунос ва матншунос ҳам эканлигини, қадимги адабий ва тарихий манбалар ҳақида тадқиқотлар олиб борганини, адабиётшунос ва навоийшунос сифатида улуғ мутафаккир шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан муттасил шуғулланиб келаётган забардаст тадқиқотчилигини кашф этдим. Унинг таржима назарияси ва амалиёти билан боғлиқ ишлари билан танишганимда ҳақиқий маънода энциклопедист олим эканига тан бердим. Ҳар соҳада теша тегмаган гапларни айта олиш, энг муҳими, масалага илмий ёндашиб, янгича қарашларни далиллай билиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Шу ўринда мен файласуф олим сифатида унинг диний-фалсафий мавзудаги ишлари ҳақида тўхталмоқчиман.

2001 йили унинг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» номли китоби нашр этилди. Ундаги Сўфи Оллоёр дунёқараши ва фалсафаси

таҳлили барча файласуфлар орасида жиддий қизиқиш уйғотган эди. Унинг китобини дўконлардан қидира бошладик, аммо топа олмадик. Чунки 1000 нусхада чиққан бу китоб бир ҳафта ичида сотилиб кетган экан. Ҳамкасблардан олиб ўқишга тўғри келди. Маълумки, Сўфи Оллоёр совет даврида XVII асрда яшаб ўтган ўта мутаассиб, диний-мистик шоир деб фақат салбий бўёқларда кўрсатилган эди. Уни ўрганиш мутлақо ман этилган бўлиб, биз – файласуфлар фақат унинг жуда машхур авлиё эканини билардик, аммо унинг таълимоти мазмунидан хабарсиз эдик. Ҳатто мустақиллигимиздан 15 – 20 йил ўтса ҳамки, бу инсон ҳақида тузукроқ маълумот берадиган китоб йўқ эди. Ёлғон бўлмасин, унинг шоирлик маҳорати бўйича бир қанча мақолаларни ўқиганмиз, аммо Ш.Сирожиддиновнинг китобидан сўнг бу мутафаккир буюк илоҳиётчи олим, ўз даврида халқ маънавиятига катта ижобий таъсир кўрсатган улуғ пир бўлганини англаб етдик. Китоб муаллифи Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожизин» асари асосида унинг ақидасини, ўша даврда халқ орасида кенг ёйилган турли бузғунчи ғояларга қарши олиб борган курашини, ўзининг ибратли ҳаёти билан минглаб халқни тарбиялаганини, Муҳаммад Расулulloҳнинг суннатини тиклашда пешқадам бўлганини, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларга мувофиқ комил инсон қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги ўғитлари мазмунини жуда ишонарли таҳлил қилиб берган. Сўфи Оллоёрнинг халқ орасида «Иккинчи Имом Аъзам – Абу Ҳанифаи соний» лақаби билан машхур дин ислоҳотчиси бўлганини Шуҳрат Сирожиддиновнинг китобидан ўқиб билганмиз.

2004 йили Ш.Сирожиддиновнинг «Религии мира» дарслиги (тақризчилар: профессорлар З.Мунавваров ва Р.Фармонов) чоп этилди. Ўша даврларда олим Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фалсафа ва жаҳон маданияти кафедрасини бошқарар, диншунослик фанидан таълим тили русча гуруҳларда диншунослик фани совет давридан қолган мафкуравий яроқсиз русча дарсликлар асосида ўқитилар эди. Унинг дарслиги мутлақо янгича ёндашувлар асосида ёзилди. Динларга тааллуқли қарашлар ҳар бир диннинг ўз илоҳий китобларидан, жумладан, Веда адабиётларининг Ҳиндистонда инглиз тилида нашр этилган нусхалари, Тавротнинг инглизча Исроил нусха-

си, Инжилнинг Лондон нусхаларидан иқтибослар келтирилиб шарҳланди. «Ўзбекистонда дин сиёсати» деган алоҳида бўлим киритилди. Ушбу дарслик ўша пайтдаёқ жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидан ташқари Тошкент ислом университети рус гуруҳларида ўқитишга жорий этилди.

2008 йили олимнинг «Ислом фалсафасига кириш: калом илми» деган ўқув қўлланмаси (тақризчилар: Шайх Абдулазиз Мансур, Нажмиддин Комилов ва Д.Пўлатова) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари фалсафа факультетлари учун дарслик сифатида тавсия қилинди. Унда ислом фалсафаси шаклланишига замин яратган илоҳиётшуносликнинг тараққиёт жараёни, дастлабки фалсафий мушоҳадаларнинг пайдо бўлиши, калом, фалсафа ҳамда тасаввуф таълимотининг тарихи ва назарий масалалари очиб берилди. Калом фалсафаси моҳиятини тушуниш Шарқ фалсафасини ўрганиш, айниқса, ўзбек мутафаккирларининг фалсафий-диний қарашларини англашда очқич бўлиб хизмат қилиши, исломдаги турли йўналиш ва оқимларнинг пайдо бўлиш сабабларини холис ўрганишга катта ёрдам бериши ёрқин мисолларда кўрсатиб берилди. Бу Ўзбекистонда илк бор калом илми ҳақида ёзилган ўқув қўлланма эди. Унгача маҳаллий ва хорижий шарқшунос олимларнинг Абу Мансур Мотуридий юбилеи муносабати билан эълон қилинган санокли ишларидаги калом илми баёнини ҳисобга олмаганда, бу илм ҳақида файласуфларимизнинг умуман тасаввури йўқ бўлиб, файласуфлар томонидан ҳеч қандай тадқиқот олиб борилмаган эди. Шу қўлланма туфайли файласуфлар ислом илоҳиёти илми тафсилотларидан хабардор бўлдилар.

2010 йили Шухрат Сирожиддиновнинг «Бағрикенглик – динларнинг маърифий асоси» номли ўқув қўлланмаси профессор А.Маннонов масъул муҳаррирлигида, профессор С.Агзамходжаев ва доцент Н.Раҳимжонов тақризлари билан нашр этилди. Унда Ўзбекистон халқларининг кўп мингйиллик маънавий тараққиёти босқичларида ўзаро мулоқотда бўлган диний эътиқодлар тарихи ва таълимотлари ҳақида маълумотлар берилди. Асосий эътибор динларнинг маърифий асослари, диний таълимотларнинг шаклланишига сабаб бўлган давр

ва муҳит, ахлоқий ўғитларга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

2011 йили олимнинг бирин-кетин диний-фалсафий мазмундаги икки китоби нашрдан чиқди. Бу китоблар Шухрат Сирожиддиновнинг кўп йиллар давомида ёзган мақолалари натижасида дунёга келган десак бўлади. Шулардан бири «Илм ва тахайюл сарҳадлари» деб номланган. Китобда халқимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида ва тафаккурининг шаклланишида ижобий из қолдирган мутафаккирлар ҳақида фикр юритилган. Унда Абу Мансур Мотуридий, Имом Ғаззолий, Сўфи Оллоёр, Шиҳобиддин Сухравардий, Мавлоно Чустий, Шайх Аҳмад Сирҳиндий каби кўпчиликка маълум бўлмаган мутафаккирлар ҳақида кенг маълумот берилган. Айниқса, тасаввуф йўналишига тамал тошини қўйган илк суфийлар ва уларнинг тасаввуф тараққиётидаги ўрни таҳлили фалсафа тарихини ёзаётганлар учун ҳам янгилик эди. Булар шунчаки қайсидир китоблардан кўчириб олинган маълумотлар эмас, балки ЎзРФА ШИ қўлёзмалар фондидаги қадим қўлёзмалар ва чет элларда эълон қилинган тадқиқотларни теран ўрганиш орқали тақдим этилган янги маълумотлар эди.

Олимнинг кейинги китоби «Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари» деб номланган. Бу мазмун жиҳатидан олдинги китобни тўлдиради. Аммо энди бунда сўз мутафаккирлар шахсидан кўра кўпроқ уларнинг таълимотлари устида боради. Китобнинг бундай номланиши сабаби унинг мақсади ўзбек мумтоз адабиётини таҳлил қилиш методика ва методологиясини ўзгартиришга қаратилгани билан изоҳланади. Маълумки, мумтоз адабиёт фалсафа, ислом дини ва илоҳиёт масалалари билан чамбарчас боғлиқ. Дунё ижтимоий-диний таълимотларининг бариси мумтоз адабиётда ўз аксини топмасдан қолмайди. Биз нафақат адабиётшуносликда, балки фалсафа фанида ҳам мустақилликнинг дастлабки 15 – 20 йилида ислом дини, илоҳиётшунослик ва тасаввуфшунослик соҳасига оид барча тўғри-нотўғри қарашларни бирваракайига умумлаштирган ҳолда илмий истеъмолга киритдик. Бу таълимотларнинг ўртасида бири-бирига зид концепция ва ғоялар борлигига аҳамият бермадик. Бугунги кунда ўша даврларда яратилган тадқиқотларга назар

ташлайдиган бўлсак, қанчадан-қанча таҳлиллар жуда саёз ва юзаки қилинганини кўрамиз. Шуҳрат Сирожиддинов китобида ўзбек адабиётида ўз изини қолдирган диний-фалсафий таълимотлар, уларнинг бир-биридан фарқи очиб берилган ва адабий манбаларни таҳлил қилишда муаллифларнинг диний-мазҳабий, қайси фалсафий-илоҳий йўналишларга мансублигини аниқлашга асос бўладиган ғоялар таҳлил қилинган эди. Унинг веда, христиан ва тасаввуф таълимотлари ўртасидаги муштарак ғояларнинг келиб чиқиш тарихи ҳақидаги таҳлиллари фалсафа фани учун ҳам жуда асқатди.

Умуман олганда, Ш.Сирожиддиновнинг диний-фалсафий ва маънавият масалалари билан боғлиқ ишлари 20 дан ортиқ ўқув қўлланмалари ва ўқув материалларида жамланган. Улардан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети, Тошкент шарқшунослик давлат университети, Тошкент ислом институти каби таянч олий таълим муассасаларида бугун ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Бажарилган ишлар кейинги давр тадқиқотчилиги учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратди дейиш мумкин.

Икки оғиз унинг раҳбарлик фаолияти ҳақида. Профессор Ш.Сирожиддинов бирмунча вақт Самарқанд давлат чет тиллар институти раҳбари бўлганидан сўнг 2004 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетда ўқув ишлари бўйича биринчи проректор, сўнг ректор вазифаларида ишлади. Шу ерда мен уни кучли ташкилотчи раҳбар, қаттиққўл, аммо қўл остидагиларга меҳрибон ва жонкуяр шахс сифатида яқиндан танидим. Янги раҳбар таълим сифатини яхшилашга катта эътибор қаратди. Унинг даврида бир неча йилларга мўлжалланган стратегик режа ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнини янги инновацион таълим технологиялари асосида модернизациялаштириш, босқичма-босқич жаҳон стандартларини таълимга жорий этиш ишлари бошланди. Ўқув жараёнини бошқаришда электрон тизим имкониятларидан фойдаланиш чоралари кўрилди. Талабалар тажриба гуруҳларига ажратилиб, тегишли компьютер воситалари ва интернет имкониятларидан фойдаланиш учун зарур

миқдорда аудиториялар жиҳозланди. Университетда «Электрон таълим муҳити (ЭТМ)» лойиҳаси амалга оширила бошланди. Педагогик фаолиятни ахборот-компьютер технологиялари асосида бажариш мақсадида зарур миқдордаги ўқитувчи кадрлар тайёргарликдан ўтказиб борилди.

Ректор Ш.Сирожиддинов ЎзМУда гуманитар-ижтимоий соҳалардаги таълимга алоҳида аҳамият берди. Чет тилларни ўқишга янада кўпроқ эътибор қаратилди. Инглиз тилида дарс бериш учун турли соҳалар ўқитувчилари компетенцияси аниқланди ва улар стажировкаси учун чет эллардаги машҳур олий таълим муассасалари танланди. Шу даврда кафедраларнинг моддий-техник таъминоти, профессор-ўқитувчиларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга Ш.Сирожиддинов жиддий эътибор берди. Университетда муҳит ўзгара бошлади, жамоада кўтаринки кайфият пайдо бўлди. У қисқа вақт ишлаганига қарамай, ЎзМУда яхши ном қолдирди ва университетнинг бугунги кунда қўлга киритган ютуқларида унинг хизмати катта десак адашмайман.

Шундай раҳбарларимиз бор бўлсин! Қутлуғ 60 ёшда ҳам илмий ижод ва ижтимоий-маънавий соҳаларда фаолиятини жадал давом эттираётган профессор Шухрат Сирожиддиновга куч-ғайрат, мустаҳкам соғлик тилаймиз.

ҲИКМАТДА БЎЛДИ ЖАҲОНФАЙЛАСУФ

Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида икки дўст ҳақида ажойиб ҳикоя келтирилган. Ундаги қаҳрамонлардан бири сайру саёҳатга интилади, олам ва одамга хос бўлган ҳодисалар моҳияти билан қизиқади, илм-фанга меҳр кўрсатади. Жумладан, у Юнон ўлкасига бориб ҳам илм сирларини ўрганишда давом этади:

*Неча вақт анда мақом айлади,
Билик касбига эҳтимом айлади.*

*Мусоҳиб бўлуб аҳли ҳикмат била,
Басе илм касб этти рағбат била.*

*Не қилғоликим кимга ниятдурур,
Бурун шарт анга қобилиятдурур.*

*Чу қобил эди, топти беҳад вуқуф
Ки, ҳикматда бўлди жаҳонфайласуф.*

Ушбу байтларда муносиб олим бўлишнинг ўзига хос алгоритмлари ихчам ва мантиқий изчилликда баён қилинган. Айни мана шу алгоритмда замондошларимизнинг айримлари, жумладан, профессор Шухрат Сирожиддиновга ҳам бевосита дахлдор жиҳатлари очиқ намоён бўлган.

1. У замондошлар кўз ўнгида фан маскани ва манзилларини бир умрга «мақом айлади». Унинг босиб ўтган илмий-ижодий фаолияти мана шу йўлда «эҳтимом айламак»дан иборат бўлаётгани сир эмас.

2. Унинг «аҳли ҳикмат билан мусоҳиб» бўлиб келаётгани ҳам бор гап. Ҳар ҳолда, Б.Валихўжаев, А.Қаюмов, М.Муҳиддинов,

Н.Комилов сингари устозлар эътирофига сазовор бўлишнинг ўзи кичкина гап эмас.

3. Илм йўлидаги сабот ва чидам ҳар доим, ҳар кимда ҳам мунтазам ва узлуксиз бўлмаслигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Шухрат Сирожиддиновда бу борадаги бардавомликнинг асосий сабаблардан бири, назаримизда, ҳазрат Навоий таъкидлаган ички, шахсий «рағбат» билан ҳам боғланиб кетади.

4. Ният ҳар кимда бўлиши мумкин, лекин ниятнинг моддий асоси инсондаги туғма салоҳият – қобилият эканини Шарқнинг буюк мутафаккирлари кўп бора таъкидлашган. Бу таъкид Алишер Навойдан келтирилган кўчирмада ҳам алоҳида банд сифатида турибди. Ш.Сирожиддиновнинг олим сифатидаги сийрати унинг бугунгача амалга оширган илмий-назарий ҳамда оммабоп мақола ва китобларида тўла бўй кўрсатиб турибди.

5. Ниҳоят охирги банд олимнинг «жаҳонфайласуф» даражасига етгани билан алоқадор. Бугун Шухрат Сирожиддиновни фақат тор соҳа эгалари, филологлар, адабиёт тарихчилари, хусусан, навоийшуносларгина эмас, фаннинг кўплаб соҳаларидаги мутахассислар, буларнинг ёнида эса радио ва телекўрсатувларни кўрадиган, газета ва журналларни ўқийдиган бутун ўзбекистонликлар яхши билишади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, олимимиз бугун адабиёт тарихчиси, файласуф, навоийшунос, дин ва тасаввуф таълимотининг билимдони сифатида дунё фанларининг айни мана шу жабҳаларида фаолият юритаётган илм эгалари томонидан ардоқли олим сифатида эътироф этилган.

Олимнинг қизиқиш доиралари ниҳоятда кенг. У адабиётшуносликнинг деярли барча соҳалари билан мунтазам шуғулланиб келади. Шунинг учун ҳам адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараён, таржиманинг назарий ва амалий муаммолари, жаҳон адабиёти, тасаввуф алломалари, тасаввуф назарияси ва амалиёти сингари соҳаларнинг барчасида у «ўз одами» ҳисобланади.

Шухрат Сирожиддинов мақола ва китобларида, маъруза ва чиқишларида теран билимдонлик, кенг дунёқараш, ўткир ақл ва буларга муносиб ифода очиқ кўриниб туради. Бу фақат ўзига хос илмий тафаккур тарзига эга бўлган олимлардагина уч-

райдиган фазилатдир. Айни мана шу фазилат шарофати билан унинг мулоҳазалари жуда катта салмоқ касб этади. Менинг назаримда, унинг ҳозирги илмий мушоҳада тарзида Ботирхон Валихўжаевдаги босиқлик, Азиз Қаюмовдаги зукколик, Алибек Рустамовдаги теранлик ўзига хос шаклларда тобора кўпроқ намоён бўлиб бораётгандек туюлади.

Серқирралик – ҳақиқий олимнинг табиий сифатларидан биттаси. Шунга қарамай, мана шу қирралар орасида мунтазам ва устуворлик касб этган алоҳида нуқталари ҳам бўлади. Бу жиҳатдан Ш.Сирожиддинов фаолиятидаги мана шу йўналиш-ни *навоийшунослик* номи билан аташ тўғри кўринади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги навоийшуносликнинг ўзи алоҳида фан даражасига кўтарилиб улгурди. Шунинг учун бугун том маънода навоийшунос бўлиш ҳам осон эмас. Бу жиҳатдан, Ш.Сирожиддинов навоийшунос сифатида тўлақонли мутахассис эканини намоиш этиб улгурган етук олим сифатида тасаввур ҳосил қилади. Буни энг ихчам шаклда шундай таснифлаш мумкин:

1) Алишер Навоий ҳаёти – таржимаи ҳолининг манбалар асосидаги тадқиқи;

2) Алишер Навоий қўлёзмалари ва уларнинг тавсифи;

3) Жаҳоннинг турли қўлёзма фондларида Алишер Навоий асарларининг мавжуд ҳолати ва уларни ўрганиш истиқболлари;

4) Навоий лирикаси, уни тадқиқ ва таҳлил этишнинг замонавий шакл ҳамда усуллари;

5) Навоий «Хамса»си, ундаги образлар тизимининг талқинлари;

6) Алишер Навоий ва ирфоний тасвир муаммолари;

7) Буюк мутафаккир асарларининг замонавий талқинлари;

8) Алишер Навоий асарларининг нашри;

9) Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг хориж ва юртимиздаги тарғиб-ташвиқи.

Олимнинг Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид илмий, тарихий-адабий манбаларни қиёслаб ўрганиши бу борадаги кўплаб янги ва яхши фактларнинг илмий муомалага илк марта киритилишида муҳим омил бўлди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Абдуллоҳ Ҳотифий, Камолиддин Хусайн Кошифий,

Атоуллоҳ Асилий, Атоуллоҳ Маҳмуд Хусайний, Шамсиддин Муҳаммад Бадахший, Хусайн бин Муҳаммад Хусайний, Муҳаммад Аҳлий Шерозий, Камолиддин Биноий ҳақидаги мулоҳазалари ўзбек адабиётшунослигидаги кам ўрганилган ижодкорлар ҳақидаги янги гаплар бўлди.

Бадиий адабиётдаги, хусусан, мумтоз адабиётдаги асосий муаммолар «мажоз» ва «ҳақиқат» тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ. Мутахассисларнинг катта қисми буни форс-тожик адабиётидаги кўплаб сиймолар билан, ўзбек адабиётида эса асосан Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, қисман Машраб, Сўфи Оллоёр ва бошқалар билан алоқадор ҳолда тадқиқ этишади. Ш.Сирожиддиновда ҳам шу йўналишга мойиллик очиқ кўринадиди, шунга қарамай, унинг талқинларида Самарқанд адабий муҳити, хусусан, Каттакўрғон ижодкорлари меросига мурожат устуворлик касб этиши билан эътиборни тортади. Янги сиймоларнинг Мирий, Видоий номигина эмас, улар қолдирган бой ижодий меросдаги муаммога оид янги факт ва материаллар талқинлари ҳам ўзига хос оҳанг, қўшимча далил, муҳими, янги, ишончли хулосалар учун асос бўлади. Ана шу силсилада Каттакўрғон адабий муҳити намояндаларининг нақшбандийлик тариқатига дахли борасидаги кузатишлар энг мароқли мутолаалар сирасига киради. Мисолларнинг сараланишидаги дид ва интуиция, уларнинг байтма-байт изчил ва босиқ оҳангда шарҳланиши, далиллар мантиғининг кучи ва залвори ўз-ўзидан асосли ва ҳар хил талқинларга ўрин қолдирмайдиган қатъий хулосалар учун замин бўлган.

Шуҳрат Сирожиддинов шахс сифатида ҳам ўзига хос. Унда, назаримда, талабчанлик билан қатъият, инсонга бўлган катта ҳурмат ва эҳтиром биргаликда намоён бўлади, олим сифатида эса ҳар доим холислик ва жиддиятнинг ичида яшайди. Ўзбек тили ва адабиёти университетининг жуда қисқа муддатда салмоқли илмий назарий, методик ҳамда оммабоп тадқиқотлар марказига айланиб бораётгани бежиз эмас. Зеро, ҳадиси шарифда айтилганидек, «ҳар бир қавм ўзининг пайгамбарига муносибдур».

Олимнинг мамлакатимиз таълим-тарбия тизими, жамиятнинг бошқа соҳалари учун ҳам етук кадрлар тайёрлаб беришдаги хизматлари ҳам эътирофга лойиқ. Унинг раҳбарлигида

амалга оширилган тадқиқот эгалари бугун пойтахтда, мамлакатимизнинг турли вилоятларида фаолият юритишмоқда. Улар устоз сабоқларидан нечоғлик баҳраманд бўлишганини ўзларининг амалий фаолиятларида кўрсатиб келишмоқда.

Ундаги яна бир хислатни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу, айниқса, бугунги ёшларимизнинг диққат-эътиборига етказилиши нуқтаи назаридан ҳам муҳим. Мен олимнинг китобга, манбаларга муносабатини кўзда тутаяпман. Кейинги пайтларда ҳимоя қилинаётган ишларда, эълон қилинаётган мақола ва китобларнинг баъзиларида соҳадаги ишларнинг айримларидан мутлақо беҳабарлик ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Бу ўз-ўзидан ўша илмий мулоҳазаларнинг саёзлигига, билиб-билмай такрорлаб қўйишларга олиб келмоқда.

Ш.Сирожиддинов тадқиқотлари билан яқиндан танишган киши эса унинг том маънодаги китобхонлигини тасаввур қила олади. Зеро, унинг илмий ишларида қадим Европа билан бобо Шарқнинг мозийсига дахлдор манба ва мутафаккирлар, ислом ва жаҳондаги бошқа динлар тарихидаги ранг-баранг оқимлар моҳиятию уларнинг бугунги ҳолати ҳақидаги мулоҳазалар, ақида илмидан тортиб тарихнинг кўз илғамас сарҳадларидаги воқеалар талқини, йил ҳисобининг қадимги ва бугунги кўринишларидан тортиб алоҳида олинган бир ғазал талқинигача бўлган асарларини варақлаб, улардаги ҳаволалар рўйхати тузилса, улкан бир библиографик олам намоён бўлади. Бу оламда энг қадим дунёнинг Суқроту Афлотунлари, Лукмони ҳакимларидан бошлаб бугунги жаҳон афкор оммасининг турфа вакиллари гача, тасаввуф машойихларидан энг ёш тадқиқотчигача бўлган оралиқдаги ижодкорлар номини кўриш мумкин. Худди мана шу нарсалар олим ёзган мақола ва китобларнинг вазнини, салмоғини, илмий-маърифий қимматини белгилаб турибди.

Алишер Навоийнинг яна бир ҳикмати шу ўринга муносиб кўринади:

*Агар бор эса поклик нияти,
Анга ёр ўлур поклар ҳилмати.*

Дўстимиз, ҳамкасбимиз Шухрат Сирожиддиновга поклар ҳилмати ҳар доим ёр бўлаверсин!

ЯНГИ НАВОЙШУНОС

Шухрат акани илк бор 1998 йили, илмий мажлисда учратганман. У пайтлар устозим Бегали Қосимов ташкил этган «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» кафедрасида ишлардим. Бир ҳафталар олдин қўлимга «Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс манбалари» деб номланган докторлик диссертациясини тутқазиб, бир ҳафтадан кейин муҳокама бўлиши, ўқиб келишим лозимлигини айтишди. Ҳафта ўтиб, тахминан соат учларда барча кафедра аъзолари йиғилдик. Бегали Қосимов, Шариф Юсупов, Улуғбек Долимов каби катта устозлар ҳам иш билан тўлиқ танишиб келишган. Муҳокама жиддий бўлиши олдиндан маълум эди...

Эндигина аспирантурани тугатиб, номзодлик диссертацияси ҳимоясига тайёрланиб юрган ёш тадқиқотчиман. Кафедрада муҳокама этиладиган ҳар бир иш мен учун ўта муҳим ва қизиқарли. Талабалигимдан Навоийга муҳаббатим кучли бўлганидан бу ишни «Кириш»идан бошлаб «Адабиётлар рўйхати»гача ҳижжалаб ўқиб чиққанман. Бир нечта саволлар ҳам туғилган. Имкон бўлса, диссертантга савол беришни ҳам дилимга туғиб кўйганман.

Диссертация муҳокамаси, адашмасам, уч соатча давом этди. Бирорта ортиқча гап-сўз, чўзилишлар, кимнингдир инжиқлиги ёки танқидий фикрларнинг кўпайиб кетганидан эмас, ишнинг янги ва қизиқарли мавзуда ёзилганидан. Аввало, савол-жавобнинг ўзи бир соатча вақтни олди. Диссертация муаллифига савол бермаган одам қолмади. Ўзим ҳам бир-иккита савол бердим. Иш долзарб бўлганидек, Навоий ҳаёти ва ижоди манбаларга доир янги гап эшитиш истагини ҳам уйғотар, кўп савол туғилишининг сабаби шу эди. Навқирон, ўзига ишонган, ёш тадқиқотчи (ўшанда Шухрат ака 37 ёшда эди) барча саволларга берган асосли, мантиқан бутун жавоблари билан мажлисда

қатнашаётганларда яхши таассурот қолдирди. Бегали Қосимов, Шариф Юсуповдек ўзбек адабиётшунослигининг йирик даргалари ушбу диссертация ҳақида ижобий фикр билдиришди.

Зотан, ёш тадқиқотчиларнинг бу олимлар томонидан ижобий фикр эшитиши ноёб ҳодиса ҳисобланар эди. Шахсан ўзим устоз Шариф Юсуповнинг илмий масалада ўта қаттиққўл эканига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Илмий жиҳатдан бўш, ҳатто ўртамиёна тадқиқот билан муҳокамага «ташриф буюрган» диссертантлар Шариф аканинг муқаррар эътирозига дуч келишарди. Бу масалада домла таниш-билиш, юз-хотир деган андишалардан юқори турарди. Бегали Қосимов домлани-ку айтмаса ҳам бўлади. Бу инсоннинг темир мантиғи олдида катта-катта адабиётшуносларнинг ҳам тиззаси букилиб кетганини ҳали-ҳамон зарбулмасал қилиб юришади. Хуллас, Шухрат Сирожиддинов иши ҳақида кафедра аъзоларининг каттаю кичиги гапирди. Жумладан, мен ҳам бир нарсалар дедим. Нима деганимни ҳозир эслолмайман. Аммо бу муҳокама мажлисидан кейин қолган бир туйғу ҳозиргача эсимдан чиққани йўқ. Менда бу ёш олимга нисбатан самимий ҳавас, айти пайтда, ички ҳурмат уйғонган.

Шухрат ака ЎЗМУга ректор сифатида келиб, бир ташкилотда ишлагунимизга қадар ҳам илмий фаолият йўлларимиз кўп бор кесишган. 2000 йилнинг бошларида ЎЗМУ ҳузуридаги докторлик илмий даражасини олиш учун ихтисослашган кенгаш котиби бўлиб ишлаганман. У пайтлар «Имом ал-Бухорий» халқаро жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари бўлиб юрган Ш.Сирожиддинов ҳам бу кенгашнинг аъзоси эди. Шу баҳона Шухрат ака билан тез-тез кўришиб қолардик. Суҳбатларимиз асосан янги навоийшунослик, мумтоз адабиёт тадқиқининг назарий масалалари устида бўлган. Чунки Шухрат аканинг «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналида чоп этилган қатор мақолалари менда яхши таассурот қолдириши билан бирга мумтоз адабиёт тадқиқининг янги қирралари акс этгани билан катта умид уйғотган. Анъанавий навоийшуносликка нисбатан танқидий нуқтаи назарим, ботиний мақсадларимга мос келган. Ҳолбуки, у пайтлар ўзбек адабиётшунослигида «анъанавий» ёки «янги навоийшунослик» деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Бугун ҳам бу

тушунчага қадар етиб келган ёки уни мардларча тан оладиган мутахассисни кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди. Аммо, шуни таъкидлашни истардимки, миллий адабиётшунослигимизга хос янги навоийшунослик шабадаси XXI аср бошларида-ноқ сезилган. Шухрат ака бу борада авангардлардан бири эди десам ҳам гапим ёлғон бўлмайди.

Шу ўринда мумтоз адабиётни ўрганишнинг янгиланаётган миллий концепцияси, хусусан, янги навоийшунослик нима дегани? Янги навоийшуносликнинг анъанавий навоийшуносликдан фарқи нимада деган ҳақли савол туғилади. Мен собиқ советлар даврида ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган, бу йўналишда ўнлаб илмий-назарий тадқиқотлар ёзган, манбашунослик, матншунослик фаолиятини олиб борган, қатор адабий сиймолар биографияси ва ижодий меросини тизимли ўрганган Иззат Султон, Ҳамид Сулаймон, Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Суйима Ғаниева сингари қатор олимларимиз хизматларини юз фоиз эътироф этаман. Улар, шак-шубҳасиз, мумтоз адабиёт тадқиқотчилигининг XX асрга хос, академик мактабига тамал тошини қўйиб кетдилар. Жумладан, ҳазрат Навоий адабий меросининг оммалашуви, ўқув ва илмий жараён сатҳини эгаллаши ҳам шу олимлар фаолияти, машаққатли меҳнати билан боғлиқ. Улар ўз даврида мустамлака сиёсати имкон берган ҳамма ишни қилиб кетдилар. Ишонч билан айта оламаники, бу олимларни бутун умр ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш ва навоийшуносликка хос кемтиклар ҳақидаги ботиний армонлар тарқ этмаган. Ишончим комил, давр имкон берса, лоақал умр вафо қилганида, бу олимлар буткул бошқача ёзган бўлишарди. Шу маънода, уларнинг Ҳақ ва халқ олдида юзлари ёруғ. Уларни сира ҳам тарихий адабиётшунослик ёки навоийшуносликни сохталаштириш, догматиклаштиришда айблашга ҳаққимиз йўқ.

Бироқ ҳамма гап бизда, мустақиллик ўттиз йил имкон берган илм даъвогарларида. Устоз олимлар вазияти-ку маълум гап экан. Аммо бизнинг йўлимизни ким тўсди? Мумтоз адабиётимизни холис, чуқур, янги назарий концепциялар, мустаҳкам илмий тизим асосида ўрганишимизга ким тўсқинлик қилди? Нега шу пайтга қадар рус шарқшунослари бошлаб берган анъ-

анавий навоийшунослик чизигидан чиқолмадик? На нашр ишларида, на тарихий адабиётшунослик методологиясида бирор янгилик қила олмадик? Воқеан, мустақиллик арафасида тарихий адабиётшунослигимиз назаридан четда қолган учта йирик муаммо кўндаланг турарди. Булар:

а) ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари шахсияти, ижодий меросини соф тарихий асосда ўрганишнинг янги методологиясини шакллантириш, яъни мумтоз адабиётимизни ислом муҳити, маънавияти ва асл манбаларига кўра тадқиқ этиш;

б) тарихий адабиётшуносликнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

в) изчил, тизимли матншунослик ва матн назариясига оид мустаҳкам илмий комплексга асос солиш.

Таассуфки, бугунга келиб ҳам айни муаммолардан лоақал биттаси ўзининг концептуал ечимини топган эмас. Қилган бор-йўқ илмий-амалий ишимиз совет давридаги нашрларни лотин ёзувида қайта нашр этиш, турк, араб, форс замонавий адабиётшунослари фикрларини ўзбек мумтоз адабиёти ва Навоий ижодига тўғридан-тўғри татбиқ этиш, энг қизиғи, навоийшуносликда кўзга ташланаётган ҳар қандай янги фикр, янги тадқиқотлар йўлини тўсишга уринишдан нарига ўтгани йўқ.

Жорий асрнинг илк йилларидан бошлаб Навоий «Хамса»си, лирик ижоди, насрий ва илмий асарлари тадқиқига доир муайян янгиликлар кузатилгани эса бор гап. Филология фанлари доктори Сувон Мели Навоий «Хамса»сида муаллиф образи, ғазалларидаги глобал маъно, поэтик тафаккурига хос юксак фалсафа хусусида бир-икки тадқиқотлар эълон қилди. ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг собиқ илмий ходими, марҳум Аъзамхон Қозихўжаев буюк мутафаккир ғазалларини балоғат илми назариясига кўра тадқиқ этди. Теран ва оригинал назарий хулосаларини ўртага ташлади. Жиддий адабиётшунос Абдурасул Эшонбобоев Навоий матншунослиги муаммоларини дадил кўтарди. Филология фанлари доктори Дилнавоз Юсупова Навоийнинг аруз назариясига доир қарашларини қиёсий ўрганди. Филология фанлари номзоди Абдулҳамид Қурбонов Навоий «Хамса»сидаги сарлавҳа поэтикаси бўйича тадқиқот олиб борди. Сарлавҳанинг «Хамса» мазмуни

билан изчил муносабатига доир асосли фикрларини илгари сурди. Аммо, таассуфки, буларнинг барчаси эътирофдан кўра истехзо ва танқид мевасини татишга лойиқ кўрилди. Профессор Шухрат Сирожиддинов тадқиқотлари ҳам ўз методологияси, илмий моҳиятига кўра мана шундай ишлар қаторида туради, янги навоийшуносликда илк мужда берган оригинал ишлардан ҳисобланади.

Шухрат Сирожиддинов илмий фаолияти бевосита Навоий ижодини ўрганишдан бошланган. У 1991 йилда «XIX аср Каттақўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари» мавзуида номзодлик диссертациясини, 1998 йилда «Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс манбалари» мавзуидаги докторлик ишини ҳимоя қилган. Бундан ташқари, адабиёт тарихи, адабий манбашунослик ва матн назариясига доир қатор ишларининг бадий-эстетик асосини ҳам Навоий ижоди ташкил этади. Умуман, олим асарларининг оригиналлиги, янги навоийшуносликка дахлдорлиги ҳақида атрофлича фикр юритиш мумкин. Аммо бу ўринда асосий мақсад илмий тадқиқот эмас, тўйхат ёзиш бўлгани боис Шухрат Сирожиддинов тадқиқотларига хос баъзи жиҳатларни санаш билан чегараланаман.

Менимча, Шухрат Сирожиддиновнинг навоийшуносликка қўшган бирламчи ва энг муҳим ҳиссаси манбашунослик ва матншунослик муаммолари билан боғлиқ. У ўнлаб хориж тилидаги манбаларни қиёсий ўрганиш асосида Навоийнинг умумшарқ мумтоз адабиётида тутган оламшумул мақомини янги илмий ракурсда кўрсатишга эришди. Иккинчидан, анъанавий навоийшуносликдан «мерос» қолган Навоий биографияси билан боғлиқ жиддий кемтикликларни тўлдирди. Бунда олимнинг Навоийга оид ва бевосита Навоийга тегишли манбаларни типологик асосда синчиклаб ўрганиши, матн назариясига кўра таҳлил қилиши оригинал хулосаларга олиб келган. Учинчидан, Ш.Сирожиддиновнинг Навоий ва Шарқ-ислом фалсафасига доир қарашларини янги навоийшуносликка хос дастлабки уринишлардан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Тўртинчидан, олим тадқиқотларида Навоий наинки адабий шахсият, балки ижтимоий, маиший, психофизиологик шахсият сифати-

да тақдим этилади. Бундай ёндашувнинг муҳимлиги шундаки, шу пайтга қадар ҳазрат Навоийни буюк мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби сифатида таниган ўқувчи ёки тадқиқотчи эндиликда унинг индивидуал фазилатлари, ботини билан танишадди, буюк аждодини қалбан ҳис этади. Бешинчидан, Навоий ва адабий таъсир муаммоси ҳам бевосита Ш.Сирожиддинов тадқиқотларида ўзининг илмий-назарий талқинини топган. Бироқ олим Навоий шахсияти ва ижодини илмий тадқиқ этиш билангина чекланмаган. Унинг Навоий ижодини олий ўқув юртлари, умумий ўрта таълим йўналишларида ўқитишга доир илмий-методик ишлари ўзининг амалий салмоғи ва аҳамиятига эга. Қолаверса, Навоий феномени моҳиятини замонавий Шарқ ва Ғарб дунёсига таништириш йўлида ҳам Ш.Сирожиддинов илмий-амалий фаолиятининг ўзига хос ўрни бор.

Юқорида сўз юритилган масалалар Шуҳрат Сирожиддинов фаолиятининг бир қисми, қолаверса, мен илғаган қирралари, холос. Зотан, бугун 60 ёшни қоралаган Шуҳрат ака – ўта фаол, шижоатли ва серқирра шахсият соҳиби. Ўйлашимча, бу ғайрати ичига сиғмайдиган инсоннинг амалга оширган ишларидан кўра эзгу мақсад ўлароқ кўнглига тугган, орзу қилган мақсадлари кўпроқ. Шу пайтгача яшаб ўтган ҳаёти ва шахсиятидан кўра орзулари улканроқ.

Сўзим сўнгида бу эзгу ниятлар бекаму кўст рўёбга чиқишини тилайман. Шуҳрат ака, 60 ёшингиз қутлуғ бўлсин! Оллоҳ умрингизга хайр-барака берсин!

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ – ЕТУК МАНБАШУНОС ОЛИМ

Теран фикрли билим кишиси, навоийшунос ва манбашунос Шуҳрат Сирожиддинов ўзбек классик манбашунослиги соҳасида ўзининг кучли, янгича қарашларга бой асарлари билан танилган.

Бир мақолада олимнинг бутун асарларини шарҳлаш имконсиз. Бу ўринда мен унинг ўзбек классик манбашунослиги ва матншунослиги соҳасида яратилган бир нечта китоби тўғрисида сўз юритмоқчиман.

Унинг манбашуносликка бағишланган асарларидан бири «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» китобидир (Тошкент: Академнашр, 2011). Ушбу монография янги давр навоийшунослигида, манбашуносликда ярқ этиб кўзга ташланган илмий асарлардан бирига айланди. Асарнинг яратилиши ўзбек навоийшунослигида, манбашунослик соҳасида, қолаверса, адабиётшунослигимизда катта ҳодиса бўлди.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш унинг ўз замонидан бошлаб бугунги кунимизга қадар адабиётшуносликнинг бош вазифаларидан бирига айланган. Бу масалани ёритишда ҳозирги адабиётшунослик икки турдаги манбаларга таянади: биринчиси, Навоийнинг ўз асарлари, унинг адабий, илмий мероси; иккинчиси, XV асрдан то XX асрнинг бошларига қадар яратилган хотиралар, тарих китоблари, адабиётшунослик, тилшуносликка оид асарлар, тазкиралар. Ушбу йўналиш ёзма манбалар асосида бир қадар тадқиқ этилган. Бу борада ўзбек адабиётшунослигида кўзга кўринган, фундаментал асарлар бор. Бироқ шу кезга қадар яратилган ишларда ютуқлар билан баробар бирёқламалик, етишмовчилик ҳам

кўзга ташланади. Қолаверса, Навоий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи айрим манбалар шарҳида холислик, кенгфикрлилик оқсаётгани сир эмас. Бунинг сабабларидан бири яқин ўтмиш адабиётшунослигида Навоий меросига муайян мафкура нуқтаи назаридан ёндашилганлиги бўлса, иккинчи сабаби ўтмишдаги қўлёзма манбалар оз ўрганилганлигидадир. Эътироф этмаклик керак, ҳозир ўзбек навоийшунослигида ана шу камчиликларни тузатишга қодир фан, янгича фикрлайдиган, қўлёзма манбаларни ўқиб, замонавий фан нуқтаи назаридан шарҳлай оладиган олимлар авлоди юзага келмоқда.

Китоб муқаддимасида Алишер Навоий феномени, навоийшуносликнинг фан сифатида юзага келиши, унинг тарихий босқичлари, замонамиз навоийшунослиги, унинг улкан ютуқлари хусусида баҳс юритилади, тадқиқотнинг мақсаду вазифалари баён этилади.

Китобнинг биринчи боби «Навоийга доир маълумотларнинг ўзаро қиёсий типологик-текстологик таҳлили» деб аталган. Унда Алишер Навоийнинг ёшлик йиллари ва балоғат даври, унинг табиати, инсоний фазилати (хулқ-атвори, ўз даври ўқимишлилари, сарой амалдорлари ва халқ орасида тутган обрў-эътибори, хайрия амаллари), яқин кишилари, ўлими ҳақидаги маълумотлар манбалар асосида таҳлил этилади.

«Навоий ва давлат хизмати» дея номланган иккинчи бобда Навоийнинг Хусайн Бойқаро хизматига кириб келиши, Навоийнинг давлат арбоби: муҳрдорлик, амирлик мансаби, Астробод ҳокимлиги давридаги улуғ ва хайрли ишлари илк манбалар ёрдамида очиб берилган.

Учинчи боб «Султон Хусайн, вазирлар ва Алишер Навоий» деб аталиб, унда Хусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ўртасидаги дўстона муносабатлар устида сўз боради. Бу муносабатларга аркони давлат ва аъёнлар орасида имтиёзларга эга бўлган Маждиддин Муҳаммаднинг раҳна солуви, бунинг оқибатида султон ва шоир ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши, Навоийнинг ақлу заковат, холислик ила ҳақиқатни юзага чиқариши, муносабатларнинг илиқлашуви, шунингдек, мутафаккир кечмишининг сўнгги йиллари ҳикоя қилинади. Ўз ўрнида Навоийнинг Маждиддин Муҳаммад, Низомулмулк синга-

ри вазирлар билан муносабати, давлат-бошқарув ишларидаги тадбиркорлиги ёритиб берилади.

Асарнинг иловаси ҳам каттагина. Биринчи иловада илк манбалар ва улардаги Алишер Навоий ҳаётига оид муҳим маълумотлар келтирилган. Иккинчисида XV юзйил тарихчилари, адибларининг Навоий ҳақида ёзган фикрлари берилган. Учинчи иловадан эса Алишер Навоийнинг ўзи тўғрисида ёзган сўзлари ўрин олган.

Ушбу монографияни сўнгги йилларда адабий манбашунослик йўналишида яратилган, ёзма манбалар жиддий таҳлил этилган ажойиб ишлардан бири десак янглишмаймиз. Китоб билан танишган мутахассис буни тан олади.

Ишга биринчи галда Навоийнинг ўз асарлари, хусусан, «Муншаот»га кирган мактублар, «Вақфия» сингари шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи хужжатли асарлар манба бўлиб хизмат қилган. Иккинчи турдаги манбалар Навоий замондошлари ва кейинги чоғларда яшаб ўтган тарихчилар, адабиётшунослар ва ўтмиш ўқимишлиларининг улуғ мутафаккир ҳақида ёзиб қолдирган хотиралари, тазкиралардир. XV юзйил билим кишилари Абдураззоқ Самарқандий, Абдурахмон Жомий, Мирхонд, Хондамир, Муъиниддин Исфизорий, Давлатшоҳ Самарқандий, Фахрий Ҳиротий, Зайниддин Восифий, яна ўнлаб олимлар бевосита Навоий мажлисларида иштирок этганлар ва ўз асарларида шоир ҳақидаги энг муҳим маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур улуғ адабиётшунос ва тарихчи сифатида Навоийга ҳурмат билан қараган, ўз асарларида шоир ва унинг ижоди ҳақида асосли фикрлар билдирган. Бундан ташқари, XVI – XIX юзйилларда форсий ва туркийда яратилган тарихий, илмий манбалар, филологик асарлар – луғат ва грамматикалар, тазкиралар ва эсдалик характеридаги асарларда Навоий, унинг ижоди ҳақида бой маълумотлар келтирилган. Ушбу илк манбаларнинг катта бўлаги ишда таҳлилга тортилган, шоир ҳаёти ва фаолиятига доир фикрлар улардаги маълумотларга таянган ҳолда ёритилган.

Илк манбаларни ўрганиш натижасида муаллиф Навоийнинг ҳаёт йўли ва давлат арбоби сифатидаги хизмати билан боғлиқ

янги-янги хабарларни фанга олиб киради, мавжуд қарашларни таҳлил қилиб, уларни тўлдиради, адабиётшуносликдаги чалкаш фикрларни изга солади. Таъкидлаш жоизки, Ш. Сирожидинов кўрган манбаларнинг айримлари фанда оз ўрганилган ёки эътибордан четда қолиб келаётган эди.

Тадқиқотчи ушбу асарда XV юзйилнинг иккинчи ярми – XVI юзйил бошларида яратилган ёзма манбалардаги Алишер Навоийга тегишли маълумотларни ўрганиб, уларни қиёсий типологик-текстологик таҳлил этади ҳамда XX юзйилгача яратилган асарлардаги хабарларнинг илк манбалардаги хабарлардан тафовут қилиш даражасини кўрсатишга интилади, шунингдек, Навоий биобиблиографиясини тиклаш йўлида янги манба ва маълумотларни биринчилардан бўлиб илмий таомилга киритади. Бу нарса олимнинг катта ютуқларидан биридир.

Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган манбаларни ўрганар экан тадқиқотчи уларни икки гуруҳга бўлади. Биринчиси, шоирнинг ўз замонида уни кўрган-билган кишилар ёки у ҳақда аниқ-таниқ кишилар оғзидан эшитиб ёзилган асарлар; иккинчиси, XVI – XIX юзйилларда Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Афғонистон, Шинжон ўлкалари ва Волгабўйида яратилган тазкиралар. Кейинги юзйилларда яшаган тарихчилар, тазкиранавислар Навоий ҳақида ўзигача ўтган китобларда битиб қолдирилган ёки оғиздан-оғиз ўтиб келган маълумотларни ўз асарларига ҳам кирита бошладилар. Йиллар ўтиши билан тазкиранависларнинг турли савиядаги иқтидори, дунёқараши, мақсадли ёндашуви оқибатида Навоий ҳақидаги маълумотлар шунчалик ўзгаришларга учрадики, китобхон қайси маълумот асл ва қай бири сохта эканлигини ажрата олишга заифлик қилиб қолди. Тадқиқотчи ушбу иккиламчи манбаларни «комплятив», яъни «кўчирма талқин» деб атайди.

Монография бошдан-охир улў мутафаккир биобиблиографияси, ҳаёт йўли, давлат арбоби ва ижодий фаолиятини ҳужжатларга таянган ҳолда муайян изчилликда очиб беришга қаратилган.

Тадқиқотчи Алишернинг болалиги, ота-боболари тўғрисида баҳс этар экан, шоирнинг насли ҳақида сўз юритилган манбаларга мурожаат қилади. Ўз ўрнида, ушбу тарих китобларини

икки турга ажратади. Биринчи тур манбаларда, унинг таъкидлашига кўра, муаллифлар «Навоийнинг ота-боболари темурийларнинг амирларидан бўлиб, оналари шахзодаларга энагалик қилганлар» десалар, иккинчи, нисбатан озчиликни ташкил этган гуруҳ «Алишернинг ота-боболари уйғур бахшиларидан бўлган» деб ҳисоблайди. Иккинчи туркум қарашлар Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг «Тарихи Рашидий» асаридан бошланади. Ушбу мўътабар манба тарихий асар эса-да, Навоий ҳақидаги маълумотлар йўл-йўлакай, умумий таништирув-тазкиравий шаклда берилган. Жумладан, унда: «Навоий асли уйғур бахшиларидан бўлиб, отаси Амир Кичкина оддий (ёки расмий) одам (марде буд ала ар-расм) эди», – деб ёзиб қўйилган. Энг муҳими, тадқиқотчи бу фактни асосли ва ишонарли ҳолда шарҳлаб берган. Муаллифнинг таъкидлашича, «Мирзо Ҳайдар Навоийни «уйғур бахшиларидан» деб атаётганида унинг миллатини эмас, балки ота-бобоси сарой котибларидан демоқчилиги маълум бўлади». Тўғриси ҳам шундай. Темурийлар замонида араб ёзуви билан бир қаторда қадимги туркий-уйғур хатидан ҳам кенг фойдаланилган. Ўша кезларда қадимги туркий ёзувнинг мавқеи араб хатидан юқорироқ эди. Девонхоналарда, китобатчиликда уйғур хатида битувчи котиблар «бахши» деб аталган. Бу атама девон хизматчилари, расмий кишиларни ҳам билдирган. Алишернинг ота-боболари ўқимишли, сарой хизматчиларидан бўлгани учун бахшиларга мансуб. Отасининг отига ҳам бу даражани қўшиб Ғиёсиддин Кичкина бахши [яъни «паст бўйли Ғиёсиддин» эмас, балки «Иккинчи Ғиёсиддин бахши»] ҳам деганлар. Манбаларда тўғри ёзилган.

Навоий ҳаётидаги ўзгаришлар, унинг давлат бошқарувидаги ютуқлари манбалардаги маълумотлар мисолида очиб берилган. Қизиғи шундаки, Навоий Ҳусайн Бойқаро хизматига келган 1469 йилдан 1492 йилгача бу икки кимса муносабатларида бирор-бир оғиш, совуқчилик бўлмаган. Навоий ҳаётидаги кўнгилсиз воқеалар бундан кейин юз беради. Бу борада навоийшуносликдаги умумий хулосалар тўғри. Аммо кўп ўринда Навоийнинг вазирлар билан рақобати, сарой фитналари билан боғлиқ воқеалар, уларнинг илдизлари, асл сабаби етарли очиб берилмаган. Ш.Сирожиддинов навоийшунослик илмий истеъ-

молга олиб кирган маълумот-фактларни қайта кўриб чиқиш орқали ана шу масалаларни ёритиб беради, чалкаш фикрларни изга солади.

Алишер Навоийнинг Астрободга юборилиши сабаблари ҳақида навоийшуносликда турли қарашлар бор. Унинг бу ўлкага ҳоким этиб тайинланиши кўпчилик томонидан «сургун» деб қаралади. Бундай қараш бошлаб В.В. Бартольд томонидан илгари сурилганди. Ўша даврнинг ўзидаёқ баъзи шарқшунослар бундай қарашга кескин қарши чиққанлар. Лекин уларнинг фикри навоийшуносликда инobatга олинмади. Е.Э. Бертельс ҳам ўзининг «Навоий» монографиясида В.В. Бартольд фикрини ёқлаб чиқди.

Ш. Сирожиддинов – навоийшуносликдаги бу фикрларни янгилаш тарафдори. Унинг таъкидлашича, олимларнинг тарихий воқелиқдан четга чиқиб кетишларига сабаб бир-бирларига суяниб фикр юритганларидир. Навоийшуносларнинг эски тузум мафкурасидан келиб чиқиб Навоий «ҳақиқатни айтишдан қўрқмаган шоир» бўлгани учун султон «унинг заҳарли сўзларидан қутулиш учун бадарға қилди» тарзидаги талқинлари бугун қайта кўриб чиқилиши керак деб ёзади олим. Бу сўзларнинг исботи учун муаллиф қуйидагиларни далил сифатида келтиради: биринчидан, Алишер Навоий султонга тобе киши сифатида ҳеч қачон ҳақиқатни баралла айта олмаган, балки мавриди билан тушунтиришга уринган. Иккинчидан, Навоий султонга заҳарли сўз айтиш ёки дакки бериш у ёқда турсин, подшоҳнинг қатъий қарорига қарши кескин гапиришга журъат эта олмаган. Бундай муносабат фақат унга ва ўша даврга тааллуқли бўлмай, балки ҳукмдорлар ва тобеинлар ўртасидаги муносабатлар мезонини белгилайдиган қоидадир. «Темур тузуклари»да султон ўзининг айтган сўзидан қайтмаслиги ҳақида қатъий талаб қўйилиб, Маҳмуд Ғазнавийдан мисол келтирилгани бежиз эмас. Учинчидан, Алишер Навоий баъзи тадқиқотларда айтилганидек, Астрободга оғзаки буйруқ билан эмас, балки махсус фармон билан юборилган. Тадқиқотчининг эътирофига кўра, Астробод ўша чоғлар давлат эътиборида турган ўлка эканлиги учун султон ҳар кимсани эмас, ўз яқин кишиси, ишонган тоғи бўлмиш Навоийни муносиб кўрган ва фармон билан уни шу ишга йўлла-

ган. Бизнингча ҳам бу Навоий фаолиятига, унинг Хусайн Бойқаро билан бўлган муносабатларига холислик билан берилган баҳодир.

Тадқиқотчи навоийшуносликда янги бир йўл танлаган. Бу сингари ихтиролар келгусида ўзбек манбашунослигини, навоийшуносликни юқори босқичга олиб чиқишига ишонамиз.

Олимнинг ушбу асари ўзбек адабий манбашунослигида, хусусан, замонавий навоийшуносликда яратилган йирик, шу билан бирга, чуқур монографик ишдир.

Шухрат Сирожиддиновнинг ажойиб асарларидан яна бири «Ўзбек матншунослиги қирралари» деб аталган (Тошкент: Академнашр, 2015). Бу китобни у Соҳиба Умарова билан биргаликда ёзган.

Китоб уч қисмли. Илк қисм матншуносликнинг назарий масалалари, унинг асосларига бағишланади. Иккинчиси, ўзбек матншунослигининг шаклланиши ва тараққиёт босқичларига; учинчи қисм эса Алишер Навоий асарларининг текстологик ўрганилиши ва матн тузиш принципларига бағишланади.

Ўзбек матншунослигининг юзага келиши ва такомил босқичлари тўғрисида сўз юрита туриб асар эгалари унинг тарихий илдиэларини қадимги турк хоқонликлари даврига боғлайдилар. Бу тўғри фикр. Мана бир ўрнак: таниқли адиб ва тарихчи Йўллуғ тигин 732 йили отасининг топшириғига кўра амакиси Кул тигин хотирасига атаб битиг ёзган. Орадан кўп ўтмай, 735 йили ўз отаси Билга хоқон хотирасига атаб ўрнатилган битигни ёзишда ҳам худди ўша йўлни тутган: ҳатто биринчи битигдаги матннинг катта бир бўлагини олиб, уни таҳрир қилиб, иккинчи битигга ҳам киритган. Йўллуғ тигиннинг матншуносликдаги ютуқларидан бири шунда эдики, у тарихий матн тузиш принципларини ишлаб чиқди. Унинг асарлари ўз даври матнчилиги, таҳрир санъатининг энг ажойиб намуналари сифатида қаралади. Матншунослигимиз тарихини, тарихий ва адабий матн тузиш анъаналарини ўша нодир тошбитиглардан бошлаганимиз тўғри.

Ўзбек матнчилиги ва матншунослигининг классик даври темурийлар замонида тўғри келади. Бу даврда йиғма, илмий-танқидий матн тузишнинг назарий асослари ҳам ишлаб чиқилган

эди. Жумладан, Бойсунгур мирзо оталиғида Фирдавсий «Шоҳ-номаси»нинг нусхалари тўпланиб, тўлиқ нусха яратилади. Мазкур қўлёзма 1425 – 1430 йилларда Жаъфар Табризий тарафидан кўчирилган. Бойсунгур мирзо «Шоҳнома»нинг ушбу нусхасига сўзбоши ҳам ёзган.

Хўжа Арслонхон тархон оталиғида эса Адиб Аҳмад «Ҳибату-л-ҳақойиқ»ининг ишончли қўлёзмалари тўпланиб, йиғма матни яратилган. Ушбу қўлёзмани 1444 йили Самарқандда Зайну-л-Обидин бахши уйғур хатида кўчирган.

Ш. Сирожиддинов ва С. Умарованинг китобида матн битиш анъаналарининг такомил босқичлари ва матншунослигимиз тарихи яхши ёритилган.

Китобда Алишер Навоий асарларининг текстологик жиҳатдан ўрганилиш тарихига ҳам катта эътибор қилинади. Унда бошлаб лирик асарларнинг қўлёзмаларини ўрганиш, уларнинг илмий-танқидий матнларини яратиш, нашрлар орасидаги ўзига хосликлар, матн тузиш принциплари таҳлил этилади. «Хамса» маснавийлари, «Лисону-т-тайр» асарларининг илмий-танқидий нашрлари, Навоий девонлари устида олиб борилган изланишлар, илмий-танқидий матнларининг юзага келиш тарихи, матн принциплари очиб берилади.

Сўнгра Навоий илмий асарларининг илмий-танқидий матнларини яратиш принципларига ўтилади. Унда «Мезону-л-авзон», «Тарихи мулуки Ажам», «Тарихи анбиё-ву ҳукамо» асарлари, сўнг «Мажолису-н-нафоис», «Насойиму-л-муҳаббат» асарлари илмий-танқидий матнларининг яратилиш тарихи ва принциплари муайян изчилликда баён этилган. Бу таҳлиллар, илк матнга ёндашув принципларининг баёнлари изланувчилар ва шу соҳада билим ўрганаётган ёшларга жуда кераклидир.

Классик ўзбек матншунослигини ўрганиш методологияси фан сифатида энди-энди изига тушаётгандай, чоғи. Классик матнларни ўрганиш борасида ғарб китоблари асосида яратилган назарий масалалар шарқ манбалари, хусусан, ўзбек классик матншунослиги йўриғларига тушавермайди. Шарқ манбалари, ўзбек қўлёзмалари бошқа бир олам; китобат санъатидан тортиб матн тузиш анъаналари, илк матн устида ишлаш, матн таҳрири, матншунослик принципларигача буткул ажралиб туради.

Олимларимиз шарқ қўлёзмалари, оталар маънавий тафаккурининг нодир ёдгорликлари бўлмиш битиглар асосида ўзбек матншунослигининг ўзига хос такомил йўли ва йўриқларини ўрганиб янги асарлар яратмоғи керак. Шухрат Сирожиддинов ва Соҳиба Умарованинг китоби ана шу йўлдаги илк ҳаракатлардандир.

Филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддинов ўзбек фани ва олий таълимида яхши ҳам керакли ишни бошлади. У манбашунослик ва матншунослик соҳасида чуқур илмий ишлар яратиш, бу соҳада етук мутахассислар етиштиришга катта эътибор қаратмоқда. Айни дамларда у ана шу соҳаларнинг карвонбошиси бўлиб турибди.

Билим кишиси учун олтмиш ёш – айни кучга тўлган, илмий фикри чархланган, фалсафий қарашлари етилган давр. Олимдан навоийшунослик ва манбашунослик соҳаларида янги-янги илмий китоблар яратишини, ёш олиму шогирдларнинг қадрли устоди бўлиб юришини тилаб қоламан.

Неъматжон НОРҚУЛОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти

ЛИРИК РАҲБАР

Физиклар орасида «физика-лирика» деган тушунча машҳур. Дунё қонуниятлари айнан шу икки манба – физика ва лирика билан изоҳланади. Албатта, бу менинг шахсий фикрим. Лирика инсон ҳиссиёти, унинг қалби, эътиқоди, нозик туйғулари, қўйинги, инсон камолоти, туриш-турмуши, эзгу характери ва фазилатларининг таркиб топиш қонуниятлари билан шуғулланади. Шу жиҳатдан адабиёт ҳам, санъат ҳам, маданият ҳам, маънавият ҳам лирик соҳага киради. Шуҳрат Сирожиддинов ёшлиқдан шу соҳалар ичида вояга етган ва бутун вужуди, тарбияси, илми ва дунёқараши билан лирик шахсга айланган. Мен бу гапларни бу инсон билан бирга ишлаш жараёнида ишонч ҳосил қилганим учун айтяпман. Умрим олий таълим соҳасида ўтди. Фаолиятим давомида ўнлаб раҳбарлар билан ишлашга тўғри келди. Мустақилликдан кейинги даврда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида фақат халқ манфаати ва университет ривожини учун ўзлигидан кечиб меҳнат қилган икки раҳбарга тан берганман. Бири Тўрабек Долимов бўлса, иккинчиси Шуҳрат Сирожиддиновдир.

Шуҳрат Сирожиддинов ЎЗМУга келишдан олдин Самарқанд чет тиллар институти ректори вазифасида ишлаган, анча-мунча тажрибага эга бўлган. ЎЗМУга ўқув ишлари бўйича биринчи проректор бўлиб келганда самарқандликлар у киши ҳақида жуда илиқ гапларни айтишган эди. Дарҳақиқат, сал ўтиб ректор лавозимига тайинланганидан сўнг у кишининг қаттиққўллиги ва принципааллиги, шу билан бирга, қўл остидагиларга меҳрибон ва жонкуяр эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Шуҳрат Сирожиддинов ректор сифатида ишни университет фахрийлари кенгашини тузишдан бошлади. Ўша пайтлар университети-мизда фаолият кўрсатаётган ёши улуглар ҳам, нафақага чиқиб кетганлар ҳам эътибордан четда қолган бир давр эди. Ректор ўз

вақтида замонанинг зайли билан мажбуран ишдан бўшатиш билан нафақадагиларнинг кўпчилигини қайтариб олиб келди. Университетнинг келгуси режаларини оқсоқоллар кенгаши билан маслаҳатлашиб тузишни қанда қилмади.

Шуҳрат Сирожиддинов қисқа вақт ичида кадрларни жой-жойига қўйди. Ўқув жараёни, илмий фаолият, ижтимоий-маънавий муҳитни яратишда адолат билан иш юритиб, университет зиёлиларининг ҳақли ҳурматиغا сазовор бўлди. Худди Т.Н. Долимов ректорлиги давридаги каби университет жамоасининг кайфияти кўтарилди. Илгариги анъаналар тикланди ва Миллий университетдан ғурур ҳисси бир неча баробар юксалди. Шуҳрат Сирожиддинов ўзи филолог бўлса-да, университетда аниқ ва табиий фанлар ривожини учун чин кўнгиладан жон кўйдириб ишлади. Халқаро миқёсда университет нуфузини кўтаришга киришилди. Кетма-кет халқаро конференциялар ўтказила бошланди, халқаро илмий лойиҳалар, таълим билан боғлиқ Европа Иттифоқи грантлари сони ошди. Тўхтаб қолган лабораториялар ишга туширила бошланди, ёш иқтидорли олимларга шароит яратиб берилди.

Шуҳрат Сирожиддиновнинг университет ободончилигига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтмасам бўлмайди. Университет маданият саройи орқасида бир пайтлар ҳатто тўйлар ўтказилган шинам ошхона охириги йилларда вайрона бўлиб, ичи ҳам, ҳовлиси ҳам металллом темир-терсак ва бинолардан чиққан эски-тускиларнинг кўпйиллик ташландиқ омборига айлантирилган эди. Ректор катта ташаббус кўрсатиб, ушбу ахлатхонани тозалаттирди ва ошхонани ишга туширди. Атрофни ободонлаштирди.

Университетнинг машҳур Ботаника боғи охириги йилларда факультетларга бўлиб берилиб, комендантлар деҳқончилик қиладиган полизларга айланиб қолган эди. Шуҳрат Сирожиддинов бу ерларни Ботаника боғига қайтариб, уларни мақсадли тажриба лабораторияларига айлантирди. Йўлаклар, симёғочлар янгиланди, панжаралар ўрнатилиб, юзлаб арча дарахтлари экилди. Факультетлар бинолари орасида тартибсиз равишда ўсиб кетган арчалар бир текис қилиб қирқилди, гулзорлар яратилди. Боғ жойлари факультетларга бўлиб берилиб, дунёдаги

мавжуд турли-туман гуллар ва манзарали экинлар экилиб, республика ёшлари учун кўргазмали боғ яратилди.

Шухрат Сирожиддиновнинг олий таълим тараққиёти учун жон куйдирган раҳбарлардан эканлигига яна бир исбот шуки, 2014 – 2015 йиллардаёқ университетда электрон таълим платформасини яратиб, уни жорий этишга ҳаракат қилган эди. Бу уриниш гарчи жиддий қаршиликларга учраган бўлса ҳам, бугунги кундаги олий таълим тизимидаги ислоҳотлар Шухрат Сирожиддиновнинг узоқни кўрадиган раҳбар эканини кўрсатди. Шунингдек, у университет кафедраларининг ҳар бирига алоҳида ҳисоб рақами очиб бериб, илмий лойиҳалар ва ҳўжалик шартномаларидан тушган маблағларни тўлиқ кафедралар тасарруфига ўтказиш ишларини бошлаган эди. Ректор Шухрат Сирожиддинов Ўзбекистон Миллий университетида жуда кўп ишларни амалга оширишни режалаштириб, бирин-кетин уларни амалга ошириб бормоқда эди. Бироқ у кишининг Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ректор қилиб ўтказилиши оламшумул режаларни тўла амалга оширишга имкон бермади. Шундай бўлса-да, у киши ўзининг олижаноб ишлари билан, самимий ва камтарона муомаласи билан, ёши улугларнинг дуосини олган ташаббускор раҳбар сифатида университет тарихидан муносиб ўрин олди.

Хулоса сифатида Шухрат Сирожиддиновнинг ўзи даража-сидаги раҳбарларнинг кўпчилигидан ажралиб турадиган тўрт фазилатини санаб ўтмоқчиман.

1. Шухрат Сирожиддинов – жуда шижоатли, довйорак инсон, ўз гоъларини амалга ошириш учун оқимга қарши мардона турадиган, ўйлаган ишини охирига етказмасдан қўймайдиган лидер. Мен унинг бу хислатини буюк бобомиз Амир Темурнинг характерига ўхшатаман. У томир-томиригача ватанпарвар, фидойи инсон. Ўзини қийнаб, ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб бўлса ҳам берилган топшириқларни бажармагунча кўнгли таскин топмаслиги, ҳар бир ишни сидқидилдан бажаришини ҳамма билади.

2. Шухрат Сирожиддиновни кўпчилик қаттиққўл ва калондимоғ деб ўйлаши мумкин. Ташқаридан қараганда унинг салобати ва важоҳатидан шундай хаёлга бориш мумкиндир. Аммо

мен у киши билан ишлаш жараёнида жуда кўнгли бўш инсон эканлигини, нозиктаъблигидан саҳна асарларини томоша қилганда кўзлари ҳамиша ёшланиб туришини, мумтоз куйлардан таъсирланганини кўрганман. Ҳаммага эзгулик тилаши, душман эканлигини билиб туриб ҳам унга яхшиликни раво кўриши, ёрдам сўраб келганга қўлдан келганча ёрдам бериши ва бундан ўзи биринчи бўлиб хурсанд бўлиши камдан-кам раҳбарларда учрайдиган фазилатдир. Шунинг учун мен Шухрат Сирожиддиновни лирик раҳбар дейман. Шундай олижаноб хислатларни кўрганда уни Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ўхшатаман.

3. Шухрат Сирожиддинов қаерда ишламасин, ўзининг до-нишмандлиги, бағрикенглиги ва ҳалоллиги, шу билан бирга, қаттиққўллиги ва принципиаллиги билан ном чиқарган. Бироқ унинг маънавияти, комил инсон экани ҳаммамизнинг ҳавасимизни келтиради. У жуда камтарин, табиатан оддий, камсуқум инсон.

4. Шухрат Сирожиддинов кучли раҳбар бўлиш билан бирга таниқли олим ҳамдир. Охирги йилларда раҳбарлик билан бирга сермаҳсул илмий фаолиятни олиб бораётган олимлар деярли учрамай қолди. Чунки бугунги ўтиш даврида раҳбарлик қилишнинг ўзи жуда оғир ва кечаю кундуз сафарбарликни талаб қилади. Айни пайтда Шухрат Сирожиддинов ўзининг дам олиш соатларини, кечаларини илмий мақола ёзишга сарфлайди. Унинг Алишер Навоий ижоди бўйича олиб борган тадқиқотлари ўсиб келаётган ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият соҳиби сифатида шаклланишида жуда катта ўрин тутади.

Мен Ўзбекистон Миллий университетининг бир фахрийси сифатида бу инсонга самимий ҳурматимни изҳор қиламан ва муборак 60 ёшга тўлгани муносабати билан табриклаган ҳолда илмий, илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятида янгидан-янги ижодий ютуқлар, мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат ва оилавий хотиржамлик тилаб қоламан.

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

ОЛИМЛИК ШАРАФИ

Олимликнинг шарафи ширин. Шунинг учун халқ «Олим бўлсанг – олам сеники» дейди. Лекин олим бўлиш учун кўп меҳнат-машаққат чекиш керак. Очиғини айтганда, кўп-кўп истеъдодлар бу машаққатлар майдонига дадил от суриб киради-ю, ярим йўлда қолиб кетади. Яъни илм умрнинг охирига қадар тинмай меҳнат қилиш эканидан қўрқади. Ёки ҳаётнинг кам ишлаб, катта даромад топадиган йўлларига ўтиб олади. Илм ва таълим амалда бир нарса эмас, лекин улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ соҳалар ҳисобланади. Ахир илм ёшларга айнан таълим орқали сингдирилади-да. Шунинг учун илм ҳам, илмий тадқиқот тизими ҳам олий таълим муассасаларида ривожланади. Ростига гап, таълим соҳасида ишлаб туриб олим бўлиш камида икки карра қийин. Чунки таълимнинг асосий вазифаси – кадр тайёрлаш, яъни ёшларга илм бериш. Ўқитувчи шундан ортган маҳалдагина тадқиқотчилик билан шуғулланиш имконига эга, холос.

Бугун муборак 60 ёшини нишонлаётган таниқли навоийшунос, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддинов ҳақида ўйлаганда беихтиёр кўнгилдан ана шундай мулоҳазалар кечади. Чунки у таълим тизимида масъулиятли вазифаларда ишлаб туриб ҳам илм билан муттасил шуғулланиб келаётган олимларимиздан. Бу олим 1961 йил 23 июлда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида зиёли оилада туғилган. 1984 йили Тошкент давлат университети (ҳозир-

ги ЎзМУ) Шарқ факультетининг форс тили гуруҳини тугатган. Шухратжон мураккаб, аммо масъулиятли йўлни босиб ўтди. Тошкент давлат университети (1984 – 1986), Самарқанд давлат университети (1987 – 1993)да ўқитувчилик қилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими илмий котиби (1993 – 1998), «Имом ал-Бухорий» халқаро жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари (1998 – 2003), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Фалсафа ва жаҳон маданияти кафедраси профессори, мудири (2003 – 2005), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети биринчи проректори (2005 – 2012) бўлиб ишлади. Самарқанд давлат чет тиллар институтини бошқарди (2012 – 2014). Сўнгра Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг аввал проректори ва кейин ректори бўлди (2014 – 2016). 2016 йилдан эса янги ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига ректорлик қилмоқда.

«XIX аср Каттақўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари» мавзuida номзодлик (1991), «Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс манбалари» мавзuidaги докторлик диссертациясини ёқлаган (1998, илмий маслаҳатчи – академик Ботир Валихўжаев). Кўплаб монография, рисола, дарслик, ўқув қўлланма, илмий, илмий-оммабоп ва ўқув-услубий мақолалари эълон қилинган. У адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида ўз илмий мактабини яратган олимларимиздан. Унинг раҳбарлигида 40 дан зиёд магистрлик, 9 та номзодлик ва фалсафа доктори (PhD), 5 та фан доктори (DSc) диссертациялари ҳимоя қилинган. Асосий илмий йўналиши – навоийшунослик. Шунингдек, Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаёти тарихини ўрганишга бағишланган ишлари ҳам бор. Матншунослик, таржимашунослик, диншуносликка оид асарлар ёзган. 2002 – 2003 йилларда олим Буюк Британиянинг Оксфорд университетида илмий сафарда бўлди. Бодлеан кутубхонаси, Британия музейи ва Оксфорд университети Шарқшунослик Қўлғезмалар фондидаги Навоий ҳаёти ва ижодига алоқадор қўлғезмаларни изчил ўрганди. 2011 йили «Академнашр» нашриёти унинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» моногра-

фиясини чоп этди. 2013 йили бу тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг адабиёт соҳасидаги 1-даражали Давлат мукофоти-га сазовор бўлди. Бизда навоийшунослик турли тармоқларда ривожланиб борапти. Лекин, очиғини айтганда, буюк зотнинг таржимаи ҳолини ўрганишга бағишланган ишларимиз жуда кам. Ҳолбуки, жаҳон адабиётшунослигида бундай улуғ соҳиби қаламларнинг бирпас ўтириб бир сатр ёзган кундасигача аниқлаб, қайд этиб, музей экспонати сифатида ардоқлаш анъанага айланган.

Албатта, объектив ва субъектив сабабларга кўра Навоий ҳаёт йўлини пухта-пишиқ, хронологик тарзда, яъни йилма-йил, ойма-ой, ҳатто кунма-кун ўрганиш – жуда мушкул иш. Шунга қарамай, интилавериш лозим. Шу маънода Ш.Сирожиддинов бу тадқиқотида тўғри йўлни танлаган: Навоий ҳақидаги Марказий Осиё, Эрон, Туркия ва Ҳиндистонда замондошлари ва бошқалар асосан форсий, қисман туркий тилда ёзиб қолдирган манбаларни излаб топиб, изчил таҳлилдан ўтказган. Энг муҳими, айна маълумотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилган замонавий тадқиқотлардаги қарашлар билан ўзаро қиёсланиб, танқидий тарзда кўздан кечирилган. Бу, биринчидан, улуғ ўзбек шоири ҳаёти ва ижодига бошқалар кўзи билан қараш имконини берган, иккинчидан, ашёвий далил сифатида айна маълумотларнинг ўрни ва илмий аҳамияти жуда катта. Монографиянинг бош мақсади Алишер Навоий феномени, унинг жаҳон маданияти ривожига тутган ўрни ва мақоми, шоирнинг шахсиятига бўлган муносабатлар тарихи, турли ёндашувлар моҳиятини улуғ мутафаккирнинг ўз замонасидан бошлаб ҳозирги давргача бўлган муддат қиёсида ёритишдан иборат. Навоий ҳаёти ва ижодига қизиқиш асло тўхтамайди. Бадиий адабиётда Навоий сиймосини яратишга қизиқиш ҳам мутлақо сусайгани йўқ. Агар Ойбекнинг «Навоий» романи, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси ва бошқа асарлар XX аср ўрталаригача бўлган маълумотларга суянган ҳолда яратилган бўлса, мустақиллик йилларида ўзбек адабиётида юзага келган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Навоий ва Бойқаро», Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг «Навоий Самарқандда» драмалари, таниқли адиб Исажон Султоннинг

«Алишер Навоий» романида бевосита Ш.Сирожиддинов тадқиқоти натижаларидан фойдаланилди. Бу монографиянинг амалий аҳамиятидан ҳам далолат беради.

Таълим тизими учун ўқув қўлланма ва дарслик яратиш илмий соҳа кишисининг янги қирраси ҳисобланади. Чунки унинг қатъий талаб ва шартлари бор. Шунинг учун ҳамма олим ҳам дарслик ё қўлланма яратишга жазм этавермайди. Ш. Сирожиддиновнинг «Ислом фалсафасига кириш: калом илми», «История религий» («Динлар тарихи») дарсликларидан Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Тошкент давлат шарқшунослик институтида, «Навоийшунослик» (ҳамкорликда ёзилган), «Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари», «Матншунослик қирралари», «Матншуносликдан сабоқлар», «Ҳижрий ва милодий йилларни ўзаро табдил қилиш усуллари» номли дарслик ва ўқув қўлланмаларидан Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг ўзбек филологияси ўқитиладиган факультетларида, «Бадий таржима асослари»дан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида фойдаланилмоқда. Бу нашрлар олим ижодининг серқирралигидан далолат беради. Ш. Сирожиддинов мамлакатимиз ва жаҳон илмий жамоатчилиги орасида ўзбек адабиётини замонавий илғор илмий услублар асосида ўрганиш, миллий ғоя негизида янгидан таҳлил қилиш ҳамда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш бўйича давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг мамлакатимиз ва хориждаги фаол тарғиботчиси сифатида танилган. У Озарбайжон Республикаси Фанлар академияси фахрий доктори, Буюк Британиядаги Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази фахрий аъзоси, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро ассоциациясининг ҳамраиси (Корея), Евроосиё туркий тадқиқотлар институти илмий маслаҳатчиси (Корея) ҳисобланади. Шунингдек, у «Туркология», «Қиёсий адабиётшунослик» журналлари (Озарбайжон), «The Journal of Eurasian Turkic Studies» журнали (Корея), Ўзбекистонда чоп этиладиган «The World of Central Asia. International of Humanities» халқаро, «Жаҳон адабиёти», «Звезда Востока», «Имом Бухорий сабоқлари», «Филология масалалари», «Ер

юзи», «Ёшлик», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналлари тахририят кенгаши аъзоси ҳамдир.

Олим республикамиз ижтимоий ҳаётида миллий-маънавий қадриятларимизни тарғиб этиш ишларида самарали фаолият олиб бормоқда. У Ўзбекистон Республикаси Атамашунослик комиссияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси аъзоси, Ўзбекистон – Америка дўстлик жамияти раиси, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказининг эксперти, Республика маънавият ва маърифат кенгаши аъзоси, филология фанлари доктори даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги докторлик илмий даражасини берувчи кенгашлар аъзоси. Шунингдек, «Олтин битиглар» ва «Ўзбекистон: тил ва маданият» халқаро илмий журналлари бош муҳаррири, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув адабиётларини мувофиқлаштирувчи кенгашининг «Ўзбек тили ва адабиёти» ўқув-услубий бирлашмаси раиси. Бугунги кунда Ш. Сирождидинов раҳбарлик қилаётган университет ўзбек тили ва адабиётини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, халқимизнинг улкан ёзма мероси, бой анъана ва урф-одатлари, маданиятини ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ва амалий изланишлар олиб бормоқда. Ўзбек тили ва адабиёти орқали ёш авлодни маънавий қадриятларимизга, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга оид стратегик ғояларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича ҳам университет таянч марказ ҳисобланади. Университет, аввало, мамлакатимиздаги ўзбек филологиясидан таълим бериладиган 18 олий таълим муассасаси, қолаверса, хориждаги ўзбек тили марказлари учун ҳам таянч методик олий таълим даргоҳидир. Бу таълим муассасаси туркология соҳасида дунёнинг бир қанча ассоциацияларига аъзо бўлиш билан бирга Навоий ижодини ўрганиш бўйича умумжаҳон маркази сифатида Ғарб ва Шарқ олимлари тадқиқотларини мувофиқлаштирмоқда. Кўриниб турибдики, жамият бу олим гарданига жуда катта масъулиятларни юклаган.

60 ёш олим учун айна пишиб етилган, катта тажрибалар тўплаган, куч-қудратга тўлган, бошқача айтганда, ҳосилдор бир палла ҳисобланади. Биз бу ҳамкасбимизни муборак ёшга киргани билан табриклаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий фаоллик бардавом бўлишини тилаймиз.

ИЛМ ЧАМАНИДАН ГУЛЛАР ТЕРИБ...

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддинов элимизда кенг қамровли олим ва таниқли жамоат арбоби сифатида машхур. У йирик навоийшунос ва матншунос, унинг 200 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлари эълон қилинган, уларнинг ичида монографиялар, рисолалар, ўқув қўлланмалар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар бор. «Навоийшунослик», «Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари», «Матншунослик қирралари», «Матншуносликдан сабоқлар» дарсликлари Ўзбекистон олий таълим муассасалари филология факультетларида, «Бадиий таржима асослари» Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде асосий адабиёт сифатида ўқитиб келинмоқда.

Олим фаолиятининг қирралари кўп. Чунончи, Ш. Сирожиддинов Ўзбекистон ва Туркия, шунингдек, туркий тилли давлатларнинг илм-фан соҳаси бўйича олий таълим муассасаларида алоқаларни ривожлантиришга бевосита катта ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг ташаббуси туфайли у раҳбарлик қилаётган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ва жуда кўп халқаро университетлар ўртасида яхши алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Олимимизнинг бошқа илмий асарларини камситмаган ҳолда айтиш жоизки, назаримда, уни элга танитган тадқиқот, албатта, «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографияси бўлди. У навоийшуносликда олға ташланган қадам деб баҳоланишга муносиб. Мен уни катта қизиқиш билан синчиклаб ўқиб чиқдим. Мазкур тадқиқот мустақиллик йилларида ўтмиш мутафаккирларимизнинг ҳаётини, илмий-ижодий фаолиятини тарихий ва мафкуравий сохта-

лаштириш кўринишларидан тозалаш, манбаларга, қарашларга аниқ илмий баҳо бериш, ўрганилмаган муҳим манбаларни илмий муомалага киритиш (бу чиндан ҳам муҳим!), уларнинг жаҳон маданияти тизимидаги мақомини реал кўрсатиб бериш каби масалаларни марказга қўйган йирик фундаментал асарлардан биридир. Монографиянинг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотига сазовор бўлгани ҳам (2013 йил) фикримизни тасдиқлайди, албатта.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш ҳамиша авжда бўлган, ўз замонида ҳам, ҳозирда ҳам. Ҳар кимнинг, ҳар авлоднинг улуғ сиймо ҳақида айтадиган ўз гапи бор, айтишга шошилади. Навоийга ёндашганда унинг ҳайбатидан чўчийди киши. Бу табиий. Шу сабабли шоир ижоди ҳақида тадқиқотлар олиб борилмоқда, мақолалар ёзилмоқда, романлар, драмалар дунёга келмоқда. Лекин ҳануз «Навоий ким?» деган саволга жавоблар изланмоқда... Бу ҳаммамизнинг олдимизда турган асосий масала.

Шуҳрат Сирожиддинов асло чўчимади, балки Ҳазрат Навоийга меҳр билан ёндашди, унинг асарларини ардоқлаб мутолаа қилди, улардан теран маънолар излади. Бу китобда гоҳи эҳтиёткорона, гоҳи дадил айтилган фикру мушоҳадаларда кўриниб туради. Юқорида айтганимиздек, «Навоий ким?» деган саволга ечим излаганимизда олимнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили» монографияси ёрдамга келади, бизни масалага чуқурроқ олиб киради. У манбаларга жиддий кўз билан қарайди, ҳар бир факт ёки ҳодисага синчковлик билан муносабатда бўлади, ўз мулоҳазаларини далиллар билан асослашга интилади, натижада мантиқий хулосаларга келади ва илмий идрок билан чиқарилган бу ўринли хулосалар ўқувчини ишонтиради.

Монографияни ёзишда муаллиф асосан Навоийнинг асарларига суянади, уларга ҳақиқатнинг мезони сифатида қарайди, бу тўғри ҳам. Бир мисол келтириб ўтамиз. «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» асарида ҳаж сафарига кетган Жомийнинг юртга қайтиши ҳақида ҳикоя қилинади. Жомий қачон ҳажга борган эди? Навоий муҳрдорликдан қачон кетган эди? Мана шу фактларни аниқлаш учун муаллиф кўп манбаларни, жумладан, «Хулосат

ул-ахбор», «Ҳабиб ус-сияр» асарларини кўздан кечиради. Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» асаридан, Ҳусайн Бойқаронинг рисоласидан, Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоъе» асаридан унумли фойдаланади.

Жомий ҳажга жўнаб кетаётганларида Навоий муҳрдор бўлиб саройда хизмат қиларди. Ҳаждан қайтганларида Навоий муҳрдорликни тарк этганди. Жомий билан Навоий ўртасида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтади.

«Ҳам ушбу тарихда эрдиким, фақир сипоҳликдан (яъни хизматчиликдан) мутанаффир бўлиб (яъни нафрат қилиб), маносибни (мансабни) тарк қилиб, мулозиматни ўқситиб эрдим.

Алар танбеҳ ва насиҳат юзидин сўрдиларким:

– Бу навъ амре масмуъ бўлди, бу жиҳат не эрди эркин? (Бу қандай хабар бўлди, важи нимада экан?)

– Инсон жинси ва ихтилотдин малул бўлиб эрдим (инсонлар билан бўлиш (ишлаш), муомала қилиш малол келди), бу ишга ул боис бўлди.

Алар дедиларким:

– Инсон (деб) кимни хаёл қилиб эрдинг, бизга дағи кўргиз? Кўрқиб эдимким, манъ қилғайлар. Бу жавобдин билдимким, муборак хотирлариға бу иш (Навоийнинг муҳрдорликни топшириши) хейли нохуш келмаган эрмиш. Хотирим жам бўлди...»³

Жомийнинг инсон деб кимни айтаётирсен, бизга уни кўрсат-чи деган кинояли сўзлари нечоғлик аччиқ ҳақиқат эди!

Буни олимнинг эринмай изланишлар олиб борганини кўрсатиш учун келтирдим.

Олим кўпроқ Навоий замондошлари Абдурахмон Жомий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий сингари тарихчилар асарларига мурожаат қилади, чунки бу асарларнинг муаллифлари бевосита Навоийни кўрганлар, дилкаш суҳбатларидан баҳраманд бўлмоқ уларга насиб этган, шу сабабдан ҳам бу хотиралар ўқувчида шубҳа туғдирмайди.

Яна бир жиҳат борки, бунинг учун олимимизга ташаккурлар айтсак арзийди! Монографияда Навоий ижодига ва ҳаётига

³ Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Б.166.

бағишланган йигирма форсий манба ҳақида сўз юритилади ва уларнинг ҳар бирини изоҳлаб, зарур парчалар олиниб, ўзбек тилига таржима қилинади. Тўғри, булардан айримлари, масалан, Жомий, Кошифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир сингари муаррихларнинг асарлари оз-кўпми бизга маълум. Лекин Абдулла Ҳотифий, Абдулвосеъ Низомий, Абдулғафур Лорий, Фаҳри Ҳиротий, Атоуллоҳ Асилий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Аҳлий Шерозий, Сом мирзо Сафавий ва бошқаларнинг асарларидан парчалар таржима қилиб берилиши ва уларнинг илмий муомалага киритилиши, албатта, ўзбек ўқувчилари учун том маънода янгиликдир.

Мактабда 4-синфда ўқиётган пайтларим юз берган бир ҳодиса ҳеч эсимдан чиқмайди. Гап шундаки, шу йили академик шоир Ғафур Ғуломнинг эллик ёшга тўлгани юртда кенг нишонланмоқда эди. «Эҳ-ҳе... 50 ёш-а...» – дедик биз болалар ўзимизга ўзимиз. Бу бизларга жуда-жуда узоқ, қўл етмайдиган замонлар бўлиб туюлганди ўшанда.

Бугун зукко олим, таниқли адабиётшунос дўстимиз Шухрат Сирожиддинов 60 ёшга кирибди... Бугун 60 ёш навқирон ёш ҳисобланади. 60 ёш – ақлнинг тўлишган чоғи, бунда инсоннинг ҳаёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалари қуюқлашади, босиб ўтилган умрга бир қайрилиб қараб қўйилади. Инсон ўз олдида шарафли йўллар кутиб турганини, илм чаманида даста-даста гуллар териш насиб этишини, ҳали чўққиларга чиқиш лозимлигини, шиддатга шиддат қўшиши кераклигини теран англаб етади...

Шундай қутлуғ навқирон ёш Сизга муборак бўлсин!

Абдулла УЛУҒОВ,
Адабиётшунос, Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети профессори

МЕҲНАТ ВА МУҲАББАТ САМАРАСИ

Ўз бағрига ҳаво, шамол, иссиқ, совуқ каби моддий ва номоддий нарсаларни жойлаб олган Вақт тўлиб-тошиб оққан дарё, сойларнинг ўзанини ўзгартириб, боши ва охири кўринмайдиган денгиз ва кўлларни қуритади, абадий ҳукмронлик қиладигандай туюлган салтанатларни ич-ичидан емириб, кунпаякун қилади, тошга, темирга битилган ёзувларни ҳеч ким ўқиёлмайдиган бир аҳволга солиб, эътиқод, урф-удумларга «тахрир» киритади. Вақтнинг бундай «ислоҳот»ларига ҳеч бир куч қаршилик кўрсатолмайди. Шунинг учун сон-саноксиз китоблар Вақт чорраҳасида йўқлик қаърига сингиб кетади. «Ҳеч қачон қўлдан қўйилмайди, ҳамиша мутолаа қилинади» деган асарлар ўз-ўзидан унутилганини одамлар сезмай қолади. Вақтнинг бу бешафқат ҳукми ҳар бир нарса худди одам ёки дарахт сингари умр кўриши, унинг қанча яшаши, халққа қанча хизмат қилишини олдиндан билиб бўлмаслигидан огоҳлантиради. Китобларнинг умри ҳам худди одамларники сингари ҳар хил кечади. Айримлари ўқувчилар эътиборини қозониб, узоқ йиллар яшайди, баъзиларини эса муаллифи ёзади, муҳаррири ўқийди ва уларнинг ҳаракатланиш доираси шу жойда тўхтаб, аҳамияти, қадр-қиммати шундан нарига ўтмайди. Афсуски, Вақт жуда кўп китобларга шундай аянчли, ғарибона қисматни раво кўради. Унинг бундай бешафқат ҳукми сир-синоатларини англашга одамнинг ақли ожизлик қилади.

Шуҳрат Сирожиддиновнинг китоблари номи, мақолаларининг сарлавҳасиёқ улар даврнинг мавсумий мавзуси ёки масаласига бағишланмагани, ҳар бирида ижтимоий ҳаёт ҳамиша зиддиятларга тўла жумбоқ, одам эса мураккаб, сирли олам эканини очиқлашга урғу берилганини аён этади. Алишер Навоий

ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги мақола ва китоблар шунчалар кўп-ки, уларнинг сон-саногини ҳеч ким билмайди. Ғалла хирмонидаги донни, дарё, сой соҳилидаги қум зарраларини санаб бўлмагани сингари, бу улуғ ўзбек мутафаккири тўғрисидаги битикларни, сал муболаға қилиб айтганда, бирма-бир рўйхатга олиб бўлмайди. Бу ишга уринганлар, ростини айтганда, ўзини кўп машаққатга қўяди. Шухрат Сирожиддинов тадқиқотлари эса ана шундай муҳташам масканда мағзининг тўқлиги, салмоқчилиги, янгича маъно-мазмунга эғалиги билан алоҳида ажралиб туради. Чунки Шухрат Сирожиддинов бошқа адабиётшунослардан муаммога ўзига хос нуқтаи назар билан ёндашиши, саволни аниқ қўйиши, масалага энг эътиборли манбаларга асосланиб жавоб топишга интилиши билан фарқ қилади. У муаммога қисқа ва аниқ жавоб қайтаришга уринади, мавзу билан боғлиқ гап-сўзларни чувалаштириб ўтиришдан андиша қилади. Бунинг ўрнига асл манбаларга мурожаат этиб, янги далиллар билан таништиради. У тақдим қилган фактлар ва уларга асосланиб чиқарилган хулосалар эса эътибор қаратилган мавзу бўйича мавжуд тасаввурни ўзгартириб юборади. Масалан, «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» (Тошкент: Академнашр, 2011. – 326 б.) китоби ўзининг мавзунини қамраб олиш кўлами ва мулоҳазаларининг теранлиги, бирламчи манбаларга кенг ўрин берилгани, форс-тожик, ўзбек ва рус тилидаги энг эътиборли тадқиқотлар қиёсий-типологик таҳлил этилгани ва шу асосда Навоий яшаган ижтимоий давр зиддиятлари ва улуғ шоирнинг одам сифатидаги олами ишонарли ёритилгани билан ўзбек адабиётшунослигида чинакам янгилик бўлди. Ушбу монография Садриддин Айний, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Олим Шарафиддинов, Иззат Султон, Азиз Қаюмов сингари улкан алломаларнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги тадқиқотлари билан ёнма-ён қўйилса, бу ҳақиқат янада ойдинлашади. Шухрат Сирожиддинов монографиясида асл манбаларга мурожаат қилиниб, улардаги шун пайтгача эътибордан четда қолиб келган муҳим жиҳатлар топиб кўрсатилади. Мазкур монографияда Алишер Навоий қандай мураккаб ижтимоий-тарихий даврда яшагани бирламчи манбалар асосида очиб берилади. Унда турли манбаларни

қиёслаш орқали мулоҳаза юритилади. Бу манбалар илк марта илмий муомалага олиб киритилаётгани билан диққатни жалб этади. Турли фондларда қўл тегмаганидан сарғайиб ётган айни манбалар тарихнинг номаълум бўлиб келган сир-синоатларидан, энг муҳими, Навоий ижоди мустақкам заминда пайдо бўлганидан, шоирлар султонини тарихнинг ўзи майдонга чиқарганидан, у зиддиятларга ижтимоий-тарихий даврда яшаганидан, одам сифатидаги олами ўзига хос мураккабликларга эга эканлигидан хабардор қилади. Ушбу монография «Хамса» муаллифи асарларининг бебаҳо бадиий хусусиятлари қадим Шарқ ва Ғарб тафаккуридан озикланиб, форс, араб, туркий халқлар сўз санъатининг энг баркамол жиҳатларини уйғунлаштириш асосида юзага келганидан воқиф этади.

«Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» билан танишганлар муаллиф қўҳна манбаларнинг ҳар бир саҳифасидан муҳим маълумотларни топа олгани ва улуғ шоирнинг одам сифатидаги хос оламини очиб берганига қойил қолади. Зукко адабиётшуноснинг Алишер Навоий феномени, навоийшунослик босқичлари, Алишернинг ёшлик йиллари, Навоийнинг балоғат даври, Навоий ва давлат хизмати, Султон Ҳусайн, вазирлар ва Алишер Навоий муносабатлари тўғрисидаги мулоҳазаларида унинг «мен»и алоҳида бўртиб туради. Албатта, айни муаммолар адабиётшуносликда кўп ўрганилган. Лекин Шухрат Сирожиддинов эски мавзунинг эътибордан четда қолган муҳим нуқталарини топиб тақдим этади. Бу унинг муаммога чуқур кириб бориши, айни жиҳат унинг табиатига хос хусусият эканидан далолат беради. Масалага масъулият билан қараш, унга ҳар томондан туриб ёндашиш эса кишининг ҳаётсеварлигини билдиради. Ҳаётсевар кишилар табиатан тиниб-тинчимас, ташаббускор, изланувчан эканлиги боис кўпчиликка туганмас наф, фойда етказилади.

«Ҳаёт – ҳамиша жумбоқ, ҳар бир одам эса сир-синоатга тўла олам» дейилади. Шухрат Сирожиддиновнинг мазкур монографиясида Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлини асл манбалар асосида ёритиш асносида ана шу ҳақиқат очиб берилади. Муаллиф ҳар бир ҳодиса турлича талқинларга имкон бериши, бу инсон омили билан боғлиқ жумбоқ эканини кўрсатади ҳамда муаммо-

лади. Шу мақсадда, асосан, асл манбаларга мурожаат этилади. «Асл манбалар» деб урғу беришимизнинг сабаби шундаки, мазкур монография муаллифи таҳлилга тортган манбалар биз ўқиб ўрганган кирилл, лотин ёзувида эмас, араб ёзувида битилган. Бунинг устига, уларнинг аксарияти форс ёки араб тилида. Туркийда битилганларини ҳам ўқиб тушуниш унча-мунча кишининг қўлидан келмайди. Чунки араб ёзуви беҳад сернав бўлиб, унинг куфий, настаълиқ, сулс ва яна бошқа кўпгина шакллари борки, уларни ўқиш ва ёзиш кишидан алоҳида қобилият ва қунтни талаб қилади. Монографияда мурожаат қилинган қўлёзмалар, барча нарсани ўз бағрига жо қилган Вақтнинг чанг, ғубори остида қолган тошбосма манбалар эса муаллиф сернав араб ёзувида битилган матнларни шариллатиб ўқиш малакасини мукаммал эгаллагани, у Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлини чинакам иштиёқ билан ўрганишга киришгани, шу боис бу буюк зотнинг беназир шахси ва илоҳий мақомдаги юксак ижодига меҳри, муҳаббати беҳад баландлигидан далолат беради.

Мутгасил меҳнат қилиб толмайдиган Шухрат Сирожиддиновнинг илмий салоҳияти уфқлари бениҳоя кенглиги араб ёзувида битилган кўплаб қадимги қўлёзмаларга эътибор қаратиши ва улардаги турли далилларни ўзаро қиёслаши ва теран хулосалар чиқара билишида ҳам ёрқин намоён бўлади. Мурожаат қилинган оҳорли қадимий қўлёзмалар қиёсидан навоийшуносликнинг камолга етмаган жиҳатлари ойдинлашади. Бу эса монография муаллифи ўз олдига юксак талабларни қўйгани, унинг билим даражаси жуда баландлигидан келиб чиқади. Ботирхон Валихўжаев сингари инсонларга ибрат деб қараш, илмда уларнинг йўлидан боришнинг хислати шундаки, уларнинг фикри, руҳи кишини саодатга етаклайди, унинг муаммо моҳиятини очишга имкон берувчи ақлий қувватини оширади. Негаки яхшилардан руҳий мадад олганида ҳар қандай одамнинг фикри ойдинлашиб, унда эзгу амалларга интилиш ҳисси кучаяди. Турли қўлёзмаларни қиёслашга асосланган ушбу монографиядаги таҳлиллар муаллифнинг кўҳна манбалардаги кўпчилик арзимас деб қарайдиган далил, мулоҳазалар қатидан салмоқли маъно топа билиш лаёқати кучли эканига аниқ исбот бўла олади. Буни таъкидлашимизнинг сабаби шундаки, айрим

адабиётшунослар манбага, айниқса, қўлёзмаларга беҳафсала ёндашади, саҳифаларнинг ҳошиясидаги ёзувларга, ҳарфлар усти ва остига нуқталар қўйилган-қўйилмаганига зехн қўйиб қарамайди, далиллар тўғри-нотўғри, асосли-асосли эмаслигини текшириб кўрмайди. Бунинг оқибатида эса жиддий хато-ларга йўл қўйилади ва улар оммалашиб кетади.

Масалан, турли даврларга мансуб айрим тазкираларда Камолиддин Биноийга нисбат берилган бир форсий қитъа мавжуд бўлиб, унда Навоий қуйидагича ҳажв қилинган:

*Духтарони бакри фикри мананд,
Ҳар якеро ба шавҳаре додам.
Онки кобин надоду аннин буд,
Зуд гирифтаму ба дигаре додам.*

Яъни мен бокира маъно қизларимни турмушга узатдим. Қалин бермаган ва жинсий заиф бўлган кимсадан тезда қайтариб олиб бошқасига узатдим.

Ушбу қитъага баъзи олимлар Навоийнинг уйланмасдан ўтганлигига изоҳ сифатида қараганлар. Шухрат Сирожиддинов Навоийнинг Биноий ҳақида «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида билдирган илиқ гаплари ва Биноийнинг Навоийга ёзган қасидасини эътиборга олиб дунё навоийшуносларининг икки ижодкор ўргасидаги қалтис ҳазилларга асосланган аскиялардан Навоий-Биноий рақобатига жиддий тус бериш сиёсатини ёқламайди (Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. 76 – 77-, 90-бетлар). Шунингдек, «Мир Алишер» монографиясида бу масалага қайтиб Навоий шахсиятини беҳурмат қилишга асос бўлган юқорида келтирилган қитъадаги «аннин» сўзи жинсий заиф эмас, аслида, ғани, яъни «бой» сўзи бўлганини бир қадимийроқ тазкира асосида очиқлаб ўтади (Мир Алишер. 33-бет). Қарангки, араб ёзувида нуқталарнинг сурилиб қолиши қандай хатоликларга олиб келар экан. Қитъада бой бўла туриб қалин бермаган одам назарда тутилаётгани мантиқан тўғри.

Шухрат Сирожиддиновнинг навоийшуносликка қўшган ҳиссаси улуғ ўзбек мутафаккири яшаган ижтимоий-тарихий даврни бирламчи манбалар асосида ёритиб бериши, Алишер

Навоий таржимаи ҳоли, унинг инсон сифатидаги ўзига хос дунёси, феъл-атвори, одамлар билан муомала-муносабатини холисона кўрсатиши билан белгиланади. Доим янги ўй-фикрлар билан юрадиган Шухрат Сирождидинов ўз тадқиқотлари билан навоийшуносликда янги давр бошланишига салмоқли ҳисса қўшди. У навоийшуносликда шўро даврида йўл қўйилган хато-камчиликларни тузатишга киришганларнинг пешқадамига айланди. Унинг бевосита иштирокида икки жилддан иборат «Алишер Навоий: қомусий луғат» нашр қилингани бунинг ёрқин исботи бўла олади. Мазкур муҳташам нашр эса XXI аср боши маданий ҳаётимиздаги муҳим ҳодиса сифатида тарихимиз зарварақларини безаб туради.

Одамлар пайғамбарлар, расуллар, набийлар, авлиёлар, мутафаккирлар, ҳукмдорлар, умуман, эл эътиборидаги кишиларнинг инсон сифатидаги асл қиёфасини билгиси келади. Бошқа ҳеч бир нарса уларни бунчалик қизиқтирмайди. Кишилардаги бу қизиқувчанлик табиий хусусият бўлгани боис ҳеч қачон тўхтамайди. Алишер Навоийнинг таржимаи ҳоли, инсоний сифатлари тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишнинг аҳамияти шундаки, бу улуғ сиймо тўғрисидаги рост тасаввур кишиларнинг руҳида ўхшаши йўқ кўтаринкилик пайдо қилади. Чунки рост сўзнинг таъсирида ҳар бир одамнинг онгида маърифат ҳосил бўлиб, қалбида ҳақиқат нури жилоланади. Одамлар маърифатдан баҳраманд бўлганида уларнинг дунёқараши кенгайиб, имони мустаҳкамланади, фикрлаши теранлашиб, ҳаётга интилиши кучаяди. Акс ҳолда, кишилар маънавий мажруҳга айланиб, энг оддий ҳақиқатни ҳам тушунмайдиган аянчли аҳволга тушиб қолади. Ишратпарастлик, ахлоқий бузуқлик, шаробхўрлик, тамагирлик, зўравонлик билан шуғулланадиган, бошқаларга беписанд қарашдан истиҳола қилмайдиган, ўзини кўз-кўз қилишга уринадиган, бошқаларни эзгилаб хўрлашдан роҳатланадиган кимсалар эса маънавий мажруҳдир.

Мазкур монографиядан жуда катта ҳажмдаги фактик материалларни қамраб олиш илмга муҳаббат билан боғланиб, унга бутун борлигини бағишлаган Шухрат Сирождидиновнинг адабиётшунос сифатидаги изланишлари моҳиятини белгилаб бериши ойдинлашади. У кичик мақолаларида ҳам, монография,

дарслик, ўқув қўлланмаларида ҳам бир эмас, ўнлаб, ҳатто юзлаб манбага мурожаат этади ва улардаги мавзуга дахлдор мулоҳазаларни чуқур мантиқ асосида бир-бири билан қиёслаб, теран хулосалар чиқаради. Айни хулосалар эса мавжуд мулоҳазаларнинг бошқача кўриниши эмас, муаммога янгича ёндашиш самараси сифатида диққатни тортади. Улар эътибор қаратилган мавзу хусусидаги янги фикр ўлароқ кишиларнинг тасавури ва тафаккурига таъсир кўрсатади. Изланишдан тўхтамайдиган, янгиликка интилишдан завқ, лаззат, қувват оладиган олимнинг «Икки минг кепаккий можароси» («Ёшлик» журнали, 1997 йил, 6-сон, 55 – 56-бетлар), «Алишер Навоийнинг мағлубияти» («Тафаккур» журнали, 1997 йил, 2-сон, 41 – 42-бетлар), «Навоийнинг отаси ҳақида» («Гулистон» журнали, 1997 йил, 3-сон, 25-бет), «Навоий аждодлари ким?» («Фан ва турмуш» журнали, 1998 йил, 1-сон, 12 – 13-бетлар), «Алишер Навоий ва Маждиддин» («Фан ва турмуш» журнали, 1997 йил, 2-сон, 15 – 16-бетлар) мақолалари шундай салмоққа эга эканлиги, яъни муаллиф қадимги қўлёзмалар қаърига шўнғиб, ҳақиқат дурларини олиб чиққани боис кўпчиликда катта қизиқиш уйғотгани, улар ҳозир ҳам шу мавқеини сақлаб турганини ҳеч ким инкор этолмайди.

«Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографияси катта ҳажмдаги фактик материаллар бир-бири билан чоғиштириб таққослангани билан аввалги тадқиқотлардан ажралиб туради. Аёнки, қўл олишиб саломлашганида кишилар бир-бирига яқинлик сезади. Шухрат Сирожиддиновнинг қадимий қўлёзмалар қатидан топиб тақдим этган топилмалари ҳам замондошларимизни ва келгуси авлодларни Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий даврига яқинлаштиради. Ҳар бир киши, янгиликка ўч адабиётшуноснинг топилмалари туфайли ўзининг маънавий-маърифий савияси, қизиқиши даражасида улуғ алломаларни ўзининг қадрдон кишиси сифатида ҳис қилади. Қадимги қўлёзмалар қатидаги ҳақиқатлар очилган «Икки минг кепаккий можароси», «Алишер Навоийнинг мағлубияти», «Жомий ва Навоийнинг суфийликка қарашлари» каби мақолалар, «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографиясидаги теран мулоҳазалар муаллифнинг мавзунини ўрганиш ва талқин

этишдаги зукколиги, янгиликка интилувчанлигини намоён этади. Шунинг баробарида, кўнгилда «Совет даврида Алишер Навоий каби тарихий сиймолар ҳаёти билан боғлиқ ҳақиқат нега яшириб келинган? Улуғ шоирнинг онаси ким бўлган? Нега ҳукмдорлар, шахзодаларнинг онаси исми маълум бўлгани ҳолда, илм-фан, санъат аҳлининг волидалари номи манбаларда қайд қилинмасдан қолган? Ҳиротда ўша пайтда қайси халқ кўпроқ яшаган ва турли элат-қавмлар орасидаги муносабатлар қандай кечган? Нега Ҳирот пойтахт сифатидаги мавқеини сақлаб қололмаган?» каби саволларни туғдиради. Чунки қадим қўлёмаларнинг мухташам манзилларини эмин-эркин кезган муаллиф мулоҳазаларининг мантиқий теранлиги ва бир неча далилларни таққослаш орқали чиқарган салмоқли хулосалари шунга ундайди.

«Икки минг кепаккий можароси», «Навоийнинг ота-боболари ҳақида» каби ўнлаб мақолалари, «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили» монографиясидаги асосланган хулосалар янги фикр сифатида, табиийки, барчани қизиқтиради. Улар мутахассисларни баҳс-мунозарага ундаса, китобхонларни ўтмишимизнинг шонли саҳифалари – теурийлар даври тўғрисидаги тасаввурини ёрқинлаштиради. Шухрат Сирожиддиновнинг қадимий қўлёмалар қатидан топган топилдиқлари моҳият-мазмунига кўра муҳим бир ҳақиқатни – ижтимоий ҳаёт ҳамиша жумбоқларга тўлалиги, ҳар бир одам ўзига хос мураккаб олам эканлиги, кишилар феъл-атворидаги ростгўйлик, ҳалоллик, ёлғончилик, қаллоблик каби аъмоллар туғма эмас, кейинчалик орттириладиган хусусиятлар сирасига кириши, даҳолар, мутафаккирларнинг ҳам хулқи, табиатида, одамлар билан муомала-муносабатида юксак фазилатлар баробарида инсоний ожизликлар ҳам бўлиши ва бунга табиий ҳодиса сифатида қараш жоизлиги, тарихий шахсларни идеаллаштириш ҳар қандай даврда ҳам ўринсизлигидан огоҳлантиради.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ сиймоларнинг шахсий ҳаёти, улар яшаган тарихий давр мураккабликлари тўғрисида ҳақиқатни билиш ўзлигимизни англашимизга яқиндан ёрдам бе-

ради. Ҳар бир халқнинг ўзлигини англаши, ҳар бир кишининг имон-эътиқоди мустаҳкамланиши эса ҳар соҳада муваффақиятга эришишнинг муҳим асосидир. Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин аён бўлган ҳақиқатлар, шўро сиёсати ўзлигимизни англашимизга тўсиқ бўлиб келгани кундек равшан бўлгани шуни билдиради. Зулм ва зўравонликка асосланган мустабид шўро давлати барҳам топгач, бу ғовлар ўз-ўзидан йўқолиб кетгани ва барчамизнинг дунёқарашимизни тубдан ўзгартиргани буни тасдиқлайди. Шухрат Сирожиддинов монографиясида Навоийнинг одам сифатидаги олами – «нозиктаъблиги», «тез ранжишдан ўзга айби йўқлиги» (монографиянинг 70-бети), «таъби нозиклигига қарамай, ҳазил-мутойибага ўч инсон бўлгани» (монографиянинг 72-бети) қадимги қўлёзмалардаги мулоҳазаларни таҳлил қилиш орқали қайд этилади. Асл манбалар қатидаги бу каби ҳақиқатларнинг топиб кўрсатилиши эса Алишер Навоийни одамларга янада яқинлаштиради.

Баланд бўйли, кенг елкали, хушқомат, туси буғдойранг билан оқ рангнинг орасидаги, муттасил ўйлаб, фикрлаб юрганиданми ёки наслий меросми, каттакон бошидаги сочлари эрта сийрак тортган, кенг пешонасига из солган чуқур ажинлар қиёфасига салобат бағишлаган, кўринишидан мағрур ҳамда эҳтиёткор, йирик, бўлали, қотма жисми-жуссаси туғма спортчилар монанд бақувват, пайдор, доим ораста кийиниб, бўйинбоғ тақиб, мудом худди зарядлангандек ғайрат-шижоатга тўлиб юрадиган – қисқаси, ким санъат ва адабиётга қизиқиб қараса, қадди-қомати, юриш-туриши ўша одамнинг дидига тўла мос келадиган, очиқ чехрали бу замондошимизнинг тарих тўзонларида қолганидан унутилиб кетган қадимги қўлёзмаларга қизиқиши ва Навоий тўғрисида барча кўниккан маълумотлардан қаноатланмасдан келиши, казо-казо адабиётшуносларнинг фикрига асосли эътирозлар билдириши кўпчиликка ғоят маъқул келади. Шунинг учун бўлса керак, ҳар қандай мавзуда мунозара бошлаб, ўзини кўз-кўз этишни хуш кўрадиганлар ҳам Шухрат Сирожиддинов муносабат билдирган муаммолар хусусида найзабозликка киришмади. Шўро даври навоийшунослиги устидан мағзава ағдариб, машхур адабиётшуносларни билимсизликда айблайдиган такаббур кимсалар ҳам ичидан зил кетиб бўлса-да сукут сақлаб туришибди.

Данте Алигъери, Уилям Шекспир, Гёте, Фёдор Достоевский, Лев Толстойнинг таржимаи ҳоли, феъл-атвори, дунёқараши, одамлар билан муомаласи, оила аъзолари, қавм-қариндошлари билан муносабатлари тўғрисидаги баҳс-мунозаралар асрлар оша давом этиб келади. Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли, ижтимоий ва ижодий фаолияти, унинг одам сифатидаги ўзига хос олами ҳам турлича талқинларга имкон беради. Бунга, аввало, даҳо ижодкорларнинг асарлари сабаб бўлади. Чунки одамлар ҳаётда нима керак бўлиши, кишилар турмушда, ўзаро муомала-муносабатда нимани билиш зарурлигини уларнинг асарини ўқиганида билиб олади. Шундай бўлгач, кишилар ўзлари учун «ҳаёт дарслиги»га айланган асарлар муаллифлари аслида қандай инсон бўлгани, улар ҳаётда қандай яшаганини билгиси келади. Бу хусусдаги аниқ маълумотлар эса даҳоларни одамларга янада яқинлаштиради. Башариятнинг қадим ва яқин ўтмиши ҳам, унинг бугунги кuni ҳам тарихий шахсларни яшаган ижтимоий-тарихий давр жумбоқлари ва уларнинг одам сифатидаги олами билан яқиндан таништириш ҳар жиҳатдан самарали экани, бу, аввало, улар тўғрисида тарқаладиган ҳар хил баланд-паст гаплар, маломатларнинг олдини олиши, уларни идеаллаштириш, фаришта қилиб кўрсатиш ўз-ўзидан нохуш, хунук оқибатларга олиб келишидан огоҳлантиради. Кўҳна тарих ҳам, замонамиз воқелиги ҳам ҳукмдорлар, мутафаккирларни айб, нуқсонлардан холи зот сифатида тақдим этиш уларни одамлардан узоқлаштиришидан далолат беради. Шухрат Сирожиддиновнинг ўтмиш алломалари тўғрисидаги тадқиқотларида уларни одам сифатидаги оламини очиш асосий мақсад қилиб қўйилади. У шу ниятда бир эмас, ўнлаб қадимги қўлёзмаларни усталик билан қиёсий-типологик таҳлил этади. Масалан, «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографиясида бир неча юз манба таҳлилга тортилган бўлса, «Икки минг кепаккий можароси», «Алишер Навоийнинг мағлубияти», «Алишер Навоий ва Маждиддин» каби ҳажман кичик мақолаларда бир эмас, бир неча манбадаги мулоҳаза, далил қиёсланади. Шухрат Сирожиддиновнинг қадимий қўлёзмалар қаърига моҳир ғаввос каби шўнғиб, турли манбалардаги мулоҳаза, далилларни қиёслаш усулининг эътибор-

ли жиҳати шундаки, у ҳеч кимни айбламайди, ҳеч кимга таъна-маломат сўзларини ёғдирмайди. Зукко адабиётшунос аксинча йўлдан бориб, эътибор қаратилган муаммо билан боғлиқ фикрларини «бўлиши эҳтимолга яқин» дея майин, мулойим оҳангда ифода этади. Айримлар эса табиатидаги такаббурлик, манманлик туфайли диққат марказидаги масала юзасидан ҳукм тарзида кескин хулоса чиқаради. Бу билан улар: «Ушбу муаммони мендан бошқа ҳеч ким билмайди. Шунинг учун ҳамма менинг фикримни маъқуллаши, қўллаб-қувватлаши керак», – демоқчи бўлишади.

Шухрат Сирожиддинов улуғ ўзбек шоири таржимаи ҳоли билан боғлиқ ҳақиқатларни аниқлаш унинг учун осон кечмагани хусусида: «Навоий ота-боболарининг зикр этилган номлари қўлёзма манбаларда турли талқинларга учраган. Иккиламчи манбалардаги айрим муаммолар асл манбалардаги маълумотлардан фарқли. Аввалига улар бирор-бир манбага асослангандир деган фикрда эдим. Уларни топиш илинжида анча вақтим ва кучимни беҳуда сарф қилдим. Масалан, «Ҳабиб ус-сияр»да Ғиёсиддин Кичкинанинг лақаби Ганжкина (ёки Канжкина, Канжакина), Кижаккина (ёки Кижакния) тарзида учраши хаттотлар томонидан нуқталар қўйилмай кетгани оқибатида юз берганига ишонч ҳосил этгунимча «Ҳабиб ус-сияр»нинг ўнлаб қўлёзма ва тошбосма нусхаларини кўриб чиқишга тўғри келди (таъкид бизники – А.У.). Тадқиқотнинг маълум босқичида улар китобат анъанасига хос умумий иллат эканлигига амин бўлдим ва иккиламчи манбалардаги Навоий отаси бўйича маълумотларнинг асл манбалардаги маълумотлар билан уйғунлик даражасини ўрганишга киришдим», – деган (Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 37 – 38-бетлар). Бундан унда қадимги қўлёзмалар, турли манбаларни ўрганишга ички тийиқсиз иштиёқ бўлгани, қалбидаги Навоий сиймосига чексиз ҳурмат ҳисси уни ҳамиша қувватлантириб тургани билинади. Ушбу иқтибосдаги «ўнлаб қўлёзма ва тошбосма нусхалар» деган қайднинг ўзи бир эмас, иккита ҳақиқатни: биринчиси, Оллоҳ муаллифга қадимги қўлёзмаларни ўрганишга алоҳида қунт ва иштиёқ бергани, иккинчиси, у манбаларни қиёсий-типоло-

гик таҳлил қилишда маҳорат касб этганини очиқлайди. Бу икки ҳақиқат эса барча нарсага муттасил ўзгартириш киритадиган Вақт муайян «танаффус»дан кейин қадимги қўлёзма манбаларнинг яна бир заҳматкашини ўз «саҳна»сига чиқарганини аён этади. Шўро даврида араб ёзувини ўрганишга майл ва эътибор атайлаб сўндирилганини энди барча яхши билади. Мана шундай тарихий бир шароитда туғилиб ўсган Шухрат Сирожиддиновнинг қадим қўлёзмаларга меҳр қўйгани ва уларни иштиёқ билан ўрганиб, улар қатидаги муайян ҳақиқатларни тақдим қилгани шундай дейишга тўла асос беради. Албатта, истеъдодли адабиётшуноснинг, аксарият тенгдошлари, замондошларидан фарқли ўлароқ, араб ёзувини, шу ёзувда битилган кўҳна манбаларни, ўзбек ва форс мумтоз адабиётини иштиёқ билан ўрганиши бевосита унинг оилавий муҳити билан боғланади.

Шухрат Сирожиддиновнинг қадимги қўлёзмалар қатидан топиб тақдим қилган ҳақиқатлари шўро замонида элдошларимиз ўтмишга қўл силтаб, аждодларимиз қолдирган моддий ва маънавий меросга бепарво, эътиборсиз бўлиб қолгани ва бу жуда кўп йўқотишларга, салбий оқибатларга олиб келгани тўғрисида ўйлантиради. Чунки у турли манбаларни қиёслаш орқали тарихимиз ҳақида, ўтмиш алломаларининг ҳаёти, уларнинг одам сифатидаги олами хусусидаги тасаввуримиз жуда жўн, хира, бир ёқлама бўлиб қолганини аниқ-тиниқ кўрсатиб беради. «Икки минг кепакий можароси» муаллифи изланишларидаги бу жиҳатни алоҳида урғулашимизнинг сабаби шундаки, бизда ҳукмдорлар, шоирлар, ёзувчилар, дин аҳлларини идеаллаштириб кўрсатиш азалдан анъана бўлиб келади. Шу боисдан улар ҳаётдаги одам эмас, кўпроқ «фазилатлар жамламаси»га ўхшаб кетади. Ақл-идроки, қобилияти, салоҳияти қанчалик юксак бўлишидан қатъи назар, одам ҳаётда, албатта, хатоларга йўл қўяди, янглишади. Чунки ҳар бир кишининг феъл-атворида, у истасин-истамасин, бошқаларда кузатиладиган иззаттаблик, жиззакилик, манманлик, худбинлик каби иллатлар оздир-кўпдир суқилиб киради. Шунинг учун даҳолар ҳам одамга хос бу ожизликлардан мутлақо холи бўлолмайди. «XX аср романчилиги асосчиларидан бири, немис реалистик адабиётининг таниқли вакили» деб таърифланадиган, 1901 йилда боси-

либ чиққан икки жилдли «Будденброклар» романи учун 1929 йилда халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланган Томас Маннинг «Лотта Ваймарда» романида улуғ немис мутафаккири Гётенинг ҳаётини қиёфаси ҳаққоний гавдалантирилади ва машҳур «Фауст» асари муаллифи образи китобхонларни бениҳоя мутаассир қилиб келади. Бу хусусда, жумладан, зукко матншунос Ваҳоб Раҳмонов шундай дейди: «Томас Манн Гёте образини шунчалик кўп қиррали қилиб тасвирлайдики, масалага кўпинча бир ёқлама, жамиятга синфий қарашга мойил бўлган биздек олим ва китобхонлар тез-тез буюк даҳого қойил қоламиз, гоҳ унинг хатти-ҳаракатлари, қилиқларидан энсамиз қотади, ҳатто тамоман ахлоқий антиподимизга дуч келганимиз бизни қийнаб ҳам юбориши мумкин. Чунончи, Ватан тақдирига терс келувчи наполеонпарастлик, кўп аёлларга ошиқлик, ёш Оттилияга олтмиш етти яшар қариянинг мойиллиги, Лоттанинг Ваймарга ташрифида Гётенинг аввалги севги оташидан бирор учқун сақланганини сездирмаслиги ва ҳоказолар» (Манн Т. Лотта Ваймарда: роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019 – 12-бет). Ваҳоб Раҳмонов ҳам худди «Икки минг кепакий» мақоласи муаллифи сингари араб ёзувидаги қадимги қўлёзмалар билимдони. У «Лотта Ваймарда» романи тўғрисидаги бу мулоҳазалари орқали машҳур тарихий шахслар, мутафаккирларни идеаллаштирмасдан, уларнинг одам сифатидаги ҳаққоний ҳолатини кўрсатиш зарурлигини таъкидлайди. Шуҳрат Сирожиддиновнинг қадимги манбаларни қиёслашга асосланган монография ва мақоаларидан ҳам шундай мазмун англашилади.

Ўтмишда халқнинг ватанпарварлик ҳисларини қўзғаш, кишиларга кўтаринки руҳ бағишлаш мақсадида ҳукмдорлар, дин аҳллари, шоир ва адиблар шахси идеаллаштирилган ва буни одамлар бемалол қабул қилган. Ҳозирги ахборот асри, глобаллашув даврида эса кишиларнинг дунёқараши бениҳоя ўзгарган. Улар Геракл, Алпомиш, Гўрўғли, Фарҳод, Мажнунларнинг хатти-ҳаракатига худди аввалги асрлар одамлари сингари ҳайратланиб эмас, ажабланиб, кулиб қарашади. Ҳозирги ёшлар уларга ҳавас қилмайди. Замонамиз кишилари: «Геракл, Алпомиш, Фарҳод, Мажнун ҳаётдаги одамларга ўхшамайди. Ўтган асрлар одамлари ўзларининг амалга ошмайдиган орзу-истакларини

уларнинг тимсолига кўчиришдан мароқланишган», – дейишади. Бугуннинг ёшлари ҳар бир ҳодисага ҳаётдаги мавжуд воқеликдан келиб ёндашишади. Улар Алпомиш, Манас, Гераклга ҳавас қилган аждодларини «хаёллар бандаси» деб билишади. Машҳур қозоқ адиби Мухтор Аvezов (1897 – 1961)нинг тўрт китобдан иборат «Абай», «Абай йўли» романида бош қаҳрамон ҳам, бошқа персонажлар ҳам худди ҳаётдаги одамлар каби жуда жонли, таъсирчан гавдалантирилади. Қозоқ ёзма адабиёти асосчиларидан бири Абай Қўнанбоев (1845 – 1904) асосий қаҳрамон сифатида кўрсатилган ушбу асар шу боис «қозоқ ҳаётининг бадиий қомуси», «кўчманчи халқлар турмушининг ёрқин картинаси» деб таърифланади. Чингиз Айтматовнинг устози Мухтор Аvezовнинг мазкур роман-эпопеяси шу кунга қадар юз элликка яқин тилга таржима қилингани қайд этилади. Ушбу асар нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон адабиёти тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Чет эллик машҳур адиблар ҳам унинг муаллифини ҳурмат билан тилга олишади. Жумладан, француз танқидчиси Бержерен: «Аvezовнинг овозидек овоз билан, Аvezов куйлаган буюклик, ажойиб муҳаббат билан куйланган бахтли халқнинг, ажабо, не армони бор экан?!» – дея эътироф этгани эслатилади (Саккиз элнинг саксон улуғ сиймоси. – Тошкент: Академнашр, 2021. – 73-бет). Абайнинг миллий одоб-ахлоқ мезонларига бўйсунмайдиган муҳаббат ҳисси таъсиридаги ёшлик алангалари, эҳтирос туғёнлари, тизгинсиз талпинишлари, адашиб ўртанишлари жуда таъсирчан тасвирланган ушбу муҳташам асардаги персонажлар образида қозоқ халқининг ўзига хос турмуш тарзи чарақлаб кўринади. «Абай», «Абай йўли»да ижтимоий-тарихий даврнинг зулм, зўравонлик каби аниқ белгиларини ўз характерида сингдирган, ноҳақлик, адолатсизликларга тўла чиркин турмуш ичида бижғиб яшаган одамларнинг ички дунёси ёрқин очиб берилади. Мазкур тетралогия дунё адабиётининг энг яхши асари сифатида 1971 йили Москвада «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» сериясида босилиб чиққан. Мутахассисларнинг аниқлашича, 30 йил (1942 – 1972) ичида у қозоқ тилида 26 марта, рус тилида 25 марта, собиқ МДХ халқлари тилларида 21 марта, хорижий тилларда 16 марта, яъни 88 марта чоп этилган (Тоғ каби юксак: Буюк қозоқ ади-

би М.Авезовнинг 100 йиллигига. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1997. – 32-бет). Ушбу рақамлар эса Мухтор Авезов Абайнинг ҳаёт йўли мисолида қозоқ халқининг XIX асрдаги ҳаётини ҳаққоний кўрсатган дурдона асар яратганини билдиради.

Ҳаёт воқелиги ҳаққоний кўрсатилган, одам олами, у салтанат барпо этган доно ҳукмдор, дин ривожига бебаҳо ҳисса қўшган уламо, илм-фанда инқилоб ясаган кашфиётчи олим, санъат ва адабиётни бойитган истеъдодли ижодкор бўладими, бундан қатъи назар, бутун мураккаблиги билан гавдалантирилган асар ҳамма замонда барчанинг диққатини жалб этади. Шу боис айтиш мумкинки санъат ва адабиётда доим долзарб бўлиб келган. Ҳозирги глобаллашган давр ҳам санъат ва адабиёт аҳлидан худди шунини, яъни Амир Темур, Бобур сингари ҳукмдорлар, Навоий, Машраб сингари мутафаккирлар яшаган ижтимоий-тарихий давр жумбоқлари ва улуғ сиймоларнинг одам сифатидаги оламини ҳаққоний гавдалантиришни талаб этади. Чунки бугун «ахборот бўрони» ичида қолган одамлар ҳақиқатга ҳар қачонгидан кўра кучлироқ талпинади. Тарихий сиймоларни «фазилатлар жамланмаси» сифатида тақдим этиш эндиликда нафақат янгиликка ишқибоз ёшларни, балки ҳаётда муайян тажриба орттирган кишиларни ҳам мутлақо қаноатлантирмайди. Машаққатли меҳнат самараси сифатида юзага келган «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили» монографияси улуғ ўзбек шоирининг одам сифатидаги ўзига хос олами билан яқиндан таништириш йўлидаги дадил қадам сифатида эътиборни тортади. Қадимги қўлёмаларнинг чанг, ғубор босган қатини очиш, турли босма манбаларни синчиклаб ўрганиш самараси бўлган айтиш тадқиқот замонавий ўзбек адабиётида ҳам Томас Маннинг Гёте ҳақидаги ажойиб асарига ўхшаган, Мухтор Авезовнинг Абай тўғрисидаги романларига монанд асарлар дунёга келишига мустаҳкам пойдевор бўла олади. У шоирлар, ёзувчилар, театр ва кино арбоблари учун Алишер Навоийнинг одам сифатидаги оламини яқиндан кўришга очилган дарича вазифасини бажаради. Қўлёмалар қаттидаги, манбалар бағридаги ҳақиқатлар эса ўз-ўзидан, осонгина очилмайди. Улар бу ишга чинакам иштиёқ билан киришиб, унинг ажойиб ҳузурини ҳис қилиб, машаққатларига дош берган

кишиларгагина ўзини намоён қилади. Бу ҳолатни бошидан кечирмаганлар унинг нима эканини англамайди, идрок этмайди.

Мавзуга чинакам муҳаббат ва муттасил меҳнат натижаси саналган «Алишер Навоийнинг мағлубияти», «Икки минг кепаккий можароси» мақолалари улуғ ўзбек шоири шахсини бутун мураккаблигини кўрсатишга имкон берадиган ўзига хос муҳим илмий манбадир. Муаллифнинг бу йўналишдаги бошқа чиқишлари ҳам Навоийнинг замондошлари, шоирнинг улар билан муомала-муносабати тўғрисида анча кенг ва ишонарли тасаввур уйғотади. Уларда Навоийнинг ҳукмдорлар, сарой амалдорлари билан муносабати шўро даврида талқин этилганидан кўра бошқачароқ кечгани, у темурийларнинг барчасига ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан қарагани, ўзининг юксак садоқати туфайли Хусайн Бойқаро ва бошқа амалдорлар, шаҳзодалар эътиборини қозонгани асослаб берилади. «Алишер ва Маждиддин» муаллифи бу хусусдаги мулоҳазаларини бир эмас, бир неча манбани қиёслаш орқали исботлайдики, ҳар қандай талабчан адабиётшуносни ҳам бунга тан бермасдан иложи қолмайди.

Масалан, адабиётшунос эътибор қаратилган монографиясида: «Алишер Навоий султонга тобе киши сифатида ҳеч қачон ҳақиқатни унга баралла айта олмаган, балки мавриди билан тушунтиришга уринган (Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асаридаги Навоий ва етим бебошлар воқеасини эсланг). Иккинчидан, Навоий султонга заҳарли сўз айтиш ёки дакки бериш у ёқда турсин, подшоҳнинг қатъий қарорига қарши кескин гапиришга журъат этолмаган. Бундай муносабат фақат унга ва ўша даврга тааллуқли бўлмай, балки ҳукмдорлар ва тобеинлар ўртасидаги муносабатлар мезонини белгилайдиган қоидадир. «Темур тузуклари»да султон ўзининг айтган сўзидан қайтмаслиги ҳақида қатъий талаб қўйилиб, Маҳмуд Ғазнавийдан мисол келтирилгани бежиз эмас, албатта. Учинчидан, Алишер Навоий баъзи тадқиқотларда айтилганидек, Астрободга оғзаки буйруқ билан эмас, балки махсус фармон билан юборилган» (Сирожиiddинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 147-бет). «Манбадан аниқ ва равшан кўриниб турибдики, Амир Алишер Астрободга жўнаб кетганидан сўнг муайян вақт ўтгач «икки минг

кепакий можароси» рўй берган. Шундан кейингина султоннинг хаёлига Хожа Маждиддинни қайта олий мансабга ўтказиш фикри келган. Демак, Хондамирнинг ёзишича, султон ҳамиша Маждиддинни юқори лавозимга мўлжаллаб юрган. Аммо Навоийнинг эътирози бу ишнинг амалга ошишига тўсқинлик қилган. Балки, Навоийдек тадбиркор киши ёнида бўлганида султон Маждиддинга эҳтиёж сезмагандир. Ҳар ҳолда, Амир Алишер кетгандан сўнг султон Хожа Маждиддиндек зукко, фаҳмли, тадбиркор ёрдамчига муҳтож бўлиб қолган... Умуман, манбаларда Амир Алишернинг Астрободга жўнатилишида Маждиддиннинг улуши бўлганлиги ҳақида ҳеч қанақа сўз ва маълумот йўқ. Демак, биз бу масалага султон Ҳусайн Маждиддинни бош вазир қилиб олиш учун Алишерни «фахрий сургун»га жўнатди деб эмас, балки Амир Алишер Астрободга давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан юборилгач, давлат учун қайғурадиган содиқ киши сифатида Навоийдан сўнг ихлос қўйган иккинчи кишиси Маждиддин Муҳаммадни соҳибдеворликка кўтарди десак ҳақиқатга яқинроқ бўлади», – деган (Ўша манба. 146-бет).

Хориж адабиётшунослигида Гёте (1749 – 1832), Пушкин (1799 – 1837), Лермонтов (1814 – 1841), Фёдор Достоевский (1821 – 1881), Лев Толстой (1828 – 1910) ва бошқа улуғ адибларнинг шахсидаги талай номарғуб жиҳатлар, ижодидаги кўпгина камчилик, нуқсонлар тўғрисида очикча ёзилади ва бунга табиий ҳол сифатида қаралади. Бизда эса аксинча ҳолат ҳукмронлик қилгани туфайли тарихий сиймоларнинг инсоний заифликлари тўғрисида гапириш ножоиз деб келинади ва кўпинча Алишер Навоийнинг «Хирадманд чин сўздин ўзга демас, // Вале бари чин ҳам деғулик эмас» деган сўзлари исбот сифатида тақдим этилиб, бу мисралар маъноси: «Доно ва ақлли одам рост гапдан бошқани гапирмайди, лекин ҳамма рост гап ҳам айтгулик бўлавермайди» тарзида изоҳлаб тушунтирилади. Тарихий шахсларнинг иззатталаблик, такаббурлик, ишратпарастлик, тамагирлик, худбинлик каби инсоний ожизликларини очиклаш уларни маломат қилиш, шахсини ерга уриш деб қаралади. Бировнинг шаънини топташ эса миллий маданиятимизга хилоф иш ҳисобланади деб айтилади.

Албатта, тарихий сиймоларнинг табиатидаги пок жиҳатлар, таржимаи ҳолидаги нурли нуқталарни эшлаш, улар тўғрисида

рост сўз айтиш ва ибрат намунаси деб билиш қалблардаги эзгу ҳисларни кучайтиради. Хусусан, дин аҳллари, шоирлар, адибларнинг инсоний фазилатлари, эзгу амалларига ҳавас билан қараш ёшларнинг, умуман, барча кишиларнинг виждонини уйғотиб, имонини мустаҳкамлайди. Мутафаккирлар, сиёсат, дин, маданият ва санъат арбобларининг хизматлари бўрттирилганида эса кишиларнинг улар тўғрисидаги муболағадор таъриф-тавсифлардан энсаси қотади ва улар ҳақидаги асарларга бепарво бўлиб қолади. Яқин ўтган тарихимизда ҳам бу ҳолат кўп бор кузатилди. Масалан, Ленин, Маркс, Энгельсни улуғлашдан барча ғашланган даврни бугун кўпчилик мийиғида кулиб эслайди. Шўро даврида улар айб-нуқсонлардан холи «доҳий» деб улуғланди. Кейин эса уларнинг инсон сифатидаги ожизликлари очиб ташланди. Бу ҳолат барча нарсани қамраб олган Вақт одамларнинг фикри, дунёқарашига ҳам сездирмасдан туриб ўзгартириш киритиши, кунлар, ойлар, йиллар ва асрлар ўз ҳақиқатларини гоҳида яшириб, пардалаб, гоҳида оз-оздан ошкор этиб одамлар ҳаётига қизиқарли тус беришини англатади.

Кўзга кўринмайдиган бебаҳо бойлик – Вақт уни қадрлаган, эъзозлаган кишиларни ҳеч қачон зериктирмайди. Аксинча, бундай одамларга у ҳар бир ишида туганмас сабр-тоқат ва шижоат бахш этиб, уларни бунёдкорлик ишларига рағбатлантиради. «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологияк, текстологияк таҳлили» монографиясининг 37-саҳифасидан олинган юқоридаги иқтибос муаллифнинг табиатиға хос муҳим хусусиятни, яъни у вақтини ғоят авайлаб-ардоқлашини очиқлайди. Ростдан ҳам камҳафсала, ланж киши, ҳар қанча истаганида ҳам, Вақт шамолларига дош берадиган бундай салмоқли тадқиқот яратолмайди. Чунки бундай одам, биринчидан, йиллар, асрлар тўзонидан саҳифалари хира тортган бунчалик кўп қадимги қўлёзмалар қаърига тушиб чиқишга журъат қилмайди. Иккинчидан, турли манбаларни қиёслаб, ҳақиқатни аниқлашга унинг қурби ва ҳафсаласи етмайди.

Албатта, Шухрат Сирожиддинов тадқиқотларида ҳам камчилик, нуқсонлар, кишини қаноатлантирмайдиган жиҳатлар кўзга ташланади. Аввало, уларда мулоҳазаларни ифодалашда услубий ғализлик сезилиб туради. Аммо бу нуқсон муаллиф мақо-

лаларида диққат марказига қўйилган мавзунинг мураккаблиги (масалан, «Жомий ва Навоийнинг суфийликка қарашлари» мақоласи), қамраб олинган материал ҳажмининг кенглиги («Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографияси) билан изоҳланади. Муаллифнинг қадимги қўлёзмалар қаърига тушиб, топиб чиққан топилмалари манбаларни ўрганиш ва талқин этишдаги биргина эътиборсизлик, у туфайли келиб чиққан хато худди ирсий касаллик каби авлоддан-авлодга ўтиб, худди пандемия каби кенг ёйилиши ва уни тузатиш жуда қийин кечишидан огоҳ этади.

У нафақат адабиёт тарихи, балки жаҳон тарихи билан боғлиқ талайгина муаммоларни ойдинлаштиришга йўл очади. Муаллифнинг Амир Темури ва Алишер Навоий аждодлари тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам шундай салмоққа эга. «Алишер Навоий ва Мажиддин», «Икки минг кепакӣ можароси», «Жомий ва Навоийнинг суфийликка қарашлари»даги мантиқий мулоҳазалар улғу шоир яшаган ижтимоий-тарихий давр мураккабликларини, унинг инсон сифатидаги ўзига хос оламини билиб олишга, «Хамса» муаллифини бошқаларга ўхшаган банди оғиз одам сифатида тасаввур қилишга имкон беради. Шухрат Сирожидинов қадимги қўлёзмаларга асосланиб тақдим қилган хулосалар илмий-назарий, адабий-эстетик тафаккурга янгилаштириб олиб киради. Чунки у Алишер Навоий нафақат илоҳий шоирлик истеъдоди, балки насл-насаби ва қизгин ижтимоий-сиёсий фаолияти билан ҳам ўз замонасида юксак ҳурмат-эътибор қозонгани, ўша даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларига муайян таъсир кўрсатганини далиллар билан исботлайди.

Тарихий сиймоларимиз тўғрисида мактаб дарсликларида ёзилган гаплар ҳам, улар тўғрисида битилган илмий ва бадиий асарларимиз ҳам ниҳоятда чучмал. Айни ҳолат Пушкин, Лермонтов ва бошқа ижодкорлар тўғрисида рус адабиётшунослигида берилган маълумотлар билан қиёсланганда яққол билинади. Масалан, Н.Г. Чернишевский (1828 – 1889)нинг Александр Пушкин тўғрисидаги 1856 йилда босилиб чиққан адабий-танқидий очеркида: «Бўлғуси шоир етти ёшга киргунча унда бирон истеъдод аломати, ҳатто деярли ҳамма болаларда бўладиган шўхлик аломатлари кўринмаган эди. У семиз, лаванг, ялқов

бола эди. Унинг танбаллигини кўриб ота-онаси жуда ташвишланиб қолган эди. Уни юриш ва ўйнашга зўрлаб мажбур қилар эдилар деса бўлади; у на югуришни ва на шўхлик қилишни яхши кўрарди: бир жойда жим ўтириш ёки ётиш унинг учун роҳат эди. Бу семиз бола шу қадар ялқов эдики, бир куни катталар уни айланиб келиш учун ўзлари билан бирга олиб кетганларида у билдирмай ҳаммадан орқада қолиб, дам олиш учун кўчанинг ўртасига ўтириб олган. Бир уйнинг деразасидан қараб турган одам унинг бу қилигини кўриб кулиб қўйган экан, у: «Тишиннинг оқини кўрсатиб нима қиласан?» – деб хафа бўлиб ўрнидан турган; агар ўша одам масхара қилмаганида, эҳтимол, шу кўйи узоқ вақтгача ўтира берар эди... Пушкин ўқувчилик чоғида, лицейдаги курсни тамом қилгунича ҳам анча ялқов эди... Унинг сўнги кунлари турли-туман ғам-ғуссалар ичида ўтган эди, жўшқин ва сабрсиз характерга эга бўлган буюк шоиримиз мана шу ғам-ғуссаларга бардош беролмади... Пушкиннинг дилгирлиги шу даражага етдики, у ўзига ўзи ўлим ахтара бошлади ва бир англашилмовчилик туфайли (агар Пушкин ўз умрини қадрлаганда, бу англашилмовчиликни бартараф қилиш мумкин эди) Пушкин ўша вақтда Петербургда яшаган француз фуқароси Дантес билан дуэлга чиқди... Пушкин, умуман, жуда бақувват киши эди. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, у ўз соғлиғидан зорланиб юрар эди, ёшлик даврида ўзини сил деб хаёл қилар, ҳатто юрагимда аневризм (қон томирларининг касал бўлиб кенгайиши) аломатларини ўзим сезиб тураман деб гапириб юрар эди. Пушкиннинг башараси чиройли эмас эди; фақат унинг жингалак қора сочлари ва ўтдай чакнаб турган ақлли кўзларигина чиройли эди. У гапга тушиб кетиб, юзларига жон кирганда жуда ҳам чиройли бўлиб кетар эди», – дейилади (Чернишевский Н.Г. Танланган адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1956. – 55 – 74-бетлар). «Бир англашилмовчилик туфайли», «бу англашилмовчиликни бартараф қилиш мумкин эди» деганда Дантес улуғ рус шоирининг қайнсинглиси Екатеринани севиб қолгани ва унга уйланмоқчи бўлиб Александр Сергеевичнинг хотини Наталя Николаевна Ганчарованинг атрофида ўралашиб юргани, Пушкин дуэлга чакирганида у бу ҳақда ҳаммага маълум қилгани назарда тутил-

ган. «Александр Сергеевич Пушкин. Унинг ҳаёти ва асарлари» адабий-танқидий очерки босилиб чиққанидан 165 йил кейин нашр этилган мактаб дарслигида ҳам «Евгений Онегин» муаллифининг таржимаи ҳоли, феъл-атворидаги бу каби номарғуб жиҳатлар тўғрисида аниқ маълумот берилади. 2006 йили «Дрофа» нашриётида Г.А. Обернихина таҳрири остида босилиб чиққан «XIX аср рус адабиёти дарслиги (10-синф ўқувчилари учун)»да бошқа шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам манбаларга таянган ҳолда асл ҳақиқат ёритилади. Шу боис ушбу дарслик худди бадиий асар сингари катта қизиқиш билан ўқилади. Чунки у ўқувчиларни шоир ва адибларнинг одам сифатидаги олами билан яқиндан таништиради.

Неча замонлардан бери: «Санъат ва адабиётнинг асосий объекти – одам ва ижтимоий ҳаёт», – деб келинади. Бундан эса адабиётшуносликнинг ҳам асосий объекти одам ва унинг олами эканлиги англашилади. Шу боис Гёте, Пушкин, Лев Толстой ва бошқа улуғ ижодкорлар ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги тадқиқотларда уларнинг одам сифатидаги оламини кўрсатиш диққат марказига қўйилади. «Бобурнома» муаллифи ҳам ўзининг ҳаётидаги айрим маҳдуд, нохуш ҳолатлар, жумладан, одамлар калласидан миноралар тиклатгани, пайдар-пай шаробхўрлик, маъжунхўрлик қилгани, айрим ҳукмдорлар, шахзодалар, амалдорлар инсонлик шарафига зид баччабозлик билан шугуллангани, ишратпараст бўлгани тўғрисида очиқ ёзган. «Шарқ мумтоз адабиётидаги қомусий асар» деб эътироф этилган ушбу муҳташам мемуарда Ҳусайн Бойқаро ва бошқа кўпгина тарихий шахсларнинг феъл-атворидаги талайгина манфур сифатлар алоҳида урғу бериб, қаламга олинган. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг мазкур асари ижтимоий ҳаёт жумбоқлари ва тарихий шахсларнинг одам сифатидаги олами ҳаққоний ёритилгани, уларнинг феъл-атворидаги марғуб ва номарғуб жиҳатлар яширилмасдан, пардаланмасдан баён қилингани боис неча замонлардан буён Шарқ ва Ғарбда қадрланади. «Бобурнома» худди шу хусусияти туфайли жаҳон адабиётидаги энг машҳур асарлар сирасига киради. Бу жиҳатдан ўзбек адабиётидаги ҳеч бир асар у билан тенглашолмайди. «Бобурнома»дан, Пушкин, Гёте, Лев Толстой тўғрисидаги тадқиқотлардан, хориждаги

мактаб дарсликларида улар тўғрисида берилган маълумотлардан тарихий шахсларнинг одам сифатидаги олами тўғрисида рост сўзни ёзиш, уларнинг инсоний ожизликларидан кўз юммаслик ножоиз иш эмаслиги аён бўлади. Чунки шоир, адибларнинг аниқ, рўй-рост ёзилган таржимаи ҳоли уларнинг асарлари асл моҳиятини англашда муҳим восита вазифасини бажаради.

Шухрат Сирожиддинов ижтимоий-тарихий ҳақиқатни – ҳаёт ҳамма замонда ўзига хос мураккабликлар билан кечишини шу тариқа очиқлаш баробарида Алишер Навоийнинг одам сифатидаги оламини ҳам замондошларимизга яқинлаштиришга ҳаракат қилган. Жумладан: «Манбаларнинг деярли барчасида Мир Алишерга ўткир жавоблар айтишдан ҳайиқмаган ягона инсон Камолиддин Биноий бўлганлиги ва Ҳиротдан узоқда юришга мажбур бўлганининг сабаби ҳам шунда дейилган» (Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. 74-бет); «Манбалардаги маълумотлар умумлаштириб таҳлил қилинганда XVI аср бошида яратилган асарларнинг деярли барчасида Навоийнинг тез ранжишлик одати билан бирга унинг кечиримлиги ҳам қайд этилиб, бунинг тасдиғи сифатида Биноийнинг бир неча марта Мир мажлисига қайта таклиф этилиши мисол тариқасида келтирилади. Биноий ҳам Навоийни жуда ҳурмат қилган ва унга қатор қасидалар бағишланган» (Ўша манба. 76-бет); «Биноий Мир Алишерга кўп қочирим қилар экан ва Мир ҳам аския қилиб: «Мавлоно Биноий жинни бўлиб қолибди, уни «Дор уш-шифо»га элтиб, нўхат атала ва товонига уриш билан даволанглар», – деган экан. Шунда у қочиб Ироққа кетган экан» (Ўша манба. 77-бет), – дейилган. Муаллифнинг мулоҳазаларини бу шаклда ифодалаш тарзи кўҳна тарихни ўз бағридаги мутафаккир яшаган ижтимоий-тарихий давр жумбоқлари, унинг одам сифатидаги мураккаб олами тўғрисидаги ҳақиқатларини маълум қилишга рағбатлантиргандай туюлади.

«Амир Алишер» монографиясидаги, «Жомий ва Навоийнинг суфийликка қарашлари», «Икки минг кепакий можароси» ва бошқа мақолалардаги мулоҳазалар улуғ мутафаккирнинг одам сифатидаги асл олами, унинг инсон қалби мураккабликларини намоён этувчи бебаҳо ижодига, юксак маънавий-маърифий, диний-ахлоқий таъсир қувватига эга бадий жозибадор дoston

ва ғазалларига қанчалик мос келади?» деган саволга муайян даражада жавоб топиш имконини беради. Муаллиф тадқиқотларининг аҳамияти ва қадри, аввало, уларнинг шу жиҳати билан белгиланади. Бу эса улар муайян салмоққа эга эканлиги, яъни ким эканлигидан қатъи назар, ҳар бир одам мураккаб олам, ўзига хос жумбоқ эканлиги, ижтимоий ҳаёт ҳамиша қарама-қаршиликларга тўлалигини идрок этишга туртки беришини билдиради.

Оллоҳ оламини бетакрорлик қонунияти асосида яратгани боис ундаги моддий ва номоддий нарсалар бир-биридан нимаси биландир, албатта, ажралиб туради. Теварак-атрофдаги барча нарса қайсидир жиҳатига кўра бир-биридан фарқ қилишини ҳамма яхши билади. Чунки айни ҳолат бир турга мансуб нарсалар орасида ҳам яққол кўзга ташланади. Осмондан ёғадиган қор учқунлари, бепоён ўрмонлар, серҳосил боғ-роғлар, дов-дарахтларнинг япроқлари бир-бирига айнан ўхшамайди. Айни ҳолат одамлар орасида ҳам кўп кузатилади. Бўй-басти, юз-кўзи, овози, хатти-ҳаракати, феъл-атвори бир-бирига айнан мос икки нафар одамни ҳеч қачон топиб бўлмайди. Одамлар табиат фарзанди бўлиш баробарида муайян жамият аъзоси эканлиги боис уларнинг феъл-атвори, қизиқиши, ҳаёт йўли, кўриб-кечирганлари ҳам бир-бириникидан кескин тафовут қилади. Юқорида эслатилган «XIX аср рус адабиёти» дарслигида шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда ёритилади. Масалан, йигирма етти ёшга тўлмай ҳалок бўлган, «Пушкинни давом эттирган ва ундан-да юксакликка кўтарила билган даҳо» деб улуғландиган Михаил Юрьевич Лермонтов (1814 – 1841)нинг ижоди нафақат рус, балки жаҳон адабиётида алоҳида мавқега эга эканлиги таъкидлангани ҳолда, унинг одам сифатидаги олами ғоят мураккаб бўлгани, бу буюк ижодкорнинг табиатида такаббурлик, манманлик, иззатталаблик, жиззакилик сингари нохуш иллатлар устунлик қилгани замондошлари ёдномаларидан иқтибослар келтирилиб асосланади. «Замонамиз қаҳрамони» муаллифининг феъл-атворидаги номарғуб жиҳатлар унинг оилавий ҳаёти ва ижтимоий муҳит билан бевосита боғлиқлиги таъкидланади. Шу боис унинг ҳаёти маҳдуд, нохуш ҳолатлар ичида ўтгани, чунки

онасининг ёлғиз фарзанди бўлган ва уч ёшида ундан айрилган, ота-она меҳрига тўймаган, қаттиққўл бувиси тарбиясида ўсган, бир сўз билан айтганда, қисматига бахтсиз болалик битилган Михаил Юрьевич Лермонтовнинг феъл-атворидаги инсоний ожизликлар хусусида уни яқиндан билган кишиларнинг хотираларидан талайгина кўчирма келтирилади. Масалан, П.Ф. Вистенгофнинг «Талабалик чоғимизда ҳеч биримиз курсдошимиз Лермонтов келгусида ажойиб шоир сифатида танилишини хаёлимизга ҳам келтирмас эдик. Чунки унинг феъл-атворини мутлақо ҳазм қилиб бўлмас эди. Чунки у ўзини ҳаммадан баланд тутиб, бошқаларга беписанд қарарди. Шунга мувофиқ равишда бошқалар ҳам уни ёқтирмас, курсдошлари уни яккалаб қўйишган, унинг бор-йўқлигини эътиборга ҳам олишмас эди» деган сўзлари (Русская литература XIX века. 10 кл. Профилный уровень. В 2 ч. Ч.1: учебник для общеобразоват. учреждений. – М.: Дрофа, 2006. – С.156), И.И. Панаевнинг «Аслини олганда, у хушчақчақ йигит эди. Бу жиҳатдан у ўртоқларининг ҳеч биридан қолишмасди. Аммо унда заррача ҳам самимийлик йўқ эди. У доим кимнидир масхара қилиб, устидан кулиш, таҳқирлаб хўрлашни истарди. Агар шундай одам топилгудай бўлса, уни ҳеч аямасдан топтаб ҳузур қиларди. Шунинг учун уни кўпчилик ёқтирмасди. У яқин кишиларининг ҳам ғашига тегишни яхши кўрарди. Чунки танишган одамларидан дарҳол камчилик, нуқсон излашга тушар, мабодо бир заиф жойини сезгудек бўлса, уни муттасил кузатиб, таъқиб қилиб асабийлаштириб, жонидан тўйдириб юборарди. Шундай натижага эришгач эса қувониб кетарди. Унинг ҳаёти фожиали яқун топиши керак эди – Мартинов бўлмаса, бошқа биров албатта уни ўлдиради эди» деган хотиралари тақдим қилинади (Ўша манба. 158-бет). Дарсликда Михаил Лермонтов ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги очеркка 70 саҳифа (139 – 208-бетлар) ажратилгани ҳолда, шоир замондошларидан 9 нафар кишининг у ҳақдаги хотиралари билан таништирилади. Бу ёдномаларнинг маъно-мазмунини П.Ф. Вистенгоф ва И.И. Панаевнинг мулоҳазаларига кўп жиҳатдан мос келади. Мазкур дарсликда «Замонамиз қаҳрамони» романи муаллифидан ташқари Александр Пушкин, Николай Гоголнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳам шу тарзда очиқланади.

Шухрат Сирожиддиновнинг олис ўтмишни ҳозирги замонни қамраб олган Вақтнинг чексиз сарҳадларида сочилиб ётган қадимги қўлёзмалардаги далиллар ва бошқа манбалардаги мулоҳазаларни моҳирона қиёслаб, теран хулосалар чиқариши унинг тадқиқотлари муттасил ақлий меҳнат ва илмга самимий муҳаббат самараси эканидан далолат беради.

КИЧИККЎРПАДАН ЧИҚҚАН КАТТА ОЛИМ

Улуғ шоиримиз Ғафур Ғуломнинг машҳур «Соғиниш» шеъридаги:

*«Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустақкам хонаи хуршид», –*

деган мисраларни кўпчилик ёддан билади. Бундаги «хонаи хуршид» нақ Қуёш системаси, яъни биз яшаб турган галактикадир. Бу Аллоҳ яратган шунчалар мустақкам қўрғон, унда ҳеч бир нарса изсиз йўқолмайди, қачонлардир, балки, миллион йиллар аввал қон ва жонда мавжуд бўлган илм, илҳом вақти-соати келиб яна ўзини намоён қилаверади.

Ҳозирги кунда катта олим, йирик фан ташкилотчисига айланган Шуҳрат Сирожиддинов, асли, каттақўрғонлик, аниқроғи, шаҳарга ёндош Кичиккўрпа қишлоғидан. Самарқанд – Бухоро йўлининг шаҳарга кираверишдаги «Хўжа Абдурахмон ота» зиёратгоҳидан (машҳур мумтоз шоиримиз Шавқий Каттақўрғонийнинг қабри ҳам шу ерда) ўнгга бурилиб, бир икки чақирим юрсангиз, ушбу қишлоққа дуч келасиз. Ундан сўнг туташ Каттақўрпа қишлоғи бошланади. Лекин зинҳор икки қишлоқни аралаштирманг. Агар янглишиб каттақўрпаликмисиз десангиз, йўқ, кичиккўрпаликман дейди ҳар бир қишлоқлик. Ёки, аксинча, кичиккўрпаликмисиз десангиз...

Шуҳрат, айтилганидек, Кичиккўрпа қишлоғида таниқли журналист, шоир ва олим Самариддин Сирожиддинов оила-сида дунёга келди. Унинг бобоси Сирожиддин махсум ҳам ўз замонасининг ўқимишли уламо шахсларидан бўлган.

Шуҳратнинг падари бузруквори ҳақида икки оғиз сўз.

Самариддин Сирожиддинов журналистика соҳасида хизмат қилиш билан бирга илм билан ҳам жиддий шуғулланди. Унинг илмий изланишлари натижасида 20 – 30-йиллар ўзбек

адабий муҳитида ўзига хос салмоқли ўрин эгаллаган асли каттақўрғонлик Абдулҳамид Мажидий ҳаёти ва адабий фаолияти, умумўзбек адабиётидаги ўрни ўзининг илмий тасдиғини топди. 1974 йилда адибнинг «Танланган асарлар»и айнан шу киши томонидан нашрга тайёрланди. 1982 йилда нашрдан чиққан «Абдулҳамид Мажидий» номли адабий портрет ҳам ушбу олим қаламига мансуб. Ҳам журналист, ҳам олим С.Сирожиддинов «Сирожий» таҳаллуси билан шеърлар, ғазаллар ва мухаммаслар ёзган. Қатор шеърий тўпламлар чоп эттирган. Масалан, шоирнинг «Инсон» номли ғазалининг дастлабки икки байтига эътибор беринг:

*Менман инсон, қилмасин баҳс содда дунё мен билан,
Менман уммон, тенг бўлолғай қайси дарё мен билан?
Бўлмасам мен, ким бўларди, ер нима, осмон надур?
Ўн саккиз минг турфа олам, бил, муҳайё мен билан.*

Бу шунчаки инсонни улуғлаш эмас, балки инсон, олам моҳияти ҳақидаги охиригача англаб етмоқ ғоят қийин бўлган сир-синоатлар ҳақида гўзал шеърий либосда битилган нафақат ижтимоий-публицистик, балки том маънодаги фалсафий ғазалдир. У ўз мавзуси билан атоқли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг машҳур «Инсон» қасидасига ёндашиб боради ҳамда теранлик борасида муайян ўринларда ундан устунлик қилади. Шоирнинг фалсафий нигоҳида дунё ҳам «содда»дир. Зотан, дунёнинг бор сир-синоати инсонда, унинг Аллоҳ назаргоҳи бўлган кўнглида илоҳий бир тарзда муҷассамдир.

Бундай ғазални диний илмлар, Қуръони карим ва ҳадислардан яхши хабардор, ҳадиси қудсийдаги Аллоҳ номидан айтилган «Мен махфий хазина эдим, инсонни ва руҳларни мени билишлари учун яратдим» деган илоҳий муждани билган ва чуқур англаган одамгина ярата олиши мумкин.

Юқорида диний илмлар ҳақида гапирдик. Гап шундаки, ХХ асрнинг иккинчи ярмида ҳам Каттақўрғонда диний уламолар, мадраса кўрган зиёлилар кўп бўлган. Мустабид давлат таъқибига қарамай, 30 – 50-йиллар қатағонидан омон қолган ёки жазо муддатини ўтаб келган руҳоний зотлар шаҳар маънавий

ҳаётига нурли таъсир ўтказиб турар эдилар. Ўша йиллари, яъни 50 – 70-йиллар шаҳардаги ҳукумат зугумидан жон сақлаш, тин олиш учун Каттакўрғоннинг йирик уламози қори Муҳаммад Расул (ул зот Ножий тахаллуси билан ғазал ва мухаммаслар ёзган. Бир-икки йил олдин каттагина китоблари чоп этилди) Кичиккўрпада яшаб, Шухратлар хонадонига қўшни боғ-ҳовлида истиқомат қилган. Самариддин ака, унинг ўғли ёш Шухрат ҳам алломанинг илму одобидан баҳраманд бўлишган, албатта.

Бу ҳақида менга Қори Муҳаммад Расулнинг ўғиллари, узоқ йиллар халқ маорифи соҳасида хизмат қилган Абдулазиз ака сўзлаб берган, «Самариддин ака кўп нарсаларни сўраб олар, олдиларидан нари кетмас эди», – деб хотирлайди у киши. Бу даврларни Шухратнинг ўзи ҳам яхши эслайди, ул зот ҳақида гап кетса, ҳамиша «Қори бово» деб муттасил эҳтиром кўрсатади.

Шухрат болалиқдан шундай маънавий муҳитда тарбия топган дейишимизга асос бор. Бежиз эмаски, айни шундай суҳбатлар, нафис мажлислар шарофати билан Шухрат Сирожиддинов ўзбек мумтоз адабиётининг йирик тадқиқотчисига айланди. Мен бу ерда унинг буюк илмий-ижодий фаолиятига, китоб ва тадқиқотларига ялпи баҳо бермоқчи эмасман. Лекин бир масалага қисман тўхталмоқчиман.

Шухрат илоҳиётчи олим, шоир ва авлиё Сўфи Оллоёр шахси ва ижодига алоҳида меҳр-эҳтиром билан қарайди. Шухратлар оиласи Сўфи Оллоёрга қондошлик иплари билан боғлиқ экани ҳақида ҳам гапиришади.

Ушбу меҳр-эҳтиром маҳсули сифатида олимнинг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. Жамият ва бурч» (Тошкент, 2001) рисоласи вужудга келди. Бу аллома ва авлиё зот ҳақида, шубҳасиз, жиддий илмий тадқиқотдир. Рисола бошланишида аллома ҳаёти ҳақидаги қатор маълумотлар келтирилиб, ул зотнинг туғилган жойи масаласига ҳам аниқлик киритилади. Рисолада ёзилганидек, «Каттакўрғон шаҳрининг дарёга яқин қисмида жойлашган Сўфигузарда ҳозир ҳам мутафаккирнинг масжид ва ҳужраси аҳоли томонидан кўз қорачиғидек сақланиб келмоқда. Ушбу факт Сўфи Оллоёрнинг асл ватани Каттакўрғонга яқин қишлоқлардан бири бўлганлигини тасдиқлайди» (Шу китоб. 13-бет). Бундан ташқари, рисолада мутафаккир туғилган

Ўтарчи қишлоғи ҳақида Каттакўрғон тарихи ва адабий муҳити билимдонларидан бири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродовнинг фикрига суяниб XX асрнинг 40-йилларига қадар Ўтарчи қишлоғи мавжуд бўлганлиги, урушдан кейинги йиллар Кичиккўрпа қишлоғи таркибига сингиб кетганлиги ҳақида маълумот берилади.

Демак, Сўфи Оллоёр ҳазратлари Кичиккўрпа қишлоғининг биқинида жойлашган Ўтарчи қишлоғида туғилиб, кейинчалик укалари Фарҳодбий томонидан асос солинган янги шаҳар Каттакўрғонга, кейинчалик ул зот шарафига Сўфигузар деб аталган маҳаллага кўчиб келган.

Лекин, фикримизча, рисоланинг асосий илмий ва маънавий қиймати фақат бунда эмас. Рисоланинг жавҳари Сўфи Оллоёр илоҳиёти XVI – XVIII асрларда Моварауннаҳрда рўй берган омма маънавиятидаги таназзул жараёнига чек қўйиш эканлиги ҳақидаги ўта муҳим илмий тўхтамдир. Бунинг тасдиғи сифатида рисолада XIX асрнинг охириги чорагида Исроилжон Тошкандий томонидан кўчирилган «Саботул-ожизин»нинг нусхасининг охирида битилган шундай форсий таъриф келтирилган:

Абу Ҳанифаи вақт аст Суфий Оллоёр,
Худо дода ба ў қолу ҳолро бисёр.

(Сўфи Оллоёр замонасининг Абу Ҳанифасидир, худо унга қол (диний илмлар) ва ҳол (суфийлик)дан кўп баҳраманд этгандир».

Ботил, бузғунчи мазҳабларнинг зарарли фаолиятига чек қўйиш, Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳабига қайта куч бағишлаш ҳазилакам амал эмас, чинакам буюк амал эди.

Мақола сўнгида рисоладаги охириги хулосани тўлиқ келтирсам. Узун кўчирма учун узр сўрайман, лекин жами 1000 нусхада йигирма йиллар нарида чоп этилган рисола кўпчиликка маълум эмаслиги жиҳатидан бу ўзини оқлайди деб умид қиламан. Хулоса бундай:

«Гарчи Сўфи Оллоёр ҳаётлик чоғида ўз меҳнатининг тўлиқ самарасини кўрмаган бўлса-да, омма маънавияти тараққиётида янги даврга асос солгани аниқ. Ўзининг риёсиз ҳаёт тарзи, илм-амали, дунёқараши ва фалсафаси, шунингдек, таъбир

жоиз бўлса, дунёни ларзага келтирган фарёди билан бутун жамият – олиму уламулари, пиру муридлар, устозу шогирдлар, шариат пешволари, дарвешу қаландар, шоҳу гадо, барчанинг дунёқарашида туб бурилиш ясади. Жамиятни уйқудан уйғота олди. Хушёр тортган жамият уни шунчалик улуғладики, бу улуғ валийларга насиб этган мартаба эди. Миллат фарзанди унинг ғоялари таъсирида тарбияланиши муҳим шартга айлантирилди. Мадраса таълими тизимида ҳар бир ёшнинг саводи «Саботул-ожизин»да чиқиши шарт қилиб қўйилди. «Саботул-ожизин»нинг нисбатан яқин даврга мансуб турк тилидаги нашрларидан бирида Сўфи Оллоёр «Туркистон ифтихори» дея улуғланар экан: «Ота-боболаримиз томонидан Қуръони карим мутолаасидан сўнг дарс бериладиган энг машҳур китобларимиз Вафойининг «Равнақ ул-ислом» ва Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожизин» асарларидир», – дея таъкидлангани бежиз эмас» (Шу китоб. 77-бет).

Бундай пурмазмун рисолаининг кейинги қисмини ёзишда Кичиккўрпадан чиққан катта олим, 1-даражали давлат мукофоти совриндори Шухрат Сирожиддиновга соғлик ва илмий-ижодий сабот тилайман.

Самихон АШИРБОВЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

Баҳодир ХОЛИҚОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

ИЛМ ВА МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ

Профессор Шухрат Сирожиддинов узоқ йиллар мобайнида инсоният маънавий-маданий ҳаётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга умрини бағишлаган серғайрат тадқиқотчи ва тарғиботчидир. Шухрат Сирожиддинов 2002 йил Оксфорддаги Бодлеан кутубхонаси, Оксфорд университети Шарқшунослик институти кутубхонасида Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаёти, илоҳиёт ва ислом фалсафасига оид манбалар билан танишиб, ислом илоҳиёти тарихини ўрганди. Унинг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» (2001 йил), «Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби» (2002), «Буюк алломалар ижодида аҳиллик ва бағрикенглик ғоялари» (2005), «Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик – тинчлик гарови» (2005), «Ўрта Осиё диний-фалсафий таълимотлари» (2007), «Ислом фалсафасига кириш: калом илми» (2008), «Бағрикенглик – динларнинг маърифий асоси» (2010), «Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари» (2011), «Илм ва тахайюл сарҳадлари» (2011) китоблари, нақшбандия тариқати ва диний-тасаввуфий таълимотлар ҳақида ёзган ўнлаб мақолалари уни Марказий Осиё диний-фалсафий таълимотлари бўйича йирик мутахассис сифатида элга танитди.

Олимнинг эътироф этишича, илмий фаолиятининг бир қисмини ташкил этган исломшунослик билан боғлиқ тадқиқотлар Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганиш истагидан туғилган. Дастлаб ўз илмий фаолиятини Алишер Навоий диний-тасаввуфий қарашларини ўрганишдан бошлаган ёш тадқиқотчи ўтган асрнинг 90-йилларида ёзилган «Шеърятда инсон руҳий камолоти талқини», «Навоий навосидан баҳра олиб» китоблари-

дан кўнгли тўлмайди. «Алишер Навоий шундай мутафаккирки, унинг асарлари туб мазмун-моҳиятини тушуниш учун фақат адабиётшунос бўлишнинг ўзи кифоя эмас, балки ислом таълимотлари, фалсафаси, илоҳиёт илмини чуқур билиш лозим. Ана шундагина Ҳазрат Навоий даҳосини теран тасаввур қилиш, мисралар қатида яширин маъноларни юзага чиқариш мумкин», – деб ҳисоблайди олим. Исломий илмларни эгаллашни кўнглига тугиб қўйган олим асосий эътиборини Алишер Навоий ҳаётига оид манбаларни ўрганишга қаратади. Чунки мустақилликнинг илк йиллари илм-фан майдонида тарихни холис қайта кўриб чиқиш ва буюк мутафаккир аждодларимизнинг мустабид тузум мафкураси исканжасида нотўғри талқин этилган ҳаёти ҳамда ижоди қирраларини асл ҳолида тиклаш масаласи кун тартибига қўйилди. Бошқа бир қатор буюк мутафаккир боболаримиз қатори Алишер Навоий ҳаётини ҳам асл қўлёзма манбалар асосида қайта кўриб чиқиш керак эди. Бу вазифани ёш навоийшунос олим Шўҳрат Сироҷиддинов ўз бўйнига олди. Унинг ечими катта ижодий куч, сабр-тоқат ҳамда атрофлича билимни талаб қилар эди. Олимнинг ўзбек ва форс тилида битилган эски қўлёзмаларни бемалол ўқий олиши, матнларни эркин илмий қиёслаш олиши бу ишда қўл келди. Унинг докторлик диссертацияси навоийшуносликнинг ана шу давр учун ўта долзарб бўлган Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир XV – XX аср форс-тожик ёзма манбаларининг қиёсий-типологик, текстологик таҳлилига бағишланди.

Тадқиқот жараёнида XV асрнинг II ярми – XIX асрда яратилган Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир уч юздан ортиқ қўлёзма манба тадқиқ доирасига тортилди. Маълумотлар теран таҳлил этилиб, салмоқли назарий ва амалий аҳамиятга эга умумлашмалар, хулосалар ясалди. Янги манба ва маълумотлар илмий истеъмолга киритилди. Алишер Навоий ҳақида мавжуд маълумотларнинг даврий ҳолат ва кўринишлари очиб берилди. Қўлёзма манбалар асосида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир асл ва тўқима маълумотлар, уларнинг XX асрга қадар яшовчанлик сабаблари ва тарқалиш кўлами, ўзгариш кўринишлари ва даражалари аниқ, ишонарли тарзда исбот қилиб берилди. Натижада Алишер Навоийнинг ҳақиқий таржимаи ҳоли

тикланди, дунёқараши ва миллат дарди билан яшаган давлат арбоби сиймоси тухмат ва бўҳтонлардан тозаланди. Ушбу тадқиқот навоийшуносликнинг улкан ютуғи сифатида илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилди ва олимга 2013 йили Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт соҳасидаги 1-даражали Давлат мукофоти берилди.

Бугунги кунда устоз атрофида ёш навоийшуносларнинг янги авлоди шаклланмоқда. Домла навоийшунослик соҳасида ўзининг илмий мактабини яратди. Бугунги кунгача беш нафар фан доктори, ўндан зиёд фан номзодлари ва фалсафа бўйича (PhD) фан докторларини тайёрлади. Яна ўнлаб шогирдлар ўзбек мумтоз адабиётининг турли назарий масалалари, хусусан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш масалалари билан шуғулланмоқдалар. Домла Янги Ўзбекистонда адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасини ривожлантириш ҳаракатининг етакчиларидан биридир. У кишининг ташаббуси билан республикада ҳаттотлик мактаби яратилди, адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди, ўзбек тили ва адабиётини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, халқимизнинг улкан ёзма мероси, бой анъана ва урф-одатлари, маданиятини ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқотлар ва амалий изланишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда домла ўзбек адабиёти тарихи билан боғлиқ қадимий қўлёзмаларни ўрганиш, мустабид тузум даври тазйиқларидан қўрқиб ўз ижодини юзага чиқара олмаган иқтидорли шоирларни излаб топиш ва илмий-ижодий меросларини оммага маълум қилиш ишларига бошчилик қилмоқда.

Ш. Сирожиддинов таниқли жамоат ва фан арбоби сифатида республикамиз ижтимоий-маънавий ҳаётида миллий-маънавий кадриятларимизни тарғиб этиш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш ишларида самарали фаолият олиб бормоқда. Республика маънавият ва маърифат кенгаши аъзоси сифатида аҳоли ва ёшлар орасида миллий кадриятларимиз, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик масалаларида кенг тарғибот ишларида фаол қатнашиб келади. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси аъзоси сифатида халқимизнинг сиёсий

онгини ўстириш, Янги Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар моҳиятини кенг аҳоли қатламларига етказишда олимпинг хизмати катта. Ш. Сирождинов жамоат ишлари билан бир қаторда юртимизда таълим ва илм-фан ривожини учун жон куйдираётган мутахассислардан биридир. У Филология фанлари бўйича докторлик илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш раиси, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги докторлик илмий даражасини бериш бўйича кенгашлар аъзоси, шунингдек, «Олтин битиглар» ва «Ўзбекистон: тил ва маданият» халқаро илмий журналлари бош муҳаррири, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув адабиётларини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг «Ўзбек тили ва адабиёти» ўқув-услубий бирлашмаси раиси сифатида миллий гуманитар соҳа вакилларининг илмий салоҳиятини ошириш ва халқаро миқёсда ўзларини намоён қилишлари учун шароит яратиш ишларига бош-қош бўлиб келмоқда.

Домла самарали илмий фаолият билан бирга узоқ йиллардан бери олий таълим тизимида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда. 2005 – 2012 йиллар Жаҳон тиллари университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, 2012 – 2014 йиллар Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, 2015 – 2016 йиллар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори лавозимида ишлар экан, республикада кадрлар тайёрлаш тизимида янги ташаббуслари билан алоҳида эътирофга сазовор бўлган.

Университет қисқа вақт ичида ўзбек тили ва адабиёти орқали ёш авлодни маънавий қадриятларимизга, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга оид стратегик ғояларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича республикада таянч марказга айланди. Бу даврда университет янгича методикага асосланган ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича нафақат республикадаги 18 та олий таълим муассасаси, балки хориждаги Ўзбек тили марказлари учун ҳам таянч методик марказ мақомини олди. Шу пайтгача хориж олий таълим муассасаларининг

63 тасида ўзбек тили курслари ташкил этилди. Афғонистон Исломи Республикасининг етакчи 5 университетида ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ўз фаолиятини бошлади. Университетда ушбу курсларда дарс берувчи чет эл фуқароларининг малакасини ошириш йўлга қўйилди. Чет элларда ва хориж компанияларида ўзбек тили ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича махсус таълим йўналиши очилди. Бу ишларнинг амалга ошишида улкан ташкилотчи раҳбар Ш.Сирожиддиновнинг хизматлари катта.

Амал ва мансаб инсонни ўзгартиради дейишади. Аммо шундай инсонлар борки, ҳеч қандай амал ва мансаб уларнинг инсоний фазилатларини йўққа чиқара олмайди. Инсоннинг маънавий борлиги, ғурур ва кибри жиловлай олиш иродаси ҳар қандай шароитда ҳам унинг тўғри йўлдан оғишига йўл қўймайди. Бугунги даврда раҳбар қандай фазилатларга эга бўлиши ҳақида гап кетадиган бўлса, ҳеч иккиланмасдан филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддиновни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шухрат Сирожиддинов – табиатан жуда камтар ва хоксор инсон. Унинг ёшлар билан гаплашганини кўрганлар самимийлиги ва оддийлигига қойил қоладилар. Ёши улуғларга тавозе ва эҳтиромини кўрганлар катта олим ва таниқли жамоат арбоби эканлигига қарамай, қўли кўксидан тушмаслигидан таъсирланадилар. Олим қаерда фаолият кўрсатган бўлмасин, ҳамisha орқасидан фақат яхши гаплар эргашиб юради. Унинг ишга бўлган масъулияти, жонкуярлиги, ходимларига қаттиққўллиги билан бирга самимий меҳри, доимо инсонларга эзгулик улашиш истаги тиллардан тилларга кўчиб юради. Домла Ватанга садоқат ва ҳалол меҳнати билан эл-юрт олдида ҳақли равишда обрў-эътибор қозонган инсонлардандир.

СЎФИ ОЛЛОЁР ТАДҚИҚОТЧИСИ

Сўфи Оллоёр халқимиз тарихида ёрқин из қолдирган алломалардан биридир. Унинг «Саботул-ожизин» асари Мовароуннаҳр диёрларида XX асрнинг бошларига қадар мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган, яъни ёзилганидан бошлаб қарийб икки юз йил давомида амалда қўлланиб келинган. Бу асарнинг бетакрор бадиияти, масалаларни баён қилишдаги ўзига хос содда ва тушунарли услуби ўқувчиларни ҳамиша ўзига ром қилган. Афсуски, мана шундай ноёб асар ва унинг муаллифига совет даврида қатъий тақиқ қўйилди ва етмиш йилга яқин вақт мана шу чеклов амалда бўлди. Лекин расман илмий доираларда, матбуотда мафкуравий чеклов амал қилган бўлсада, халқ бу улуг алломанинг номини ва асарларини ўз қалбида авайлаб сақлаб келди.

Ниҳоят даҳрий тузумнинг умри охирига яқинлашгач, XX асрнинг 90-йиллари бошидан бу буюк олимнинг, истеъдодли шоирнинг асарлари яна юзага чиқа бошлади. Даставвал 1991 йилда унинг «Саботул-ожизин» асари Рашид Зоҳидов томонидан нашрга тайёрланиб, «Чўлпон» нашриётида чоп этилди. Худди шу йили Ҳожи Пўлат Қори ва Маҳмуд Ҳасанийлар ҳам мазкур асарни нашр эттиришди. Шу тариқа Сўфи Оллоёрнинг номи ва ижоди «озодлик»ка чиқди. Унинг ҳаёти ва ижодини, асарларини ўрганиш тез суръатлар билан давом этди. Дастлабки ўн йилда, яъни 1991 йилдан то 2001 йилгача ушбу адибнинг ижоди бўйича битта докторлик (И.Сувонқулов), иккита номзодлик (Р.Зоҳидов, Н.Аллаёрова) диссертациялари ёқланди, бир қанча мақолалар эълон қилинди.

Сўфи Оллоёр ҳаёти, ижоди, асарларининг таҳқиқи ва таҳлили бўйича амалга оширилган ишлар ичида адабиётшунос Шухрат Сирожиддиновнинг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» номли монографияси алоҳида ажралиб туради. Айтиш мумкинки,

ушбу монография Сўфи Оллоёр бўйича дастлабки ўн йил ичида қилинган ишларнинг якунловчиси бўлди ва келгуси қилинажак ишлар учун пиллапоя вазифасини ўтади.

Монография учта бобдан иборат бўлиб, биринчи боби «Сўфи Оллоёр ҳаёти ва илмий-адабий мероси» деб номланган. Бу бобда муаллиф Сўфи Оллоёрнинг туғилиши, ҳаёти, вафот этган йили, хуллас, таржимаи ҳоли билан боғлиқ кўпгина чалкашликларга биринчи манбалар асосида аниқлик киритади. Шунингдек, ушбу бобда Сўфи Оллоёр ҳақида аввал оғзаки тарзда тарқалган, сўнг турли манбаларга киритиб юборилган ёки киритилмаган, илмий асосга эга бўлмаган маълумотларни аввало ишончли қўлёзмалар – бирламчи манбалар асосида, сўнгра соғлом мантикий фикрдан келиб чиқиб рад қилади (масалан, Сўфи Оллоёрнинг акаси Фарҳоднинг ўз укаси учун шаҳар қуриб бериб, кейин ўзига ёқиб қолиб, укаси сафардалиқ пайтида унга ўзи кириб олгани ҳақидаги гаплар, Сўфи Оллоёрнинг нўғой экани тўғрисидаги маълумотлар, В. Абдуллаевнинг Сўфи Оллоёрнинг туғилган жойи тўғрисидаги маълумотлари ва ҳоказолар). Шунингдек, Ш. Сирожиддинов татар олими Тождин Ёлчиғул ўғлининг «Саботул-ожизин»га 1806 йилда ёзган шарҳи – «Рисолаи Азиза» асари Сўфи Оллоёр номининг турк дунёсида машхур бўлишига сабаб бўлганини ҳақли равишда таъкидлагани ҳолда ундаги айрим чалкаш маълумотлар фақатгина ўзбек олимларинигина эмас, хорижий оллоёршуносларни ҳам чалғитганини асослаб берган.

Муаллиф Сўфи Оллоёрнинг устозлари ҳақида сўз юритар экан, аввало, шоирнинг ўз асарлари («Маслак ул-муттақин» ва «Саботул-ожизин»)даги маълумотларга суянади, уларни синчковлик билан таҳлил қилади. Шу билан бирга, яна бошқа қўлёзма манбалардан ҳам Сўфи Оллоёрнинг устозлари ҳақида ёзилган маълумотларни қидириб топади.

Ш. Сирожиддинов Сўфи Оллоёрнинг ўзбек ва форс тилларида лирик асарлар ёзган истеъдодли шоир эканини айтар экан, шоирлик унинг биринчи – асосий фазилати эмаслигини, биринчи навбатда у илоҳиётчи олим, моҳир фақих, Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳабини ривожлантирган улуғ дин арбоби бўлганлигини таъкидлайди. Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожи-

зин», «Маслак ул-муттақин» ва «Мурод ул-орифин» асарларининг мавзу мундарижаси, илмий-адабий аҳамияти хусусидаги энг муҳим маълумотларни келтириб ўтади.

Монографиянинг иккинчи боби «Сўфи Оллоёр ва давр» деб номланган бўлиб, ушбу бобда аллома яшаган даврдаги Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти қай аҳволда бўлгани чуқур таҳлил қилинган. XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тариқат арбобларининг маънавий-руҳий тарбиядан кўра сиёсий ҳокимиятга интилиш тамойили кучайгани, мол-мулк тўплашга рағбатлари ортгани, натижада бу ўлкаларда маънавий ҳаёт даражаси пастлаб кетгани кўрсатиб ўтилган. Айниқса, Сўфи Оллоёр яшаган XVII – XVIII асрлар оралиғида турли ботил фирқалар кўпайгани, аллома бу фирқаларнинг асл қиёфасини умумий тарзда «Саботул-ожизин» ва «Маслак ул-муттақин» асарларида очиб бергани мисоллар ёрдамида кўрсатиб ўтилган. Боб охирида Мовароуннаҳрда XVII асрнинг 2-ярмидан бошлаб юзага келган чуқур маънавий таназзул сабаблари тўртта бандда санаб келтирилади.

Муаллиф Сўфи Оллоёр яшаган ва фаолият юритган давр ҳақида сўз юритар экан, ўша даврда Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида юз берган маънавий таназзулнинг туб илдизларини аниқлашга ҳаракат қилади. XVI – XVII асрлардаги юртимизда воқе бўлган руҳий-маънавий, сиёсий инқирознинг бош сабаби юрт пешволари – олимлар ва муршидларнинг сўз ва амалларидаги номувофиқликдир деган жуда тўғри хулосага келади. Бундай хулоса чуқур илмий асосга эга, чунки сўз ва амалнинг бир-бирига мослиги инсон қалбининг тузалиши – ислоҳ бўлишининг бош омилдир. Пайғамбар алайҳиссаломдан шундай мазмунда ҳадис бор: «Инсон танасида бир аъзо бор. У тузалса, бутун тана тузалади. У касал бўлса, бутун тана касал бўлади. У қалбдир». Ҳар бир нарсанинг қалби бўлади. Кишилиқ жамиятининг қалби олимлардир. Олимлар тузалса, жамият тузалади. Олимлар бузилса, жамият бузилади. Шу маънода монография муаллифининг XVI – XVII асрларда Мовароуннаҳр ўлкаларидаги таназзулнинг туб илдизлари хусусидаги фикрлари етарлича асосга эгадир.

Монографиянинг учинчи бобида Сўфи Оллоёр яшаган даврдаги халқнинг чуқур маънавий-этиқодий таназзули шароитида буюк алломанинг тутган йўли, олиб борган фаолияти синчиклаб таҳлил қилинади. Адибни «Маслак ул-муттақин» ва «Саботул-ожизин» асарларини ёзишга ундаган сабабларни бирма-бир кўрсатиб, уларни изоҳлаб, тушунтириб беради. Учинчи боб икки фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасли «Буюк даъват» деб номланган. Бу фаслда халқнинг аҳволидан, унинг этиқодидаги камчиликлардан дили эзилган Сўфи Оллоёрнинг қалб кечинмалари очиб берилган. Жамият тақдирига, илм-фан таназзулига бепарво ва лоқайд қараб туриш Сўфи Оллоёр этиқодига зид эканлигини таъкидлар экан муаллиф улуғ алломанинг жаҳолат ва бидъатларга қарши қатъий курашга отланганини айтади. Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожизин» ва «Маслак ул-муттақин» китобларидаги фикрларига суяниб Шухрат Сирожиддинов унинг жамиятдаги гуноҳ ва бидъат ишларга лоқайд бўлиш унга рози бўлиш билан баробар эканлиги ҳақидаги сўзларини келтиради. «Исёнга рози бўлиш исёндин, куфрга рози бўлиш куфрдир» деган хитобининг моҳиятини очиб беради. Олимнинг «Саботул-ожизин» ва «Маслак ул-муттақин» асарлари ҳақидаги «Бу икки китобнинг оддий, содда тили ва таъсирчан руҳи халқ мафқурасига тез ва самарали таъсир кўрсатди. Улар ўзига хос панд-насихатнома, ёшларни тарбиялаш дастури, қўлланмаси сифатида ҳар бир хонадонга кириб борди» деган фикрлари бугунги кунда яна бир бор ўз исботини топмоқда.

Мустақилликдан кейин «Саботул-ожизин» асарининг юз минглаб нусхада чоп этилгани, унга битилган мукамал шарҳнинг ҳам дунёга келгани ва бир неча ўн минг нусхада нашр қилингани, «Маслак ул-муттақин» асари таржимасининг табдил қилиниб, кўп минг нусхада нашр этилиши Сўфи Оллоёр илмий-адабий меросининг бугунги кун учун ҳам зўр аҳамиятга эга эканлигини исботлаб турибди.

Шухрат Сирожиддинов Сўфи Оллоёрнинг:

Уялма маърифатни ўрганурдин,

Танур жойинг бўлур қолсанг танурдан, –

деган чақирғи Мовароуннахр диёрининг шаҳар ва қишлоқлари, чўлу саҳролари, тоғ бағирларида маскан тутиб яшаётган, дунё ғамига ботган қалбларни уйғотган буюк бир даъват бўлганини таъкидлаган.

Монографиянинг учинчи боби «Ахлоқ ва нафс тарбияси» деб номланган. Ушбу фаслда Сўфи Оллоёрнинг ақида илмининг асосий мавзуси бўлган Иймон моҳияти ҳақида қарашлари, мусулмон кишининг ахлоқини тарбиялаш, нафсини поклаш хусусидаги фикрлари таҳлилга тортилган. Иймон ислом динининг бош масаласи экани, Оллоҳга, Унинг фаришталарига, Китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, қадарга, ўлгандан кейин тирилишга ишониш иймоннинг шартларидан эканлиги таъкидланган.

Муаллиф «Саботул-ожизин» асаридаги ахлоқ ва нафс тарбияси – муолажаси хусусидаги ўринларга тўхталар экан, ундаги ҳар бир фикр, ҳар бир байт асосида Қуръони карим оятлари ва Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ҳадислари ётишини айтиб ўтади. Шунингдек, ушбу фаслда Сўфи Оллоёрнинг халқни илм олишга, маърифатли бўлишга чақирган байтлари чуқур шарҳланади. Олимнинг дин илмини ўрик мевасига ўхшатиб, унинг меваси ҳам, данагининг ичидаги мағзи ҳам мазалидир деган мазмундаги:

*Эрур дин илми чун зардолу, эй дўст,
Мулаззздур ани ҳам мағзи ҳам нўст, –*

байти таҳлил қилинади.

Монографиянинг хулоса қисмида ҳар уч бобда баён этилган фикрлар умумлаштирилиб, илмий хулосалар чиқарилган. Ушбу хулосалар ўн бир банддан иборат бўлиб, уларда XVII аср шароитида Мовароуннахр диёрларидаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий таназзул сабаблари, бу ҳолатнинг муолажаси учун Сўфи Оллоёр танлаган йўл ва унинг қандай натижалар бергани баён этилади.

Адабиётшунос Шухрат Сирожиддиновнинг «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» номли ушбу монографиясининг биринчи қисми бежиз «Жамият ва бурч» деб номланмаган. Чунки бу қисмда Мовароуннахрнинг XVII – XVIII асрларда яшаган буюк илоҳиётчи

олими, фақиҳи, беназир шоири Сўфи Оллоёрнинг ўша давр жамиятини ислоҳ қилиш, халқнинг эътиқодини тўғри йўлга солиш йўлида ёзилган асарлари чуқур таҳлил этилади. Бу алломанинг халқ билан юзма-юз бўлган ҳолда ўз зиммасидаги улкан бурчни, яъни жамиятдаги, кишилар эътиқоди ва дунёқарашидаги иллатларни кўриб лоқайд ўтиб кета олмагани, уларнинг ислоҳига қатъий киришгани очиб берилган. Муаллиф яна бир нарсани таъкидлайдики, Сўфи Оллоёр асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Чунки инсонлар, жамиятимиз ҳамиша покиза эътиқодга, эътиқод мусаффолигини тарғиб ва ташвиқ қилган асарларга муҳтож. Унинг асарлари айнан шу мақсад учун хизмат қилади. Айтиш мумкинки, монография Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди бўйича кейинги йигирма йил ичида амалга оширилган фундаментал тадқиқотлар учун маълум маънода пойдевор вазифасини ўтади.

ИЛМ КОШОНАСИДАГИ ШАМЪ

Ҳамма замонда ҳам илм-фан тараққиёти ўз дарғаларининг етуқлик даражаси, салоҳияти ва жамиятда орттирган нуфузи, мартабасига қараб нашъу намо топади. Ўзбек филологияси, шарқшунослиги, манбашунослиги ва матншунослигининг мамлакатимиз мустақиллиги даврида қўлга киритган ютуқларида ҳам фанимиз фидойилари, дарғаларининг биров кўриб-кўрмаган, биров англаб-англамаган таъсирлари борки, буларни зиёлилар унутмаслиги лозим. Ўзбек тилининг мамлакатдаги мавқеини юксалтириш, истеъмол доирасини кенгайтириш, тилшунослик ва адабиётшунослик илмларига жаҳон илм-фани ютуқларини кенг татбиқ қилиш ҳамда миллий тил ва адабиётимизни дунё халқлари орасида қўламли тарғиботини таъминлаш, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган юртимиз ва чет элларда сақланиб келаётган маданий ёдгорликлар, жумладан, илмий ва адабий манбалар – дурдоналарни чуқур тадқиқ қилиш, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилиб, йирик илмий марказнинг вужудга келиши кабилар ана шу ютуқларнинг кўзга яққол ташланиб турган намуналаридир. Уларда фидойи дарғаларнинг хизматлари яхши маълум. Улар илм саройидаги шамъга ўхшайдилар. Шамъсиз саройда нималар борлигинию улар нималарга ярашини кўриш имконсиз бўлур эди. Ана шундай дарғалар орасида филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддиновнинг ҳам борлиги уни яқиндан билганлар кўнглида мамнуният ҳиссини уйғотади.

Мен бу илм фидойиси, дарғаси ҳақида каттароқ ҳажмли рисола ёзсам ҳам бўлар эди. Бунга менда ҳамма имкон бор. Бироқ бу ишни яхши ният билан биров кейинроққа – қирқ-эллик йил ортга қўйдим. Ниятим шу: Шухрат домла яна шунча вақт ижод

қилиб, фаолият олиб борсинлар, ўшанда ҳаммасини тўплаб катгароқ қомус ёзайлик.

Олимнинг ҳар бир асари, амалга оширган ҳар бир иши тўғрисида узоқ ёзиш мумкин. Чунки уларнинг ҳар бири кенг ва чуқур мазмунга эга, катта аҳамият касб этади. Унинг манбашунослик ва матншунослик илми ва таълимига бағишланган асарлари алоҳида мавзу. Бунга илм аҳлига яхши таниш китобларидан биргина мисол келтираман.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва мислсиз бой ижодий фаолияти навоийшуносларнинг ҳар бир авлоди томонидан турли нуқтаи назар ҳамда талқинларда ўрганилиб, тадқиқ қилиниб келади. XXI аср аввалида бу соҳада амалга оширилган энг катта ва эътиборли ишлардан бири Шухрат Сирожиддинов томонидан ёзилган «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографияси бўлди. Асар номиданоқ кўриниб турганидек, улуғ мутафаккирга тааллуқли қарийб олти асрга тенг даврда яратилган илмий ва адабий манбаларни қиёсий-типологик ҳамда текстологик тадқиқ қилиш орқали соҳадаги мавжуд тушунча ва маълумотларга ўзига хос муносабатни шакллантирди.

Монографияда Ш. Сирожиддинов жуда масъулиятли, айна дамда, ҳаётий эҳтиёжлар замирида юзага келган катта масалага қўл урган. Ўтган асрда Навоий ижодини тадқиқ этишдаги ноҳолис ёндашувлар замирида аслида шўроларнинг ғоявий мақсадлари ётганини муаллиф далиллар асосида очиб берган. Ҳақиқатан, мазкур монографияда ёритилган масалалар навоийшунослик илмининг энг муҳим долзарб муаммолари бўлиб, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида Навоий шахсияти, фаолияти ва ижодининг ҳали кўпчилик беҳабар бўлган маълумотларга бойлигини намоён этиши билан ажралиб туради. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашилса, олим ўз олдига қўйган мақсадига эришганини ва белгилаб олган вазифаларни мукамал амалга оширганини эътироф этиш лозим. Бунда муаллифнинг туркий ва форсий тарихий битикларга доир сир-синоатлардан тўла воқифлиги, адабиётшунослик ва матншунослик фанларининг долзарб муаммоларини нозик ҳис қилиши ва уларнинг ечимини замонавий тадқиқ усулларида ишлаб чиқиш салоҳиятига эга экани яққол кўриниб туради.

Китобнинг шу вақтга қадар мазкур йўналишда яратилган илмий тадқиқотлардан фарқланувчи, таъбир жоиз бўлса, афзал жиҳатлари кўп. Ана шундай фазилатларидан бири – унда Навоий ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар асл ҳолатида берилган ва муаллиф фикрлари тўғри эканлигини тасдиқловчи далиллар ҳам келтирилган. Монографиянинг яна бир жиҳати унда Навоий ҳақидаги маълумотларнинг хронологик нуқтаи назардан бир тартибга туширилганлигидир. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятининг йилма-йил синчиклаб ўрганиб чиқилиши, ижодкор ва давлат арбоби сифатида шоир ҳаётига оид маълум фактларнинг санавий изчилликда қўриб чиқилиши китоб билан танишиш жараёнида қулайликлар туғдиради. Қайд этиш лозимки, Навоий ҳақидаги кўплаб янги маълумотлар мазкур монография орқали илмий истеъмолга киришга улгурди. Монографияда навоийшуносликдаги баъзи баҳсли масалаларга муносабат билдирилган ва Навоий яшаган даврдан бошланиб, кейинги асрларда ҳам давом эттирилган ёзма манбалар асосида ҳам илмий, ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилганки, бу монографиянинг илмий қимматини белгилаб берган.

Навоий ижоди шоир яшаган даврдаёқ ўрганила бошланган ва бугунги кунда ҳам фаол давом эттирилмоқда. Ўтган асрларда тазкиранависларнинг турлича талқинлари туфайли Навоий билан боғлиқ тарихий ҳақиқат ва бадиий ҳақиқатни баъзан фарқлаш ҳам қийин бўлиб қолди. Шу боис Навоий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар тасвирида асл ҳақиқатдан маълум даражада узоқлашилдики, бу, айниқса, шўролар даврида одат тусига кириб қолди. Шунинг учун адабиётшунослик илми аҳли, Навоий ижоди билан қизиқувчи китобхонларни асл ҳақиқатдан хабардор қилиш, XV асрнинг иккинчи ярми – XVI аср бошларида яратилган турли кўлёзма манбалар асосида шоирнинг олим, шоир, файласуф, давлат арбоби сифатидаги ҳақиқий қиёфасини тиклаш, қамровга олинган манбаларни қиёсий-типологик ва текстологик таҳлилга тортиш, ҳақиқий ва унга зид фактлар орасидаги фарқларни аниқлаш, уларнинг генезисини аниқлаш ҳамда илмий асосга қўйиш мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади сифатида асарда бошдан-оёқ бўртиб туради. Тинимсиз меҳнат талаб қиладиган бундай комплекс ёндашув ўзбек

манбашунослигида илк маротаба амалга оширилган. Тарихий фактларга бу тарзда ёндашув хийла машаққатли, кўп вақт талаб қиладиган, айни дамда, самарали усул бўлиб, у, бир томондан, монографиянинг илмий-назарий қимматини, иккинчи томондан, тадқиқотчининг илмий салоҳиятини ҳам кўрсатади.

Ш. Сирожиддиновнинг мазкур монографияси олимнинг кўп йиллик ҳолисона кузатишлари маҳсули бўлиб, у қизиқарли фактларга, теран мушоҳада ва фалсафий хулосаларга бой. Айниқса, муаллифнинг Навоийнинг сиёсий арбоб сифатидаги фаолияти, «сурғун қилиниши» билан боғлиқ воқеаларни таҳлил қилиши китобхонда яхши, завқли таассуротлар уйғотади. Бу каби ҳолатлар монографияда кўп. Далилларнинг янгилиги, асл манбаларга суяниш, илмийлик тамойилларининг асар маъзига сингдириб юборилиши монографияни шу йўналишда яратилган бошқа асарлардан фарқлаб туради. Бироқ, тан олиш керакки, бундай кўламда ва бундай яхлитликда Навоийга оид манбалар шу вақтга қадар қиёслаб чиқилмаган эди. Ўзбек адабиётшунослигида, манбашунослик ва матншунослигида бу асар катта бир ютуқ сифатида эътироф этилди, асар Давлат мукофотига муносиб топилди.

Олимнинг мазкур монографияси мустақиллик даврида яратилган катта илмий тадқиқот ишларидан бири ҳисобланади. У олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича олиб борилаётган машғулотлар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қиляётганини, бу билан унинг катта амалий аҳамият касб этаётганини ҳам таъкидлаш лозим.

Биргина мисолдаёқ кўриниб турганидек, Ш. Сирожиддинов – йирик ва зукко олим. Шу билан бирга, у жамият тараққиёти йўлида тинмай хизмат қилиб келаётган салоҳиятли Шахс ҳамдир. Унинг бу йўлдаги фаолиятини тавсифлаб тугатиш мушкул. Бу ҳам алоҳида мавзу. Мен буларга қўшимча қилиб унинг илм аҳлига қадрдон Дўст эканини ҳам таъкидлашни хоҳлардим. Уни олимларнинг ҳаммаси ўз дўсти сифатида ардоқлайди. Бугун ана шу қадрдон Дўст куч ва ғайратга тўлган ёшини нишонлар экан, чексиз эҳтиром ила Ундан таралаётган зиё абадий порлаб туришини тилаб қоламан.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, филология
фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕК НАВОЙИШУНОСЛАРИНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИСИ

Ўзбекистон мустақиллиги кўплаб соҳалар қатори ажодларимиз илмий-маънавий меросини ўрганиш борасида ҳам мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берди. Дунё тамаддуни ривожига муносиб улуш бўлиб қўшиладиган асарлар ярата олган алломаларимизнинг мероси чекловларсиз ўрганила бошланди. Мана шундай машаққатли, хайрли ишга бел боғлаган олимлардан бири, шубҳасиз, Шухрат домла ҳисобланади.

Шухрат Сирожиддинов 1984 йили Тошкент давлат университетининг Шарқ факультетини тугатган. Шарқшунос филолог сифатида шарқ тилларини мукаммал эгаллаган, шарқ адабиётини, айниқса, ўзбек мумтоз адабиётини оиладан яхши билган, ислом адабиёти, хусусан, тасаввуф манбаларини чуқур тушунадиган иқтидорли манбашунос олим.

Мен Шухрат акани 1997 йиллардан биламан. Ўша вақтда Ўзбекистонда биринчи мартаба Олий аттестация комиссияси томонидан 10.01.11 – Адабий манбашунослик ва матншунослик ихтисослиги Олий илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш рўйхатига киритилган. Институт директори академик Азизхон Қаюмов раҳбарлигида ЎзРФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган кенгаш очилган эди. Кенгашда шарқ адабиёти, мумтоз ўзбек адабиёти ва тарихи, матншунослик масалаларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар ҳимоя қилинган. Мана шу вақтда мен институтда илмий котиб бўлиб ишлар эдим.

Шухрат Самариддинович 1998 йил июнь ойида Қўлёзмалар институти ҳузуридаги Ихтисослашган кенгашда «Алишер

Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс манбалари» мавзuidaги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Айнан ҳимояга ҳужжат тайёрлаш жараёнида Шухрат ака билан кўп мулоқотда бўлганман. Азизхон домламиз ўзбек зиёлиларининг илмий ютуқларига жуда қувонар ва ҳар томонлама қувватлар эдилар. Мана шундай ёндашувни Шухрат акага нисбатан ҳам қўллаганлар, ҳимоя билан боғлиқ барчасига ёрдам беришни айтар эдилар.

Докторлик диссертацияси ҳимоясидан сўнг Шухрат Сирожиддинов 1998 – 2003 йилларда «Имом ал-Бухорий» халқаро жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари сифатида фаолият олиб борди. Жамғармада илмий тадқиқот ишлари билан бирга нашр ишларини ҳам олиб борди. Хусусан, «Имом ал-Бухорий сабоқлари» республика маърифий-илмий журнали таҳририяти аъзоси сифатида унинг ишларида иштирок этди. 1999 йили Тошкент ислом университетининг очилиши билан ўзаро илмий ҳамкорлигимиз янада ривожланди. Ш.Сирожиддинов 2003 – 2005 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Фалсафа ва жаҳон маданияти кафедраси профессори, кафедра мудири, 2002 – 2003 йилларда Оксфорд университети Ислом тадқиқотлари маркази илмий ходими, 2005 – 2012 йилларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети биринчи проректори, 2012 – 2014 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, 2014 – 2016 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети проректори ва ректори лавозимларида ишлади. 2016 йилдан ҳозирги вақтгача Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори сифатида фаолият олиб бормоқда. Бу икки олий ўқув юртлари орасидаги ҳамкорлик натижаси ўлароқ олимнинг «Ислом фалсафасига кириш: калом илми», «История религий» дарсликлари чоп этилди. Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий жамоатчилиги, профессор-ўқитувчилар юқоридаги нашрларни яхши қабул қилган.

Ш. Самариддинович раҳбарлик лавозимларида ишласа ҳам, илм билан шуғулланишдан, шогирдлар тарбиялашдан узоқлашмади. У навоийшунослик, манбашунослик, матншунослик, шарқ мумтоз адабиёти, ўзбек мумтоз адабиёти ва тарихига оид

300 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишларни нашр эттирди. Жумладан, у 15 та дарслик ва ўқув қўлланма, 13 та монография, 230 та илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи саналади.

Ш. Сирожиддинов адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида ўз илмий мактабини яратган йирик олимлардан ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида 40 дан зиёд магистрлик, 10 дан ортиқ номзодлик (PhD) ва 5 нафар фан доктори (DSc) илмий даражалари учун ёзилган диссертациялар ҳимоя қилинган.

Олимнинг халқаро нуфузи ҳам таҳсинга сазовор. Ш. Сирожиддинов Озарбайжон Фанлар академияси фахрий доктори, Буюк Британиядаги Оксфорд Ислом тадқиқотлари маркази фахрий аъзоси, Кореядаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро ассоциациясининг ҳамраиси, шу мамлакатдаги Евроосиё туркий тадқиқотлар институти илмий маслаҳатчиси. Шунингдек, Озарбайжондаги «Туркология» ва «Қиёсий адабиётшунослик» журналлари, Кореядаги «The Journal of Eurasian Turkic Studies» журналари, «The World of Central Asia. International Journal of Humanities» халқаро журналларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси, шунингдек, юртимиздаги «Жаҳон адабиёти», «Звезда Востока», «Имом Бухорий сабоқлари», «Филология масалалари», «Ер юзи» «Ёшлик», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналларининг таҳрир ҳайъати аъзоси ҳисобланади.

Ш.Сирожиддинов адабиётшунослик, навоийшунослик, матншуносликка бағишланган кўп сонли тадқиқотлари, айнақса, «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» мавзuidaги йирик монографияси учун Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт соҳасидаги 1-даражали Давлат мукофотига сазовор бўлган. Монография ўзининг илмийлиги, манбаларга таянилган ҳолда қилинган янги таҳлилий маълумотлар ва хулосалари билан кенг илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган.

Шухрат ака жамоат ишларида ҳам жуда фаол. Хизмат вази-фалари кўп бўлишига қарамай, республикамиз ташкилотлари, олий ўқув юртларига тез-тез бориб, маънавиятимиз, маданиятимиз, буюк алломаларимиз ва уларнинг бой илмий мероси ҳақида жуда қизиқарли маърузалар қилади ва суҳбатлар ўт-

казади. Олимни биз Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ўтказилган навоийхонлик, бобурхонлик каби маданий-маърифий тадбирларимизга таклиф этганмиз, у киши мамнуният билан қабул қилиб, маърузалар ўқиб, бу тадбирларга Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг иқтидорли талабаларини ҳам олиб келган. Фаолияти жўшқин олим Ўзбекистон Республикаси Атамашунослик комиссияси раис ўринбосари, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг эксперти, Республика маънавият ва маърифат кенгаши аъзоси, филология фанлари бўйича докторлик илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш раиси, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги докторлик илмий даражасини бериш бўйича кенгашлар аъзоси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув адабиётларини мувофиқлаштирувчи кенгашининг «Ўзбек тили ва адабиёти» ўқув-услубий бирлашмаси раиси.

Профессор Шухрат Самариддинович Сирожиддинов муборак ёшини қаршилаётган экан, у кишига мустаҳкам соғлиқ, халқимиз, юртимиз ривожига хизмат қиладиган умри боқий илмий асарлар яратишида куч-қувват, оилавий бахт, шогирдлар камолини кўришини тилаб қоламиз.

МЕҲРИБОНЛИК ЁХУД ДАРҒАЛАР ЗИКРИ

Қайси бир йили замонамиз алломаларидан бири Нажмиддин Комилов хайрихоҳлиги ва сўзбошиси билан «Тасаввуф алломалари» китобим нашр этилди. Негадир шу асарнинг олий ўқув юртлари талабалари орасида кенг тарқалишини жуда-жуда хоҳлардим. Ана шу истак билан китобдан бир нусха олиб Жаҳон тиллари университетига бордим. Олий даргоҳ проректори Шухрат Сирождидинов мени самимият билан кутиб олдилар ва китобни мажмуадан пул ўтказиш йўли билан катта миқдорда университетга харид қилишни ташкил этдилар. Мен бу меҳрибончилик олдида ҳайрат бармоғини таажжуб дандони билан тишлаб қолдим. Шу-шу бу нуктафаҳм, закий манбашунос, матндон олимнинг мақолаларию китобларини «қувиб юриб» мутолаа қиладиган, файз топадиган бўлдим.

Шу ораликда «Илм ва тахайюл сарҳадлари»ни (2011) ўқиш бахтига муяссар бўлгандим. Биринчи сарчашмалар, фундаментал тадқиқотлар асосида битилган бу китоб менда яхши таассурот қолдирди. Зеро, мазкур илмий рисолада, бир томондан, Араб ва Ажам, Хуросону Мовароуннаҳр минтақаларида сўфизмнинг пайдо бўлиши, турли тасаввуф оқимлари, уларнинг назарий ва амалий таълимотларининг туб моҳияти, ўзаро тафовутлари VII асрдан XII асргача изчил, лўнда тарзда, ҳаммафаҳм шаклда баён этилган. Айни пайтда, турли ўринларда муайян алломанинг илм-фан, тасаввуф назарияси ривожига қўшган ҳиссалари алоҳида асарларнинг теран таҳлили ва талқини орқали кўрсатилган. Муаллифнинг илмий хулосалари аниқ манбаларга суянганлиги учун ишонарли ва ибратлидир.

Иккинчи томондан эса мусанниф Шарқнинг Имом Мотуридий, Ибн ал-Арабий, Шаҳобиддин Сухравардий, Шайх Аҳмад Сирҳиндий, Сўфи Оллоёр сингари исломий аҳкомлар донишмандлари, тасаввуф дарғаларининг ҳаёти, фаолияти ва маъна-

вий меросларини батафсил, нисбатан тугал ёритишга ҳаракат қилган. Ҳар бир алломанинг илмий ёки бадиий ижоди хусусида тадрижан мулоҳаза юритишга интилар экан муаллиф ўша адибнинг юксак назарий, амалий моҳиятга эга бўлган, ҳатто мадрасаларда ўқитилган асарлари таҳлилига жиддий эътибор берган. Шунинг учун китобхон ўша маънавиятимиз дарғасининг юртимиз илм-фани тараққиётидаги ўрни, мавқеи ҳақида мукамал таассуротга эга бўлади. Хусусан, Хожа Аҳрор Валийнинг Ҳиндистондаги издошлари ҳақидаги маълумотлар, Сўфи Оллоёр рисоаларининг тугал таҳлиллари менда катта таассурот қолдирди. Ўзимга тоза далилларни юқтирдим.

Хулоса қилиб айтганда, асарни мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи илм эгаллайди. Калом илми, тасаввуф назариясининг айрим жиҳатлари хусусида янгиликларга соҳиб бўлади, оламжаҳон адабий-эстетик завқ олади, охириги саҳифаларни зўр қониқиш ва миннатдорчилик билан ёпади.

Мажмуа охирида араб, инглиз, рус, ўзбек ва бошқа тиллардаги манбалар, тадқиқот ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг берилганлиги айни муддао бўлган. Зеро, соҳа ходимлари, хусусан, ёш илм-фан фидойилари уларни топиб фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Биз ҳозиргача яратилган шу тизимдаги китобларда бу хусусиятни учратмадик. Рисоланинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ҳам шундадир. Асар ислом тарихи, илми калом, тасаввуф назарияси, турли сўфистик оқимларга қизиқувчиларга ҳам кўп маълумотларни инъом этади.

2016 йили Республикамиз Президенти фармонида кўра Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Филология, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетлари негизида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил қилинди. Танлов ҳайъати педагогика университетида ишлаётган каминани «кекса нафақахўр» сифатида янги университетга ўтказишмади. Аммо муайян муддат ўтгач ректор, профессор Ш. Сирожиддинов шахсан даъват этиб «Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси» кафедрасига ишга қабул қилдилар. Натижада ана шу меҳрибонлик ша-рофати билан ушбу университетда ишлаётган тўрт шогирдим

қуршовида ишлаб келмоқдаман. Университетнинг илмий салоҳияти, моддий базаси йил сайин ошиб, мартабаси ўсиб бормоқда. Мен муҳтарам ректоримиз Ш. Сирожиддиновга бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар, фидойиликларида омадлар ёр бўлсин дейман. Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

УМР МАЗМУНИ ВА ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

Яқин дўст-биродаримиз, устоз олим ва фаол жамоат ар-боби Шухрат Самариддинович Сирожиддинов ўз ҳаётининг олтмишинчи баҳорини қарши оляпти. Борди-ю «бу яхши ҳолатми ёки...» қабилидаги савол кўндаланг қўйилса, масала ҳар биримизнинг муносабатимизга кўра турлича ечим топиши аниқ. Бизнингча, ҳаётда мавжуд бўлмоқликнинг муҳим шарти ҳаракатланмоқ ва ўзгармоқ экан, Ш.Сирожиддиновнинг ортда қолаётган, қайрилиб қараб сарҳисоб қилинса, зинҳор хижолат бўлинмайдиган сермазмун умри ва истиқболдаги мўлжаллари ҳам у туғилиб камолга етган муҳит, у босиб ўтган машаққатли, аммо ғоят шарафли йўл, хатти-ҳаракати туфайли юзага келган маънавий бойликларга қараб белгиланмоғи лозим...

Агар хотирам панд бермаса, 1988 – 1989 йилларда ёш олимнинг «Навоий: Тарихнавислик. Адабиётшунослик» ва «XV – XVI асрлардаги форс-тожик ёзма манбалари ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳақида» номли мўъжаз тадқиқотлари ўша давр илмий удумларига кўра рус тилида босилган эди. Тадқиқотчи илк кузатишларидаёқ ўзининг илмий-назарий йўналиши, ҳаёт ва ҳаракат йўлини аниқ белгилаб олди. Шарқ халқлари тарихи, фалсафаси, мислсиз бой адабий-маданий меросини матншунослик ва манбашунослик негизида ўрганишга бел боғлади. Бу иш осон кечмаслигини яхши англагани учун Табарий, Наршахий, Байҳақий, Жувайний, Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий сингари олим ва мутафаккирлар яратиб қолдирган дурдоналарни дақиқлик билан ўрганишга киришди. Жумладан, муаррих Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи») тарихий асарига Навоийнинг муносабати масаласига диққат қаратди. Бу бежиз бўлмай, Мирхонднинг набираси Хон-

дамир «Хулосат ул-ахбор»да баён қилишича, ҳазрат Навоий Мирхондга жуда катта моддий ва маънавий ёрдам кўрсатган, «Ихлосия» хонақосидан бир ҳужра ажратиб, ундан дунё яратилишидан бошлаб тоҳирийлар давригача, ундан то Амир Темурнинг давлат тепасига келишига қадар бўлган давр – Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг баён этилган бир тарихий асар ёзиб беришни илтимос қилган эди.

Таъкидлаш ўринлики, Ш. Сирожиддинов бу мақолани ёзиш учун Санкт-Петербург ва Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёмалари институтида сақланаётган нодир қўлёмаларни синчиклаб кўздан кечирди. «Равзат ус-сафо»нинг рангин ва жозибали тили, содда ва равон услубидан ташқари жуда кўп ибратли, таъсирли воқеаларни қамраб олиши тадқиқотчи эътиборини жалб қилди. Китоб мутолааси ўз-ўзидан унинг фикрини Ҳирот адабий муҳити, Навоийнинг бу мажлисда эътибор топиши ҳамда эътироф этилиши сабаблари сари етаклади. Манбаларни ўрганишга чанқоқлик эса унинг диққатини Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Равзат ус-сафойи Носирий» асарига жалб қилди. Зотан, уч жилдлик тарихда Мирхонднинг баён услуби сақланган, сафавийлар давридан тортиб афшарлар, зандлар ва қожорлар сулоласи даврида Эрон, Хуросон ва қисман Мовароуннаҳрда юз берган воқеалар қамраб олинган эди. Тадқиқотчи «Равзат ус-сафо» таржимасига қўл урган машҳур шоир ва тарихчилар Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммад Ризо Огаҳий даври маданияти, Хоразм таржимашунослик мактабининг миллат маънавиятини жаҳоний миқёсларга кенгайтиришдаги аҳамиятини назардан соқит қилмади. Кейинчалик Оксфорд университетига илмий сафари чоғида машҳур Бодлеан кутубхонаси, Британия музейи ва Оксфорд университети Шарқшунослик институти Қўлёмалар фондидаги Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари билан боғлиқ қўлёмаларни ҳам синчковлик билан ўрганди. Бундай кенг кўламли кузатишлардан сўнггина олим Навоийнинг ижтимоий келиб чиқиши, ўз даври адабий-маданий ҳаёти, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ўрни, замондошлари Маждиддин ва Султон Ҳусайн билан муносабатлари, расмий вазифалари, илм-фанга ҳомийлик қи-

лиши, Хирот адабий муҳтидаги роли, Астрободга юборилиши ёхуд истеъфога чиқиши эҳтиёж ва тарихий зарурат экани каби ўнлаб масалаларга илмий холис муносабат билдирди.

Нақшбандийлик тариқатининг моҳиятини тарихий жараён билан узвий алоқадорликда тадқиқ этди. Унинг руҳ қуши Шоҳ Нақшбанд ва Қасри Орифон сари парвоз қилди. Руҳий тарбия устодлари Шайх Самосий ва Амир Кулол даргоҳларини зиёрат қилиб, ислом арконларига юксалди. Қуръони карим, ҳадиси шариф, суннати Муҳаммадияни хатм қилди. Нақшбандийликда суфийнинг сокин қалби Оллоҳ билан, жисми банда билан экани, муътадиллик каби фазилатлардан зикрда, фикрда, бандаликда, ихлосда, бошқаларни ўзидан устун қўйишда ва ўзини инкор қилишда бардавом бўлган Алишер Навоийнинг дунёқарашини англашга интилди. Натижада тасаввуф фалсафаси асрорини ўрганиш севимли машғулотига айланди. Шу тариқа «Ислом фалсафасига кириш: калом илми» ўқув қўлланмаси юзага келди. Мазкур ўқув қўлланмада ислом фалсафаси шаклланишига замин яратган илоҳиётшуносликнинг тараққиёт жараёни, дастлабки фалсафий мушоҳадалар пайдо бўлиши, калом, фалсафа ҳамда тасаввуф таълимотининг тарихи ва назарий масалалари очиб берилди. Китоб бугунги кунда Калом (кенг маънода Шарқ) фалсафаси моҳиятини тушуниш ва ўрганиш, айниқса, ўзбек мутафаккирлари фалсафий-диний қарашларини тўғри англашда ўзига хос очкич бўлиб хизмат қилмоқда. Муҳими, муаллиф қўлланмада ислом тасаввуфи шаклланишидан тортиб Калом ва фалсафа, Калом ва тасаввуф масалаларигача, шунингдек, Ашъария, Мотуридия, Ибн ал-Арабия таълимотларию Шаҳобиддин Сухравардий ва унинг Ишроқ фалсафасигача тўла қамраб олиш, зарур ўринларда тегишли изоҳлар билан таъминлаш йўлидан борди. Шунинг учун ҳам, бемалол айтиш мумкинки, қўлланмада исломдаги турли йўналиш ва оқимларнинг пайдо бўлиш сабаблари, мазмун-моҳияти холис ўрганилди.

Адабиётшунос, матншунос ва манбашунос олимнинг ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқотчилари ва шеърят ихлосмандларига мўлжалланган «Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари» номли монографияси мумтоз адабиётга ўзига хос

кириш вазифасини ўтайди. Чунки монографиянинг биринчи қисмида ўзбек мумтоз адабиёти озиқланган қадимий таълимотлар: Веда адабиётларида ҳақиқат мавзуси, Упанишадлар, Таврот адабиётларида пайғамбарлар тарихи, христианликда илоҳий ишқ ғояси батафсил ёритилган. Асар иккинчи қисмида ўзбек мумтоз адабиётининг исломий сарчашмалари, Калом илмининг пайдо бўлиши, турли ғоялар пўртанасида унга бўлган муносабатлар турланиб-тусланиб туриши, тасаввуф мактаблари, «вахдат ул-вужуд» таълимоти, ишроқ фалсафаси каби кенг қўламли масалалар таҳлил қилинган. Ушбу монографиянинг илмий-назарий ва амалий қиммати ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини қандай таҳлил этиш, тушуниш, муаллиф ғоявий позициясини аниқлаш йўл-йўриқлари ҳамда диний-фалсафий таълимотлар моҳияти баён қилингани билан белгиланади.

Ш. Сирожиддиновнинг даҳо шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига қизиқиши, бу борадаги узоқ йиллик кузатишлари «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографиясида умумлаштирилди. Монографияда Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти манбалар асосида қайта ўрганиб чиқиларкан, мавжуд талқинлар таҳлил қилинди. Бу мутлақо бежиз бўлмай, тобора илгарилаб бораётган ижтимоий-маданий тараққиёт тақозоси, замондошимизнинг мустақиллик даври эркин-плюралистик тафаккур тарзига таяниб тарихий сиймоларга эҳтиромли ёндашуви негизида етиб келган ғоявий-эстетик тўхтамлари асосидаги янгича қарашлар эди.

Дарҳақиқат, монография қимматли манбаларнинг қиёсий-типологик ва текстологик таҳлили асосида битилди. Унга Абдулазим Шаърий, Абдулвосеъ Низомий, Абдуллоҳ Кобулий, Абдуллоҳ Марворид, Абдуллоҳ Хожа Мухторхўжа Абдий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Абдулматлаб Фахмий, Абдулғафур Лорий, Абдураззоқ Самарқандий, Абдурахмон Жомий, Кошифий, ал-Қазвиний, Восифий, Дарвишали Чангий, Малехо Самарқандий ва бошқа 83 нафар муаллиф қаламига мансуб қўлёзма ва араб имлосида нашр этилган манбалар; ҳозирги имлода нашр қилинган 28 та алоҳида нашрлар; 18 та тўплам, 195 та тадқиқот ва мақолаларнинг жалб этилиши фикримизни тўла тасдиқлайди.

Бу манбалар Низомиддин Мир Алишер Навоий шахсияти-ни феноменал ҳодиса – нафақат ўзбек халқи, балки бутун турк оламининг буюк шоири, мутафаккири, жаҳон бадий тафаккури тарихида ўз ўрни ва мақомига эга ижодкор сифатида олиб қараш имконини берди. Монографияда Навоий асарларида инсон маънавий-ахлоқий камолоти ғояси етакчилик қилиши; шоир фалсафасининг асосини одамийлик, бағрикенглик, эзгулик ташкил этиши мисоллар воситасида далилланди. XV асрнинг олиму фузалоси, илм-фани, маданият ва маорифи улуғ меценати экани бунёдкорлик ва хайрия ишлари: моддий маблағларини таълим муассасалари, кутубхона ва хонақоҳлар, мактаб ва мадрасалар қуриш, мусофирхоналар ва дарвишлар, қаландарлар, камбағал муҳтожлар, етим-есирлар эҳтиёжини қондиришга сарфлаши мисолида кўрсатилди. Дарҳақиқат, Алишер Навоий ўз ҳаётини тўлалигича мамлакат қудрати ва равнақи, форсий заминда туркий тил ҳамда адабиёт ва санъат ривожини, халқ тинч-тотувлигини, сарҳадлар мустақкамлигини таъминлашга бағишлаган улуғ инсон – Султон Ҳусайн давлатининг мустақкам таянчи, дину давлатнинг низоми эди.

Монография муқаддимасида Алишер Навоий феномени масаласи ёритилгач, навоийшуносликнинг узоқ ва яқин ўтмиши, хусусан, мафкуралар тўқнашуви давридаги ҳолати, алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланиши, муаммонинг қўйилиши, ишнинг мақсад ва вазифалари, таркибий тузилиши аниқ белгилаб олинган.

Илк бобда шоирнинг ёшлик йиллари, оиласи, болалиги, йигитлик даври, Навоий ва Абусаид Мирзо муносабатларига ойдинлик киритилган. Ёш Алишернинг Самарқандда таҳсил олиш сабаблари ва атрофини қуршаган олиму фузалолар ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг балоғат даври, яъни саройга жалб қилиниши, хулқ-атвори, хайрия амаллари, мол-мулкнинг қай йўсинда истеъфода этилиши, устозлари ва яқин суҳбатдошлари, ниҳоят вафоти ҳамда у ҳақдаги ривоят ва таърихлар шарҳи берилган.

Монографиянинг иккинчи бобида Навоийнинг давлат хизматидаги фаолияти, хусусан, Султон Ҳусайн билан дўстлиги, муҳрдорлик ва амирлик лавозимларига тайинланиши, икки

марта истеъфога чиқишию мамлакат чегараларини мустаҳкамлаш мақсадида Астрободга жўнатилиши билан боғлиқ тарихий воқеаларга аниқлик киритилган.

Учинчи бобда Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн, шунингдек, вазирлар Маждиддин Муҳаммад ва Низомулмулк муносабатларидаги айрим зиддият ва илиқлашув даврлари батафсил ёритилган. Навоий умрининг интиҳоси ва улуғ шоирнинг Хожа Абдуллоҳ Ансорий остонасининг жорибкаши (супурувчиси) бўлишни истаб қилган сўнги илтимосининг қондирилиши ҳақидаги ёрлиқ-фармон матни Навоий замондоши Абдуллоҳ Марвориднинг хатлар тўпламидан топиб келтирилган.

Монографиянинг илмий қиммати ва амалий аҳамиятини белгиловчи қуйидаги жиҳатларни алоҳида таъкидлаш лозим:

Биринчидан, монографияда Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид барча маълумотлар илк манбаларга таянган ҳолда санавий изчилликни бузмасдан қайта кўздан кечирилиб, қиёсий, типологик-текстологик таҳлиллар асосида берилган. Турлича талқинлар ўртасидаги тафовутлар бартараф қилинган.

Иккинчидан, Навоий шахсияти билан боғлиқ талқинлар қуйидагича тасниф қилинган:

1. Улуғ шоирга асрдош ва замондош бўлган Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Мирхонд, Муъиниддин Исфизорий, Хондамир, Абдулғафур Лорий, Абулвосеъ Низомий, Али Сафий, Фахрий Ҳиротий, Зайниддин Восифий каби мутафаккирларнинг қарашлари берилган. Эътиборли жиҳати шундаки, монография муаллифи Хондамир қаламига мансуб «Равзат ус-сафо»нинг VII жилди, «Хулосат ул-ахбор», «Ҳабиб ус-сияр» тарихий асарлари, «Макорим ул-ахлоқ» хотира-ёдномаси, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлайи саъдайн» сингари қимматли манбаларида ҳам санавий аниқлик ва мантиқий изчиллик етишмаслигини тўғри асослаб берган. Услубий ўзига хосликларга диққат қаратиб, тарқоқ материалларни ягона махражга келтирган. XVI асрнинг 1-ярмида ижод этган Мирзо Ҳайдар Дўғлот, Ҳакимшоҳ Қазвиний, Сом мирзо Сафавий асарларида учровчи айрим тўқима тафсилотларнинг юзага келиш сабабларини тўғри ва холис изоҳлашга эришган.

2. Таснифотда XVI аср II ярмидан бошлаб Навоий ҳаёти ва фаолиятини ёритишида иккиламчи талқин услуби яққол кўзга ташланишига диққат қаратилган ва унинг қуйидаги кўринишлари ажратиб кўрсатилган:

а) Дарвишали Чангий, Маҳмуд бин Вали, Фаҳмий, Шарифжон Садр Зиё, Мирсиддиқ Ҳашмат, Муҳаммад Мазҳар Сабо ва бошқалар илмий-адабий меросида илк ёки иккиламчи маълумотларнинг биридан айнан кўчириш ҳоллари учрайди;

б) Абдулмўминхон, Баҳтовархон, Муҳаммад Юсуф Мунший, Абдуллоҳ Кобулий, Муҳаммад Абдулмажидхон, Ҳасанхожа Нисорий, Сом Мирзо, Шерхон Лудий, Ғаффорий, Муфтий Балхий, Фаҳмий сингари алломалар турли даврларга тааллуқли икки ва ундан ортиқ манбалардаги маълумотларни қўшиб ишлатишган;

в) Абдулмўминхон, Абдуллоҳ Кобулий, Хусайнқулихон Азимободий, Волайи Доғистоний, Дарвишали Чангий, Хокий Шерозий, Муҳаммад Мазҳар Сабо асарларида илк ва иккиламчи манбалардаги маълумотлар ўзгартирилган.

Монографияда юқоридаги каби аралаш талқин услуби кенг расм бўлган XVI асрнинг II ярми ва XIX асрга оид манбаларда Навоий шахсиятига ёндашувнинг қуйидаги кўринишларда учраши кўрсатилган:

а) «Нигористони Ғаффорий», «Зийнат ул-мажолис», «Музаққири аҳбоб», «Мажмаъ ул-ғаройиб» каби манбаларда китобнинг ўқишлилигини ошириш учун Алишер Навоийнинг машҳурлигидан фойдаланилган;

б) XVI асрнинг II ярми ва XIX асрга оид таърих тўпламларида ва «Ҳафт иқлим», «Осори аҷам», «Оташқада», «Гулзори аброр» типидagi айрим тазкираларда ғайриихтиёрий тарзда Навоий шахсиятига мурожаат этилган;

в) «Баҳр ул-асрор», «Тазкираи Муқимхоний», «Миръот ул-олам», «Миръот ул-хаёл», «Нигористони сухан», «Наштари ишқ» каби Фаҳмий ва Ҳашмат тазкираларида бу ҳол анъана тусини олган;

г) «Том ут-таворих», «Мунтахаб ут-таворих» (Хокий), «Риёз уш-шуаро», «Рўзи равшан» асарларида эса онгли равишда Навоий шахсиятига мурожаат қилинган.

Юқоридаги беҳад кўламли кузатиш ва қиёслаш ҳамда матний таҳлиллардан сўнггина муаллифларга маълум бўлган маълумот ва тасаввурлар иккиламчи талқинлар шаклланишига сезиларли импульс берган. Афсуски, айна ҳоллар XV асрнинг II ярми ва XVI аср бошида Алишер Навоий ҳақида билдирилган холис фикр-қараш ва асосли маълумотларнинг XX асрга келиб анча ўзгаришларга учрашига олиб келган деган салмоқли илмий-назарий хулоса чиқаради олим.

Албатта, монография муаллифи кейинги давр муаллифлари ўз асарларида берилаётган маълумотларни йўқ жойдан олишмагани, келтирилган ҳар бир маълумотда илгари учраган ахборотларнинг муайян тарздаги вариантларини эслатувчи жиҳатлар мавжудлигини назардан соқит қилмаган. Зотан, баъзи асарларда халқ орасида машҳур оғзаки нақлларга тўғридан-тўғри Навоий образини киритиш ҳолатлари учрайди. Тазкира ёки тўпламларда машҳур кишилар ҳаётига доир маълумотлар етарли бўлмаган ҳолларда оғзаки нақллар эзгулик тимсоли ва адолат рамзи бўлмиш Навоий билан жуда кўп ришталар орқали боғлиқ бўлган инсонлар ҳақида ҳам тўхталиш имконини берган эди.

Кўринадики, Ш. Сирожиддинов буюк шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг чин маънодаги ишончли таржимаи ҳолини яратиш жараёнида ишончли асосларга таянган. Ҳатто жузъий тафсилот ва маълумотишораларни ҳам эътибордан соқит қилмай, шоир ҳаётининг мавҳум жиҳатларини очишга хизмат қилдира олган. Навоий ва унинг замондошлари, издошлари асарларидаги қайдларни диққат билан кузатган, ўзаро чоғиштирган ва ғазал мулкининг султони таржимаи ҳолини янги тафсилотлар билан бойитган. Навоийшуносликнинг кейинги тараққиёти учун зарур тавсияларни тақдим этишга эришган. Монографияга илк манбалардаги Алишер Навоий ҳаётига оид маълумотлар, шунингдек, XV аср зиёлилари Навоий мадҳида битган асарлар ҳамда улуғ шоир девонлари, дostonлари дебочаси, «Мажолис ун-нафоис», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Вақфия», «Муншаот», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» илмий-адабий асарларидаги айрим воқеалар баёни асносида

келтирилган ўзи ҳақидаги маълумотлар илова қилиниши унинг қимматини янада оширган.

Маълумки, «Навоийшунослик» дарслиги (Ш. Сирожиддинов, Д. Юсупова, О. Давлатов)да наинки Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳамда асарлари поэтикаси билан боғлиқ энг муҳим маълумотлар қамраб олинди, балки буюк мутафаккир ижодига доир янги талқинлар ҳам берилди. Хусусан, Навоий ижодининг ўрганилиши ва унинг ҳаётига доир муҳим маълумотлар, илк девонлари, хамсачилик анъаналари ва Навоий «Хамса»сига кирган дostonлару илмий мероси ва диний-тасаввуфий, маърифий ҳамда таълимий асарларидан тортиб ёдномаларигача қамраб олинган. Шунингдек, улуғ шоир туркий ва форсийда битган кўламдор шеъриятнинг жанрлар поэтикаси, «Хамса»нинг вазн хусусиятлари, шоирнинг бадий санъатлар қўллаш маҳорати, Навоий ижодида қофия тизими каби масалалар ёритилиши жиҳатидан ҳам мазкур дарслик навоийшуносликда қўлга киритилган энг сўнгги ютуқларни ўзида мужассамлаштирган қимматли манба вазифасини ўтайди.

Адабиётшунос олимнинг «Матншунослик сабоқлари» қўлланмаси ўзида қўлёзма манбаларни тавсиф ва тасниф қилиш, улар билан ишлашда матншунослик тамойилларидан келиб чиқиб ёндашиш ва матн тузишнинг асосий принциплари, шакллари ҳамда услубий йўл-йўриқлари ҳақидаги маълумотларни жамлайди. Демак, бу асар матншуносликка доир назарий масалалар билан бир қаторда амалий матншунослик (матнчилик) соҳаси учун ҳам қимматли қўлланма вазифасини ўтайди.

Танишганимиздай, ўттиз етти йиллик меҳнат фаолиятининг ўттиз уч йили илмий изланишларга бағишланди. Кичик тезис ва мақолалардан тортиб салмоқли монография ва дарслиklar, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар сифатида ўз ўқувчиси билан юзлашди. Бакалаврият ва магистратура босқичи талабаларидан тортиб таянч докторант ва докторантларгача, кенг маънода мумтоз адабиёт, айниқса, Алишер Навоий ижодининг ихлосмандларигача бўлган катта аудитория учун муҳим йўл-йўриқ ва дастуриламал вазифасини ўтади ва бу жараён кўп йиллар бардавом бўлиши шубҳасиз.

Албатта, бу заҳматли изланишларнинг пировард натижаси бўлган 300 га яқин илмий ва ўқув-услубий ишлар, жумладан, 7 та монография, 5 та рисола, 3 та ўқув қўлланма, 190 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар Ш. Сирожиддинов номи ни адабиётшунос, манбашунос ва матншунос олим сифатида наинки республика ва Марказий Осиё минтақалари, балки жаҳонга ҳам танитди. У ўзининг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» мавзуидаги йирик фундаментал асари учун 2013 йили Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт соҳасида 1-даражали Давлат мукофоти совриндори бўлди. Ўзбек адабиётини жаҳон илғор илмий услублари асосида ўрганиш, мустақиллик мафкураси ва миллий ғоя негизида янгидан таҳлил қилиш ҳамда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш бўйича давлатимиз олиб бораётган адабий-мафкуравий сиёсат фаол тарғиботчиси сифатида илмий жамоатчиликка танилди.

Ш. Сирожиддинов ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, талабалар, магистрантлар ва докторантлар билан индивидуал ишлашга катта аҳамият бериб келмоқда. Айниқса, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва ўзини ўзи бошқариши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасидаги фаолияти таҳсинга лойиқдир. Илмий-педагогик жамоа Ш. Сирожиддинов қиёфасида ўқув, ўқув-методик, илмий ва амалий соҳалар моддий-техник таъминотини замон талаблари даражасига кўтариш, таълим сифатини ошириш, маънавий муҳитни соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келаётган ташкилотчи раҳбар ҳамда жонкуяр ҳамкасбини кўриб беҳад қувонади. Бу эса бажарилаётган ишга меҳр-муҳаббатни уйғотибгина қолмай, касбий фаолиятдан мамнунлик ҳиссини ҳам янада юксалтиради.

Университет ректори, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддинов Ўзбекистон ва Туркия, шунингдек, туркий тилли давлатлар илм-фан тармоқлари ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ўқув, илмий ва маданий-маърифий алоқаларни тиклаш ва янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, унинг ташаббуси билан Туркиянинг бир неча университетлари, хусусан, Истанбул Маданият,

Мармара, Афён, Ушак, Хожа Байрам, Қарабук, Ниде, Бандирма, Ибн Халдун университетлари, Турк Дил Қуруми, Турк адабиёти вақфи, Турк дунёси тадқиқотлари вақфи, Озарбайжон Республикаси Фанлар академияси Адабиёт институти, Фузулий номидаги қўлёзмалар институти, Боку давлат университети, Ганжавий номидаги Нахичеван давлат университети, Татаристоннинг Қозон федерал университети, Татаристон ва Бошқирдистон Фанлар академияси, Қозоғистоннинг Николай Гумилев номидаги Евроосиё миллий гуманитар университети, Форобий номидаги Қозоғистон давлат университети билан, Россиянинг Москва давлат университети, Тюмен университети ва бошқа олийгоҳларнинг туркология бўлимлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш жамоа раҳбаридан ҳазилакам меҳнат, илмий-ижодий изланиш, ташаббускорлик ва фидокорликни талаб қилмаганини тасаввур қилиш мушкул эмас. Бу ишларнинг барчаси шундоқ кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Жумладан, туркий тилли халқларнинг тили, адабиёти ва маданиятини тарғиб этиш мақсадида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида унинг ташаббуси билан 2018 йилда «Ўзбек тили ва халқаро туркология муаммолари» мавзуида иккита, шунингдек, «Алишер Навоий ва XXI аср» мавзуида иккита халқаро анжуманлар юқори савияда, жаҳон стандартлари асосида ўтказилганлиги фикримизни далиллайди...

Ҳа, ҳаётнинг барча тур ва шакллари ичида инсон ҳаёти каби миллийлик, умуминсонийлик, ирода, имон, эътиқод, бурч, виждон, генетик код, руҳият («индивидуал мен»), онг, онгсизлик (ғайришуурий илғам), фаҳм, фаросат, тафаккур, ҳис-туйғу, тасаввур ва тахайюл кенгликлари билан ўлчанувчи ўзга мураккаб шакл мавжуд эмас. Навоий: «Борчадин инсонни шариф айладинг», – дея мислсиз ҳайрат туйганидек, фақат инсонгина наинки фано ва бақо, балки лаҳзанинг қадри ҳақида ўйлайди, ҳар нафасга оҳорли бир мазмун юклаш, уни эъзозлашга интилади. Ўз ҳаётини тажриба ва мантиқий тўхтамларини ибрат олмоқликлари учун келажак наслларга илинади. Шубҳасиз, инсон қайтарилмас ҳаёт унга имконият учун берилгани ва ўзи уни қандай кечирганига кўра кадр-қиммат топиши – ажру мукофотга сазовор эканини яхши англайди. Ҳаётини ўзганики-

га ўхшамас бир тарзда ўтказишга интилади. Аммо инсон ўзи яшаётган макон обод, замон тинч, халқ фаровон, адолат барқарор, ҳақиқат устувор бўлмас, маданият ва маърифат, адабиёт ва санъат юксалмас, қадриятлар қадр топмас экан, ўз ҳаётини мазмунли ўтди деб ҳисоблай олмайди. Кўнгли тўқ бўлмас экан, руҳи ҳам хотиржам бўлмайди.

Мақолада биз сўз юритган ардоқли инсон ҳам ўз умрининг мазмунини одам ва оламга таъсир кўрсатиш – англаш ва англашиш, даъват этиш ҳамда ибрат бўлишга интилиш билан зийнатлаб келмоқда. У бутун жисмоний ва руҳий қуввати, интеллектуал салоҳияти, қурб ҳамда имкониятларини шу ҳаётий мазмунни янада бойитишга йўналтирган. Шубҳасиз, бу мукаррам саодат ўзининг масъуллик туйғуси, инсонлик шарафини чуқур англаган, ҳаёт мазмуни, тириклик моҳиятини теран идрок этган кишиларгагина насиб қилади...

Эркин МУСУРМАНОВ,
филология фанлари доктори

АКАДЕМИК БОТУРХОН ВАЛИХЎЖАЕВГА МУНОСИБ ВОРИС

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида академик, адабиётшунос олим Ботурхон Валихўжаев Шухрат ака Сирожиддинов билан менинг умумий устозимиз бўлганлар. Ҳаётда камтарин, дилкаш инсон бўлган устоз керак бўлганида шогирдларига қаттиққўл мураббийга айланар эдилар. Домланинг асосий талабларидан бири ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқотчиси албатта араб имлосидаги кўхна қўлёзма манбаларни бемалол ўқий олиши бўлса, иккинчиси мумтоз форс-араб тилларини билиши эди. Бу жиҳатдан устоз талабларига мумтоз адабиёт ва ислом шарқшунослигини бирдек эгаллаган ёш олим Шухрат Сирожиддинов ҳар жиҳатдан муносиб бўлди, Ботурхон Валихўжаев раҳбарлигида ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари устида тадқиқотлар олиб борди. Олимнинг, айниқса, Алишер Навоий ҳаётининг айрим муаммоли нуқталарини форс тилидаги кўплаб қадимги қўлёзма манбалар асосида ўрганиб, уларни бартараф этганлиги унинг тез орада илмий жамоатчиликка танилишига сабаб бўлди.

Кейинчалик шу изланишлар таъсирида филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддиновнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» номли монографияси Алишер Навоий ҳаётини ўрганишда туб сифат бурилиши ясаган илмий янгилик сифатида майдонга келди. Келтирилган ҳар бир маълумот фақатгина асл ва илк манбалар асосида бўлсагина чин маънода илмий қийматга эга бўлади. Мазкур тадқиқотнинг илмий аҳамиятини белгиловчи муҳим фазилати унинг улуғ адиб Алишер Навоий ҳаётига муносабатда ҳалол илмий мезон асосига қурилган, бирламчи манбаларга суянилгани ҳолда янгича ёндашув билан ёзилган-

лигида, мустақил давлатимизнинг миллий мафкураси руҳи ишнинг бошидан то сўнгига қадар ҳукмрон бўлганлигида. Хусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Хусайн Кошифий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Давлатшоҳ Самарқандий, Атоуллоҳ Хусайний, Бобур, Муҳаммад Ҳайдар каби йигирмадан ортиқ зиёлининг саксон уч қўлёзма асариг тадқиқот доирасига тортилган.

2012 йили Шуҳрат Сирожиддинов Самарқанд давлат чет тиллар институтига ректор бўлиб келди. Ўша вақтда зарурат туфайли институтда бир қанча тиллар бўйича қўшимча бўлимлар очилди, шулар қаторида хитой филологияси бўлими ҳам иш бошлади. Бироқ маълум бўлишича, талабалар учун хитой тилидан ҳам, хитой адабиётидан ҳам биронта махсус дарслик ёки қўлланма йўқ экан. Ўша вақтларда Хитойдан илмий сафардан қайтиб келган эдим, буни билган институт ректори Шуҳрат Сирожиддинов мени хонасига таклиф қилиб, талабаларни хитой тили ва адабиётидан дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш муаммоси борлигини, уни бартараф қилиш учун тезда китоблар ёзишни илтимос қилди. Шарқ тиллари факультети декани Хуршид Хайруллаев ва хитойлик домла Ма Суй Линг хоним билан биргаликда дастлаб «Хитой фольклори: афсона ва ривоятлар» қўлланмасини, сўнгра ўзим «Хитой тили» ва «Хитой адабиёти тарихи» услубий қўлланмаларини ёзиб, нашр қилдирдик. Ректор кўрсатмасига кўра ёзилган ушбу қўлланмалар хитой филологияси бўлими талабалари учун ниҳоятда фойдали бўлиб, талабалар биринчи марта ўзбек тилидаги манбалардан хитой тили ва адабиёти ҳақидаги маълумотларга эга бўлишган эди.

Шуҳрат Сирожиддиновнинг бу даргоҳдаги эътиборли хизматларидан яна бири институт қошида Конфуций институтининг ташкил топгани бўлди. Раҳбарнинг топшириғи билан тез орада тегишли барча зарурий ҳужжатларни тайёрладик, Хитой томони билан келишувга эришиб, энди ишни бошлаган ҳам эдикки, домлани Тошкентга, Миллий университетга ўқув ишлари проректори лавозимига таклиф қилишди. Айтмоқчиманки, гарчи Шуҳрат Сирожиддинов Самарқанд давлат чет тиллари институти ректори сифатидаги бор-йўғи икки йил фаолият

олиб борган бўлса-да, шу қисқа вақт мобайнида мазкур олий-гоҳнинг ҳар томонлама юксалишига, кенгайишига муносиб ҳисса қўша олди.

Домла Самарқанд давлат чет тиллари институтида ишлаш жараёнида асосий эътиборни кадрлар билимини ҳар тарафлама кўтаришга, институтни битириб чиқаётган ёш кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Институтда талабаларнинг илм олишлари, интернет тармоқларидан фойдаланишлари учун шароит яратилди, ўқув хоналари ва талабалар ётоқхоналари замонавий талаблар даражасида таъмирдан чиқарилди. Айниқса, жаҳоннинг илғор, кўзга кўринган университетларидан етакчи ўқитувчиларнинг институтга жалб қилиниши таълим сифатининг ошишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Домла қайси таълим даргоҳида ишламасин, ўзининг жамоатчи, ташкилотчи, меҳрибон раҳбарга хос хусусиятларини кўрсата олди.

Домлани бугун қутлуғ ёши билан самимий қутлаб, илмий-ижодий, раҳбарлик ишларига зафарлар тилаймиз.

ҚЎЛЁЗМАЛАР СЎЗЛАГАН ҲАҚИҚАТ

Алишер Навоий ҳақидаги рост гапларни аниқлаш, ҳақиқатни билиш учун йиллар, асрлар керак бўлди. Навоийшунослик узоқ тадрижий йўлни босиб ўтди. Шарқ олимлари, ўзбек навоийшунослари, рус ва Европа шарқшуносларининг бу борадаги меҳнати таҳсинга лойиқ. Олим Шарафиддинов, Садриддин Айний, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Иззат Султон, Натан Маллаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Воҳид Абдуллаев, Суйима Ғаниева ҳамда рус олимларидан В. Бартолд, Й. Бертельс, А. Болдирев ва бошқалар Навоийнинг ҳаёт йўли – фаолияти ва ижодини ўргандилар, махсус тадқиқотлар олиб бордилар, асарлар яратдилар. Мафқуравий тўқнашувлар, ҳукмрон мафқуранинг тазйиқи, баъзан эса субъектив сабаблар боис шоир ҳаёти ва фаолияти ҳар доим ҳам ҳолис ўрганилмади. Навоийнинг илмий биографиясини яратиш йўлидаги уринишларнинг ҳамон ниҳоясига етмаганлиги эса навоийшунослар зиммасига янги-янги вазифаларни юкламоқда.

Навоийнинг туркий миллат маданиятида туб бурилиш ясаган саъй-ҳаракатлари бугун диёримизда ва жаҳон миқёсида ўзининг тўғри ва ҳолис баҳосини олиши керак. Шу маънода Навоий ҳаёти ва фаолиятини аниқлашга бағишланган янги тадқиқотга эҳтиёж туғилгани бежиз эмас. Бундай тадқиқот аввалги ишларни такрорламаслиги, илмий муомалага олиб кирилган ҳамда янги топилган манбаларга асосланиб шоир биографиясига оид мавҳум ўринларга ойдинлик киритиши, чалкашликларни тўғрилаши ва, албатта, хатоларга барҳам бериши керак эди. Ниҳоят шундай тадқиқот омма эътиборига ҳавола қилинди. Бу Шуҳрат Сирожиддиновнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили» деб номланган асаридир. Ҳўш, навоийшуносликда шоир ҳаёти ва ижоди ҳақи-

да шунча гаплар айтилгандан кейин бу китоб мазкур соҳага нималарни олиб кира олди? Бу китобда айтилаётган фикрлар аввал айтилган гаплардан нимаси билан фарқ қилади? Китобни қўлига олган кишида биринчи навбатда шу саволлар туғилади.

Узоқ йиллар давомида олиб борган изланишларини илмий жамоа муҳокамасидан ўтказиб, яна қайта ишлаб, чоп этишга журъат этган муаллиф қўлга киритган натижаларини нафақат илм аҳли эътиборига ҳавола қилди, балки Навоийни янада яхшироқ билишни истаганлар – Навоий муҳиблари ҳам бемалол тушунадиган, қизиқ фактларга бой бўлган катта ҳажмдаги – ўн тўққиз босма табоқдан иборат бир китоб яратди.

Навоий замонида Ҳирот ва Самарқандда бошланган «тадқиқотлар»нинг замонлар ўтиб, мавзу кўлами кенгайди, муаммо даражаси ва йўналишлари ўзгарди. Бугун Шарқу Ғарбнинг катта ҳудудларида шоирнинг ҳаёт йўли, ижодий меросини катта қизиқиш билан ўрганиш давом этмоқда. Бундай пайтда мавжуд манбаларни қиёслаш, чоғиштириш, танқидий ўрганиш усуллари яхши самара беради. Навоийшуносликдаги шоир ҳақида мавжуд айрим чалкашликлар, нотўғри талқинлар ва улар оқибатида юзага келган хулосалар (шўролар давридаги мафқуравий ёндашувни ҳисобга олмаганда) асосан манбаларни ўрганиш, уларга ёндашиш билан боғлиқлиги тадқиқот давомида ойдинлашиб борган. Буни тўғри англаган олим ишни манбаларни текширишдан, ўзи таъкидлаганидек, уларни қиёсий-танқидий, типологик-текстологик мезонлар асосида холис ўрганишдан бошлайди. Юзга яқин қўлёзма асарлар ва уларнинг кўплаб – уч юзга яқин турли қўлёзма ва тошбосма нусхаларини ўрганиб, бугунги кунда бизнинг тасаввуримизга сингдирилган маълумотларнинг асл манзараси қандай бўлганлигини кўрсатиб беради.

Навоий ҳаёт йўлини мукаммал ўрганиш мақсад қилиб олинган ушбу тадқиқотда муаммога бир неча тарафдан ёндашиб иш кўрилганки, натижада Навоий ҳақида турли замонларда ва турли ҳудудларда тарқалиб кетган, ҳаққонийлик даражаси турлича бўлган манбаларнинг бир жойда жамланишига, уларнинг сифати, савияси ва мақсадини ҳам текшириб чиқишга, уларни баҳолашга ва Навоийнинг ҳаққоний илмий биографияси-

ни тиклашда қай даражада хизмат қилишини аниқлашга эришилган. Соф манбашунослик ва текстологик таҳлиллар, бир томондан, собиқ Иттифоқ даврида Навоий ижоди ва шахсини тузум мафқураси билан боғлиқ ҳолда бирёқлама ва баъзан сохталаштириб талқин этишга уринишларни танқидий ўрганиш, иккинчи томондан, Марказий Осиё, Эрон, Туркия ва Ҳиндистонда турли даврларда яшаб ўтган ижодкорларнинг Навоийга муносабатини ўрганиш орқали шу кунгача маълум бўлмаган янги маълумотлар илмий муомалага олиб кирилган.

Китоб муқаддима, уч асосий боб ва уч йўналишдаги илова-лардан ташкил топган.

Муқаддима Алишер Навоий феноменининг жаҳон бадиий тафаккури тарихида тутган ўрни, шоир шахси, унинг ижтимоий фаолияти, ободончилик соҳасидаги ишлари ҳамда ижоди ҳақидаги фикрлар билан бошланади.

Китобнинг қиммати, аввало, унда манбаларга суяниб иш кўрилганлигида. Айтилган пайтда, муаллифнинг Навоий ҳақидаги ҳақиқатни бир ёки бир неча манбага асосланиб эмас, балки ўнлаб манбалардаги маълумотларни жиддий ўрганиб, мантиқий мувофиқлик даражасини аниқлаб, уларнинг ишончли ёки ишончли эмаслигини белгилаб олиб, шоир шахси, унинг ҳаёт йўли – фаолияти ҳақидаги хулоса-фикрларини айтишга муваффақ бўлганлигидадир.

Шарқда, Ғарбдан фарқли равишда, муайян тарихий шахс, айниқса, ижодкор сиймосини унинг ҳаётига доир бор тафсилотлар билан тасвирлаш тарзи шаклланмаган. Бунинг устига, ижодкорлар, хусусан, Навоий ҳам ўзи, ўз яқинлари ҳақидаги маълумотларни очик ёзиб қолдирмаган. Ҳатто унга бағишланган тарихий асар – «Макорим ул-ахлоқ»да ҳам тафсилотлар тўлақонли эмас. Зеро, ушбу асар Навоийнинг назорати остида ёзилган. Бундай пайтда тарихий асарлар, тазкиралар, мактублар, ижодкорнинг ўз асарлари асқатиши тайин. Бироқ тарихий асарларда маълумотнинг кўпинча шахс билан боғлиқ ўринларда умумийлаштириб берилиши, аксарият тазкиралар эса дастлабки – бошланғич маълумотни у ёки бу даражада такрорлашини ҳисобга олсак, китоб муаллифи Алишер Навоий ҳақидаги тасаввуримизда ўрнашиб қолган манзарани янгилаш, умуман,

шоир шахсига, унинг атрофидаги воқеликка муносабатни янгича талқинларда кўрсатиб бериш учун юзлаб манбалар устида ишлаганига яна бир бор гувоҳ бўламиз. Ушбу китоб Навоий, у яшаган давр, тарихий воқелик ва конкрет тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларга бойлиги, фактларга мурожаатдаги аниқлик, талқин ва таҳлилларнинг асосли ва мантиқлилиги, ифода усулининг ўзига хослиги ва яна кўплаб бошқа жиҳатлари билан навоийшуносликка, умуман, адабиётшуносликка катта ҳисса бўлиб қўшилган.

Навоийга доир маълумотларни ўзаро қиёсий типологик-текстологик таҳлил асосида ўрганар экан, «Алишернинг ёшлик йиллари»ни, шоирнинг «Оиласи»га алоқадор маълумотларни тадқиқ этишда муаллиф, аввало, Навоийнинг ўз асарларига мурожаат қилади. Жумладан, масалага «Мажолис ун-нафоис» мисолида ёндашиб, тазкирада унинг табиатига кўра шоир ўзи уруғ-аймоғлари ҳақида деярли маълумот қолдирмаганлиги ҳақида тўхталиб ўтади. Фақат тоғалари Мир Саид Кобулий ва Мухаммад Али Ғарибий, укаси Дарвишали ҳақида «Мажолис ун-нафоис»да бироз тўхталганлигини таъкидлайди. Мир Шоҳий исмли шоирга оид бир воқеа тафсилотида Навоий отасининг бу ерда ҳукумат ишларини бошқариб турганини эслаганини эътироф этади. «Бадоеъ ул-бидоя»да ота-онаси ҳақида жуда оз қайдларни кузатиш мумкинлигини, «Вақфия»да ота-боболарининг Хусайн Бойқаро аждодлари хизматида бўлганлиги ҳақида битилган шоир қайдларини келтирар экан Шухрат Сирожиддинов бу каби маълумотларни, умуман, Навоий асарларидаги ўз оила аъзолари ҳақидаги маълумотларни келтириб, улардан бошқа манбаларни текширишда асос сифатида фойдаланади. Юқоридаги фактларга асосланиб Навоийнинг ота-боболари ҳақида умумий бўлса-да ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Алишер Навоий номини тарихда биринчи бор ёзма қайд этган манба сифатида тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарини эътироф этади. Ундаги Навоийга алоқадор маълумотларнинг қисқалигини асарнинг Навоий назорати остида яқунланганлиги, Навоийнинг ўзи шуни истаган бўлиши кераклиги билан изоҳлайди. Шунингдек, ана шу даврда – Навоий замонида яшаган тарих-

чилар, хусусан, Хондамир ҳам ўз асарида Навоий ҳақида юқорида келтирилган (Абдураззоқ Самарқандий) маълумотларни такрорлаганлиги, ортиқча тафсилотлар беришга журъат этмаганлиги билан асослайди. Навоийнинг ота-онаси (онаси ҳақида маълумотлар деярли учрамайди) ким бўлган, насл-насаби, мавқеи бошқалар ҳақидаги саволларга жавоб топиш мақсадида олим улар ҳақида маълумот берувчи манбаларни тўплаш, ўрганиш, аниқлаш, системага солиш, татбиқ этиш каби вазифаларни ўз зиммасига олган. Шу мақсадда «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» тарихий асари (Абдураззоқ Самарқандий), «Макорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-сияр» (Ғиёсиддин Хондамир), «Латойифнома» (Фахрий Хиротий), «Равзат ус-сафо» (Мирхонд) ва бошқа манбаларни синчковлик билан ўрганади. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» ҳамда «Равзат ус-сафо» каби энг салмоқли асарларда битилган «Навоийнинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх мирзонинг хос мулозимларидан бўлиб, унинг пешонасига шахзодага кўкалдош бўлиш ёзилган эди» деган фикрлардан келиб чиқиб Шухрат Сирожиддинов Навоийнинг насл-насабини аниқлашга киришади. Бу жараёнда яна кўпгина қўлёзмаларни титади, улардан ишончли маълумотларни излайди, керак бўлганида бир асарнинг ўнлаб нусхаларини солиштириб ўқийди, қанча-қанча манбалардаги фикрларнинг бир-бирини такрорлаганлигига гувоҳ бўлади, яна бошқаларида биргина сўз ёки жумлага эргашиб нотўғри талқинлар берилганини аниқлайди.

Бу борада Навоийнинг отасини нима учун Ғиёсиддин Кичкина деб атаганлари ҳақида манбалардаги маълумотларни жамлайди, уларни илмий талқин этиб, муайян хулосаларга келади. Муаллифнинг аниқлашича, Навоийнинг насл-насаби ҳақида икки хил қараш мавжуд, булар: 1) Навоийнинг ота-боболари темурийларнинг амирларидан бўлган, оналари шахзодаларга энагалик қилган; 2) Навоийнинг ота-боболари уйғур бахшиларидан бўлган дейдилар. Биринчи гуруҳ машхур тарихий асарларга таянган бўлса, иккинчи гуруҳ – камчиликни ташкил этган олимлар гуруҳи Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг «Тарихи Рашидий» асаридаги фикрларга таянганлар. Иккинчи – нотўғри талқинни Шухрат Сирожиддинов илмий нуқтадонлик билан

асослайди. Бироқ афсус билан айтиш керакки, Мирзо Ҳайдарнинг «ижод»и – Навоийни уйғур бахшиларига нисбат бериш баъзи ерларда ҳамон давом этмоқда, ривожлантирилмоқда. Шу маънода ушбу асарда айтилаётган фикрлар кенгроқ, ҳеч бўлмаганда туркий халқлар орасида тарғиб қилинса, Навоий ҳақидаги ҳақиқат қарор топарди.

Навоийнинг болалик йилларини ёритишга бағишланган фаслда Хондамир, Фахрий Ҳиротий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Сом мирзо ва бошқалар қаламига мансуб манбалар ўрганилиб, бу манбалар хронологиясига риоя қилинадиган бўлса, Алишернинг болалик даврига оид дастлабки маълумот Давлатшоҳ Самарқандийнинг қаламига мансуб, бироқ у жуда қисқа, Давлатшоҳ ва Хондамир Навоий таржимаи ҳолининг умумий қолипини яратиб берган, Навоийнинг шеърятга меҳр қўйиши ва ижодга кириб боришини ўрганишда унинг ўз асарларини ўрганиш ҳам муҳим деган хулосага келади. Китоб сўнгида келтирилган иловаларда айтилиши шу тарихчи ва тазкиранависларнинг ҳамда Алишер Навоийнинг ўз асарларида биографиясига оид маълумотларнинг келтирилиши асарнинг тўлақонли ва мукаммал чиқишини таъминлаган. Навоийнинг йигитлик даври, Навоий ва Абу Саъид мирзо муносабатлари, Навоийнинг Самарқанддаги фаолияти каби масалалар доирасидаги изланишлардан чиқарилган илмий хулосалар Навоий биографиясининг муайян жиҳатларига ойдинлик киритади. Олим замонавий навоийшуносликдаги айрим чалкашликлар, баъзан нотўғри талқинларнинг юзага келиш сабабларини аниқлайди, уларни бартараф этиш мақсадида асосли фикрларини баён қилади. Масалан, навоийшунослар шоирнинг Машҳадга бориш сабабларини турлича изоҳлаганлар. Шухрат Сирожиддинов эса буни аниқ фактлар билан шундай асослайди: биринчи сафар Навоий Машҳадга Абулқосим Бобур билан бирга 1456 йили кетади. Султон вафотидан кейин (1457 йили) у ерда қолиб ўқишни давом эттиради. Тадқиқотчи-муаллифнинг аниқлашича, Навоий Машҳадга иккинчи бор Абу Саъид мирзо замонида келган. Навоийнинг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида таъкидланишича, Навоий Абу Саъид мирзо замонида ҳам чорасизлик, фалокат, тақдир ва хафагарчилик оқибатида яна Машҳадга келган.

Олим Навоий Самарқандга Машҳаддан кетган деган фикрига ишонтира олади, бунга Хондамир ва бошқа замондошларининг асарларида бу сафарнинг «Хуросондан Самарқандга» тарзида ифодаланганини асос қилиб олади. Навоийнинг Абу Саъид мирзо билан муносабатлари, Самарқандга кетиш сабаблари ва улар билан боғлиқ тафсилотларни ўрганар экан, ўтмиш тарихчилари, тазкиранавислари айтган фикрларни сабаб-оқибат мезонида солиштиради, XX аср навоийшунослигида бу борада айтилган фикрларга ўз муносабатини билдиради. В. Бартольд, Е. Бертельс каби олимларнинг фикрларидаги тўғри, айтилган пайтда, бироз бўрттирилган (В. Бартольдга оид фикрлар) ўринларни ойдинлаштиради. Бир қанча ўзбек навоийшунослари фикрларига муносабат билдиради. Чиндан, Навоий ҳаётининг бу даври ҳақида навоийшуносликда ҳали ҳам охириги фикр айтилмаган. Демак, бу асар мана шу давр воқелигини тўғри баҳолаш йўлидан борганлиги, мавжуд манбаларнинг жуда катта қисмини ўрганиб, қиёслаб, мантиқий хулосалар чиқарганлиги билан эътиборни тортади, навоийшуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, ободончилик соҳасидаги ишларининг ёритилишига алоқадор «Вақфия» асари ўз табиатига кўра биографик маълумотларни талаб қиларди ва Навоийни кашф этишда бу асарнинг ўрни ўзгача. Шу боис «Вақфия» Навоийни очик сўзлашга мажбур қилган истиснодир деб ёзади Шуҳрат Сирожиддинов.

«Вақфия»га асосланиб Навоийнинг бош вазир – девон соҳиби сифатидаги фаолияти доирасини – хизмат вазифалари кўламини белгилайди. Булар жумласига: турли халқ йиғинлари ва умумхалқ тадбирлари; ташқи ишлар; улуғ меҳмонларни расмий қабул қилиш ва кузатиш; фавқулодда ҳолатлар, исёнлар, чегара муаммолари; порахўрликка қарши кураш ва бошқалар киради.

Навоийнинг бу фаолияти ҳақидаги маълумотларга бирор тарихчи Хондамирчалик яқин эмаслигини таъкидлаган олим бошқа манбаларни назардан қочирмаса-да, унинг асарларига кўп мурожаат қилади. Айтилган пайтда, шоирнинг хулқ-атвори «Мақорим ул-ахлоқ»да мукаммал тасвирланган. Зеро, «Мако-

рим ул-ахлоқ» Навоийнинг маънавий қиёфасини тўла акс эттируви асар эканлиги муаллиф томонидан эътироф қилинган.

Навоий табиати – таъби ҳақида сўз кетганда унинг нозикмижозлиги тасаввур этилади. Бу ҳам манбаларга таяниб шаклланган тасаввурлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Ҳайдар, Зайниддин Восифий каби адиблар фикрларини ҳамда бу фикрларни талқин этган Ойбек, В. Бартольд, Ю. Брегель, А. Болдирев, Иззат Султон каби олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб муаллиф Навоийни таъби нозик бўлишига қарамай, ҳазил-мутойибага ўч инсон эди дейди ва бунини шоир ҳаётидаги (манбаларда мавжуд) қизиқарли воқеалар билан асослайди. Айниқса, Камолиддин Биноий билан боғлиқ воқеаларнинг муаллиф томонидан талқин этилиши Навоий хулқ-атвори ҳақидаги мавжуд тасаввурларни янгилайди, уларнинг фақат бирёқлама тушунмаслик кераклигини асослайди.

Навоий вафоти ҳақидаги маълумотларнинг манбалардаги тақдимоти, чиндан, ҳар доим ҳам уларга тўғридан-тўғри ишониб бўлмаслигини, ҳақиқат қиёслаш, чоғиштириш ва асослаш орқали юзага чиқишини яна бир бор исботлайди. Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асари Навоий биографиясини ёритишда ҳақиқатга энг яқин турган асар эканлиги асосланган. Унда Навоийнинг вафоти билан боғлиқ воқеалар тафсилоти, шоирнинг вафоти санаси аниқ кўрсатилган ва бу навоийшуносликда ўз исботини топган. Бироқ Шухрат Сирождидинов ўрганган манбаларнинг бир нечтасида шоир вафоти санаси, унинг вафот этган ёши мутлақо ўзгартириб юборилган. Уларни танқидий ва таҳлилий нуқтаи назардан ўрганган олим кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган баҳсларга ўрин қолдирмайди.

Олим Навоий биографиясини, аниқроғи, унинг ҳаётидаги муҳим саналарни тиклашда таърих жанрининг ўрни муҳимлигини англаган ҳолда Е.Бертельснинг «Таърих – хронограмма, бу – бирор-бир ҳодиса санасининг шеърий ифодаси...» деган фикрларини келтириб, ўттизга яқин таърихни илмий муомалага олиб киради. Навоийнинг иш фаолиятига, Навоий қурдирган иморатлар ва Навоий вафотига доир таърихларни ўрганиб, улар ёрдамида шоир ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига оид маълумотларни тиклайди.

Катта меҳнат эвазига дунёга келган бу ишда муаллиф ҳар бир масалага илмий одоб билан ёндашади. Ўзи ёритмоқчи бўлган масалалар бўйича ёки улар атрофида амалга оширилган ишлар, уларнинг муаллифлари ҳақида маълумот беради, уларнинг ютуқларини эътироф этади, зарур бўлганда ҳолис муносабат билдиради, хулосаларини баён қилади.

Навоийнинг ҳаёт йўлини манбалар қиёси асосида ўрганишга бағишланган асарнинг кейинги – «Навоий ва давлат хизмати» деб номланган махсус бобининг «Буюк дўстлик», «Муҳрдорлик», «Амирлик», «Иккинчи истеъфо», «Навоий – Астробод ҳокими» каби фаслларида Навоийнинг сиёсий фаолияти бўйича аниқ манзара тикланган. Шу кунгача навоийшуносликда бири-бирига мос келмайдиган қарашларга, манбаларга ёндашиб, мантиқли хулосалари билан барҳам бериши мумкин бўлган хулоса-фикрлар баён қилинган. Муаллиф, масалан, Навоийнинг Астрободга ҳокимлиги даврини ҳақиқатда қандай бўлганлиги ва олимларнинг тадқиқотларида бузилиб кетиш сабабларини тўғри кўрсатади. Шу пайтгача барчанинг онгида ўрнашиб қолган, манбаларда «Амир Алишернинг Астрободга жўнатилишида Маждиддиннинг улуши бўлганлиги ҳақида ҳеч қанақа сўз ва маълумот йўқ. Демак, биз бу масалага Султон Ҳусайн Маждиддинни бош вазир қилиб олиш учун Алишерни «фахрий сургун»га жўнатди деб эмас, балки Амир Алишер Астрободга давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан юборилгач, давлат учун қайғурадиган содиқ киши сифатида Навоийдан сўнг ихлос кўйган иккинчи кишиси Маждиддин Муҳаммадни соҳибдевонликка кўтарди десак ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Олимларимизнинг тадқиқотларида келтирилган қарашларига келсак, уларнинг тарихий воқеликдан четга чиқиб кетишларига бири-бирларига суяниб фикр юритишлари сабабчидир (таъкид бизники – К.М.)...» Илмда бири-бирига суяниш, аввал айтилган фикрларни эътиборга олиш одоби мавжуд. Бироқ асл манба асосида иш кўриш нотўғри хулосалар чиқариш, чалғитувчи тасавурлар пайдо бўлишининг олдини олади. Муаллиф бу ўринда шу жиҳатларни назарда тутмоқда.

Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро, Навоий ва Низомулмулк муносабатлари, Дарвишалининг исёни оқибатида юзага келган

муносабатларнинг таҳлил ва талқинлари, бундан ташқари, Навоийнинг Самарқандга «сургун қилиниши» тафсилотлари ва бошқалар тасаввуримизда қотиб қолган манзараларни ўзгартиради, Навоий шахси ва ижодига субъектив ёки мафкуравий таййиқ остида мурожаат қилинганлиги, ҳаётини асосга эга бўлмаган манбалар асосида иш қўрилганлигига эътиборни қаратади. Муаллиф шу йўл билан Навоий ҳақидаги ҳақиқатни англаб, ўзгаларга англатишга ҳаракат қилади.

«Султон Ҳусайн, вазирлар ва Алишер Навоий» деб номланган бобда Навоий ва Бойқаро, Навоий ва Мажиддин Муҳаммад, Навоий ва Низомулмулк муносабатларига, шоир умрининг сўнгги дамларига алоқадор воқеалар ёритилганки, улар навоийшунослик учун янги фикр-хулосалар сифатида тасаввуримизда қотиб қолган айрим фикрларнинг тўғри эмаслигини асослайди. Жумладан, муаллиф Навоийнинг Муҳаммад Мажиддин билан муносабатлари борасидаги афсона даражасига тушиб қолган «тарихий воқелик»ка ойдинлик кирита олган.

Асардаги иловалар уч гуруҳга ажратилиб тақдим этилган. Биринчи илова «Илк манбалар ва улардаги Алишер Навоий ҳаётига оид маълумотлар» деб номланади. Унда дастлаб Алишер Навоийнинг турли асарларида шоир фаолиятига дахлдор маълумотлар ажратиб олиниб, тақдим этилган. Бундан ташқари, «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», «Равзат ус-сафо», «Хулосат ул-ахбор», «Ҳабиб ус-сияр», «Макорим ул-ахлоқ», «Баҳористон», «Латойифнома», «Бобурнома», «Тарихи Рашидий», «Тухфаи Сомий» каби жами ўн беш асарда мавжуд маълумотлар берилади.

Иккинчи иловада XI асрдаги олим ва фозил кишилар томонидан Алишер Навоий мадҳ этилган манбалардан парчалар келтирилган. Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Абдурахмон Жомий, Зайниддин Восифий, Фахрий Ҳиротий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Ҳайдар Дўғлот, Сом мирзо Сафавий каби йигирмага яқин тарихчи, тазкиранавис ва адилларнинг асарларидаги Навоий даҳосига тегишли ўринлар аслият – форсий тилда ҳамда ўзбек тилига ўгириб берилганки, бу тадқиқотда айтилган фикрлар учун далил-асосдир.

Учинчи иловада Алишер Навоий ўзи ҳақидаги айтганлари асарлари асосида изоҳлар билан берилган.

Шубҳасиз, Шухрат Сирожиддиновнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» китоби – навоийшуносликнинг улкан ютуғи. У бугунги кунда илмий ҳақиқатни очиш йўлларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишга арзигулик асардир.

ИЛМГА ИНТИЛИШ ЙЎЛИДА

1998 йили Шухрат Сирожиддинов ва мен бир йилда, бирин-кетин филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун 1978 – 1998 йилларда фаолият юритган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Х.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида диссертация ҳимоя қилган эдик. 1998 йил июнь ойида Шухрат Сирожиддинов «Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс манбалари» мавзуидаги докторлик диссертациясини ЎзРФА академиги Ботир Валихўжаев (1932 – 2005) раҳбарлигида муваффақиятли ҳимоя қилди. Мен ўша йил октябрь ойида ЎзРФА академиги Азиз Қаюмов (1926 – 2018) раҳбарлигида «Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари» номли докторлик диссертациясини ёқлагандим. Иккимизнинг ҳам докторлигимиз бир мутахассислик – Адабий манбашунослик ва матншунослик (10.01.11) бўйича эди. Яъни биз катта илмга бирин-кетин кириб келдик.

Шухрат ака Навоий яшаган ва ундан кейинги давр тарихий ва адабий асарларидаги унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ масалаларни ўрганган бўлса, мен Навоий «Хамса»си дostonлари қўлёзмаларида бу асар талқинини тадқиқ этгандим. Биз Навоий ҳаёти ва ижоди – шоир шахсияти ва мероси – ижодкорнинг бир-бирини тўлдирувчи икки жиҳатига бағишлаб диссертация ёзгандик. Бу ишларнинг бирин-кетин ёзилиши, ҳимоя қилиниши, балки, тасодифдир, балки, қонуниятдир. Нима бўлган тақдирда ҳам, ҳақиқий олимлар учун осон бўлмаган ўша йилларда ҳам илмий (публицистик эмас) навоийшунослик давом этарди.

Кейинчалик Шухрат Сирожиддинов шу диссертацияси асоида «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографиясини чоп эттирди. Мазкур китоб 2013 йили давлат мукофотига сазовор бўлди. Бу мукофот нафа-

кат Ш.Сирожиддиновга, балки адабиётшуносликнинг навоийшунослик соҳасига берилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шуниси муҳимки, биздаги навоийшуносликда шоир ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилганда асосий эътибор Навоий асарларига қаратилади. Бу табиий ҳол, бироқ Навоий таржимаи ҳолига оид маълумотларни тўплаш ва улар асосида янги хулосаларга келиш ишини ҳамма ҳам уддалай олмайди. Сабаби, бунинг учун эски ўзбек ёзувидан ташқари форс тилини қўлёзмдан ўқиб, фойдалана оладиган даражада билиш, ўзидан аввал яратилган юртимиз ва ғарб тилларидаги тадқиқотлардан хабардор бўлиш, улар билан қиёслаб, таҳлилларни амалга ошириш керак бўлади. Афсуски, ҳозирда биздаги навоийшунослик битта – она тили ва нари борса кўчада суҳбатлашадиган даражасида туркчани билганлар қўлида қолиб кетадигандек. Ваҳоланки, Алишер Навоийни англаш учун қўлёзмаларни ўқий олиш даражасида эски ўзбек ёзуви, форс тилини билиш, шарқ ҳамда ғарб тилларидаги назарий билимларни эгаллаш керак...

2016 йил 12 февраль куни Германиянинг Берлин шаҳрида «Алишер Навоий ва унинг жаҳон адабиёти ҳамда жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси» («Alishēr Nawāī und sein Beitrag zur Yentwicklung der Weltliteratur und Weltkultur») номли халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Конференциядан аввал Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасида Ўзбекистоннинг айни мамлакатдаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Дурбек Аманов бошчилигида конференцияга келган айрим хорижий ва ўзбекистонлик олимлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Ушбу суҳбатда Франция Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси президенти, Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси Фредерик Брессанд ҳам иштирок этганди. Аниқ эсимда йўқ, қайсидир муносабат билан темурий ҳукмдор ва шахзодалар тарихи билан боғлиқ мунозара бошланиб кетди. Шунда Шухрат Сирожиддинов билан Фредерик Брессанд темурийлар хонадони вакиллари ҳаёти ва тарихи масаласида баҳслашиб кетишди. Фредерик Брессанднинг темурийлар тарихи бўйича шунча кўп маълумотга эга эканлиги мени ҳайратга солди. Шухрат ака эса Фредерикка муносиб суҳбатдош бўла олди.

НАВОИЁНА СИЙРАТ ЭГАСИ

Биз тенги авлод яхши хотирласа керак: XX аср охирлари адабий ҳаётида «Ёшлик» журнали ёшларнинг чинакам ижодий, адабий минбарига айланган эди. Бу ҳол, айниқса, мамлакатимиз истиқлолга эришгач, яна бир поғона юқорига кўтарилди. Ушбу журналда шеър, ҳикоя, публицистик асар ёки илмий мақола эълон қилиш ижодкор ёки тадқиқотчининг адабий жамоатчилик томонидан тан олина бошланганидан далолат эди. Биз – ўша давр ёшлари, айниқса, талабалар Шухрат Сирожиддинов номини илк бор домланинг «Ёшлик» журналида эълон қилинган мақолалари орқали таниганмиз. Навоийшунослик, ўзбек адабиёти тарихи соҳаларида кетма-кет чоп этилган, ноанъанавий ва долзарб мавзуларга бағишланган мақолалари орқали домла ўзбек филологияси факультетида таҳсил оладиган талабалар орасида жуда машҳур эди. Ўша даврда мумтоз адабиёт, айниқса, Алишер Навоий ижодига ошно талабалар учун домлани кўриш, у киши билан бир бор суҳбатлашиш чинакам орзу эди десам муболаға бўлмайди...

Мен талабалик вақтимда Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек филологияси факультети «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи» кафедрасида лаборант бўлиб ишлаганман. 1998 йили домла кафедрага ташқи тақризга келдилар. «Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрлар форс манбалари» мавзuidaги докторлик диссертациясининг қизгин муҳокама-сида иштирок этганим кечагидек ёдимда. Ёш, ғайратли ва жуда шижоатли диссертантнинг саволларга ўзига хос босиқлик ва дадиллик билан жавоб бериши биз – ёшларда жуда кучли таассурот қолдирган эди. Муҳокама жараёни ва ўзаро суҳбатимиз давомида сезганманки, Шухрат Сирожиддинов замонавий навоийшунослик соҳасига дадил илмий асосланган дунёқараш билан кириб келган олимдир.

Домла докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгач, нафақат илмий, балки жамоатчилик ишларида ҳам фаол ва тезкор, муаммони тўғри қўя олгани, вазиятни муносиб баҳолай билгани учун (бу хусусиятлари Ўзбекистон Миллий университетида, кейинчалик Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори сифатида олиб бораётган фаолияти давомида янада яққол намоён бўлди) «Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси» бошқаруви раиси ўринбосари лавозимига ўтказилди. Таъкидлашни хоҳлар эдимки, Имом ал-Бухорий мажмуасининг бунёд бўлишида, бу ишнинг халқимиз онгу тафаккурига етиб боришида Шухрат Сирожиддиновнинг хизматлари беқиёс. Биз буни жамғарма муассислигида ташкил этилган «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналида домланинг эълон қилинган кўплаб илмий мақолалари орқали билиб олишимиз мумкин.

2008 йилда «Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаш учун ҳаракат бошладим. Илмий ишимга расмий тақризчи сифатида ўша пайтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, профессор Шухрат Сирожиддинов белгиланди. Бу мен учун улкан шараф эди. Домла, вақтлари ниҳоятда тиғиз бўлишига қарамай, ожизона ёзилган ишимни ҳижжалаб, синчиклаб ўқиб, ижобий тақриз берганлар. Шу жараёнда домладаги бир жиҳат мени ҳайрон қолдирган: ўта камтарлик ва юксак назокат. «Буюклик камтарликдадир» деган фикрнинг мағзини ўшанда чаққанман десам хато бўлмас. Яъни у кишининг ҳузурига қачон бормай, вақт топиб, мулоҳазаларимни тинглаган, зарур ўринларда маслаҳат берган...

Шухрат Сирожиддинов билан 2014 йилдан буён бир жамоада меҳнат қиламиз. Бу инсоннинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг бугунги кунгача эришган ютуқларида қилган машаққатли ва самарали меҳнати беқиёс. Мамлакатимиздаги энг ёш олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланган университетимизнинг миллий рейтингда 6-ўринни эгаллаши, аввало, бу даргоҳдаги му-

хитнинг дўстона эканидан, ўқув жараёни, илмий-инновацион фаолият, маънавий-маърифий ишлар тўғри йўлга қўйилганидан далолат. Буларнинг замирида Шухрат Сирожиддиновнинг мислсиз меҳнати турибди. Домла 60 ёшни қаршилаган бўлсада, лекин доим ёшлардек ҳаракатчан ва ёшларнинг қалбидагини англай билади. Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» асарида Алишер Навоий жуда кўплаб иқтидорли ёшларни ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганини қайд этган. Домла ҳам Навоийга издошлик қилиб эзгуликни, гўзалликни қадрлайдиган, Ватан учун хизмат қилишга шай бўлган, юрагида халқига ва ўз вазифасига садоқати мавж уриб турган ёшларни ҳар жабҳада қўллаб-қувватлайдилар. Уларнинг юзага чиқишида беминнат ёрдам берадилар. Талабалар билан ўрнатилган самимий муносабат ҳам шундан дарақдир...

Мени ҳайратга соладиган яна бир жиҳат: домла ижтимоий фаолият билан илмий ижодни тенг олиб борувчи иқтидорли инсонлардан. У кишининг мумтоз адабиёт, матншунослик ва Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид «Навоий замондошлари эътирофида», «Навоийга бағишланган қасидалар ҳақида», «XV – XVI асрлар тарихий тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини», «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили», «Mir Alisher Navoi and his Persian-language poetry», «Илм ва тахайюл сарҳадлари», «Навобахш байтлар жозибаси», «Навоий навосидан баҳра олиб», «Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари», «Матншунослик сабоқлари», «Алишер Навоий ақидалари» каби кўплаб монография ва рисоалари илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган.

Мен бу ўринда устознинг 2018 йилда нашр этилган «Алишер Навоий ақидалари» (Биринчи суҳбат) китоби ҳақида фикр билдирмоқчи эдим. Ушбу рисола Алишер Навоий ижодининг муҳим қирралари тадқиқига бағишланган. Рисола Кириш, «Инсон бурчи», «Инсон қалбида яширилган хазина», «Ишқ фалсафаси», «Диний бағрикенглик», «Ахлоқ ва нафс тарбияси» каби бўлимлар ҳамда Хулосадан иборат бўлиб, унда Навоийнинг сўфиёна ақидалари ва ғоявий мақсадларининг мазмун-моҳияти улуг мутафаккирнинг ислом феноменига, дин ва жамиятдаги

муносабатларга қандай ёндашганлигини аниқлаштириш орқали таҳлил қилиб берилган.

Олимнинг фикрича, «... узоқ йиллик кузатишлар Навоий асарларини фақат дунёвий нуқтаи назардан таҳлил қилиш адолатдан бўлмаслиги сингари, мувофиқ келса-келмаса ирфоний ғояларни рўкач қилиб таҳлил қилиш ҳам тўғри эмаслигини кўрсатмоқда... Навоий ўз олдига буюк вазифа – инсонни тарбиялаш миссиясини қўйган» ва шу маънода уни суфийлардан ажратиб турадиган принципиал жиҳат жамиятни тарбиялаш масаласига глобал ёндашувдир.

Рисоланинг кириш қисмида айтилган бу муҳим фикрлар навоийшуносликнинг умумий йўналиши ҳақида жиддий ҳулосалар, айти пайтда, ўзига хос янги қарашлар мажмуи дейиш мумкин. Айниқса, Шуҳрат Сирожиддинов «тасаввуфнинг икки ғоявий платформаси» ҳақида сўз очар экан, Навоийнинг «комил инсон»и шаклланган бу маънавий озуқа «илоҳий ишқ» ва «ахлоқ ва нафс тарбияси»га оид концепция эканлигини таъкидлайди. Олимнинг бу ёндашуви навоийшуносликда янги саҳифа очишга, илмий давраларда теран муносабат билдиришга арзирлидир.

Рисоладаги «Инсон бурчи» деб аталган биринчи мақола «Инсон ким?» деган савол билан бошланади. Бу саволга олим Алишер Навоийдан иқтибослар келтириб жавоб беради ва «Инсон барча моддий гўзалликнинг бунёд бўлишига, яъни моддий оламнинг яратилишига сабаб бўлган»лигини таъкидлайди. Бунинг сабабини Инсоннинг Ҳақ таоло олдидаги бурчи билан изоҳлаб, ўз фикрларини: «Инсоннинг бу дунёдаги энг улуғ бурчи Ишқни англаш ва Ошиқ бўлишдир», – дея ҳулосалайди.

«Инсон қалбида яширилган хазина» деб сарлавҳаланган иккинчи мақолада инсоннинг ишқни англаш ёки ошиқ бўлиш йўлидаги ҳолатлари дастлаб буюк Шарқ мутафаккирлари ғояларига кўра тушунтирилган. Устоз олим: «Қалб худди кўзгу каби илоҳий нурни акс эттиради. Ҳақ қиёфасини кўриш учун уни яхшилаб тозалаш керак», – деб ёзар экан, Жалолиддин Румийдан бир масал келтиради: Бир суфий ошнаси билан бир боққа кириб қолибди. Ҳеч нарсага қарамай чеккада ўтириб, бошини осилтирганча хаёлга толибди. Ошнаси унга: «Нега Аллоҳ неъ-

матлари аломатлари бўлган бу гўзалликдан завқланмаяпсан?» – деганида у: «Бу аломатларни ўз қалбида кўра олган яхшироқ», – деб жавоб берган экан. Демак, суфийни ҳақиқатга етказадиган йўлбошчи бу – Ишқдир. Олим инсоннинг бурчи ишқни англаш эканлигини таъкидлагандан сўнг Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Ҳайрат ул-аброр» дostonларида келтирилган ишқ ҳақидаги қарашлар таҳлилига ўтади. Бу таҳлиллар жараёнида олим инсоннинг қалбидаги сир – камолотни кашф этиш учун ишқ энг муҳим восита деган хулосага келади.

«Ишқ фалсафаси» деган навбатдаги мақолада муаллиф ишқнинг инсонга хос қилиб берилган неъматлигини айтиш асносида тана руҳнинг зиндони эканлигига диққат қаратади. Ишқнинг ҳақиқий ва мажозий деган турларга бўлинишини эслаб ўтиб, Алишер Навоийнинг бу борадаги ёндашувларини тадқиққа тортган муаллиф «Мажоздан мақсад ҳақиқат эканин изҳор қилмоқ...» дея сарлавҳаланган қитъа маъносини «... моддий гўзалликка шайдоликдан мақсад ҳақиқий ишқ, яъни Аллоҳни тасаввур этишдир» деб талқин қилади. Олимнинг фикрича, ҳақиқатни (Аллоҳни) изловчи одам уни мажоз (моддий гўзаллик) орқали топади. Кимки буни инкор қилса, демак, у ҳақиқатни билмайди. Бунда Ш. Сирожиддинов Аллоҳга ошиқ бўлишни, бошқача айтганда, Унга таслимият келтиришни назарда тутмоқда.

*Шухуди ақл даркидин мубарро,
Вужуди дарк шуъбидин муарро.*

«Фарҳод ва Ширин»дан олинган ушбу байтдаги шухуд сўзи «шоҳид бўлиш, кўриш» маъноларини билдирганини ҳисобга олсак, Аллоҳни кўриш, Унга шоҳид бўлиш ақл дарки – ақл идрокига хос эмаслиги ойдинлашади. Шунингдек, шоир «Ғаройиб ус-сиғар»даги 4-рақамли ғазалда ёзади:

*Топмоқ ажиб фикру тахайюл била Сени,
Етмак маҳол ақлу фаросат билан Санга.*

Аллоҳни топиш мумкин, яъни Унинг яратикларига назар солиб, фикр ва хаёлни ишга солиб Унинг борлигини, мутлақлигини англаш мумкин, лекин уни тасаввур этиш – кўз ёки ақл ол-

дида сувратлантириш мумкин эмас. Олим: «Ишқ бу – инсонни фаолликка чақирувчи, камолотга ундовчи ҳаётбахш кучдир», – деб қатъий таъкидлар экан, Алишер Навоий ижодидаги асл маънони жуда асосли талқин қилади.

Алишер Навоий ва дин масаласи навоийшуносликдаги баҳсли нуқталардан бири бўлиб келмоқда. Шухрат Сирожиддинов талқинига кўра, «... динлар турли хил бўлишига қарамай, уларнинг ҳақиқати – асосида ягона Парвардигорга сиғиниш туради, ҳатто бутпарастлик ҳам Аллоҳ таолонинг тажаллиётларидан бирига сиғинишдир, демакким, барча динлар, аслида, биргина Аллоҳ таолога сажда қиладилар». Муаллиф бу талқинни асослаш учун «Лисон ут-тайр»дан иқтибос келтиради ва бу сатрларни: «Парвардигор учун диний таълимотларнинг турлича бўлиши аҳамиятсиз бўлиб... инсон... оламнинг яратилиш моҳиятини англаб етиши муҳимроқдир», – деб тушунтиради. Бу талқин Шухрат Сирожиддиновга хос бўлган янгича қарашлар маҳсули бўлиб, илмий доираларда кенг фикр ва баҳслар учун эшик очиб берса ажаб эмас.

Олим Алишер Навоийнинг ахлоқ ва нафс тарбиясига оид қарашларини шу ёндашувдан келиб чиқиб тушунтиради. Фисқу фужур, жоҳиллик, фитна-фасод, илмсизлик ва бошқа иллатларга шоирнинг муросасиз муносабатда бўлганлигини аниқ мисоллар билан очиб беради. Маълумки, илм ўзига хосликни, ёрқин ва аниқ қарашларни тақозо қилади. Навоийшунос Шухрат Сирожиддиновнинг барча илмий ишларида ана шундай жиҳатларга гувоҳ бўламиз. Хусусан, «Алишер Навоий ақидалари» рисоласида ҳам бу ҳолатларни кўриб ўтдик. Илм янгича ёндашувлар ва баҳслар майдонида юзага келади, демак, олимнинг баҳсли қарашлари айнан илмдаги хилма-хил ёндашувлар учун асос бўлади. Бу эса янги изланишларга, янги қарашларга йўл очади. Бизнингча, айнан шу жараён фаол илмий жараён сифатида эътироф этилиши керак.

Жалолиддин ЖҶРАЕВ,
ЎзРФА Абу Райхон Бериуний номидаги
Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими,
филология фанлари доктори

ИЛМУ АМАЛДА МУМТОЗ

ТошДУ Шарқ факультетида ўқиб юрган пайтларимда юқори босқич талабалари ўртасида факультетимизни битирганлардан кимлар нима иш қилаётганлиги тўғрисида суҳбатлар бўлиб турарди. Шуҳрат ака ҳақида биринчи марта ана шундай суҳбатларда эшитганман. 1993 йилда Адабиёт музейи аспирантурасига ўқишга кириб, Фанлар академиясининг «Аспирантлар уйи»да яшай бошладим. Ўша йиллари Шуҳрат ака докторантурада ўқир ва ётоқхонада турар эканлар. Шу кезларда у киши билан яқиндан танишиш ва ҳамкор бўлиш насиб қилди. Энди институтни битириб, илмий иш қилиш нималигини ўрганаётганим учун докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш арафасида турганлари ҳавасимни келтирган, шу сабабли катта қизиқиш билан ҳимояларида иштирок этганман.

Уйга борганда ҳимоя таассуротларини отам – Олимжон Жўраевга сўзлаб берган эдим. Отам ҳам Самарқандда Б. Валихўжаев ва Р. Орзибеков каби алломалардан таълим олганлари учун гапимни бошлашим билан, энг аввало, Шуҳрат аканинг оталарини яхши таниганларини айтдилар. Отамнинг номзодлик диссертациялари ҳам Навоий ижодига бағишланган эди. Шунга кўра Шуҳрат аканинг докторлик диссертацияларининг ҳозирги кун учун илмий аҳамияти қай даражада эканлигини тушунтирдилар. Диссертацияда Навоий шахсиятига оид бир нечта тадқиқот ишида такрорланган хулосаларнинг юзага келиш сабаблари бирламчи манбага мурожаат қилмасдан бир олимнинг нотўғри талқинларига таянишнинг оқибати экани аниқ далиллар орқали кўрсатиб берилган эди. Айниқса, советлар даврида темурийларни қоралаб кўрсатиш учун Навоийнинг ҳаётида бўлиб турган ўзгаришларни сиёсий қарашлар-

га мослаштиришларнинг асоссиз эканлиги ҳам далилланган. Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати боис барча доираларда катта қизиқиш ва қўллаб-қувватлашга сабаб бўлди. Тадқиқот натижаси нафақат Алишер Навоий шахсияти, мумтоз адабиётимиз, балки давлатчилигимиз, миллат тарихи ва ватанимизда ўрта асрларда юз берган сиёсий жараёнларга нисбатан ҳам янгича қарашларнинг шаклланишига илмий асос бўлиб хизмат қилди.

Шуҳрат аканинг илмий иш қилаётган кишини қўллаб-қувватлаш, хайрихоҳлик билдиришга доим тайёр эканларини кўп кўрганман. 2012 йилда укам Жамолiddин Жўраев номзодлик диссертациясини ҳимоя қиладиган бўлди. Иш семинар муҳокамасига кўйилди. Такризчи сифатида Шуҳрат ака белгиланди. Ўша вақтлари бироз бетобликлари боис шифохонада эканлар. Даволанаётган кишини ўз муаммоларимиз билан безовта қилсак қандай бўлар экан деган ўйлар билан телефон қилдик. Шифохонада эканларига қарамай, қабул қилдилар. Борганимизда кутиб олиб, эшик олдиғача кузатиб кўйдилар. У пайтларда ҳимоя бўйича ўзгаришлар бўлиб тургани учун самимий ва хайрихоҳ муносабатлари жараённи тезлаштириш билан бирга кўнгилларда ишончни ҳам оширди.

Шуҳрат ака билан Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети очилган пайтларида бироз муддат бирга ишладик. Ана шу жараёнларда у кишини илм ва таълим ташкилотчиси сифатидаги фаолиятларини кўрдим. Янги ташкил қилинаётган университетга билимли ва интилувчан, келгусида ўзбек тили ва адабиётини илмий асосда ўрганиш билан бирга ўргата оладиган ёшларни ишга жалб қилишга алоҳида эътибор бердилар. Бироз муболағали бўлса ҳам, жаҳоний миқёсдаги режаларни тузиб, уни амалга ошириш учун катта шижоат билан ишга киришдилар. Янги университетга бошқа олий ўқув юртларида бўлмаган янгиликлар олиб кирилди. Имтиҳон жараёнларида биринчи бўлиб ўзбек тилида иншо ёзиш жорий қилинди. Бу ўзбек тили ва адабиётини ўрганаман деган талабгорларнинг билим ва салоҳиятига баҳо беришнинг тўғри йўли эди. Режага кўра университет ўзбек тили ва адабиётини ўқитишга ихтисослашиб қолмасдан, таркибида дунё илмий марказлари

билан ҳамкорлик қиладиган илмий марказ ва адабиётимизни экспозиция воситалари орқали намойиш этадиган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган музей бўлиши кўзда тутилган эди.

Таълим ва илмий тадқиқот мавзуларига ҳам янгиликлар олиб кирила бошлади. Шуҳрат ака қолипга айланиб қолган мавзулардан воз кечиб, янгича қараш ва тадқиқот усулларига асосланган мавзуларни тадқиқ этувчи илмий мактабга асос солдилар. Филологик тадқиқотларга янгича об-ҳавони олиб кирдилар. Мисол тариқасида илмий раҳбарликлари остида ҳимоя қилинган Тошниёзова Раъно Тоҳировнанинг «Алишер Навоий тафаккури онтологиясининг поэтик ифодаси» («Хамса» достонлари асосида) 10.00.02 – Ўзбек адабиёти шифри йўналишида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясини кўрсатиш мумкин. Бир қарашда қабул қилиб бўлмайдигандек туюлган мезонларга таяниб бажарилган тадқиқот Навоий дунёқарашни борасида янгича қараш ва талқинларнинг шаклланишига асос бўлиши ҳимоя жараёнида ўз исботини топди.

Яна бир шогирдлари – Хуррамова Зебинисо Сафарбоевнанинг «XX аср Самарқанд адабий ҳаракатчилиги намояндалари қўлёзма асарларининг матний тадқиқи» (Вадуд Маҳмуд ижоди мисолида) мавзуида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси доирасида ўзбек адиблари советлар даврида мумтоз адабий анъаналарни сақлаб қолиш йўлида ўзаро ҳамкорликни тўхтатмагани кўрсатиб берилган. Ижодий мероси кам ўрганилган самарқандлик қаламкашлар асарлари мисолида ўзбек адабиётшунослиги учун янги мавзулар кўлами очиб берилди.

Шуҳрат ака ҳозирги куннинг кам сонли кенг қамровли филолог олимлари қаторида турадилар. У кишининг раҳбарликлари остида тилшунослик, манба ва матн тадқиқи ҳамда таржима назарияси йўналишидаги фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинаётган диссертацияларни ғоя ва режаларининг амалиётга татбиқи сифатида баҳолаш мумкин. Келгусида ушбу мактаб вакиллари ўзбек филологиясининг очилмаган қирралари юзасидан

муҳим илмий хулосалар билдиришда ўз ўрнига эга бўлиши шубҳасиз.

Умуман, Шуҳрат ака мен учун илм-фан ташкилотчиси, тажрибали раҳбар ва фидойи олим сифатида ўз ўрнига эга, ана шу сифатлари билан кўпчиликка ўрнак бўла оладиган устоз сифатида қадрли. Ушбу қутлуғ кунларда Шуҳрат акани олтмиш ёшлари билан муборакбод этаман! Умрларига барака, оилаларига хотиржамлик ва илмий зафарлар тилайман!

УЛУҒЛАР РУҲИ МАДАДКОР ОЛИМ

Самарқанд сайқали рўйи замин аст...

«Бобурнома» асарида Самарқанднинг турли номлари орасида Семизкент ҳам келтирилган бўлиб, унинг асосий мазмуни ери унумдор, суви тўлиқ, ҳавоси киши баҳри дилини очувчи сифатида берилади. Биз бу таърифга қўшимча қилиб «олиму уламолари кўплиги жиҳатидан ҳам Семиз шаҳардир» десак муболаға бўлмайди. Зеро, қадим ул айёмдан бу муқаддас маскан «сайқали рўйи замин аст» дея тавсифланган.

Унинг сайқали фақат ҳудудининг гўзаллиги билан эмас, балки забардаст олимлари пешқадамлиги билан ҳам белгиланади. Бу заминга Хизр алайҳиссаломнинг пойқадами етган, Хизр (а.с.) бу ерда шогирдлар тайёрлаган. Хожагон тариқатининг асосчиларидан Ҳазрати Абдулхолиқ Ғиждувоний устози Юсуф Ҳамадоний ҳақидаги маноқибида ёзади: «Ул зот Салмони Форсийнинг асоси ва салласини сақлардилар. Янги ой кирганда Самарқанд пешволарини чақирар, улар билан шариат илмидан баҳс ўтказарди. Самарқанд улуғлари ҳам унинг суҳбатидан баҳраманд бўлардилар. «Хожайи зиндадилон» – Хожаи Хизр (а.с.) билан суҳбат қиларди». Парчадан иккита муҳим нарсани аңлаш мумкин. Биринчидан, Самарқанд пешволари доимо илму адаб баҳсида пешқадам бўлишган, иккинчидан, бу ерда Ҳазрати Хизр мажлис қуриб, шогирд тайёрлаган. Шу сабаб ҳам Ҳазрати Хизр масжиди ҳозир ҳам Самарқанд тепалигини безаб турибди. Демак, Ҳазрати Хизр пойқадами етган бу маскан олиму уламолар юртидир. Агар Шоҳи Зинда мажмуасининг орқа томонига ўтилса, қанчадан-қанча академик олимларнинг хоки покларига кўзингиз тушади, бу ҳам ушбу замин азал-азалдан йирик олимлар маскани бўлганига далолатдир. Биргина Улуғбек мирзонинг шуҳрати бутун оламдан ташқари коинотни ҳам забт этган.

Самарқанд шариат олимлари ҳақида гап кетганда, аввало, Алишер Навоийнинг фикр йўналишидаги устози Абуллайс Самарқандийни эслаш ўринли. Ислом динидаги энг муҳим илмлардан бўлган фикр илмини Ҳазрат Навоий айнан Самарқандга келиб ота-боболари ҳам фақиҳ бўлган Абуллайс Самарқандийдан эгаллаган. Демак, Самарқанд азалдан муҳим фанлар, илмлар маскани сифатида доврўқ қозонган.

Ана шундай улуғлар руҳи қўллаб келаётган замонамиз олимларидан бири йирик манбашунос, навоийшунос, адабиётшунос олим устоз Шўҳрат Сирожиддиновдир. Домла билан мен 2000 йилларда, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасига мақола олиб борган кезларимда танишгандим. Шў йиллари улар «Имом ал-Бухорий» халқаро жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари сифатида фаолият олиб бораётган эканлар. Шў-шў мақола баҳонасида уларнинг манбалар тўғрисидаги бой суҳбатларини олиш мақсадида жамғарманинг «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналига тез-тез борадиган бўлиб қолдим. Сабаби, манбашунос олим ҳар галги суҳбатида теша тегмаган янгиликлар улашар эди. Натижада биз устоз-шогирддек бўлиб қолдик. Мен ҳар гал устознинг ёнларига борсам, уларнинг фикрини олишга ҳаракат қилардим.

Домла Сирожиддинов нафақат юртимиздаги нодир қўлёзмаларни «титкилаган»лар, хориждаги катта музей ва кутубхоналарга ҳам бориб, қўллаб қўлёзмаларни олиб келганлар. Домла бир гал ўзининг куни кеча Англиянинг машҳур қўлёзмалар музейидан қайтганини ва бир қатор китобларнинг электрон нусхаларини олиб келганини хурсанд бўлиб гапирган эдилар. Кейин билсам, улар Оксфорд университетига илмий сафари чоғида машҳур Бодлеан кутубхонаси, Британия музейи ва Оксфорд университети Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондидаги қўлёзмаларни кўриб, ўрганиб келган эканлар. Домла Навоий даври манбалари билан жуда яқиндан таниш, шў даврнинг кўпчиликка номаълум қирраларини ҳам ўрганганлар. Улар ўз суҳбатларида шў даврдаги тазкираларга кўпроқ эътибор қаратиш, форсий манбалардаги жумлаларни тўғри таржима қилишни айтар эдилар.

Домла нафақат илмий йўналишда, балки педагогик йўлда ҳам менинг устозимдир. Яъни Сирожиддинов домла 2005 йили

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига Маънавият ва маърифат ишлари бўйича бўлимга ишга киришимга, кейинчалик эса Ўзбек тили кафедрасида ишлашимга сабабчи бўлгандилар. Уларнинг шарофати билан кучли маънавият ва маърифат соҳиби устоз Музроб Турдиевга шогирд бўлдим, Шухрат Кўчимов, Раҳмон Фармонов сингари ўз соҳасининг билимдон устозлари билан биргаликда ишлашга муяссар бўлдим. 2006 йили эса номзодлик диссертациясини ёқлаганимда ҳам домла расмий оппонент сифатида ўз қимматли фикрларини аямадилар ва манбанинг моҳиятига чуқур кириб бориш учун уни тўғри таржима ва талқин қилиш кераклигини уқтирдилар.

Сирожиддинов домланинг шажара жиҳатидан ҳам улуғ зотлар, жумладан, Сўфи Оллоёр ҳазратларига бориб тақалиши ҳақида эшитганман. Бу эса домланинг сиймолари, уларнинг ўткир назарларида ҳам яққол сезилади. Шунингдек, домла Марказий Осиёда калом илмининг ривожланиши ҳақидаги мулоҳаза ва рисоалари билан ҳам машҳурдирки, бу ҳам унинг ўз даврининг диний-маърифий олимларидан саналган, «Саботул-ожизийн», «Маслак ул-муттақийн» каби асарлар муаллифи Сўфи Оллоёр бобо шажарасининг давомчиси эканини далиллайди.

Домла Шухрат Сирожиддиновнинг бу мақомларга эришишида донишманд олимлардан бири, Самарқанд адабий мактабининг йирик вакили академик Ботирхон Валихўжаевнинг ҳиссаси улуғдир. Навоийшунос олима Суйима Ғаниева ўзи ҳақидаги «Йўл» видеоролигида кадр ортида бир гапни айтиб ўтади: кимки ҳаётида улуғ зотлар мероси изидан борса, унга ўша зотларнинг руҳи ёр бўлади. Айнан шу ҳолатни домла Шухрат Сирожиддинов илмий фаолияти тимсолида ҳам кўрса бўлади. Улар Алишер Навоий ижодининг муҳим манбаларини ўрганар экан, ул зот ва ўша даврнинг улуғ сиймолари домлага йўлчи юлдуз бўлди десак янглишмаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, замонамиз манбашунослар сарвари устоз Шухрат Сирожиддинов ўз илмий, педагогик фаолиятлари билан Алишер Навоийнинг ҳақиқий меросхўри, издошига айлана олдилар. Шу маънода биз – шогирдлар устознинг умрига янада барака, ўзларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

НАВОИЙ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Илм-фан аҳли филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддиновни адабиётшунос, матншунос, манбашунос, таржима назарияси бўйича мутахассис, навоийшунос, диншунос, бир неча тилларни пухта биладиган олим, педагог, республика ва халқаро миқёсда эътироф этилган раҳбар сифатида жуда яхши билади. Ш. Сирожиддинов кўп йиллик илмий фаолияти давомида миллий-маънавий мерос, ислом дини ва дунё динлари тарихи, мумтоз адабиёт муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борди, кўплаб монография ва рисолалари чоп этилди.

Шухрат Сирожиддинов Самарқанд адабий муҳитига доир муҳим тадқиқотлари қаторида туркий адабиётнинг султони Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид маълумотларни мозий қаърига – манбалар замирига сингиб, ишончли далиллар асосида тиклаган залворли олимдир. Бугун буюк адиб ҳаёти ва фаолиятини ўзбек ва дунё халқларига рўй-рост, аниқ кўрсатиш масъулияти билан изланаётган ҳар бир адабиётшунос бу маълумотларга таянади. «Навоий замондошлари эътирофида» (1996), «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» (2011) китоблари ана шу машаққатли меҳнат маҳсули бўлиб, фанда айни масала ечимига хизмат қилган муҳим илмий ишлардан ҳисобланади. Кейинги йилларда Навоий ҳақида эълон қилинган янги маълумотлар ҳам ўша силсилали фаолият натижаси бўлиб, улар мазмунан бугун Навоий ижодига оммавий мурожаат қилинаётган бир даврда жуда долзарблиги билан ажралиб туради.

«Навоий замондошлари эътирофида» илмий рисоласи олим илмий изланишларининг бир қисми, холос. Дастлаб китобга танланган сарлавҳа диққатни тортади. Б. Аҳмедов томонидан тайёрланган «Навоий замондошлари хотираси» китобидан

мазкур китоб ўз олдига қўйган мақсад ва режаси, илмий принципига кўра фарқланади. Қолаверса, эътироф сўзи Навоий шахсига нисбатан қўлланганда баланд мақом, кўтаринки кайфиятни беради.

Китобнинг бир қанча хусусиятларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

1. Ўз таржимаи ҳолига, шахсий фазилатларию туриш-турмушига ижодидан ортиқча ўрин ажратмаган Алишер Навоийдек камтарин шахсга берилган таърифлар ҳар қандай китобхонни қизиқтиради. Замондошлари томонидан берилган таърифлар гарчи кўтаринки руҳда ифода этилган бўлса ҳам, бугунги кун кишисини ўша даврга яқинлаштиради. Навоийга бундай хурмат-эътибор, эътирофдан завқ, фахр хиссини туяди.

2. Алишер Навоий туркий тилда ижод қилган бўлса ҳам, ўрта асрлар, айниқса, Хуросон ҳудудида асарлар форс-тожик тилида яратилгани яхши маълум. Навоий номи зикр этилган, Навоийга аталган асарлар форс-тожик тилида, қўлёзмада бўлгани сабабли ўтган даврдаги зуллисонан китобхонга нисбатан бугунги кун кишисига жуда зарур. Шу маънода китобдаги форс-тожик тилидан ўгирилиб, таҳлиллари билан тақдим этилган маълумотлар катта илмий қиммат касб этади.

Аввало, китоб билан танишар экансиз, муаллифнинг кучи ва савиясига эътибор қаратиш керак бўлади. Мукаммал, маъно қатламлари чуқур асар ёзувчининг кучи билан белгиланганидек, кўп қиррали фаолият олиб бориш ҳам тадқиқотчининг кучига боғлиқ: тарихни, форс-тожик тилини яхши билиш, фактларга холислик билан ёндашиш, далиллаш, тўғри талқин ва таҳлил қила олиш салоҳияти. Ана шу кенг кўламдаги кўп қиррали фаолият китобда яққол акс этган: олим таржима қилади ва шарҳлайди, матнни таҳлил қилади, синчковлик, ўта эҳтиёткорлик билан маълумотларни бошқа далиллар билан қиёслаб, холисона муносабатини билдиради. Бу йўналишдаги тадқиқотларда, одатда, баёнчилик – қуруқ айтиб бериш билан чекланиш ҳам мумкин. Айни матнларда бу ҳолат асло сезилмайди. Олим эътибор қаратиш лозим бўлган энг муҳим нуқталарни аниқ белгилай олади, уларни тўғри талқин қилиш масъулияти билан баҳолаб боради. Деярли Навоийнинг ҳар

бир замондоши таърифи берилган қисмдан китобхон муайян янгилик олади. Қолаверса, уларнинг кўплари ўзбек ўқувчисига маълум эмас.

Эътирофлар Навоийнинг устози Абдурахмон Жомийдан бошланади. Жомий ва Навоий тарифида Аллоҳ таолонинг иродаси билан бу икки буюк зот бир даврда яшаб ижод этгани ва ўзаро таъсир масаласига эътибор қаратилади. Жомийнинг асарлари баланд суръат билан, асосан, қирқ ёшдан кейин ёзилгани, форс-тожик адабиётини жонлантириш орзуси уни шиддат билан ижод қилишга ундагани эслатилади. Рус олими Бертельснинг Жомийнинг шеърлари шунчаки сон жиҳатидан кўп бўлиб, айрим шеърларида сифат устувор эмаслиги ҳақидаги фикрига муносабат билдириб, аксинча, улар сифат ва савия жиҳатидан анча баланд эканини таҳлиллар асосида далиллайди. Навоий сон орқасидан қувган шаклбозларга қарши курашгани уқтирилади. Мақола қисқа, ихчам ва лўнда ёзилган бўлса-да, унда Жомийнинг буюклиги, Навоий ва Жомийнинг устоз-шогирд, дўстлиги, ижодда ҳар иккиси бир-бирига таянч, руҳий-ғоявий мадад, кучли адабий таъсир манбаси бўлиб яшагани каби энг муҳим ҳолатлар аниқ юзага чиққан. Жомий сингари Навоий, Навоий каби Жомий адабиётнинг ўлган танига руҳ киритиш учун бел боғлагани ва бу ишнинг аъло даражада уддасидан чиққани мақоланинг асос мағзини ташкил қилади. Олимнинг илмий услубидаги қисқа ва тугалликка интилиш қўйидаги фикрда яққол жамланган: «Навоийдек илҳом манбаи Жомийда мудраб ётган ижод вулқони қўзғалишига боис бўлиши ва Жомий томонидан Алишер Навоийнинг буюк мутафаккир бўлиб етишишига тайёрланган тағзамин, бу барчаси Буюк Дўстлик аталмиш неъматнинг ҳосиласидир» (11).

Китобнинг мақсадидан келиб чиқсак, Жомий эътирофидаги Навоий таърифи бўлиши лозим. Олим айна Жомийнинг таърифи бошқа замондошлари таърифига ўхшамаслиги, у Навоий таржимаи ҳоли ёки сиёсий мавқеига эмас, балки бадиий маҳорати ва асарлари савиясига эътибор қаратганини қайд этади. «Жомийнинг ўрта аср анъанавий услубларини четлаб ўтиб ҳақиқий илмий йўналиш – адабий танқид нуқтаи назаридан онгли равишда ёндаш»ганини юқори баҳолайди.

Таҳлиллардан Жомий ва Навоийнинг ҳаётий муносабатлари ўзаро таянч бўлиб, ижодий-ғоявий қўллаб-қувватлов асосида ҳар икки халқ адабиётини ривожлантиришдаги фаолиятини махсус ўрганиш лозимлиги англашилади. Мазкур мавзудаги тадқиқотларнинг амалга оширилиши ҳар икки тилдаги адабиётнинг эгизакдек қондош, ёндош қирраларини очишга хизмат қилади.

Абдуллоҳ Ҳотифийга аталган қисмда Ҳотифий ва Навоий ижодини қиёсий ўрганиш нечоғлик зарурлиги ва Э. Шодиевнинг кузатишларидан ўзга ишлар мавжуд эмаслиги айтилади. Агар йиллар сарҳисобини қилсак, бу масала ҳанузгача очиқ тургани аён бўлади. Навоий асари оҳангида яратилган Ҳотифийнинг форс тилида ёзилган «Лайли ва Мажнун» достонини қиёсий ўрганиш «икки буюк халқ адабиётларининг ўзаро алоқаси ва таъсири манбаларини чуқурроқ ёритишга хизмат» қилиши таъкидланади. Айни муаммолар олим илмий мактабидаги қиёсий адабиётшуносликнинг мавзуларидан бири сифатида ечим топишига умид қиламиз.

Шу ўринда айтиш лозимки, Навоий замондошлари таърифида кетма-кет берилган ҳар бир ижодкорга оид маълумот бир қанча афзалликлари билан ажралиб туради. Биринчидан, мазкур ижодкорларнинг Навоий раҳнамолигида етишганини билиб оламиз. Навоийга бағишланган қасидалари асарнинг нечанчи бобидан ўрин олгани, уларнинг манбалари – қўлёзмалари қайси фондларда сақланишига қадар очиқ айтилган. Олим қасидалардаги Навоий мадҳи ўта кўтаринки, баланд руҳда ёзилган бўлса ҳам, уларни ўрганиш бугун нечоғлик зарур эканлигини таъкидлайди. Илмий аниқлиги билан китоб тадқиқотчилар учун тайёр қўлланма вазифасини ўтайди.

Иккинчидан, адибларнинг Навоийга атаб битган асарларига қараб бу даврда ривож топган жанрларни ҳам билиш мумкин. Навоийга мадҳиялар, қасидалар ёзилгани, муаммо яратиш урф бўлгани, шеър назариясига доир махсус асарлар ёзилгани, таржима ишлари олиб борилгани каби XV аср адабий муҳитидаги қизгин жараённинг бориши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Жумладан, Атоуллоҳ Асилийнинг «Равзат ул-аҳбоб» асари Навоий тавсияси билан ёзилгани, Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний

шеър санъатларига доир «Бадоеъ ус-саноеъ» асарида араб тилидаги Умар Родиёний, Шамсиддин Қайс Розий асарларини қиёсий таҳлилга тортиб, сушт томонларини кўрсатиб ўтгани, давомли равишда шундай масъулиятли ва машаққатли иш Навоий талабчанлиги ва раҳнамолигида бажарилгани кўрсатилади.

Аҳлий Шерозийнинг Навоийга бағишланган қасидаси таҳлилига айрича муҳаббат билан ёндашилган. Сабаби, мазкур қасида илк бора олим томонидан топилиб, махсус мақола (1991) шаклида эълон қилинган. Шерозийнинг Навоийга бир эмас, уч қасида бағишлаганини Фурсат Шерозийнинг «Осори Ажам», Лутфали Озарнинг «Оташкада», Амин Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим» тазкираларида берилган маълумотлар асосида далиллайди. Салмон Соважий бошлаб берган маснӯъ қасида услубида ёзилган Шерозий қасидасини таҳлил қилади, таҳлилларда Навоийнинг шеърӣ маҳоратию бор фазилатлари билан сиёсий-ижтимоий мавқеига қадар очилиб борган.

Умуман, ҳар бир ижодкорга аталган мақолаларда олим ўша адиб ижоди, асарлари мазмуни, шакл ва мазмун уйғунлиги, бадиий дид, маҳорат, савиянинг баландлиги каби олий даражадаги адабиёт мезонлари билан ёндашади. Адиблар ижодини ана шу мезон тарозисида ўлчайди ва ўз ўрнида баҳолаб боради. Умумий мазмундан бадиий диднинг юксалишида Алишер Навоийнинг эътибори ва қатъий талабчанлиги муҳим йўналтирувчи куч касб этганини уқиб олиш қийин эмас.

Маълумки, муаммо жанри баланд зеҳн ва зийракликни талаб қилади. Бу жанр адабиёт ўз чўққисига чиққан хослар даври бўлмиш XV асрда ривож топгани ҳам бежиз эмас. Муаммо жанрига бағишланган бир қанча рисола юзага келгани, янги турдаги «шахс номи унинг фазилат ёки камчилиги баёни остида берилган» муаммолар яратилгани Шамсиддин Муҳаммад Бадахший ва Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Ҳусайний ижоди мисолида кўриб чиқилган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да муаммо бўйича алоҳида иқтидори бор устозларни ҳурмат билан тилга олади. Табиий равишда буюк адибнинг танлови, шахсан эътибори билан зеҳни баланд, иқтидорли ёшлар саралаб олинган. Улардан бири Шамсиддин Муҳаммад Бадахший муаммолари «Ўзал поэтик иборалари, ўйноқи сатрлари, чуқур мазмунлари билан

муаммо санъатидан кўра етук қобилият, илҳом билан ёзилган шеърӣ тўпламларни эслатади. Бу эса Навоийнинг муаммо санъатига оид рисоалар яратишни шоирлик истеъдоди ва маҳорати баланд шахсларга топширганидан далолат беради» (23).

Китобдаги эътирофлар, таҳлиллардан Навоий иқтидорли ёшларга устоз, ҳомий, ғоявий-ижодий раҳнамо, синчков олим, шогирдпарвар устоз, самимий дўст, ижод, илҳом манбаи, улус ҳаётидан огоҳ халқчил бир шахс сифатида гавдаланиб боради. Тасаввур қилганимиздек, биз ташна бўлган Навоий фазилатлари очилиб боради.

Янада қизиқарлиси шундаки, Камолиддин Биноий ва Алишер Навоий ўртасидаги зиддиятли муносабатлар доимо барчанинг диққат-эътиборини тортган. Айти китобдан Биноийнинг Навоийга атаб қасида бағишлагани, қасида йўқолгани, умуман, қасиданинг яратилиш тарихи, Навоий ва Биноий ўртасидаги муносабатнинг кескинлашувидаги нозик масалаларга қадар ўрин олган. Қисқа, аниқ далилий маълумотлар асосида Биноий кечмишини ҳам билиб олиш мумкин.

Ўзи ижод қилиши баробарида бошқа ижодкорларни ҳам маънавий руҳлантириш, иқтидорига мос равишда йўналтириш, моддий қўллаб-қувватлаш, том маънода улар учун ҳам буюк шоир эътибори остида ижод қилиш – фақат замондош ижод аҳлигагина насиб қилган бахт. Кимнидир мусиқага, мусаввирликка ва бошқа соҳаларга йўналтириш, фақат адабиётнинг ўзини олганда ҳам бу адабий жараёни ҳаракатга келтириш, қизгин адабий муҳит, ижодий рақобат, сондан сифатга кўтарилиш, савиянинг ошиши, китобхон диди, онгининг юксалиши каби адабиётнинг жон томирини белгилайдиган ҳолатга олиб чиқилиши эди.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг замондошлари эътирофидаги фазилатлари авлодлар учун ҳам ибрат мактаби бўлиб қолади. Китоб янгидан кўп сонда нашр этилса ҳамда инглиз, форс ва бошқа тилларга таржима қилиниб, халқаро жамоатчиликка ҳавола қилинса фойдали бўларди. Бу билан туркий адабиётни юксак поғонага кўтарган Алишер Навоий ўз даврида форсий тилдаги адабиётнинг ривожига ҳам етакчи куч бўлганини кенгроқ тарғиб қилиш мумкин.

ЗУККО ОЛИМ, ЖОНКУЯР РАҲБАР ВА МЕҲРИБОН УСТОЗ

Эзгу ғоялар йўлида эл-юрт ва Ватан хизматига ҳамиша таъйёр, жонкуяр, шижоатли, адолатли, маънавий фазилатли, юксак тафаккурли, том маънодаги маърифатпарвар инсон, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Самариддинович Сирожиддинов билан илм ва таълим соҳаларида ҳамкорликда ишлаётганимдан доимо фахрланиб юраман.

«Киши исмига тортади» деган таъбир – доно ҳикмат. Илмдаги ҳалол меҳнати, олимлик этикаси ва ўз соҳасига садоқати уни жаҳонга машҳур қилди.

Шухрат Сирожиддинов – таниқли навоийшунос олим. Унинг чекига Алишер Навоий ҳазратларининг таржимаи ҳолини тиклашдек масъулиятли, айна пайтда, жуда долзарб вазифа тушди. Қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш игна билан қудуқ қазишга баробарлигини шу соҳа вакиллари яхши билишади. Мен буни химик ва физикларнинг тажриба усулига ўшатаман. Ишлатилган ҳар бир сўз, топилган ҳар бир маълумот исбот талаб қилади. Демак, матншуносликда бир янги сўз айтиш учун қанчадан-қанча маълумотларни текшириб, қиёслаб чиқишга тўғри келади. Бу айтишга осон. Қўлёзмалар турлича савияда кўчирилади, биронта нуқта тушиб қолса борми, сўз маъноси ўзгариб кетади. Бундай ҳолатлар эса қўлёзма манбаларда жуда кўп учрайди. Муаллиф айнан нимани кўзда тутганини билиш ва сўзнинг асл ҳолатини тиклаш тадқиқотчидан улкан сабр, матонат ва билимдонликни талаб қилади. Бир сўз устида соатлаб ўтириш, сон-саноксиз китобларни титиш кўз нури ва вужуд қувватига қанчалик салбий таъсир кўрсатишини гапирмай қўя қолайлик.

Ш. Сирожиддинов ўзининг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» номли тадқиқотида 300 дан зиёд қўлёзма манбаларни синчиклаб ўрганиб чиққан, уларни солиштирган, оригинал маълумотларга эга 100 га яқин қўлёзма манбани таҳлил доирасига тортган. Бу жуда машаққатли меҳнат. Иккинчидан, мумтоз матнлар билан шуғулланган олим бирваракайига бир неча соҳанинг пухта билимдони бўлиши зарур. Олим матн яратилган хорижий тилни яхши билиши, агар бу ўрта асрларга оид форс тилидаги адабий-фалсафий ёки тарихий манба бўлса, яхши адабиётшунос бўлиши, фалсафани, ислом илмларини, тарихни билиши, яна бир муҳим жиҳати, яхши таржимон бўлиши лозим. Зеро, мумтоз адабиётлар қайси соҳага тааллуқли бўлмасин, шу илмлардан холи бўла олмайди. Шухрат Сирожиддиновда ана шу фазилатларнинг барчаси мужассам. Шу жиҳатдан унинг илмий асарларини нафақат навоийшунослик, балки бадий таржима соҳасига ҳам, фалсафа соҳасига ҳам, диний-тасаввуфий соҳага ҳам, тарих соҳасига ҳам тегишли бўлган тадқиқотлар ташкил этади.

Бугунги даврда филология фанлари доктори, профессор Ш. Сирожиддинов бор илмий салоҳиятини навоийшунослик ва ўзбек адабий манбашунослиги ҳамда матншунослиги соҳасини уйғун ривожлантиришга бағишламоқда. Бу соҳада ўз илмий мактабини яратгани таҳсинга сазовор. Ҳозирда унинг раҳбарлигида шогирдлари навоийшунослик, мумтоз адабиётшунослик, қиёсий адабиётшунослик ва таржимачилик соҳасининг долзарб муаммолари бўйича муваффақиятли илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Ш. Сирожиддиновнинг олим сифатидаги яна бир ютуғи унинг бир неча Шарқ ва Европа тилларини билишидир. Ушбу тилларда бемалол ўқийди, ёзади ва таржима қилади. Халқаро миқёсда илмий ишлари натижаларини чоп этади. У ватанпарвар олим ва педагог сифатида Ўзбекистонда филология фанининг ривожланишига, жаҳон андозаси талабларига мос келадиган илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашда жуда катта ҳисса қўшиб келаётгани жамоатчиликка яхши маълум.

Ш. Сирожиддиновнинг шахсий фазилатларига унинг камтаринлиги, одамларга меҳрибонлиги, ишчанлиги, адолатпарвар-

лиги, ўзига ва атрофидагиларга талабчанлиги, режалаштирилган ишларни бажаришга улгуриши, босиқ ва қатъиятлилиги, янгиликка интилувчанлиги каби хислатларни киритиш мумкин. У жонкуяр, теран фикрловчи ва ташкилотчи раҳбар сифатида ўзининг вазиятидан келиб чиқиб профессор-ўқитувчими, докторантми, магистрантми, талабами, оддий фуқароми – барчага хушмуомала, ҳозиржавоб, тезкорлик билан инсоннинг мушкулини осон қилишга ҳаракат қилади.

Талантли ёшларга эътиборни қаратиш – давр талаби. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов тўғри таъкидлаганларидек, «Талант – халқ мулки. Албатта, талант табиатнинг нодир инъоми, уни йўқдан бор қилиб бўлмайди. Табиат талантни бир одамга ато қилса ҳам, талант фақат уники эмас, бутун халқники. Ҳар қандай туғма талант ҳам уруғдай гап, холос. У униб чиқиб ҳосил бериши ҳам мумкин, кўкариб, барг ёзишга улгурмай нест-нобуд бўлиб кетиши ҳам мумкин. Уруғ униб ҳосилга кириши учун ер, сув, қуёш ва офтоб зарур; ўсиб-униб вояга етиши ва қўпчиликни баҳраманд этадиган самара бериши учун ҳам муайян шарту шароит, басаришта парвариш керак. Қаровсиз қолса, кўкариб турган дарахт ҳам қуриб қолиши муқаррар. Парвариш бўлмаса, балоғатга етиб, яшнаб турган талант ҳам қовжираб қолиши мумкин».⁴

Улуғ адибнинг ушбу доно сўзлари, жумладан, моҳир педагог Ш. Сирожиддиновнинг табиатида ўз исботини топади. У оқибатли ва танти дўст, меҳрибон устоз сифатида Ватанимизнинг барча ёшларига эътиборини қаратиб, талантли, иқтидорли талабаларни қаноти остига олиб, уларнинг илмий тадқиқот борасида олиб бораётган изланишларига шароит яратиб, ўз мутахассисликларига бўлган қизиқишларини орттиришга қўмак бериб келмоқда.

Улуғ ёшида халқимиз фаровонлиги ва юртимиз равнақи йўлида ҳам улуғвор ишлар бошида бўлган улкан олим бугунги кунда ҳам жигаргўшалари, содиқ дўстлари, шогирдларига самимий муносабатда бўлиб, адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида янгидан-янги илмий асарлар яратиш ва

⁴ Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1979. – Б.53.

Ватанимизга садоқатли юқори малакали илмий ҳамда педагог кадрлар тайёрлаш завқи билан яшамокда.

Азиз биродаримиз, ўзбекнинг талантили ўғлонларидан бири, юксак маънавиятли инсон, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиiddиновга узоқ умр, янада жўшқин ва сермахсул илмий ҳамда педагогик фаолият, янгамиз билан фарзандлари бахтини кўриб яшашни Оллоҳдан сўраймиз.

Муҳаммадхон ҲАКИМОВ,
филология фанлари доктори,
Фарғона давлат университети профессори

ИЛМ ҚАСРИ БУНЁДКОРИ

Забардаст олимлар ҳақида бирор нарса ёзишдан-да шарафлироқ, шу билан бирга, масъулиятлироқ иш бўлмаса керак. Бундай иш, аввало, ўзингиз ва яқинларингизга, қолаверса, устозларга манзур бўлиши, энг муҳими, ёзганларингизда устознинг барча фазилат ва хислатлари бор бўйи билан салобат тўкиб туриши кўнгилларга ҳузур бағишлайди. Айниқса, сатрлар ортида устоз ва ҳамкасбларнинг ўзи кўрмаган ёки ёдидан кўтарилган руҳиятни кўтарадиган воқеалар акс этиб турса, ёзганларингиздан кўнглингиз тўлса, битикларда тасвирланган жозибали ва фусункор ҳаёт йўлининг унутилмас лавҳалари ўқилган сари устоз танлаган йўлнинг тўғрилигини «МАНА МЕН» деб айтиб турса, бундан-да завқлироқ ва ҳузурлироқ нарса бўлмаса керак. Одатда, фан олами намояндалари фаолиятини қўл билан ушлаб бўлмас ақл тарозиси кўрсаткичлари ила турли тоифаларга бўладилар. Биринчи тоифадаги олимлар фақат фан билан шуғулланиб, шу соҳада бой тажрибага эга бўлган, қатор китоблар муаллифи сифатида танилган ва ўша халқ адабиёти ва санъати ҳақидаги илмнинг мукамал бўлишига ҳисса қўшган устозлардир. Яна бир тоифадаги илм аҳли адабиёт ҳақидаги илмга одобиётни ҳам қўшиб олиб боради, улар турмуш тарзларини ибрат мактаби билан шакллантирадилар, бу борада олимнинг умр бўйи игна билан қазилган қудуқдек битмас-туганмас бадиий ва илмий манбалар асосида яратган илм сарчашмалари, шунинг баробарида, ўзбек миллатининг тафаккурида йиллар давомида йиғилган халқнинг одатий одоблари устоз сиймоси ва қаламида намоён бўлади, буларнинг барчаси тенгқур ҳамкасблар ва ёшларга ибрат мактабининг намунаси бўлади. Учинчи тоифадаги олимлар фанда ҳам, ҳаётда ҳам ҳаммадан ўзиб кетадилар, уларга ҳар жиҳатдан етиб бўлмайди, кетма-кет нашр қилинган

китоб ва мақолалар, катта минбардан туриб адолат тарозиси ила заргарона айтилган холис фикр ва мулоҳазалар ёшу қарини таажжубга солади, ҳақ гаплардан ҳокиму фозиллар қойил қоладилар. Одатда, олимлар юқоридаги тоифалардан фақат биригагина мансуб деб эътироф этилади. Мана шу ҳар уч тоифага биз ҳеч иккиланмай профессор Шухрат Сирожиддиновни киритишимиз мумкин.

Чинакам илм соҳиблари ўзларининг фидойилиги ва эзгу амаллари билан кишилар қалбида мангулик қасрларини қурадилар. Бу қасрларга қўйилган ҳар бир ғишт келгуси авлодларга мозийдан хабар бериш билан бирга келажак учун сабоқ, дастуриламал вазифасини ўтайди. Ана шундай илм қасри бунёдкорларидан бири таниқли адабиётшунос ва матншунос олим Шухрат Сирожиддиновдир. У бутун умрини илм излаш, зиё нурини сочиш, маънавий муҳитни соғломлаштириш, таълим сифатини ошириш, ўқув, илмий, моддий базани замон талаблари даражасига кўтаришга сарф этган маърифатли инсондир. Унинг бундай инсон эканлигини босиб ўтган ҳаёт йўли ва қолдирган бир қатор маънавий меросида кўриш мумкин.

Олимнинг илмий-назарий қарашлари илмий жараёнга кириб келаётган ҳар бир ёшнинг илм йўлини ёритувчи маёқдир. У ўзининг илмий изланишларида ўзбек адабиёти манбаларини жаҳоннинг илғор илмий услублари, яъни қиёсий-типологик, текстологик таҳлил асосида ўрганиш, шунингдек, ижтимоий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда мустақиллик мафқураси ва миллий ғоя негизида янгидан таҳлил қилиш назариясини илгари сурди ва филология илмида туб бурилиш ясади. У ўзининг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили»⁵ мавзусидаги тадқиқот ишида буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятига оид манбалар, илмий тадқиқотларни қиёсий жиҳатдан ўрганиб, Навоий ҳақидаги ҳақиқатларни кенг китобхонга тақдим этди. Бу эса мустақиллик йилларида буюк мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини тарихий ва мафқуравий сохта-

⁵ Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 326 б.

лаштириш кўринишларидан тозалаш, уларнинг жаҳон маданияти тизимидаги мақомини реал кўрсатиб беришга қаратилган ишларнинг ибтидоси бўлиб, шу йўналишдаги тадқиқотлар учун йўл очди. Натижада навоийшунослигимизнинг кейинги даври вакиллари навоийшунослик соҳасида ўзларининг бир қатор изчил илмий тадқиқотларини юзага келтирдилар. Шоир девонлари манбалари, текстологияси ва герменевтик талқинлари соҳасида А. Эркинов, шоир лирикаси тасаввуфий талқинлари хусусида К. Муллахўжаева, Д. Юсупова, О. Мадалиева, Н. Бозорова, Н. Бекова, М. Ражабова, О. Давлатов, З. Ҳамидова, А. Раззоқов, Н. Рамазонов, И. Исмоилов, М. Асадовлар ўзларининг қимматли тадқиқотларини яратдилар.

Олимнинг ушбу монографияси 20 дан ортиқ муаллифларнинг асарларида буюк ўзбек мутафаккири ва шоирининг ҳаёти ҳамда фаолиятига баҳо берилган. Таҳлилга тортилган асарларнинг аксарияти форс тилида ёзилган бўлиб, улардан Навоий қаламига мансуб шахсий қайдлардан ташқари фақат иккитаси, яъни Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола» ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарлари туркий тилда битилган. Тадқиқотда энг муҳим маълумотлар Навоий замондошлари: Абдураззоқ Самарқандий, Абдурахмон Жомий, Мирхонд, Хондамир, Муъиниддин Исфизорий, Давлатшоҳ Самарқандий, Фахрий Хиротий, Зайниддин Восифий каби олимларнинг қарашлари асосида ёритилган. Шу билан бирга, чет эл олимлари, хусусан, турк олимларидан Маҳмад Фуод Кўпрулзода, Огоҳ Сирри Лаванд, афғон олими Муҳаммад Яъқуб Жузжоний, эронлик олим Али Асғар Ҳикмат, рус олимлари Й.Э. Бертельс, А.Н. Кононов, А.К. Боровков, А. Семёнов, М.А. Сале, Й.А. Якубовский каби олимларнинг тадқиқотлари ҳамда ўзбек навоийшунослари М. Ойбек, М. Шайхзода, И. Султон, В. Зоҳидов, В. Абдуллаевларнинг тадқиқотларида Навоий гениал шахс ва ижодкор сифатида эътироф этилганлиги талқин қилинган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тил соҳаси бўйича олиб борилаётган ислохотлар, илм-фан соҳасидаги туб ўзгаришларда ҳам олимнинг беқиёс ҳиссаси бор. У ўзининг монографиясида бугунги кунда республикаимизда сиёсий тус олган «давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш,

илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш»⁶ каби масалалар билан буюк бобокалонимиз Алишер Навоий XV асрдаёқ куюнчаклик билан шуғулланганини қуйидагича қайд этади: «Алишер Навоий бутун дунё қаршисида туркий (ўзбек) тилнинг бой имкониятларини кўрсатиб бера олган, араб, форс тилларидан ҳеч қайси жиҳатдан кам бўлмаган гўзал тил эканлигини исботлаб берган буюк олимдир. Ўша даврларда форс тили поэзия тили, араб тили эса илмий тил сифатида қабул қилинган эди. Расмий ёзишмалар ҳар иккала тил омехтасидан иборат эди. Туркий тилга эса авом тили сифатида қараш устувор эди. Туркий халқларнинг кўп мингйиллик давлатчилик тажрибаси ва бой маънавий-адабий мероси мўғул босқини оқибатида йўқ қилинганлиги туфайли темурийлар даврида туркий халқларнинг шонли тарихи, тили ва қадриятларини тиклаш жуда қийин кечган. Ҳатто Темур саройида туркий тилни давлат тили даражасига олиб чиқиш ишлари охирига етказилмай қолган. Шундай бир шароитда Алишер Навоий ўз олдига ўзбек тили мақомини тиклаш мақсадини қўйди».⁷ Навоий шахсиятига жуда катта эҳтиром билан қараган машҳур инглиз манбашунос ва матншунос олими Ч. Риё унинг бу хизматларига: «Мир Алишер туркий тилни адабий тил даражасига кўтаришда энг кўп хизмат қилган тарихий шахсдир»⁸, – деб баҳо беради. Ш.С. Сирождидинов ўз монографиясида Навоийнинг ўзбек (туркий) адабий тили мавқеини кўтариш ва ривожлантиришдаги бу тарздаги хизматларини дунё олимлари буюк маърифатпарварлар – француз Дю-Белли ва рус олими М.Ломоносовнинг миллат маданиятида туб бурилиш ясаган саъй-ҳаракати билан тенглаштирганларини эътироф этар экан, бу йўлда жамиятимизнинг барча фуқароларининг мақсад ва маслаклари бир

⁶ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6084-сонли Фармони. Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент, 2020 йил 20 октябрь.

⁷ Кўрсатилган манба. – Б.3.

⁸ Қаранг. Кўрсатилган манба. – Б.11.

бўлиб, улар Навоий каби давлат тилининг софлигини сақлаш йўлида фидойи ва фаол бўлишлари лозимлигини таъкидлайди.

Олимнинг улкан хизматларини сарҳисоб қилар эканмиз, мамнуният билан айтиш мумкинки, бу илмий-назарий манбалар бугунги кун адабиётшунослиги, тилшунослиги, матншунослиги, манбашунослигини илмий жиҳатдан тўлдиради, бу соҳадаги изланишлар учун амалий манба сифатида хизмат қилади. Сўзим якунида шунини алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдим: ҳақиқатан ҳам буюк аллома ижодини ўрганиш ва тадқиқ этиш шарафига муяссар бўлган Шухрат Сирожиддинов Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидек катта даргоҳнинг раҳбари бўлишида рамзий маъно бор.

Нозлия НОРМУРОДОВА,
филология фанлари доктори,
Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети проректори

ҲАЗРАТИ ИНСОН...

... Инсон умри аввал униб чиқадиган, кейин бўй чўзиб, куртак ёзиб, гуллаб-яшнайдиган дарахт ҳаётига ўхшайди. Бугун Сиз яшнаб турган етукликнинг ажойиб давридасиз... Кўп марраларга эришилди, бироқ янги режалар, ғояларни рўёбга чиқариш учун майдон очилган шу паллада бунёдкорлик миссиясини бажаришга сафарбар этилган бебаҳо ҳаётий тажриба ва бетакрор истеъдод орқали энг қийин вазифаларни бажариш мумкин, яна кўплаб эзгу ишларни амалга ошириш лозим. Бу сўзларнинг барчаси филология фанлари доктори, профессор, кенг миқёсдаги етакчи матншунос олим, инновацияларни жорий қилувчи ректор ҳамда шунчаки камтар, жуда ҳам яхши инсон Шуҳрат Самариддинович Сирожиддинов ҳақидадир.

Шуҳрат Самариддинович билан бундан етти йил аввал Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этишга тайёргарлик кўрилаётган пайтда танишганман. Ректорнинг турли мамлакатлардан келган олимлар, олий ўқув юртларидан сараланган ҳамкасблари билан университет фаолиятини юритиш бўйича суҳбатлардаги иштиёқи, профессионалиги, очиклиги ва соддалиги мени ҳайратга солган. Ректорнинг ўз сўзларини амалий ишлар билан исботлашга шайлиги барчамизга ўрнак бўлган.

Шуҳрат Самариддиновичнинг кўп йиллик фаол меҳнати давомида кўрсатган хизматларига баҳо беришда адашиш қийин.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мамлакатимиздаги навқирон олий таълим муассасаларидандир. Муҳтарам президентимиз 2017 йили уни-

верситет жамоаси билан бўлган учрашувда олийгоҳимизнинг зиммасига юклатилган глобал вазифалар қаторида бу университет миллат ва маънавиятимизни жаҳонда тарғиб этувчи халқаро университет мақоми учун курашиши борасида қатор топшириқлар берган эди. Шухрат Самариддинович бошчилигидаги жамоа бу муҳим вазифаларни адо этиш йўлида жиддий ҳаракат қилиб қисқа муддатда Ўзбекистоннинг энг нуфузли олий таълим муассасалари қаторидан жой олди: миллий рейтингда 2017 йили 44-ўринда бўлган бўлса, 2018 йили 14-, 2019 ва 2020 йилларда 9-ўринни эгаллади. 2021 йил эса 6-ўринга кўтарилди. Университет ўзбек тилининг Ўзбекистонда ва халқаро миқёсда нуфузини ошириш, ўзбек адабиёти ва фольклори ҳамда миллий кадриятларини тарғиб этиш бўйича давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш, ўзбек тили ва адабиёти билан бир қаторда халқимизнинг маънавияти, тарихи ва маданияти, фалсафасини тадқиқ этиш ҳамда ушбу мақсадни амалга ошириш учун етук мутахассисларни тайёрлаш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида университетимизнинг халқаро таълим майдонида нуфузини ошириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, раҳбаримиз ташаббуси билан турли халқаро ассоциациялар фаолияти ҳамда тажрибаси ўрганилиб, ушбу ассоциацияларга аъзо бўлиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва университетимиз Марказий Осиёни ўрганиш халқаро ассоциацияси (Жанубий Корея), Марказий Осиё университетлар ассоциацияси (Қирғизистон, Туркия), Кавказ университетлари бирлашмаси (Туркия), Ўзбекистон – Америка жамияти (АҚШ) аъзосига айланди. Хорижий талабаларни ўқув жараёнига кенгроқ жалб этиш, университет талабаларининг турли алмашинув дастурларида иштирокини кенгайтириш мақсадида университетда Чет эллик талабалар билан ишлаш маркази, халқаро рейтинг ва стратегик ривожланишни оммавийлаштириш ҳамда қўшма икки томонлама дастурлар бўлимлари ташкил этилди. Анқара Ҳожи Байрам Вали университети билан «Гид ҳамроҳлиги ва туризм», «Компьютер графикаси ва дизайн», Аҳмад Яссавий номидаги халқаро турк-қозоқ университети билан «Туркология» йўналишида магистратура қўшма дастурлари йўлга қўйилди. Шунингдек,

яқин йилларда Добролюбов номидаги Нижний Новгород давлат лингвистика университети билан «Халқаро муносабатлар», Туркия маданият университети билан «Оила психологияси», Мармара университети билан «Социология» мутахассислиги бўйича қўшма дастурларни очиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда хорижий ҳамкорларимиз сони 97 тага етиб, улар билан ҳар томонлама яқин ҳамкорликда ўқув жараёни, илмий-услубий жабҳаларда сифат даражаларини кўтариш устида мунтазам иш олиб борилмоқда. Университетнинг халқаро илмий ҳамжамиятга жадал интеграциялашувига қаратилган чоралари натижасида хориж ОТМлари ҳамкорлигидаги 10 дан ортиқ халқаро лойиҳада университет олимларининг иштироки таъминланди. Чет эл университетлари (Шанхай университети, Москва давлат лингвистика университети, Анқара университети, Индиана университети, Белорус давлат университети) ва ўзбек ватандошлари жамоаларида ўзбек тилини ўқитишнинг онлайн ва офлайн курслари ташкил этилди.

Педагог ходимларнинг хорижда малака ошириши ва стажировкасини ташкил этиш борасидаги фаолиятимиз тобора кенгайиб, 2020 йилда 20 нафар, 2021 йилда 30 нафар ўқитувчи хориж сафарида бўлиб қайтди. Талабаларнинг халқаро алмашинув дастурларидаги иштироки 2020 йилда 40 нафар, 2021 йилда 60 нафарни ташкил этган бўлса, 2022 йилда уларнинг сонини 90 нафар ва 2023 йилда 120 нафарга етказиш режалаштирилди. Университетимизнинг уч нафар профессор-ўқитувчиси АҚШнинг FER дастури (Соҳани ривожлантириш дастури) 2021 йил кузги мавсумида ғолибликни қўлга киритиб, олти ой давомида АҚШнинг турли университетларида малака ошириб қайтди. 2022 йилда уларнинг сонини 40 нафар, 2023 йилда 50 нафарга етказиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга ошириш механизми жорий этилди.

2022 йил бошида Times Higher Education (THE) халқаро рейтинг агентлиги томонидан эълон қилинган жаҳоннинг нуфузли университетлари (THE Impact Rankings 2022) рейтингига Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети топ 1001+ университетлар рўйхатига киритилди. Ушбу рейтингдан ўрин эгаллаш йўлида ТошДўТАУ 17 йўналиш-

даги Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (SDGs) орасидан саккизтасида иштирок этди. Университетимиз «Сифатли таълимни таъминлаш (SDGs)» бўйича сараланган 1200 дан зиёд дунё университетлари орасида фахрли 600-ўринни эгаллади, «Барқарор тараққиёт учун тинч ва инклюзив жамиятларни тарғиб қилиш (SDG16)» ҳамда «Гендер тенглигига эришиш (SDG 5)» бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлди. Натижада жаҳоннинг 900 дан ортиқ университетлари ўртасида ТошДўТАУ 300-ўринни қўлга киритди. Бундан ташқари, университетимиз «Тенгсизликка барҳам бериш мақсадлари» бўйича (SDG10) 52- ва «Қашшоқликка қарши курашиш» бўйича (SDG1) 45-кўрсаткич билан 800 га яқин дунё университетлари ичида 400-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Ҳозирда университетда 205 нафар хорижлик талаба таҳсил олмақда, жумладан, 4 нафар докторант, 19 нафар магистр, 182 нафар бакалавр босқичида таҳсил олади. Уларнинг 5 нафари Хитой Халқ Республикаси, 155 нафари Афғонистон, 34 нафари Қозоғистон, 4 нафари АҚШ, 11 нафари Туркия, қолганлари Покистон, Жанубий Корея, Италия, Польша давлатлари фуқароларидир. Айни пайтда университетда 76 нафар хорижлик профессор-ўқитувчилар дарс машғулотлари олиб бормоқда, улардан 7 нафари офлайн режимда. Улар орасида АҚШ, Туркия, Россия Федерацияси, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Буюк Британия, Украина, Непаль, Польша, Сербия, Швеция каби давлатлар вакиллари бор.

Шуҳрат Самариддинович аниқ стратегик мақсад ва тизимли ёндашувга эга бўлган юқори салоҳиятли мутахассисларнинг мавжудлигига катта эътибор беради. Яқин келажакда университетимиз халқаро рейтингларда янада юқори натижаларни кўрсатиши ва давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ишончни оқлашига шубҳа йўқ.

ТошДўТАУда асосий диққат-эътибор етук шахсларни тарбиялашга қаратилган, чунки Шуҳрат Самариддинович истеъдодли кадрлайди, индивидуалликни ҳурмат қилади ва ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришига ёрдам беради. Масалан, талабаларнинг фикри ва университет ривожига қарашлари бошқарув тизимида жуда муҳим роль ўйнайди, улар

Илмий кенгаш аъзолари сифатида муҳим лойиҳаларни мувофиқлаштирадилар ва ўзлари университетга кирган янги талабалар учун мураббийлик қиладилар. Ректор талабаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг индивидуал режаларини амалга оширишига кўмаклашади, нафақат профессионал, балки қизиққан соҳалари бўйича малакаларини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратади. Чунки бундай кўникмалар талабаларнинг келгусида иш жараёнига тез мослашиши, ривожланиши ва профессионал мақсадларга эришиши учун зарурдир.

Шухрат Самариддинович – жуда кўп ижобий фазилатларга эга ноёб шахс. Раҳбарларга хос қатъийлик фазилати ҳаётий доғишмандлик, қарор қабул қилишда инновацион ёндашув, ҳаммага маъқул ечимларни топа олиш қобилияти, талабчанлик ва ташкилотчилик, хайрихоҳлик ва илиқлик билан уйғунлашган.

Кўп қиррали, истеъдодли шахс Шухрат Самариддинович ўз соҳасининг етук олимидир. Шубҳасиз, раҳбаримизнинг касбий тажрибаси, малакаси ва ғайрати туфайли университетимиз жадал ривожланиб, муваффақиятларга эришмоқда. ТошДўТАУда жамиятимиз ва давлатимиз олдида турган энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир замонавий ва етук мутахассислар тайёрланади.

Шухрат Самариддинович бугун 60 ёшга тўлди. Бу ёшда давлат арбоблари ўз режаларини ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилишлари учун етарли тажрибага ва доноликка эришган давр ҳисобланади. ТошДўТАУ – бутун бир олам, унда Шухрат Самариддинович муҳим қарорлар қабул қилувчи муҳим шахсдир. Бугун ТошДўТАУ ҳар қачонгидан-да тараққиётда янги зафарларга эришишга тайёр. Улкан мақсадларни амалга ошириш учун барча потенциалга эга бўлган университетимизда таълим ҳамма учун очиқ ва бу ерда ҳамма олий маълумотли бўлиш имкониятига эга.

ТошДўТАУ, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг юқори сифатли билим ва бой тажрибага эга энг яхши мутахассисларидан иборат катта аҳил жамоа. Ш. Сирожиддинов ушбу жамоанинг рамзи ва юраги ҳисобланади. ТошДўТАУ тарихига ректоримизнинг исми зарҳал ҳарфлар билан ёзилади, чунки у

таълим масканимизни маънавият университетига айлантира олди.

Эсимда, Шухрат Самариддиновичнинг туғилган кунида жамоамиз унга биз учун қилган яхшиликлари ҳаққини ҳеч қачон адо қилолмаслигимизни айтгандик! Шухрат Самариддинович ўшанда бизга шундай жавоб берди: «Университет, талабаларингиз, шогирдларингиз, ҳамкасбларингиз, дўстларингиз, оила аъзоларингиз ёки шунчаки атрофингиздаги инсонлар учун нафингиз тегса, мен учун энг катта миннатдорчилигингиз шу бўлади».

Шухрат Самариддинович Сирожиддинов шундай инсонки, ҳар куни атрофдаги олам янада обод бўлиши, эзгу амаллар соҳиблари кўпайиши учун бор имкониятини ишга солади!

Шундай инсонлар билан бир сафда бўлиш биз учун улкан ифтихордир!

Поён БАКИРОВ,
филология фанлари доктори,
Термиз давлат университети профессори

ШАРҚНИНГ ШОНЛИ, ШАВКАТЛИ ШУҲРАТИ

Сўнги йилларда ватандошларимизда фанга, илмга бўлган муносабатнинг ниҳоятда ўзгарганлиги аён ҳақиқат. Тўғри, ҳар даврда илмга муносабатнинг муҳаббат, ихлос, кунт, ишонч ва эътиқоддан мосуво бўлмаган шакллари, талқини мавжуд бўлган. Зеро, инсоннинг пайдо бўлганига неча даврлар ўтди, бироқ яқин-яқин юз йилликлар ичидагина бизни қуршаган олам ҳақидаги саволларимизга жавоб топгандаймиз. Нега шундай? Назаримда, илм аталмиш хилқат олам синоатларидан ҳайрат ҳиссини туя олмаганга ўз эшигини зинҳор-базинҳор очмайди. Ҳар бир янгилик, ҳар бир кашфиёт ҳайратдан бошлангани каби: «Гўзаллик нафақат бир сантиметр, балки ундан-да кичик ўлчамларда ҳам мавжуд. Илмга эгалик қатор саволларни туғдиради, шу сабабдан ҳам гулни кўрганимиз ҳамон бизда ҳайрат, мавҳумотнинг кучи ўсади. Бошқача бўлиши мумкин эмас» (Р. Фейнман).

Олим кишини ҳайратсиз, ҳайрат озиклантирган эҳтироссиз тасаввур қилиш мумкин бўлмагани сингари, ўз фаолиятига муҳаббат боғламаган кишини илм аҳлидан деб бўлмайди. Олимнинг меҳнати, жамият олдидаги хизмати аксар ҳолларда тарих ўзанини буриб юборишга қодир. Зотан, фанимиз фидойиси, филология фанлари доктори, профессор, навоийшунос ва матншунос олим Ш. Сирожиддинов ҳақидаги мулоҳазаларим ушбу ёзаётганларимнинг бутун моҳиятини акс эттиришига шубҳам йўқ.

Шуҳрат Сирожиддинов – адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида ўз илмий мактабини яратган йирик олим. Унинг асосий илмий ишлари Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, шунингдек, Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаёти тарихини ўрганишга бағишланган. Жумладан, олимнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографияси Алишер Навоий феномени, унинг жаҳон мада-

нияти ривожда тутган ўрни ва мақоми, шоирнинг шахсиятига бўлган муносабатлар тарихи, турли ёндашувлар моҳиятини улуғ мутафаккирнинг ўз давридан бошлаб ҳозирги давргача Марказий Осиё, Эрон, Туркия ва Ҳиндистонда яратилган форсий ва туркий қўлёзма асарлар, ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилган замонавий тадқиқотлар асосида ўзаро қиёслаш ва танқидий қайта ўрганиб чиқишга бағишланган йирик фундаментал асарлардан биридир.

Шухрат Сирожиддиновнинг бир қанча ўқув қўлланма ва дарсликлари, жумладан, «Навоийшунослик», «Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари», «Матншунослик қирралари», «Матншунослиқдан сабоқлар», «Ҳижрий ва милодий йилларни ўзаро табдил қилиш усуллари», «Бадий таржима асослари» каби дарслик ва ўқув қўлланмалари Термиз давлат университетида асосий адабиётлар қаторида ўқитилади.

Мен олимнинг таржимаи ҳолидан бир чимдимини тилга олдим, холос. Унинг юксак илмий салоҳиятига гувоҳлик берувчи катта миқдордаги илмий ишларини бир-бир санаб ўтишимдан маъно йўқ – улардан бугунги ёш авлод, соҳа мутахассислари ва кўп нафарли тадқиқотчиларнинг баҳраманд бўлиб келаётганлиги, қолаверса, жаҳон илмий жамоатчилиги бу инсонни миллий адабиётимизнинг хориждаги жонкуяр тарғиботчиси сифатида эътироф этишининг ўзи Шухрат Сирожиддиновнинг том маънода шонли ва шавкатли олим эканини тасдиқлайди.

Ҳазрат Алишер Навоийда шундай гаплар бор:

*Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдир, демак йўқ.*

Маъноси: *Мурувватли инсон борини бировларга беради, ўзи емайди, жўмард, олижаноб, яъни футувватли одам эса кўп савобли ишлар қилади, лекин қилган иши ҳақида ҳеч кимга бир оғиз ҳам гапирмайди.*

Буюк муршид, бобокалонимиз, маънавиятимиз дарғаси Алишер Навоийнинг бундан 600 йиллар бурун айтган байтларига XX асрнинг иккинчи ярмида дунёга келган Шухрат Самариддинович Сирожиддиновнинг мазмунли ҳаёти прототип қилиб олинганга ўхшайди.

Қадрдоним Шухрат Самариддинович!

Сизга, менинг азиз қадрдонимга Сурхон воҳасининг зами-нида ўсиб-унган энг хокисор гиёҳдан тортиб қадим ўтмишнинг муқаддас саҳифаларидан виқор ва вазминлик либосини кийган мағрур Боботоғ, Қоракамар, Бойсунтоғ, Кўҳитонг, Сангардак, жўшқин Аму ва Сурхон тўлқинлари, мард, танти сурхонликлар, Термиз университетининг улкан жамоаси номидан қайноқ са-ломларни етказишга рухсат бергайсиз!

Биз биламиз, Шарқнинг, Ўзбекистоннинг улуғ ўғлони Шух-рат ака Сирожиддинов – оддий, лекин ўзларининг номлари билан ўчмас тарих яратган буюк инсонларнинг ардоқли фар-занди. Бугунги кунда Шухрат Самариддиновични Яратганнинг инояти, ота-онасининг берган тарбияси, устозлар ўғити, ҳаёт-дан олган таълими, тиришқоқлиги, изланувчанлиги, интили-ши, тинимсиз меҳнати, тўғрисўзлиги, меҳнатсеварлиги ва са-мимийлиги туфайли Ўзбекистонда эл суйган ҳазрати инсон, забардаст, йирик олим, республика, халқаро миқёсда ўткази-ладиган илмий-амалий анжуманларнинг фаол иштирокчиси, билимдон ва талабчан устоз, изланувчан ёшларга намуна, олий таълим тизимида эъзоз топган оқсоқол, куюнчак оила бошли-ғи, меҳрибон, ғамхўр ота, табаррук бобо, жамиятда ўз ўрнини топа олган юрт фарзанди, Ўзбекистон деб аталмиш жонажон Ватаннинг бир фидойи инсони сифатида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиб турган ватанпарвар сифатида эътироф этадилар. Мен эса саналган хислатлар қаторига «камтарин инсон ва са-доқатли дўст, тенгсиз қалб соҳиби» деган таърифни юрагимга муҳрлаб бўлганман.

Менинг назаримда, Шухрат ака чору ночорга, яхшию ёмонга – барча инсонларга қалб ришталаридан сизиб турган илм нури-дан сув ичиб, инсонлар кўнглини ёритиб, саховат ва беминнат зиё улашиб турган ВАТАННИНГ МУРУВВАТЛИ, ФУТУВВАТЛИ ВА МАНГУЛИККА ДАХЛДОР МАЁҒИга ўхшайди. Бу маёқ элга, юрт-га тинмай садоқат билан хизмат қилди, хизмат қилишда давом этмоқда ва давом этади ҳам.

Одатда, табрикларда «... чи баҳорингиз билан» деб лутф қи-лишади. Дарҳақиқат, Сиз сингари илмий салоҳияти баланд, юраги ижодий янгиликларга, ташаббусларга тўлиқ инсонга бу

рақам ҳечдай гап. Тўғрисиям шу, илм йўли, жамиятга хизмат, фарзандлар тарбиясида мудом машаққатлар чекишга шай инсоннинг сочига қўнган қировларга ишониб бўлармиди...

Илоҳим, Яратган Эгам ёшликка хос шижоату ғайратга лиммо-лим қалбингизни қувонч, саодат нурларидан дариг тутмасин. Эл наздида ардоқланиб яшаш ҳисси Сизни яна неча-неча дарсликлар яратишга, ўзингизга муносиб шогирдларни тайёрлашга даъват этсин. Келин билан қўша қариб, фарзандлар ва невараларингиз камолини кўриб юринг!

Гулбаҳор АШУРОВА,
Фузулий номидаги
илмий тадқиқот маркази раҳбари,
ТошДУТАУ доценти, ф.ф.н.

ШАРАФЛИ ВА ИБРАТЛИ ҲАЁТ ДАРСҲОНАСИ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятининг йўлга қўйилиши, университет биносининг тарҳидан бошлаб унинг дизайни, тузилиши, кўриниши ва шу кунга қадар қўлга киритаётган барча ютуқлари Шухрат Сирожиддинов номи билан боғлиқ! Ушбу ноёб университетнинг раҳбарини тайинлашда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов адашмаган экан. Чунки Шухрат Сирожиддинов ўз соҳасида таниқли олим бўлиш бирга олий таълим тизимида кўп йиллардан бери ўзининг ташаббуслари билан эл оғзига тушган моҳир раҳбарлардан эди. Давлатимиз раҳбари миллат руҳи бўлган она тилимиз ва қадим адабиётимизни халқаро миқёсда кўрсата оладиган, бутун дунё диққат-эътиборини Ўзбекистонга қаратиб, университетни ўзбек тили ва адабиётини ўрганишнинг жаҳоний марказига айлантиришга қодир бўлган раҳбарни Шухрат Сирожиддинов тимсолида кўрган бўлса не ажаб. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳам бир неча марта университетимизда ўтказган учрашувларида жамоамиз олдига ўзбек тили ва адабиёти равнақи учун кураш йўлида бир қатор топшириқлар бериб, миллат юксалишида университетимизда тайёрланадиган янги, ватанпарвар ёш мутахассислар авлодининг роли катта бўлажагига ишонч билдирган эдилар. Орадан беш йил ўтиб биз ғурур билан айта оламизки, ректор Шухрат Сирожиддинов раҳбарлигида жамоамиз барча белгиланган топшириқ ва вазифаларни юксак даражада бажарди. Домла янги университетни чинакам **МИЛЛАТ** ва **МАЪНАВИЯТ** университетига айлантира олди. Ташаббускор ректоримиз университетимизни дунё миқёсига олиб чиқишда энг муҳим

ишларни амалга оширди. Таълим ва тарбияни яқдил олиб боришда яхши натижага эришиш учун профессор-ўқитувчиларга ҳамда талабаларга кенг имкониятлар яратилди.

Раҳбарнинг қандайлигини у бошқараётган жамоа ютуқларидан англаш мумкин, инсоннинг қандайлигини фақат у босиб ўтган йўллари таҳлил қилиш орқали билиш мумкин. Шухрат ака – изланувчан ва ўзини илмдан айро тасаввур қилмайдиган олим. Ўзи ижод қилиш билан бирга ёшларни ҳам ижод оламига бошловчи, руҳлантириб турувчи устоздир. Дунёда савоб ишлар кўп, Шухрат Сирожиддинов эса илм ўрганиш, ўргатиш орқали инсонларнинг маънавий оламини бойитиш билан савоб олади, келажакда ёшларга илм йўлини танлашига кенг йўл очади. Университет талабалари ректорни жуда ҳурмат қилишади, яхши кўришади, дўст деб билишади. Чунки муносабатда меҳр ва самимият дўстликнинг асл сабабидир. Ҳазрат Алишер Навоий дўстлигига бағишланган мақоладаги фикрга эътибор қаратамиз: *«Алишер Навоий дўстликни ниҳоятда қадрлаган. Дўст, унинг наздида, биринчи навбатда суянчиқ, меҳрибон устоз, самимий маслаҳатчи ва жонкуяр ҳамдарддир. Навоий асарларида содиқ дўстлар ҳақидаги нақл ва ривоятлар, дўстликни улуғловчи ўринлар кўплаб учрайди. Уларда инсон инсонни яхши кўриши, уни ардоқлаши зарур деган ғоя илгари сурилади. «Кимки инсондур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак», – дейди Навоий бир ўринда. Навоий дўстлик каби бебаҳо неъматни асраб-авайлашга чақиради. Унинг Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадга бағишлаб ёзган асарлари шунчаки хотиралар мажмуи эмас, балки уларда дўстлик аталмиш олий қадриятнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, инсонларни уни қадрлашга даъват қилиш мақсади ётади...»* Юқоридаги мисол «Навоийнинг дўстлари» (Ш. Сирожиддинов) мақоласидан олинган бўлиб, Навоийнинг дўстликка муносабати масаласи кенг, қамровли ёритилган. Шухрат акадаги дўстга садоқат, самимийлик, эзгулик қилишга интилиш, ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб қайтариш, адолатпарварлик, меҳнатни қадрлаш, инсонни тушуниш, доимо қўл остидагиларни қўллаб-қувватлаш каби фазилатлар айна навоийона... Навоий

ижодини тинимсиз тадқиқ этган ижодкорга унинг фазилатларининг сингиб кетиши табиий, албатта.

Ш. Сирожиддиновнинг шогирдларига талабчанлиги, келажакни олдиндан билиш фазилати синовли карантин кунларида янада асқатди. Ректоримизнинг узоқни кўра олиш салоҳиятига кўп бора гувоҳ бўлганман. Айниқса, карантин бошланишидан анча олдин видеодарслар лойиҳаси соҳа ўқитувчиларига тушунтирилиб, тезлик билан ана шундай дарслар тайёрлаш топширилган эди. Бу эса синовли кунда ўқитувчи ва талаба муносабатларига тайёргарлик дегани эди. Университетимизнинг анъанавий ўқишдан замонавий онлайн тизимга ўтишдаги ютуқлари маҳоратли раҳбарнинг теран фаолияти билан ҳам боғлиқ.

Домлада, шунингдек, жасорат ва шижоат фазилати ҳам борки, ўтган йилда «Вести.уз» сайтида олим, журналист, ҳуқуқшунос, санъаткор, бастакор ва ҳоказодан иборат бир гуруҳ «Ўзбек зиёлилари» Ўзбекистонда рус тилига расмий тил мақомини бериш таклифини илгари сурганларида Ш. Сирожиддинов бу «зиёли»ларга қаттиқ эътироз билдирди. Унинг «**оғриқли**» **нуқталаримизга урғу бериш орқали ночор қилиб кўрсатишдан тап тортмаслик ҳануз орамизда ўзини «фидойи ватанпарвар» кўрсатган миллий ғоямиз душманлари кўплигини кўрсатади. Мен бу ўринда уларнинг ҳар бир мулоҳазаси кетида нима анқиб турганини яхши тасаввур қилиб турибман. «Ақлли таҳлиллар»дан кўзланган мақсад мени даҳшатга солмоқда. Қўйнимиздаги илонлар чақишга хезланди. Бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас!»** деган чақириғи халқимизнинг қалбига етиб борди. Айниқса, ушбу мақоладаги қуйидаги қатъий хулосалар миллатимиз ва тилимизга даҳл қилмоқчи бўлганларга қақшатқич зарба бўлди: **«Бу жирканч мақсад остида жамиятни пароканда қилиш, юртимизда тинч-тотув яшаб келаётган миллат ва элатлар ўртасига нифоқ солиш, онги тўлиқ шаклланмаган ёшларнинг хаёлини бузиш режалари йўқ дейсизми? Рус тилини иккинчи расмий тил сифатида киритиш таклифи бир баҳона, холос! Буларга кўрсатилган шунча эҳтиром, эъзоз – ҳайф! Букрини гўр тузатади деганлари шу бўлса керак».** Шиддатли эътироз, адолатли чақириқ

халқимизни огоҳликка чорлади! Тил ва миллатга содиқ инсон халқини фожиадан сақлаш учун курашади, Шухрат ака – ана шундай фидойи инсон!

Бугунги кунда ҳукумат миқёсида Ўзбекистонда жамиятнинг маънавий ва маданий соҳасини ривожлантиришга эътибор берилмоқда, Шухрат Сирожиддиновнинг сўзларига кўра, мамлакатимиз ва хорижда ўзбек тили ва адабиётини оммалаштириш университетимизнинг асосий вазибаларидан ҳисобланади. Юртимиздаги сиёсий-иқтисодий алоқаларнинг фаол ривожланиши маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, халқаро ва ўзаро ҳамкорликка боғлиқ. Янги очилган университети-мизнинг ОТМлар рейтингида биринчи ўнталikka киришининг ўзи мисли кўрилмаган натижа. Албатта, бунинг ортида катта меҳнат ва шижоат, раҳбарнинг салоҳияти бор! Бугунги кунда университетда Фузулий номидаги илмий-тадқиқот маркази (Озарбайжон), Турк тили ва маданияти маркази (Туркия), Рус тили ва маданияти маркази (Россия), Халқаро тил маркази, Хитой тили ва маданияти маркази (Хитой), Корейс тили ва маданияти маркази (Корея) кабилар фаолият кўрсатмоқда. Университет хорижий 50 дан зиёд шартномалар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Шухрат Сирожиддинов раҳбарлик лавозими билан бир қаторда навоийшунослик илмида ўзининг серқирра ва баракали ижоди билан XXI асрда янги илмий мактаб яратган, уни ривожлантирган талантли ва шижоатли олимдир.

Олимнинг нигоҳи қамровли, тадқиқот доираси кенг ва чуқур. Шухрат Сирожиддинов тадқиқотлари фақат навоийшунослик, матншунослик билан чекланиб қолмай, туркий, форсий-арабий мумтоз адабиёт бирга қўшилиб кетган. Узоқ илмий изланиш ва қалб кўри билан ёзилган бу китоблар маънавий тикланиш сари олиб борилаётган умуммиллий ҳаракатга қўшилган улкан ҳиссадир.

Олимлик билан ташкилотчилик устозда жуда гўзал тарзда уйғунлашганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Худди мана шу фазилатларнинг мевалари сифатида навоийшуносликка бағишланган китобларнинг ҳар йили мунтазам тарзда нашр этилаётгани, ижодкорларга бағишланган йирик саналар билан алоқа-

дор бўлган тўплам, журналлар мунтазам равишда чоп этилаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорида Афғонистон Ислом Республикасининг Хирот шаҳрида жойлашган Алишер Навоий мақбараси мажмуасидаги ҳолат ўрганилиб, бобокалонимиз мақбарасини кўркам бир зиёратгоҳга айлантириш бўйича алоҳида таклиф тайёрлаш масаласи ҳам кун тартибига қўйилган эди. Афғонистоннинг Хирот шаҳрида 2021 йил 7 апрель куни халқаро анжуман бўлишини билган университетимиз ректори, навоийшунос олим, профессор Шухрат Сирожиддиновнинг қатъият билан қилган ҳаракатлари, Президентимизга мурожаатларини давлатимиз раҳбари жавобсиз қолдирмади. Халқаро аэропортда биз учун алоҳида Тошкент – Хирот самолёти қўйилди.

Президент администрациясидан Исматилла Эргашев, профессор Нурбой Жабборов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Мажид, атоқли адабиётшунослар Шухрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Олим Давлатов, тилшунос олим Маъруфжон Йўлдошев, ҳофиз, «Ниҳол» мукофоти совриндори Илёс Арабов ва камина Тошкентдан Президентимиз кўрсатмалари асосидаги махсус самолётда ҳазрат Алишер Навоий мангу қўним топган Хирот шаҳрига парвоз этдик. Энг таъсирли воқелик Президентимиз бизга алоҳида Хирот, Афғонистонга борадиган самолёт ажратганлари бўлди. Ўзбекистон делегацияси Хирот аэропортига қўндик. Бизни Хирот ҳоқими мутасаддилари ҳамда Ўзбекистон элчиси Ёдгорхўжа Шодмонов ва Шавкат Отамуродовлар кутиб олдилар. «Бир пиёла чой»дан сўнг халқаро конференция ялпи мажлисига кирдик. Борганимизда конференция ўтказиладиган муҳташам бино одамлар билан лиқ тўлган экан. Кетма-кет меҳмонлар ва тадбир ташкилотчилари сўзга чиқишди. Университетимиз ректори Ш. Сирожиддиновнинг Навоий ва Жомий муносабатлари, уларнинг устоз-шогирдлик, дўстлик муносабатлари ҳақидаги илмий, тарихий фактларга бой, ўзбек ва форсий тиллардаги қизиқарли маърузасини мароқ билан тингладик. Ҳазрат Навоийнинг эзгу

фазилатлари асрлар оша халқларни бирлаштирувчи куч бўлиб, бутун зал оёққа қалқиб, уларни олқишлади! Бу ерда озарбай-жонлик навоийшунос олима Алмаз Улви хонимни учратдик. Навоий меҳри бизнинг йўлларимизни туташтиришига яна бир марта имон келтирдим. Маърузадан сўнг университетимиз совғаси – Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг сўзбошиси билан эски ўзбек ёзувидаги «Хамса» китоби 5 минг тиражда афғон китобхоналарига ҳадя этилди. Сафаримиз давомида устоз бизга Навоий давридаги Хирот шаҳридаги айни воқеликлар, биноларнинг жойлашиши, Унсия уйи, Боғи Зоғон каби қадимий биноларнинг тарихи ҳақида сўзлаб бердилар. Устознинг Навоий даври, бинолари, замондошлари ҳаётини бу қадар яхши билишларидан ҳайратландик. Ўзимизни худди ўтмишга, Навоий даврига тушиб қолгандек ҳис қилдик... Ушбу сафарда Ш. Сирожиддиновнинг Навоий даври билан боғлиқ аниқ фактларга бой қизиқарли ҳикоялари ва Ҳазратнинг зиёрати ҳаётимда энг фараҳли онлар бўлиб чуқур из қолдирди...

Университетимизнинг тамал тошини қўйган, унинг номини жаҳонга танитган, танитаётган олим, профессор-ўқитувчилар, устоз-муаллимлар меҳнатини эътироф этиш, уларнинг илмий мактабларини, илмга, таълим-тарбияга бахшида умр йўлларини ўрганмоқ биз учун ҳам шараф, ҳам масъулиятдир. Филология фанлари доктори, профессор, навоийшунос олим Шухрат Сирожиддиновнинг илмий ва маънавий камолот йўли ҳамиша биз учун намуна мактаби, ибрат дарсхонасидир. Ҳаёт йўллари илм заҳмати билан йўғрилган, ўз бахтини шогирдлар камолида кўрган устоз Сирожиддинов Шухрат Самариддинович – етук навоийшунос, матншунос олим, фидойи раҳбар, ҳақиқий дўст, жонкуяр ҳамкасб, ғамхўр ота, меҳрибон ака, фавқулудда ғайратли инсон! Устозни ушбу йилда 60 ёшни қаршилаётганлари билан чин дилдан муборакбод этаман! Тилагимиз – илм ва ижодда мартабангиз бундан-да баланд бўлсин! Энг муҳими, соғу омонликда миллатнинг руҳи ва қаноти бўлган фаолиятингиз юксалсин!

Мустақиллик даври навоийшунослигидаги кузатилган бугунги изланишлар, ҳеч шубҳасиз, Шухрат Сирожиддиновнинг ижод гулшанида барг ёзди! Олимнинг теран илмий тадқиқот-

лари, серқирра мақолалари ва фаолияти биз учун ўзига хос дорилфунун бўлди. Бугун биз устозимиз Шухрат Сирожидиновнинг номини замонамизнинг улуғ алломаси деб аташга журъат этдик. Ушбу даражага унинг ҳаёти ва ижоди тўла асос бўла олади.

Шариф ЁҚУБОВ,
филология фанлари номзоди,
Термиз давлат университети доценти

САЛОҲИЯТЛИ УСТОЗ

2017 йил февралнинг дастлабки кунлари, аниқроғи, саккизинчи санаси эди. Уй телефонимизга қўнғироқ бўлганди. Ундан:

– Бу Шариф аканинг рақамими? – деган овоз эшитилди. Тасдиқ жавобидан кейин овоз соҳиби давом этди: – Шариф ака уйдами? У киши билан гаплашмоқчи эдим, – суҳбатдошнинг овози баралла эшитиларди. Мени йўқлаётган одамнинг овози оддий сўзлашув нутқида бўлиб, самимийлиги шундайгина билиниб турар эди. Нотаниш овоз, ким бўлди экан кечкурун мени йўқлаган киши деган фикр хаёлимдан ўтди-ю, телефон гўшагини кўтардим:

– Алло, ассалому алейкум, – дедим бир оз иккиланиб.

– Ваалейкум ассалом, домла! Мен Шухрат Сирожиддиновман. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ректориман. Сиз ҳақингизда яхши фикрлар эшитдим. Муҳтарам Президентимиз олий таълим вазири Рустам Қосимовга телефон қилиб сизни сўрабди. Вазири-миз менга телефон қилиб бу ҳақда хабар берди. Сиз бир неча йиллардан бери Алишер Навоий ҳазратларига ихлос қилиб келар экансиз. Ҳазратнинг таваллуд кунларини жамоангиз ва маҳалла оқсоқоллари иштирокида нишонлаб хатм ўқитар экансиз. Маҳалладошларингиздан бири шу ҳақда хабар берибди...

– Ҳа, – дедим бироз торганиб. – Алишер Навоий ҳазратлари асарлари ономастикаси мавзуида номзодлик иши олиб борганимда устозим Эрнест Бегматов: «Шарифжон, Навоий – буюк мутафаккир ва Ислом илмида ҳам етук олим. Баъзан у кишининг ҳақларига дуо қилиб қўйсангиз айна муддао бўларди», – деб маслаҳат бергандилар. Ўша йили устоз ва дўстларим билан маслаҳатлашиб, бирга ишлаётган профессор-ўқитувчилар ва таниқли зиёлиларни таклиф этиб, уларга ош бердик ва хатм

туширғандик. Хайрли юмуш кўпчиликка маъкул бўлганди. Кейинчалик оила аъзоларимиз билан ҳар йили Ҳазратни эслаб шу тадбирни ўтказишга қарор қилдик ва бу оилавий анъанамизга айланди, – дедим.

Устоз жуда хурсанд бўлди. Ана шу суҳбат орқали мен у кишини эсладим. Навоий ҳазратларининг фаолияти ҳақидаги «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» китобини қидираётганимни айтдим. Устоз имконияти бўлиши билан бу китобни менга юборишини айтди. Мақолалар ёзиб университетга жўнатишимни, ўз журналларида чоп этишларини таъкидлади. Шу телефон орқали танишишимиз сабаб бўлдию у киши билан оға-ини бўлиб кетдик.

Шуҳрат Сирожиддинов – Аллоҳ ато қилган иқтидор соҳиби. Бундай одамлар лавозим учун, вазифа учун эшикма-эшик иш ахтариб юрмайди. Уларни ҳаётнинг ўзи бошқаради. Шуҳрат Самариддиновичнинг ўзбек, форс-тожик, араб тилларини билиши унга фаолияти давомида қўл келган. Зукко олим, ҳормас-толмас матншунос, тиниб-тинчимас ва серғайрат тадқиқотчи бўлиб етишди. Бу мақомга эришиш учун бир қатор фанларни ўзлаштириши, адабиётшунослик, ислом илмини ва фалсафасини чуқур билиши, маълум даражада таржимонлик қобилиятига эга бўлиши зарур эди.

Шуҳрат Сирожиддинов уларнинг барчасига эришди, ушбу йўналишда Самарқанд давлат университетининг забардаст олими, академик Ботирхон Валихўжаевнинг улкан ҳиссаси бор. Ҳаммани ўта ҳурмат қиладиган жуда билимдон, имон-этиқодли, самимий, ҳар қадамда инсонийликни бажо келтирадиган устоз ўзининг ёш шогирдини Навоий гулшанига етаклади. Бўлажак олим шундан бошлаб Навоий ҳазратларининг ҳаёти ва фаолияти билан муттасил шуғулланди. Илк номзодлик диссертацияси ҳам «XIX аср Каттақўрғон шоирлари ижодида А. Навоий анъаналари» мавзусида бўлди. Бу мавзу Навоий асарларини мукаммал билиш ва XIX аср шоирларининг ижоди билан муқояса қила олиш, фаолияти ўрганилаётган шоирлар ижодида Навоий асарларининг самарали таъсирини аниқ мисоллар асосида олиб чиқиши керак эди. Шуҳрат Сирожиддинович бу ишга катта масъулият билан киришди. Бутун ёшлик кучи, били-

ми, шижоати билан ишга берилди. Қаерда бўлмасин, ишдами, уйдаи, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикрлади. Ҳатто хазрат унинг тушларига ҳам кириб чиқар эди (Бу ҳақида суҳбатларнинг бирида ўзлари айтиб қолган эдилар).

Ҳақиқий олим ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди, қанча китоблар ёзса ҳам, кенг қамровли тадқиқотлар яратса ҳам, яна янги-янги чўққилар сари интилаверади. Шуҳрат Сирожиддинов ҳам ана шундай тиним билмас, ишлаб чарчамас олимлардан биридир. Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, Ҳазрат Навоийнинг ҳаётига оид манбаларни чуқур ўрганиш, шоир яшаган давр олимлари ва тарихчилари томонидан ёзилган илк манбаларни ўз она тилларида кузатиш лозим эди. Кузатганда ҳам Навоий даври билан бизгача орадаги беш асрдан зиёд вақт мобайнида ўрганилаётган манбаларда турли қарашлар борлигини эътиборга олган ҳолда уларни таққослаб ўрганиш, ҳақиқийларини нотўғри қарашлардан ажратиб олиш, бир сўз билан айтганда, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариш даркор. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай залворли вазифани унча-мунча тадқиқотчи ёки олим ўз зиммасига ололмасди. Салоҳиятли истеъдод соҳиби ана шу ўта машаққатли юмушни гарданига олди. Ёш, серғайрат тадқиқотчи ишга тушди. Бутун ҳаёти ва ижодини ўзбек (туркий) халқи тили, маданияти ва адабиёти, исломий билимларни ривожлантиришга бахшида этган, ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан халқ ҳаётини яхшилашга қаратган Навоийни тарихимизда тутган ўрнига қўйиш асосий мақсад этиб белгиланганди.

Бу йўлда у ҳеч иккиланмай кенг изланиш олиб борди. Дастлаб юртимиздаги ва айрим МДХ давлатларидаги манбаларни ҳам назардан ўтказди. Кейинчалик тарих тақозоси билан чет элларга олиб кетилган диёримизга оид манбаларни ўрганди. Ана шу истак ҳамда хориждаги манбаларни ҳам кузатиш орзуси унга тинчлик бермасди.

2002 – 2003 йилларда Англиянинг Оксфорд университетига илмий сафарга жўнатилди. Сафар давомида Британия музейи, Бодлеан кутубхонаси ва Оксфорд университети Шарқшунослик институти қўлёзмалари фондидаги Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид қўлёзмаларни кўриб чиқди.

Қаерда, қайси юртда бўлса ҳам тарихий ҳақиқатни топиш ва уни аниқ манбалар асосида исботлашни ўз халқи ва миллати олдидаги ўта масъул вазифаси деб билди. Миллат юкини ўз елкасига олди. XV аср ва ундан кейин ҳазрат Навоий ҳақида ёзилган барча қўлёзмаларни кузатди. Аллома, унинг ижоди, жамоатчилик фаолияти ҳақида битилган китоблар, айтилган фикрларни ҳам четда қолдирмади.

Ўша йилларда Шуҳрат Сирождидинов руҳан XV аср Ҳирот салтанати воқеалари ва шоир кечмишлари билан бирга яшади. Шу туфайли улуғ мутафаккир ҳаёти ва фаолиятига оид тарихий манбаларни ўзаро солиштириб чиқди. Ўз хулосаларини умумлаштириб тарихий ҳақиқатни аниқлади ва 2011 йили «Алишер Навоий: манбаларининг қиёсий, типологик-текстологик таҳлили» илмий-таҳлилий китобини нашр эттирди. Бир қатор тарихий воқеаларга аниқлик киритди. Хусусан, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро, Навоий ва Абусаид, шоирнинг Самарқандга кетиши ва Астрободга юборилиши каби бир қатор масалалар янги ва аниқ материаллар асосида тарихий воқелик асосида очиб берилди. Олға сурилган ҳар бир фикрида ўша давр манбаларига таянди. Манбалар тилга кирган, тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқарганди.

Шуҳрат Самариддинович – ўта билимдон, айна вақтда, камтар, самимий ва хокисор инсон. Унга қандай вазифа ишониб топширилса, барчасини бекаму кўст бажаради. Фаолиятида топшириқнинг катта-кичиги бўлмаган. Қандай ишга киришмасин, уни маромига етказиб бажаради. Устоздаги ноёб қобилият ишчанлик ва меҳнатсеварлик фазилатлари билан қўшилиб мукамал кучга айланади. Бу қобилият ва салоҳиятни ҳис этган раҳбарият уни энг масъулиятли ишларга йўллади.

1998 – 2003 йилларда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари вазифасида ишлаган йиллари истеъдодининг янги қирралари очилди. Иш фаолияти давомида намойиш этган ташкилотчилиги, билимдонлиги, шу билан бирга, исломий илмларни ҳам мукамал билиши намоён бўлди. Ана шу йилларда ва кейинги даврларда ёзилган «Сўфи Оллоёр илоҳиёти», «Ислом фалсафасига кириш: калом илми», «Религии мира», «Жаҳон динлари» китобларининг чоп этилиши қомусий олим эканлигини намоён қилди.

Мамлакатимизда яратилаётган ҳар бир янги ишнинг бошланиши шу соҳага оид мутахассисларни тақозо этади. 2017 йили Афғонистон Ислом Республикаси раҳбарияти билан келишув бўйича Термиз туманида «Афғонистон фуқароларига таълим бериш маркази» иш бошлаши керак эди. Илм-тарбия марказини ишга туширишга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш, ўқув базасини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, машғулот хоналарини ташкил қилиш; илм-маърифат, дўстлик, эзгулик, илм олиш машаққати, таълим-тарбия ҳақидаги шиорлар ҳамда афоризмларни топиш, уларни ўқув маркази ва дарс ўтиладиган хоналарга жойлаштириш, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий илм масканига айлантириш масаласи кўндаланг турарди. Бу ишларни ташкил қилишни республика раҳбарияти ҳеч иккиланмасдан Шуҳрат Сирожиддиновга топширди.

Кузнинг дастлабки кунларидан бирида Ш. Сирожиддиновнинг ТерДУга келгани, кутубхонада иш бошлагани ва шу орада мени йўқлагани ҳақида хабар топдим ва зудлик билан ҳузурига етиб бордим. Кечки пайт эди. Кутубхонада танишдик. Биринчи учрашувдаёқ унинг камтарин, оддий ва қадршунос инсон руҳини аниқ-тиниқ кўра билиши шундайгина билиниб турарди. Етук олим, профессор ва Ўзбек тили ва адабиёти университети раҳбари бўлишига қарамай, мен билан самимий муносабатда бўлиши, баъзи масалаларда фикримни сўраши ва маслаҳатлашиши, тўғриси, бу инсон ҳақидаги тасаввуримни ўзгартирди. Устоз ҳар куни янги очилаётган ўқув марказига бориб келар, кутубхонага қайтиб керакли китобларни топиб, улардаги афоризмларнинг араб ёзувидаги форсча ва ҳозирги лотин ёзувидаги таржимасини ёзиш, изланиш билан банд бўлар, ишдан умуман толмасди. Домла ишни шундай ташкил қилдики, Тошкентдаги ўзи раҳбарлик қилаётган университетда ташкил этилиши зарур бўлган муассаса бўйича мутахассислар гуруҳи бетиним ишлар, бу ерда эса ўзи университет кутубхонасида ўтириб керакли матнларни тўплаб, қоғозга туширарди. Ўшанда биз ҳам домлага қарашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб турдик. Умар Хайём, Ибн Сино, Беруний, Ҳофиз Шерозий, Навоий, Абдураҳмон Жомий каби шоирларнинг асарларидан зарур матнлар топилди. Бу йўналишда домланинг устози бўлмиш пиру комил Шоислом Шо-

муҳаммедов таржималаридан ҳам унумли фойдаланди. Айрим таржималарни домланинг ўзи бажарди. Тараддуд ўн кун деганда поёнига етди. Домланинг нечоғлик ишчанлигига ўшанда иймон келтиргандим. Бор-йўғи ҳафта-ўн кунда барча тайёргарлик ишлари рисоладагидек уддаланди. Айнаи вақтда ушбу ўқув марказига борган одам бу ишларни кўзи билан кўриб, Ш. Сирожиддиновнинг топқирлиги ҳамда узоқни кўра билишига ишончи ортади.

Шухрат Сирожиддинов – навоийшунос олим. Ҳазрат ижоди ва фаолияти билан муттасил шуғулланган одам эзгулик ардоғида бўлади. Қалбида олижаноб инсоний туйғулар шаклланиб боради. Аллома ғазалларидаги инжа инсоний туйғулар оғушида юради. Ғазал султони, жамоат арбобининг ички кечинмалари билан ошно бўлади. «Хамса»ю пурмаъно асарлар яратилган қаҳрамонларнинг энг муҳим инсоний туйғулари билан миждози ихлосмандлар кўз ўнгида намоён бўлаверади. Шуларнинг барчаси туфайли навоийшунос олим қалбида олижаноб туйғулар, орзу-истаклар кезиб юради. Инсонга яхшилик қилиш, оғир вазиятда ёрдам бериш, ижодкорлик; ўта муаммоли кезларда имкону тадбирларни излаб ишга солиш ва қийин вазиятлардан чиқиб олиш, доим эли ва юрти олдида ўзини масъул деб билиш туйғулари Алишер Навоийга хос бўлиб, бу фазилатларнинг барчаси Шухрат Сирожиддиновга ҳам кўчган.

Самарали меҳнати, фандаги фидойилиги жаҳон олимлари, илм аҳллари томонидан эътироф этилди. У бир қатор халқаро журналлар ҳамда республикамиздаги матбуот нашрларининг муҳаррири ва таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ютуқлар ҳар бир кишида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Айнаи дамларда 60 ёшини нишонлаётган қомусий олим, бир қатор фанлар юзасидан чуқур тадқиқотлар олиб бораётган заҳматкаш илм соҳиби Шухрат Самариддинович айнаи иждодий камолот ёшидадир. Халқимиз у кишидан жуда қўп-қўп дурдона илмий ва оммабоп асарлар, янги Ўзбекистонимиз фан ва маданияти юксалтирадиган иқтидорли ёшларни тарбиялаб вояга етказишдек олижаноб мақсадлар йўлида ҳормай-толмай ишлашини кутади. Бу йўлда уни ҳаммиша раҳнамомиз Алишер Навоий ҳазратларининг руҳи поклари қўллаверсин деймиз.

УСТОЗ

Сирожиддинов Шухрат Самариддинович менинг шахс сифатида шаклланишимга катта ҳисса қўшган инсонлардан биридир. Мен учун домла ўзларининг ҳаёт фалсафаси, чуқур илми ва юксак инсоний хусусиятлари билан Навоий орзу қилган комилликка эришган зотдир. Домланинг 60 йиллик юбилейларига атаб ёзилган бу мақолада уларни таниган салкам ўн йиллик давримдаги энг ёрқин хотираларим билан бўлишмоқчиман.

2012 йил ҳаётимда катта ўзгаришлар ва янгилинишлар йили бўлган. Шу йили мен Самарқанд давлат чет тиллар институти Таржимашунослик факультетининг бакалаврият босқичини тамомлаб, кейинги ҳаётимни қай йўналишда қуришни режа қилиб юрган эдим. Олдимда икки йўл турарди, биринчиси, мўмайгина пул топадиган гидлик фаолияти, иккинчиси, ота-онам изидан бориб илмий фаолиятни бошлаш.

Ростини айтсам, мен ўзим учун аллақачон бир қарорга келиб бўлган эдим, ўша даврларда ўқитувчилик касби ўзининг долзарблиги ва обрўсини анчайин йўқотиб бўлган, бунинг устига, ҳалол ўқитувчи ойлигига бир ой кун кечирини қийин эди. Отам ҳам, онам ҳам бир умр таълим соҳасида юриб, на бир кошона қура олган, на бир машина минолган, мен эса талаба бўлсам-да, туризм соҳасида ишлаб ўқишимнинг контракт пулини тўлардим, анчадан бери уйдан пул олмай қўйгандим ва ўша даврларда катта бойлик белгиси саналган ўзимнинг биринчи мобиль телефонимни сотиб олгандим, хорижлик сайёҳлар билан бемалол мулоқот қилиб, Ўзбекистоннинг деярли ҳар бир тарихий обидасига боришга эришгандим, бу жиҳатлар келажакда нима касб билан шуғулланишимни аниқ қилиб қўйгандек эди.

Раҳматли отам бир умр илм деб яшаган олим эдилар. Менга ҳам олимликни раво кўрардилар. Бакалаврият босқичида ота-онам ва устозларимнинг кўмагида Алишер Навоий номидаги

давлат стипендиясини кўлга киритганим учун ҳам магистратура босқичига имтиҳонсиз қабул қилинганман. Отам ўшанда: «Қизим, домла бўлмасанг ҳам, ҳеч бўлмаса, магистр дипломини олишинг керак, ҳали олдиндан чиқади бир кунмас бир кун», – деганлар. Институтда ўқишларим аъло бўлган, бирорта фанни ўқиш қийин бўлганини эслай олмайман. Ўқитувчиларимиз билимни пухта беришган, доимо кўллаб-қувватлашган, аммо қаттиққўл бўлишмаган. Ўқитувчи оддийгина, соддагина, ўз ҳаққини талаб қила олмайдиган одам бўлади деган хулосага келганман ўшанда.

*Ҳеч ким кўтарилиб бўлолмас раҳбар,
Агар у бўлмаса раиятпарвар.*

(Амир Хусрав Деҳлавий)

Айнан шундай кунларнинг бирида менинг жонажон институтимга янги раҳбар тайинланди. Бутун олий таълим муассасасида катта шов-шув бошланди, ҳамманинг оғзида «Тошкентдан янги раҳбар келибди, энди ҳамма нарса бошқача бўлади. Бу одам ўзи ҳам ухламас экан, бошқаларни ҳам дам олдирмас экан. Порахўрликни ўлгудай ёмон кўрар экан, порахўр домлаларнинг томирини қуритар экан. Раҳбар жуда прогрессив фикрлар экан, ёшларни атрофига йиғар, уларни тинглар, муаммоларини ҳал қилиб бераман деганидан кейин ... ҳал қилиб берар экан...» деган гап юрарди.

Ўша вақтларда университет қоқ иккига бўлинган эди: домла Шухрат Самариддинович Сирожиддиновга қаршилар ва домланинг тарафдорлари. Иккинчи гуруҳ аъзоларининг сони биринчисидан анча кам бўлиб, баъзи бир нопок ўқитувчилардан «Янги ректор бу ерларда узоқ қолмайди. Йўл қўймаймиз...» деган дағдағаларини эшитиб қолардик. Домла ўшанда ўзларини жуда оғир ва босиқ тутганлар. Домланинг оқилона сиёсатлари туфайли улардан ҳайиқиб турган кўпчилик «қаршилар» тез орада уларнинг одил раҳбар эканини тан олишди. Домла университетда катта қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаб бердилар. Институтда янги давр бошланган эди...

Магистратура босқичини ўзимнинг жонажон институтимда давом эттиришга қарор қилдим. Пахтага кетишимиздан икки

ҳафталар олдин кураторимиз мени зудлик билан ректор қабулхонасига чақиришганини айтиб қолдилар. Бош бинога қараб борар эканман, кейинги икки соат менинг ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборишини тасаввур ҳам қила олмасдим. Ўзимча ҳар доимгидек чет эллик меҳмонлар келган бўлса, шуларга таржимон керак бўлгандир деб ўйладим. Ректор қабулхонасига кираман, улар менга ҳоқимиятнинг чет эллик меҳмонлар билан ишлайдиган бўлимидан тушган талабномани тутқзади, эртасига мен гидликка чиқаман деб ўйладим.

Домланинг қабулхоналарига кирдим, уларнинг ёрдамчилари мени ҳар доимгидек илиқ кутиб олишди. Бироз кутиб тургач домланинг ҳузурларига киришимни айтишди. Ўшанда ҳайрон қолдим десам, умуман ҳеч нарса демаган бўламан. Орадан беш-ўн дақиқа ўтиб домланинг эшиклари очилди. Ичкаридан ўзлари чиқиб мени кутиб олдилар. Шошиб қолдим. Нима қилишни билмай қотиб қолганимни кўриб домла илиқ жилмайдилар, «Аидахон, кўп вақтингизни олмайман, марҳамат, киринг», – дедилар-да, хоналарига йўл бошладилар.

Шу вақтгача ректор хонаси эшигини ташқарисидангина кўрмаганманми, киришдаги иккинчи эшикни сезмай қолиб шошганимдан қарсиллатиб ёпворибман. Домла қулоқни қоматга келтирган овозни умуман эшитмаганликка олдилар-да, бошларини қандайдир ҳужжатлардан кўтармай: «Елвизак бошланди, шекилли», – дедилар. Кейинчалик ўйласам, домла мени ноқулай вазиятдан чиқариш учун шундай деган эканлар.

Хуллас, домланинг хоналарига кириб ўтиргач, улар мен билан минг йиллик қадрдон инсондек сўрашдилар. Сал олдинроқ, ёз пайтларида адашмасам, ШХТнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида бир неча сайёҳлик автобуслари тайинланиб, уларга Самарқанднинг тарихий обидалари бўйлаб сайёҳлик турини олиб бориш учун ҳар битта автобусга битта ўқитувчи, унга ёрдам бериш учун битта талаба, бунинг устига, турли ташкилотларнинг мутасадди вакиллари ҳамда олий таълим муассасаларининг ректорлари бириктирилган эди. Тақдир тақозоси билан ўшанда бизнинг автобусимизда бирга ишлаши керак бўлган ўқитувчимизнинг томоғи оғриб, умуман овози чиқмай қолди. Уларнинг ўрнига бошқа ўқитувчини топишга вақт йўқ.

Автобус микрофонини қўлимга тутқазишди. Аллақачон гид бўлиб ишлаганим учун ҳам, тарихий обидалар ва шаҳар ҳақида ҳикоя қилиш менга қийинчилик туғдирмас эди. Аммо автобустагилар оддий сайёҳлар эмас, ҳар бир гапирган гапимизни етти ўлчаб бир кесишимиз лозим эди.

Ҳаяжондан бўлса керак, бизнинг автобуста домланинг борликларини сезмаган эканман. Домла инглиз тилида сўзлашим ва сайёҳлик дастурини олиб боришим жуда равон деб мақтадилар. Мен у кишига деярли уч йилдан бери ўқишдан ташқари гид бўлиб ишлаб келаётганимни айтдим. Шунда домла: «Мен сизда жуда катта таржимон олим потенциалини кўриб турибман. Менимча, магистратура босқичида айнан таржимашунослик билан шуғулланишингиз лозим. Агар истасангиз, мен ўзим сизга илмий раҳбар бўламан ва ҳамма билганларимни ўргатаман», – дедилар.

Ўшанда домлага тик қараб: «Ёш эмасманми, домла? Илм йўлидан юриб бир нарсага эришган одамни танимайман. Бу йўлда бирим икки бўлишига умуман ишонмайман», – деб айтганман. Ҳозир ўша гапларни ўйласам, шарттакилигимдан уялиб кетаман. Домланинг нақадар узоқни кўра биладиган одам эканликларини кейинчалик тушуниб етганман, албатта. Аммо ўшанда домлага ҳамма гапни очикча айтиб қўйиб, энди ректор одам, бунақа дадил гапирганим учун мендан кўнгли қолса керак деб ўйлаб қолганман.

Домла мени сабр билан тингладилар-да, оталарча жилмайиб кўйдилар. Сўнг стол четига бир муддат тикилиб қолдилар-да, бироздан сўнг Шоислом Шомуҳаммедов таржимасида Хусрав Деҳлавийдан байт ўқий кетдилар:

*Ток шароб берадир ғўрадин кейин,
Бута гул очадир ғунчадин кейин.*

Шундан сўнг домла Ҳофиз ва Саъдий Шеърозийдан ҳам биттадан байт ўқиб бердилар. Улар ҳам Ш. Шомуҳаммедов таржимасида эди. Гарчи ҳозир у байтларни аниқ келтира олмасам-да, ўшанда бу таржималар менда жуда катта таассурот қолдирганини жуда яхши эслайман. Мен домла ўқиган ҳар битта байт Алишер Навоийга тегишли деб ўйлаган эдим. Уларнинг ҳар

бирида мантикий изчиллик, лафзий нафислик ва гўзал ритм бор эди. Улар мен ўқиб юрган мумтоз шеърий парчаларга жуда яқин, лекин қандайдир фарқ қилиб турар эди.

Домла буларнинг ҳаммаси таржима қилинган мисралар эканлигини айтганларида қандай ҳайратланганимни тасаввур қила олмайсиз. Бу байтлар худди ўзбек тилида битилган каби жарангларди. Домла кўзимдаги ишончсизликни кўрдилар-да, ўша байтларнинг форсча аслиятини ўқиб бердилар. Шундан сўнг менга қараб шундай дедилар: «Аидахон, қизим, таржимоннинг нони қаттиқ бўлади. Ҳар ким ҳам бу ишга бел боғлай олмайди, кўпчилик таржимонлар ишларини тенг ярмига келиб ташлаб кетадилар. Уларга ҳар доим таъна ва маломат тошлари отиради. Кимдир ҳасаддан, бошқалар тушунмагани учун ҳам уларнинг ишларини бир тийинлик қилиб ташлайдилар. Шунинг учун бир нарсани билиб қўйинг, сиз ўз ишингизнинг устаси бўлганингизда бошингизга маломатлар ёғилиши табиий ҳол, аммо қачонлардир сиз қилган таржималарни инглиз китобхонлари ўқишганда сиз ҳозир туйган завқни сезишади. Таржимон халқларни, миллатларни, адабиётларни ва маданиятларни ўзаро яқинлаштирадиган кўприк бўлади». Домла билан ўшанда салкам уч соат гаплашганмиз. Улар қуруқ, аммо баландпарвоз гаплар билан эмас, аниқ таржима қилинган байтларни ўқиб, уларни шарҳлаб ва қиёслаб бериб, илмнинг кучини менга исботлаб берганлар. Домланинг ўзбек ва форс мумтоз адабиёти ҳақида тўлқинланиб гапирганларини кўриб мен ҳам шундай билим эгаси бўлишни истайман деган қарорга келганман. Домланинг хоналаридан магистрлик диссертациям режаси билан бирга олима сифатидаги келажагим учун йўналиш олиб чиққанман...

Орадан икки йил ўтди, бу вақтда домла менга илм қилиш, мақола ёзиш, матн таҳрири ва илмий фикрлаш сир-синоатларини ўргатиб бордилар. Улар билан қилинган ҳар битта суҳбатдан мен ўнлаб китобларни ўқиб олинадиган хазинани олардим. Магистратура босқичини тугатар чоғимизда домлани янги ишга тайинлашди. Улар Ўзбекистон Миллий университетига ўқув ишлари бўйича биринчи проректор бўлиб тайинландилар. Бу лавозим атайлаб домла учун яратилган бўлиб, улар доимгидек биринчи кунданок ишга шўнғиб кетдилар.

Домла Тошкентга кетганлари учун ҳам уларни тез-тез кўриш имкони бўлмасди. Мен энди нима қилсам экан, бирор чет давлатга кетиб ўша ерда илмий фаолиятимни давом эттирсаммикан деб ўйлаб қолдим. Ёз кунларининг бирида домла қўнғироқ қилиб, улар билан бирга ишлашни таклиф этдилар. Узоқ ўйлаб ўтирмай рози бўлдим. Шундай қилиб, Тошкентга келиб қолдим. ЎЗМУда ишлаган йилларимиз уйдан йироқда бўлганим учун ҳам бироз тушкунликка тушиб қолган вақтим бўлди. Домла бу вақтда ЎЗМУга ректор бўлдилар ва ўша вақтларда ишлари сон мингта эди.

Кунлардан бир куни мени университет ҳовлисида кўриб қолдилар-да, аҳволларим ва ишларимни сўрадилар. Авзойимдан кайфиятим йўқлигини сездилар-да, ўзларига хос зукколик билан: «Сизнинг бўш вақтингиз кўпга ўхшаяпти, анчадан бери бошлашингиз керак бўлган ишни бошлайдиган вақт келди энди. Бир ҳафтадан кейин менга докторлик диссертацияси бўйича фикрларингизни айтасиз», – деб тайинладилар. Домла билан келишилган вақтда кўришгач, маслаҳатлашиб, шарқ лирик жанрларининг таржимаси бўйича илмий иш ёзишни режалаштирдик. Домла мавзу бўйича менга китоблар берардилар, Европа олимларининг бу мавзуда ёзилган мақолалари ва илмий ишларини ўқишимни тайинлардилар, орада таҳдилларим ва мақолаларимни текшириб, камчиликларини тўғрилаб, кичик ютуқларимни бўрттириб бериб, менинг ишимга бўлган завқимни ошириб турардилар.

Домла ўзбек тилида ёзган мақолаларимда имловий хатоларни кўриб, дастлабки пайтлар кичкина хато ўтиб кетибди деб ўзлари тўғрилаб берардилар, иккинчи марта хато яна қайтарилса, бунақада сизнинг шахсий муҳаррирингиз бўлиб қоламан-ку деб ҳазиллашардилар. Охир-оқибат домла менга «Ўзбек тилининг имло лўғати»ни совға қилдилар-да, «Энди хато кечирилмайди», – деб пўписа қилиб қўйдилар. Роса уялдим, лекин домланинг қилганлари тўғри эди. Шундан бери домла совға қилган китоблар доим столим устида туради. Домлага инглиз тилида ёзилган мақолаларимни кўрсатганимда ҳам унча-мунча сўзларни илмийлаштириб қайтариб берардилар. Домла Оксфорд университетиде малака оширганларининг самараси бу. Улар

ҳозир ҳам ўзбек, рус, форс ва инглиз тилида ёзилган исталган матнни катта маҳорат билан таҳрир қилиб мени лол қолдирадидилар.

2016 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди ва домла ректор этиб тайинландилар. Домла университетнинг тузилиши, профессор-ўқитувчилари, таълим жараёни ва ўқув дастурларини яратишда жонбозлик кўрсатдилар. Домла шунчалик ишга берилган эдиларки, университетга тонг-саҳарда келиб, тун қоронғисида уйга қайтардилар. Уларнинг ёнларида проректорлар, деканлар, кафедра мудирлари ва оддий ўқитувчилар ҳам жавлон уриб меҳнат қилишарди. Биз домланинг меҳнатсеварлигидан завқланар эдик. Улар, худди олдинги институт ва университетларда бўлгани каби, янги университет хоналари деворларининг рангигача қизиқардилар. Ҳар битта ўқув хонасининг моддий-техник таъминоти, ўқитувчи ва талабаларнинг кенг ва ёруғ хоналарда сифатли дарс ўтишларини доимо назорат қиладилар.

Ҳаётда қолдирса ким абадий ном,

Энг бахтли одам шу, хулласи калом.

Домла билан илк бор суҳбатлашганимда 21 ёшда бўлган эканман. Ҳозир 30 ёшдаман. Орадан деярли 10 йил ўтибди. Ортга қараб, албатта, ўша вақтда домла менинг ҳаётимга қанчалик катта таъсир этганларини, уларнинг шарофати билан ўшанда энг тўғри қарорни қабул қилганимни, илм йўлидан бориб ҳеч ҳам кам бўлмаганимни, ҳақиқий бойлик уй-жой, машина ва пул эмас, кимнингдир ҳаётига таъсир қилиб, уларни тўғри йўлга бошлаш лаззати эканини тушуниб етдим.

Домланинг тарбияларини олар эканман, шахс сифатида ниҳоятда ўзгарганимни сездим. Энг муҳими, ота-онам менинг илм дунёсига қўйган муҳаббатимдан бошлари осмонга етди. Мен учун Шухрат Самариддинович – феноменал шахс: улар инсон табиатини аъло даражада тушунадиган одил раҳбар, ўз соҳасини чуқур биладиган етук олим, манманлик ва кибрдан мутлақо йироқ бўлган комил инсон, шогирдларининг ҳар бир муваффақиятидан боши осмонга етадиган ва чин дилдан қувонадиган буюк устоздир.

ИЛМ ЗИЁСИДАН НУРЛАНГАН УМР

Тарих ҳар бир халқнинг ўзлигини кўрсатиб берувчи кўзгудир. Коммунистик мафкура тазйиқи остида ўтмишимиз, адабиёти-мизни ўрганиш бирёқламалик, сохталаштириш кўринишларида олиб борилди. Истиклол, мустақиллик шабадалари миллатимиз тарихи, адабиётини, шу жумладан, Алишер Навоий ҳаёти ва дунёқараши масалаларини бирламчи қўлёзма асарлардан объектив ва холис маълумотлар асосида тиклаш, ўрганиш учун кенг имкониятларни яратиб берди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Самариддинович Сирождиддинов қалбидаги оғриқли нуқталарга ҳам айнан шу мустақиллигимиз малҳам бўлган эди...

Устознинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотларга бир назар ташлар эканмиз, 1987 йили номзодлик диссертацияси мавзусини тасдиқлаш чоғида Илмий кенгаш аъзолари томонидан мавзунинг «XIX аср шоирлари ижодига Алишер Навоийнинг диний дунёқараши таъсири» деб номланиши ғализ деб топилганлиги ва у «Алишер Навоий анъаналари» тарзида ўзгартирилгани ҳақида ўқиб қолдик. Ўша даврда дин ҳақида гапириш, халқимизнинг тарихи, маънавий меросини ўрганиш йўлидаги ҳар бир ҳаракат таъқиб остига олинган эди. Лекин Навоий ижодини ислом динисиз, муқаддас Қуръони каримсиз таҳлил этиб бўладими? Бундай таҳлил, табиийки, ҳақиқатдан йироқ, бирёқлама бўлиб қолади. Устознинг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондига тез-тез мурожаат этиб, илоҳиётга оид қўлёзмаларга кетма-кет буюртма беришини кўрган инсонлар: «Қўй бу ишларни, бунақада ўзингни хароб қиласан», – деб маслаҳат ҳам берган эди. Илм дарёсида эркин сузиш, унинг тўлқинларидан баҳра олиш истагида

ёнаётган инсон бундай вазиятда қафасдаги шер мисол чорасиз қолиши табиийдир. «Анча вақт ич-ичимдан эзилиб юрдим...» – дея хотирлайдилар устоз ўша кунларни эслаб.

1991 йил 31 август. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди. Бу воқеа сабаб Ш. Сирожиддинов қалбидаги аламли ва оғриқли дардларга малҳам топилгандек бўлган эди. Айниқса, миллий-диний кадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимиз меросини юзага чиқариш борасида олиб борилган ишлар сабаб олим катта ғайрат ва кўтаринки руҳ билан яна қўлёзмаларни титишга тушиб, буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини қайта ўрганишга киришган эди. Устоз 1991 йилда «XIX аср Каттакўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари» мавзуидаги номзодлик диссертациясини, 1998 йил июнь ойида эса «Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс манбалари» мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлар. Илмий изланишларининг етук ҳосиласи сифатида «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографияси дунё юзини кўрди. Мазкур китоб мустақиллик йилларида ўтмиш мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини тарихий ва мафкуравий сохталаштириш кўринишларидан тозалаб, уларнинг жаҳон маданияти тизимидаги мақомини реал кўрсатиб берган йирик фундаментал асарлардан биридир.

Устознинг адабиётшунослигимиз ва олий таълим тизими олдидаги хизматлари, фидойилиги таҳсинга сазовор. Ёш авлодни ўз касбининг фидойиси қилиб тарбиялашда устоз босиб ўтган умр йўли ҳар томонлама бизга ибратдир. Илм зиёсидан нурланган бу умр йўллари ўсиб келаётган не-не ёш олимлар, тадқиқотчиларга илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади ҳали. Биз устоз Шухрат Сирожиддиновни табаррук 60 ёш билан муборакбод этамиз!

З.С.ХУРРАМОВА,

*Самарқанд давлат чет тиллар институти
Яқин Шарқ тиллари кафедраси мудири,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

ИНСОНИЙЛИК ВА УСТОЗЛИҚДА ИБРАТ

Устозни юбилеи билан табриклаб, у киши хусусида нимадир ёзиш шогирд учун бахт ва катта масъулиятдир. Айниқса, Устоз таниқли олим ва раҳбар бўлса. Ҳар бир киши ҳаёти давомида эслаганида юрагига ёруғлик тушадиган, кўнгли ёришадиган саноқли инсонлар бўлади. Бу инсонларни қондошлик ришталари эмас, балки инсоннинг инсонга бўлган маънавий-ахлоқий ришталари боғлаб туради. Устоз ҳам шогирдлари учун шундай инсонлардан. Ана шу мезон билан ўлчанганда устоз Шухрат Самариддиновичнинг шогирди эканимдан фахрланаман.

У кишининг инсон сифатидаги фазилатларини атрофидаги барча – каттаю кичик бирдек эътироф этади. Дарҳақиқат, домла ҳалол, сахий ва самимий инсонлар. У кишига шогирд бўлганимга йигирма йилдан ортиқ вақт бўлди. Бу орада устозим билан бўлган ҳар суҳбатда, ҳар бир маслаҳат олиш жараёнида бунга амин бўлиб келганман. Эндигина шогирд тушган вақтларимда турмуш ўртоғим билан у-бу олиб устозимнинг уйларига бордик. «Сизлар янги оиласиз, менга ҳеч нарса керак эмас», – деб, ўзи арзирли нарса бўлмаса-да, шуни ҳам қабул қилмай қайтариб юборган эдилар.

Кўпинча ёши улуғ устозлар компьютерда ишлашни ёқтиришмайди. Балки, сабр етишмаслиги, компьютер саводхонлигининг камлиги ёки кўз нурининг пастлиги бунга сабабдир. Аммо устоз Шухрат Сирожиддинов ўз мақолалари ва китобларини компьютерда ўзлари териб, таҳрир қиладилар. Бир кун устоз менга бир материални юклаб бераман деб ҳар қанча уринмасинлар, дастур ишламади. Шунда ёрдамчиларини чақирдилар, у ишонч билан келиб, «Мана бундай қилсак, ишласа керак», – деб компьютер тугмачаларини босиб кўрди. Бироқ уд-

дасидан чиқа олмади. Устоз унга: «Мен шундай қилиб ололмаганим учун сени чақирдим, дастурни қайта юклаш керак! Мутахассис ходимни чақир», – дедилар кулиб. Шунда домланинг олимлик, раҳбарлик қобилияти билан бирга илғор технологиялардан ҳам яхшигина хабардор эканларини сездим. Бу ҳол кейинчалик диссертациям таҳрири вақтида яна бошқача шаклда такрорланди. Устоз киритишим лозим бўлган ўзгаришларни ҳар бир сатрда стрелка билан алоҳида кўрсатиб рақамлаб чиққан эдилар. Мен эса ўшанда компьютернинг бу имкониятини билмаслигимдан хижолат бўлгандим.

Эсимда, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори бўлиб ишлаганларида 3-курс араб тили йўналиши талабаларига Матншунослик ва манбашунослик фанидан очиқ маъруза қилиб бергандилар. Талабаларга бу фаннинг бугунги даврда қай даражада муҳим экани, диний-миллий адабиётимиз тарихини тўлиқ тиклаш учун араб ёзувини билиш зарурияти ва илмий мақола ёзиш қоидалари ҳақида маълумот бериб, уларга ҳар бир мақолада бир илмий янгилик бўлиши муҳимлигини тунтирган эканлар. Ушбу маъруза талабалар онгида бир умрга муҳрланиб қолди. Талабалар ҳар доим домланинг маслаҳатларини эслашар ва яна маъруза қилиб беришларини қайта-қайта илтимос қилишарди.

Устозни илмий жамоатчилик нафақат манбашунос ва матншунос олим, балки навоийшунослик, таржимашунослик, қиёсий адабиётшунослик, исломшунослик, илоҳиётшунослик ва Шарқ фалсафаси соҳасида ҳам салоҳиятли олим сифатида эътироф этади. У кишининг 30 дан ортиқ китоб ва монографиялари, хусусан, «Адабий манбашунослик ва матншунослик», «Ўзбек матншунослиги қирралари», «Навоийшунослик», «Матншуносликдан сабоқлар», «Ҳижрий ва милодий йилларни ўзаро табдил қилиш усуллари» «Ислом фалсафасига кириш: калом илми», «История религий», «Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари» ва бошқа қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари шу соҳалардаги янгича қарашлар асосида ва янги илмлар асосида яратилганини таъкидлаш лозим.

Раҳбар сифатида устозим ҳар доим ҳар бир ишни тартиб ва меъёрига етказиб, бир қадам олдинни ўйлаб амалга оширади-

лар. Жамоага қандай тартибда бажариш лозимлигини аввал ўзлари намуна бўлиб кўрсатадилар, сўнг шу тартибда жамоадан талаб қиладилар.

Устоз, олтин бошингиз омон бўлсин, соғ-саломат бўлинг. Фарзандлар ва шогирдларингизнинг яхши кунларини, муваффақиятларини кўриб юринг. Ўзбекистон илми, маданиятига узоқ йиллар давомида катта-катта изланишлар билан ўз ҳиссангизни қўшишингизни Аллоҳ насиб этсин, илоҳим.

Раъно ТОШНИЁЗОВА,

филология бўйича фалсафа доктори (PhD),

Ипак йўли туризм ва маданий мерос халқаро университети

Туризм ва маданий мерос факультети декани

ФАН ФИДОЙИСИ ВА БЕНАЗИР ИНСОН

Ўзбекистон заминида илмий салоҳияти ҳамда инсонийлиги муштарак бўлган, сермахсул фаолият юритган, жамият эътирофига сазовор бўлган улуғ олимлар, жамоат арбоблари кўплаб етишиб чиққан. Шундай инсонлардан бири филология фанлари доктори, профессор Шухрат Самариддинович Сирожиддиновдир.

Устоз барчага бирдек муносабатда бўлади, шогирдларга жонкуяр, юксак салоҳияти билан йўл кўрсатади, у киши мен учун отамдек улуғ инсон. Шухрат Самариддиновични илгаридан билсам-да, илм соҳасида яқиндан ҳамсуҳбат бўлиш 2014 йилдан бошланди. «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» монографиясини Ўрта Осиё диний-фалсафий таълимотлари, калом илми, ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари, тасаввуф ва илоҳиёт ҳақидаги нашрлари билан танишиб, устозни излашга тушганман. Самарқанд давлат чет тиллар институтида фаолият юритган кезлари эди. «Ислом илоҳиётига қизиқасизми?» – дея барча ишларини четга суриб, мен билан суҳбатга киришиб кетдилар ҳамда хонадан менга бир кучоқ китоб бериб кузатдилар. Ўша кундаги ҳаяжон, хурсандчилик ва масъулият ҳисси ҳамон ёдимда.

Шухрат Самариддиновичнинг олдига – Тошкентга тез-тез бориб турдим, илмий ишим ҳақида маслаҳатлашдик. Домла тадқиқотчи учун муҳим нарса ҳисобланган мавзунинг асл манбаларини, тегишли бир қанча янги соҳаларни ҳам ўрганишни маслаҳат бердилар. Бу маслаҳатлари ва таклифларини қабул қилиб, илмий ишимни бошладим. Илмий фаолиятим давомида устознинг сиймоси ва сийратида мен XXI асрнинг тараққий-

парвар олимни, миллат илм-фани учун қайғурадиган, курашувчан, ҳақиқий меҳнаткаш ўзбек зиёлисини, ҳамкасбларга, жамоага ғамхўр раҳбар, замон билан ҳамнафас, ҳамқадам инсонни кўраман.

Чин илм олимни абадийликка муҳрлайди. Устоз раҳбарлигида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ўзбек адабиёти тарихининг, навоийшуносликнинг тараққий этишига хизмат қилмоқда. Ушбу йўналишларда илмий изланишларни бажараётган кўплаб олим ва олималар матншунослик ва адабий манбашунослик, навоийшунослик мактабининг муносиб ворислари бўлиб етишмоқдалар. Умид қиламанки, юртимиз илм-фанини янги босқичга чиқараётган ушбу мактаб сермаҳсул, бардавом бўлади.

Абдуғани НАСРИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

РАҲБАР

Ҳаётимнинг бурилиш нуқталаридан бири Ўзбекистон Миллий университетиде ўқиётган вақтим содир бўлди. Мен ўша пайтда тўртинчи босқич талабаси эдим. Бир танишим ўзи ишлаётган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини таърифлаб, у ерда биринчи проректор бўлиб ишлаётган профессор Шухрат Сирожиддинов деган инсон ёш, иқтидорли талабаларни атрофига тўплаб тарбиялаётгани ва ишга жойлашишга ёрдам бераётгани ҳақида гапириб қолди. Менда ўша одам билан учрашиш истаги туғилди. Хуллас, беш-олти нафар талаба тўпланиб, у кишининг олдига боришга қарор қилдик. Кириш эшигидаги ёзувга қарадим: «Сирожиддинов Шухрат Самариддинович – Маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор». Қабулхонага кириб чақирдишларини кутиб турдик. Олдиларига кириб чиқаётган ходимларининг юриш-туриши ва гапиришига ҳавасим келди. Шундай салоҳиятлилар олдида ўзимда бир ноқулайлик сездим. «Ҳойнаҳой, мен ёқмасам керак» деган фикр ўтди кўнглимдан. Қабулга келган одамларнинг гапларига қулоқ тутардим, уларнинг проректор ҳақидаги фикрларини жон қулоғим билан тинглардим. Ниҳоят навбат етиб, суҳбатларига кирдик. У киши биз билан суҳбатлашиб, режаларимиз билан қизиқдилар, қандай китоблар мутолаа қилишимиз, охириги ўқиган китобимизнинг номини сўрадилар. Саволларга ҳаминқадар жавоб бердик. Сўнг ёрдамчиларини чақириб, ҳаммаларига матн беринг, компьютерда ишлай олиш ва саводхонликларини билайлик деб матн теришни буюрдилар. Барча ўзига берилган топшириқларни бажаришга киришиб кетди. Матнларни териб, қоғозда олиб кирдик. Ишлари кўп бўлса-да, вақт ажратиб терилган матнларни ўқиб, хатоларимизни қизил қаламда белгилаб, олдиларига чақирдилар. Камчиликларимизни бирма-бир айтиб, менга навбат келганда сўрадилар:

– Исмингиз нима эди?

– Абдуғани.

– Сизда ёмон эмас, аммо ҳ билан х ни кўп адаштирар экансиз, тиниш белгиларида ҳам хатоларингиз бор. Сизга ўзбек тилининг имло қоидаларини олиб, ўқиб-ўрганиб хатоларингиз устида ишлашни тавсия қиламан, – дедилар.

Барчамизга шу университетга ҳафтада икки-уч марта келиб, топшириқлар олиб туришимиз кераклигини айтдилар, вазифаларни бажаришда ўзини кўрсатиб, яхши ишлаганларни келгусида ишга олиб қоламиз деб таъкидладилар.

Шу тариқа ҳафтада икки-уч марта ўқишдан кейин университетга бориб, устоз берган топшириқларни бажарадиган бўлдим. Кейинчалик мени ушбу университет ички назорат ва мониторинг бўлимига ишга қабул қилишди. 2011 йил кузида маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор котиби сифатида иш бошладим. Иш бошланишидан аввал устоз менга шундай эслатма бердилар: бу даргоҳ шундай жойки, раҳбар ёрдамчиси – раҳбарнинг юзи, ҳар хил инсонлар келади, турли сўров ва телефон қўнғироқлари бўлади, улар билан суҳбатда ёки саволларга жавоб берганда, албатта, минг марта ўйлаб кейин жавоб бериш керак, энг муҳими, мулоқотда муомала катта ўрин тутади.

Устоз билан ишлаш жараёнида у кишидаги масъулият, ишга садоқат, топшириқларни ўз вақтида бажариш, атрофида жипс жамоани шакллантириб, вазифаларнинг (тунги соат ўн-ўн иккига қадар ўтириб бўлса-да) ижросини таъминлашларига қойил қолардим. Бу шижоат, шахд, метин ирода, фидойилик ва бурчга садоқат, раҳбар сифатида шунча ишлардан ортиб шогирдларга ҳам вақт сарфлашларини кўриб Алишер Навоийнинг «Барча юкни тортдим, бурчдан оғирроқ юк кўрмадим» деган иқрори ёдимга келарди. Мен у кишидан бурчга садоқат ва бошланган ишни охирига етказиш каби фазилатларни ўргандим. Булар ҳаётда ўз ўрнимни топишда катта ёрдам берди десам муболаға бўлмайди.

2012 йилнинг ўн иккинчи ёки ўн учинчи феввалида устоз: «Мен Самарқандга кетар бўлдим. Самарқанд давлат чет тиллар институтига ректор қилиб тайинлашди», – деганларида роса хафа бўлганман. 2012 йилнинг апрель ойида мен ҳам

домла билан бирга ишлашга жазм этиб, Самарқанд шаҳрига бордим. Ушбу институтда бирга ишлаган даврим мен учун энг катта мактаб бўлди. Домла доимо фойдали маслаҳатлар берар, сабрли бўлишни уқтирар эдилар. Институтни оёққа турғизиш учун кечаю кундуз ишлашга тўғри келади, бу осон эмас, шу қийинчиликларга тайёرمىсан деганларида тайёрман деб берган жавобимдан бугун афсусланмайман. Таълим жараёнида ректор ва талаба ўртасида дўстона муҳитни яратдилар ва ҳар бир талаба бирор ташаббус ёки мурожаат билан келса, албатта, уларни жойида ҳал қилиб, талабалар меҳрини қозондилар. Нафақат талабалар, институтда хизмат қилаётган профессор-ўқитувчилар ичида ҳам ўзларининг олимлик даражалари, янгиликка интилувчанликлари, янги ташаббус ва ғояларни илгари суриб, уни амалга оширишда барчани бирдай тутишлари натижасида институтда туб ўзгаришлар бўлди. Институт жамоасини янги ғояларни амалга ошириш учун руҳлантирар, ҳам моддий, ҳам маънан қўллаб турардилар. Кечалари билан тинимсиз ишлар ва ҳар кун иш ниҳоясида (тунги 01:00 ёки 02:00 га қадар) ўз хоналарида қолиб, кейинги кун режасини тузардилар. Ишлар ҳар қанча кўп бўлмасин, атрофларига илмга чанқоқ талабаларни йиғиб «Ёш таржимонлар клуби»ни шакллантирдилар. Устоз-шоғирд тизимини йўлга қўйиб, иқтидорли талаба ва профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва чет эл олийгоҳларига ўқишга юбордилар, Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида институт рейтинги, нуфузи кўтарилди.

2014 йил апрель ойида домлани ЎзМУга биринчи проректор қилиб тайинлашди. Орадан кўп ўтмай – 2015 йилда ЎзМУ ректори этиб тайинландилар. Бир йил ўтиб – 2016 йил 13 майда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди ва Ш.Сирожиддинов ректор бўлдилар. Мен яна у кишининг ёнларига қайтдим. Бу университет янги ташкил этилганлиги сабабли университетнинг ўқув ишлари, илмий ишларни ташкил этиш, кадрларни ишга олиш, биноларнинг қурилиш жараёнида бир зум тиним билмадилар, туну кун ушбу университет олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва нуфузини кўтаришга ҳаракат қилдилар.

Халқимизда «Юк кўтарган юзага чиқади» деган мақол бор.

II. ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

Isa HABIBBEYLI,

Akademik, Ozarbayjon FA vitse prezidenti, Nizomiy Ganjaviy nomidagi Adabiyot instituti direktori, Milliy Majlis Senatori

SHUHRAT SIROJIDDINOV OZARBAYJON- O'ZBEK ADABIY-ILMIY ALOQALARI JONKUYARI

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti rektori, professor Shuhrat Sirojiddinov nafaqat O'zbekistonda, balki turkiy dunyoda, jumladan, Ozarbayjonda ham ilmiy ishlari bilan keng jamoatchilikka tanilgan. Shuhrat Sirojiddinov timsolida biz atoqli navoiyshunos olimni va buyuk oliy maktab asoschisini taniymiz. Shuhrat Sirojiddinov o'zbek navoiyshunosligining mustahkam asoslarini yaratgan, navoiyshunoslikni yangi taraqqiyot darajasiga olib chiqqan atoqli olimdir. Shuhrat Sirojiddinovning tadqiqotlaridan oldin o'zbek navoiyshunosligida ko'proq solnomashunoslik, matnshunoslik yo'nalishlari rivojlandi. Shuhrat Sirojiddinov yirik navoiyshunos olim sifatida o'zbek navoiyshunosligining solnomashunoslikdan, matnshunoslikdan ilmiy tadqiqotga, ilmiy-nazariy darajaga ko'tarilishida katta rol o'ynadi.

Shuhrat Sirojiddinovning Alisher Navoiy haqidagi tadqiqotlari o'zbek navoiyshunosligining qimmatli ilmiy merosi bo'lish bilan birga butun dunyoda taraqqiy etgan navoiyshunoslik ilmiga qo'shilgan salmoqli hissadir. Shuningdek, Shuhrat Sirojiddinov buyuk oliy maktab asoschisi hisoblanadi. U uchta oliy o'quv yurti rektori bo'lish baxtiga muyassar bo'lgan nodir olimlarimizdan, Samarqand davlat chet tillar universiteti ham, O'zbekiston Milliy universiteti ham, Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti ham uning rektorlik davrida juda tez sur'atda rivojlandi. Darhaqiqat, Shuhrat Sirojiddinov Alisher Na-

voiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universitetining asoschisi va rektoridir. Hozirgi kunda ushbu universitet professor Shuhrat Sirojiddinovning aniq maqsadli ilmiy-tashkiliy ishlari tufayli butun dunyoda tanildi va juda katta ilmiy aloqalarga ega bo'ldi.

Shuhrat Sirojiddinovning Ozarbayjon bilan nihoyatda yaqin do'stlik va hamkorlik aloqalari bor. Uning Nizomiy Ganjaviy nomidagi Adabiyot instituti, Qo'lyozmalar instituti, Ozarbayjon Yozuvchilar uyushmasi, Ozarbayjon Tillar universiteti bilan aloqalari ozarbayjon-o'zbek adabiy-ilmiy aloqalarining qimmatli sahifalarini tashkil etadi. Mustaqillik davrida ozarbayjon-o'zbek adabiy aloqalarining shakllanishi va rivojida professor Shuhrat Sirojiddinovning alohida o'rni borligini ham ta'kidlashim shart. Shuhrat Sirojiddinov ozarbayjon-o'zbek adabiy-ilmiy aloqalarini rivojlantirishdagi xizmatlari uchun Nizomiy Ganjaviy adabiyot institutining faxriy doktori unvoniga sazovor bo'ldi.

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universitetida Shuhrat Sirojiddinov tomonidan yaratilgan Muhammad Fuzuliy nomidagi Ozarbayjon madaniyat, ta'lim va tadqiqot markazi, Nizomiy Ganjaviy nomidagi adabiyot institutida biz yaratgan Alisher Navoiy nomidagi adabiyotshunoslik markazi o'lkalarimiz madaniyati, adabiyotining o'zaro tadqiqiga katta hissa qo'shmoqda. Shuhrat Sirojiddinov – ozarbayjon xalqi va olimlarimizning juda yaqin do'sti. Professor Shuhrat Sirojiddinov tufayli O'zbekistonda adabiyotshunoslik, matnshunoslik, ilm, oliy maktab qurilishi XXI asrda eng yuqori pog'onalarga ko'tarilmoqda. Yaqin do'stimiz, yetuk o'zbek olimi, buyuk o'zbek oliy maktabi asoschisi, professor Shuhrat Sirojiddinovni 60 yoshi bilan chin yurakdan tabriklayman, unga sihat-salomatlik va muvaffaqiyatlar tilayman.

Alizade ASGARLI,
*Filologiya fanlari doktori, Nizomiy Ganjaviy
nomidagi Adabiyot instituti (Azərbaycan)*

PROFESSOR ŞÖHRƏT SIRACƏDDİNOV – MÜASİR ÖZBƏK NƏVAİŞÜNASLIĞININ GÖRKƏMLİ NÜMAYƏNDƏSİ

Müstəqillik dövrü qardaş Özbəkistanın elmi-mədəni həyatında yeni dövrün əsasını qoyanlardan biri də görkəmli alim, Azərbaycan elmi-mədəni mühitində yaxşı tanınan professor Şöhrət Siracəddinovdur. Məlumdurki, Azərbaycanda olduğu kimi, Özbəkistanda da 1990-cı illərin əvvəllərindən etibarən ictimai və humanitar elmlərin öyrənilməsi istiqamətində yeni təmayüllər ərsəyə gəlməyə başladı. Özbək nəvaişünaslığına həmin dövrdə bir sıra istedadlı gənclər qədəm qoydu. Onlardan biri də Şöhrət Siracəddinov idi. Bu alim nəvaişünas bir çox tədqiqatların müəllifi olduğu kimi, eyni zamanda dərsliklər və dərs vəsaiti də yazmışdır. Professor Şöhrət Siracəddinovun xarici ölkələrdəki həmkarları və filoloq alimlərlə birlikdə dərsliklər və dərs vəsaitlərinin yaradılmasına da ciddi fikir verdiyini müşahidə etdik.

Özbəklər geniş coğrafiyada yaşayan türk xalqları içində qədim və zəngin ədəbiyyatı ilə seçilən xalqlardan biridir. Özbək ədəbiyyatının zirvəsində, heç şübhəsiz ki, Əlişir Nəvainin zəngin bədii irsi durmaqdadır. Hər zaman olduğu kimi bu gün də qardaş özbək ədəbiyyatşünaslığında aparılan tədqiqatlarda Əlişir Nəvainin həyatı, mühiti və yaradıcılığının öyrənilməsi xüsusi yer tutur. Buna görə də qardaş Özbəkistanda və dünyada ayrıca nəvaişünaslıq istiqaməti formalaşmış və bu xəttin görkəmli nümayəndələri hər zaman olmuş və olmaqdadır. Daşkənd Özbək Dili və Ədəbiyyatı Universitetinin rektoru, filologiya elmləri doktoru, professor Şöhrət Siracəddinov öz zəngin elmi fəaliyyəti ilə özbək nəvaişünaslığını yeni mərhələyə yüksəldən tanınmış alimlərdən biridir. Onun nəvaişünaslığa dair tədqiqatları təkcə Özbəkistanda deyil, dünyanın bir çox ölkələrində ciddi elmi mənbə kimi qəbul edilməkdədir. Professor Şöhrət Sira-

cəddinov 1990-cı illər Özbəkistan ictimai-humanitar elmləri sahəsində mühüm nailiyyətlər əldə edib və yeni elmi təmayüllərin yaranması istiqamətində müstəqillik dövrü özbək elmi-mədəni fikrinə böyük elmi töhfələr verib. O, ən yeni dövr özbək nəvəişünaslığının görkəmli yaradıcılarından biridir.

Professor Şöhrət Siracəddinov – 23 iyul 1961-ci ildə Özbəkistan Respublikası Səmərqənd Vilayətinin Kattakurqan rayonunda dünyaya gəlmişdir. 1978 – 1984-cü illərdə Daşkənd Dövlət Universitetinin (hazırda Özbəkistan Milli Universiteti) Şərq fakültəsində oxumuş, fars-ingilis dilləri və ədəbiyyatı ixtisası üzrə filoloji təhsil almışdır. Şərq fakültəsində müəllim kimi elmipedaqoji fəaliyyətə başlamış, sonra isə Səmərqənd Dövlət Universitetində müəllimlik fəaliyyətini davam etdirmişdir. Görkəmli alim 1998 – 2002-ci illərdə İmam Əl-Buxari Beynəlxalq Fondu sədrinin müavini vəzifəsində çalışmış, 2003 – 2005-ci illərdə Dünya İqtisadiyyatı və Diplomatika Universitetinin Fəlsəfə və dünya mədəniyyəti kafedrasının professoru və kafedra müdiri vəzifəsinə seçilmişdir.

Professor Şöhrət Siracəddinov 2005 – 2012-ci illərdə Özbəkistan Dövlət Xarici Dillər Universitetinin Birinci prorektor, 2012 – 2014-cü illərdə Səmərqənd Dövlət Xarici Dillər İnstitutunun rektoru vəzifəsinə təyin edilmişdir. 2014 – 2016-cı illərdə Mirzə Uluqbəy adına Özbəkistan Milli Universitetinin rektoru vəzifəsində çalışan tanınmış elm və tədris təşkilatçısı 2016-cı ildən Əlişir Nəvai adına Daşkənd Dövlət Özbək Dili və Ədəbiyyatı Universitetinin rektorudur.

Professor Şöhrət Siracəddinov mühüm dövlət vəzifələrində çalışmış tanınmış elm təşkilatçısıdır. Eyni zamanda o, şərqşünas və filoloq alim kimi özünü daha geniş miqyasda təqdim etməyi bacarmışdır. Təsdüfi deyil ki, professor Şöhrət Siracəddinov 14 monoqrafiyanın, 6 dərslik və dərs vəsaitinin, 200-ə qədər elmi, elmi-kütləvi və tədris-metodik məqalənin müəllifidir. Professor Şöhrət Siracəddinov 1991-ci ildə Səmərqənd Dövlət Universitetinin akademiki Batır Vəli Xocayevin rəhbərliyi ilə «XIX əsr Kattakurqan şairləri yaradıcılığında Əlişir Nəvai ənənələri», 1998-ci ildə professor Həmid Süleymanov adına Əlyazmalar İnstitutunun Dissertasiya Şurasında – «XV – XIX əsrlərdə yaradılmış fars mənbələri Əlişir Nəvainin həyat və fəaliyyəti üzrə» mövzusunda doktorluq dissertasiyaları

müdafiə etmişdir. Dəyərli tədqiqat əsərləri ilə o, nəvaişünaslığına qiymətli töhfələr vermişdir.

Təkcə namizədlik və doktorluq işləri ilə deyil, professor Şöhrət Siracəddinov daha sonrakı illərdə də nəvaişünaslığın beynəlxalq miqyasda inkişafı üçün özünün məzmunlu tədqiqatlarını davam etdirmişdir. Onun xarici ölkələrdəki əlyazma fondlarında fəaliyyəti hesabına nəvaişünaslıq yeni mənbələr və qaynaqlarla zənginləşmişdir. Bu istiqamətdə Şöhrət Siracəddinov 2002 – 2003-cü illərdə Böyük Britaniyanın Oksford Universitetində Bodlean kitabxanası, Britaniya Muzeyi və Oksford Universiteti nəzdindəki Şərqsünaslıq İnstitutu Əlyazmaları Fondunda Əlişir Nəvainin həyatı və əsərləri ilə bağlı çoxsaylı əlyazmaları araşdırmışdır.

2011-ci ildə apardığı yeni araşdırmaların nəticəsində o, «Əlişir Nəvai: mənbələrin müqayisəli-tipoloji, tekstoloji təhlili» adlı qiymətli monoqrafiyanı ərsəyə gətirmişdir. Müstəqillik dövrü özbək elmi-nəzəri fikrinin mühüm nailiyyətlərindən biri olan bu monoqrafiya ilə Şöhrət Siracəddinov görkəmli şair Əlişir Nəvainin XV əsrdən günümüzdə qədərki Mərkəzi Asiya, İran, Türkiyə və Hindistandakı farsdilli, türkdilli əlyazmalarını aşkara çıxarmış, onları təhlilə cəlb edərək nəvaişünaslığın zənginləşməsinə qiymətli töhfə vermişdir. Onun ardıcıl axtarışları və səyləri nəticəsində nəvaişünaslığın salnaməsinə həm çoxsaylı nadir əlyazmalar əlavə olunmuş, həm də əldə olunmuş əlyazmaların müqayisəli təhlili nəticəsində yeni elmi-nəzəri müddəalar meydana çıxmışdır. Bu məqsədlə professor Şöhrət Siracəddinov Avropa və Şərq dillərində yazılmış elmi qaynaqları da diqqətlə öyrənərək təhlildən keçirmiş və bütün bunların əsasında nəvaişünaslığın əhatə dairəsini genişləndirmişdir. Monoqrafiyada elmi təhlillər üç istiqamətdə aparılmışdır: mənbəşünaslıq-tekstoloji təhlillər görkəmli şair haqqında bütün ədəbi-elmi qaynaqların siyahısı xronoloji olaraq təqdim edilmişdir. XV əsrin ikinci yarısından XX əsrə qədərki mənbələrdə şairin həyat və fəaliyyətinə aid 100-ə qədər əlyazma əsəri, 300-ə yaxın əlyazma və daşbasma nüsxələri öyrənilərək, müqayisəli-tənqidi və tipoloji-tekstoloji meyarlar əsasında təhlil edilərək dəyərləndirilmişdir.

İkinci elmi-tənqidi istiqamət mövcud ədəbi-bədii xülasələrin tənqidi surətdə təftişi, sənətkarın həyatı və irsinin mənbələr, əlyazmalar əsasında bərpası ilə bağlıdır.

Üçüncü istiqamət XV – XIX əsrlərdə Mərkəzi Asiya, İran, Türkiyə və Hindistanda Əlişir Nəvaiyə münasibət, həmin dövrdə müxtəlif müəlliflərin şairin tərcümeyi-halı və ədəbi və ictimai-siyasi fəaliyyətinə yanaşma meyarları, obektiv və subektiv prinsiplərinin müəyyənləşdirilməsi ilə əlaqəlidir. Professor Şöhrət Siracəddinov bu yöndə xeyli yeni məlumat, ədəbi sənədlər və hökmlər, habelə mədhiyyə nümunələrini üzə çıxarıb, Əlişir Nəvainin bioqrafiyasını və biblioqrafiyasını bərpa etmək kimi məsuliyyətli işi böyük uğurla yerinə yetirmişdir. Beləliklə, monoqrafiyada Əlişir Nəvainin mükəmməl elmi tərcümeyihalı və yaradıcılığının bütöv və sistemli elmi mənzərəsi canlandırılmışdır.

Professor Şöhrət Siracəddinov elmi-pedaqoji istiqamətdə qiymətli dərslər və dərslər vəsaitləri yazmışdır. Onun «İslam fəlsəfəsinə giriş: kəlam elmi», «Dinlərin tarixi» dərsləkləri hazırda Özbəkistan Beynəlxalq İslam Akademiyası və Daşkənd Dövlət Şərqşünaslıq İnstitutunda, «Nəvaişünaslıq», «Özbək ədəbiyyatının fəlsəfi qaynaqları», «Mətnşünaslığın xüsusiyyətləri», «Mətnşünaslıq dərsləri», «Bədii tərcümənin əsasları» dərsləkləri isə Özbəkistan Dövlət Dünya Dilləri Universiteti və Əlişir Nəvai adına Daşkənd Dövlət Özbək dili və Ədəbiyyatı Universitetlərində əsas dərslər kimi istifadə olunmaqdadır. Qeyd edək ki, «Bədii tərcümənin əsasları» Özbəkistanın dövlət müstəqilliyi şəraitində yaradılmış ilk bədii tərcümə dərslidir.

2016-cı ildən görkəmli alimin elmi-ictimai fəaliyyətində yeni mərhələ başlayıb. Professor Şöhrət Siracəddinovun rektor kimi fəaliyyəti Əlişir Nəvai adına Dövlət Özbək Dili və Ədəbiyyatı İnstitutunda, habelə respublikanın elmi-ədəbi və mədəni mühitində böyük canlanmaya səbəb olmuşdur. Elm təşkilatçısı Şöhrət Siracəddinovun təşəbbüsü ilə Özbək Dili və Ədəbiyyatı Universitetində ədəbi mənbəşünaslıq və mətnşünaslıq, tərcümə nəzəriyyəsi və praktikası, xarici dillər qruplarında özbək dili, naşirlik işi, türkologiya, bələdçi müşayiəti, tərcüməçilik, kompüter linqvistikası, sinxron tərcümə, kompüter qrafikası və dizayn kimi tədris istiqamətləri və ixtisaslar təşkil edilmişdir. Hazırda Univiersitetdə Türk Dili və Mədəniyyəti mərkəzi, Rus Dili və Mədəniyyəti Mərkəzi, Beynəlxalq Dil Mərkəzi, Çin Dili və Mədəniyyəti Mərkəzi, Koreya Dili və Mədəniyyəti Mərkəzi, Məhəmməd Füzuli adına Azərbaycan Mədəniyyət Mərkə-

zi, habelə başqa beynəlxalq statuslu mərkəzlər fəaliyyət göstərir. Daşkənd Dövlət Özbək Dili və Ədəbiyyatı Universiteti Rusiya, MDB dövlətləri, Çin, Yaponiya, ABŞ, Türkiyə, Koreyadakı oli təhsil müəssisələri ilə əməkdaşlıq edir.

Xüsusilə, professor Şöhrət Siracəddinov Özbəkistan və Türkiyə, habelə türkdilli dövlətlərin elmlər akademiyaları və ali təhsil müəssisələri ilə əməkdaşlıq əlaqələrini genişləndirib. Alimin təşəbbüsü ilə Türkiyənin bir çox Universiteti, o cümlədən, İstanbul Mədəniyyət Universiteti, Mərmərə, Afyon, Uşak, Hacı Bayram Vəli, Karabük, Bandırma Universitetləri, habelə Türk Dil Qurumu, Türk Ədəbiyyatı Vəqfi, Türk Dünyası Tədqiqatları Vəqfi, Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyasının Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutu, Nəsimi adına Dilçilik İnstitutu, Məhəmməd Füzuli adına Əlyazmalar İnstitutu, Azərbaycan Dillər Universiteti, Naxçıvan Dövlət Universiteti, Tatarıstan Respublikasının Kazan Federal Universiteti, Tatarıstan Elmlər Akademiyası, Başqırdıstan Elmlər Akademiyası, Qazaxıstandakı Qumilyov adına Avrasiya Milli Humanitar Universiteti, Əbu Nəsir Fərabi adına Qazaxıstan Dövlət Universiteti ilə geniş əlaqələr quraraq ortaq elmi-mədəni tədbirlər həyata keçirməyə nail olmuşdur. Rusiya Federasiyasının Moskva Dövlət Universiteti, Moskva Beynəlxalq Münasibətlər İnstitutu, Moskva Dövlət Linqvistika Universiteti, Nijni-Novqorod Linqvistika Universiteti, Tümen Universiteti və MDB məkanındakı başqa universitetlərlə geniş həmkarlıq, işgüzarlıq əlaqələri yaradılmışdır. Daşkənd Özbək Dili və Ədəbiyyatı Universiteti eyni zamanda ABŞ, Yaponiya, Koreya, Çin Xalq Respublikası, Hindistan, Böyük Britaniya, Almaniya, Fransa, Əfqanıstan və dünyanın başqa ölkə universitetlərində özbək dilinin öyrədilməsi və tədrisi işlərini həyata keçirmiş, proqramlar hazırlayıb nəşr etdirmişlər.

Professor Şöhrət Siracəddinov bu sahədə ölkə alimləri ilə birlikdə dərslilər və dərs vəsaitlərinin yaradılmasında bütün qüvvə və bacarığını sərf edir. Hazırda Türkiyə Universitetləri ilə magistrələr üçün proqramlar, turizm, kompüter qrafikası və dizayn, eləcə də türk dillərinin tədrisi üzrə birgə layihə proqramları hazırlayaraq tətbiq edilir. Universitetdə 2018-ci ildə keçirilmiş Özbək dili və beynəlxalq türkologiya konfransı türkdilli xalqların dili, ədəbiyyatı və mədəniyyətini öyrənmək və təbliğ etmək məqsədinə xidmət edib. 2016-cı ildən isə «Əlişir Nəvai və XXI əsr» mövzusunda ənənəvi

beynəlxalq konfranslar keçirilib. 2019-cu ilin avqustunda keçirilmiş «Özbək ədəbiyyatı və onun beynəlxalq miqyasda öyrənilməsi məsələləri» mövzusunda beynəlxalq konfrans isə ədəbi-mədəni həyatın humanitar problemlərinə həsr olunub.

Professor Şöhrət Siracəddinov regional və beynəlxalq elmi mühitdə geniş fəaliyyət imkanlarına malikdir. Bu səbəbdən görkəmli ədəbiyyatşünas və mətnşünas alim Özbəkistan Respublikasının ədəbiyyat istiqaməti üzrə birinci dərəcəli Dövlət Mükafatı laureatıdır, AMEA Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutunun Elmi şurasının 21 fevral 2020-ci il tarixli qərarı ilə professor Şöhrət Siracəddinova Fəxri doktor elmi dərəcəsi verilmişdir. Oksford İslam Tədqiqatları Mərkəzinin fəxri üzvü (Böyük Britaniya), Mərkəzi Asiya Tədqiqatları Beynəlxalq Assosiasiyasının həmsədri (Koreya), Avrasiya Türk Araşdırmaları İnstitutunun elmi məsləhətçisi (Koreya), Daşkənd Dövlət Şərqsünaslıq İnstitutu, Özbəkistan Dövlət Xarici Dillər Universiteti və Özbəkistan Milli Universiteti nəzdindəki doktorluq şuralarının üzvü, Özbəkistan Respublikası Etnoqrafiya Komissiyası sədrinin müavini. «Xarici Filologiya» (2012 – 2014), «Özbəkistan Milli Universitetinin xəbərləri» (2014 – 2016), «Altun bitiglər» (2018-ci ildən) «Beynəlxalq Özbəkistan dili və mədəniyyəti» (2019-cu ildən), elmi jurnallarının baş redaktoru və redaksiya heyətinin üzvüdür. Habelə professor Şöhrət Siracəddinov AMEA Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutunun «Müqayisəli ədəbiyyatşünaslıq, AMEA-nın Türkologiya» (Azərbaycan), «The Journal of Eurasian Turkic Studies» (Koreya), «The World of central Asia/ International Journal of Humanities» (Özbəkistan), «Dünya ədəbiyyatı» (Özbəkistan), «Zvezda Vostoka» (Özbəkistan), «İmam Buxari Sabokları» (Özbəkistan), «Filologiya məsələləri» (Özbəkistan), «Yer üzü» (Özbəkistan), «Yashlıq» (Özbəkistan), Özbəkistan EA Dil, Ədəbiyyat və Folklor İnstitutunun «Özbək dili və ədəbiyyatı» jurnallarında redaksiya heyətinin üzvüdür.

Qeyd etdiyimiz kimi, professor Şöhrət Siracəddinov tək-cə alim kimi deyil, eyni zamanda, Özbəkistanda elmin təşkili və idarələnməsində də çox yüksək səviyyədə iştirak etməkdədir. Onun hazırda rəhbərlik etdiyi Daşkənd Özbək Dili və Ədəbiyyatı Universiteti ilə Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutunun qarşılıqlı sıx əməkdaşlığı vardır. Bu qarşılıq-

